



ДАВОКИ АДИН АЛИ

07



Джангар





и(74рк)  
A 50.

# САБОҲИДДИН АЛИ

# Дикоҳар




07

БИБЛЮТЕКА КИЛ	
Инз. №	62862
195 г.	

ЎЗ ССР ДАВЛАТ  
БАДИИМ АДАБИЕТ НАШРИЕТИ  
ТОШКЕНТ - 1959

Туркчадан таржима  
Тұпловчы Е. И. Маштакова



## САБОҲИДДИН АЛИ ВА УНИНГ ИЖОДИ

Сабоҳиддин Алини турк халқи жуда яхши билади, асарлари дунёдаги кўпгина тилларга таржима қилингани учун унинг номи ва ижоди Туркиядан ташқарида ҳам маълумдир. Халқнинг чинакам дўстлари Сабоҳиддин Али ижодини ардоқласалар, реакционерлар унинг номини нафрат билан тилга оладилар. Ижоди шунчалик қарама-қарши муносабатга сабабчи бўлган бу ёзувчининг ўзи ким? Ижодий ва ижтимоий фаолияти ҳаммани қизиқтирадиган бу инсоннинг ўзи ким?

Сабоҳиддин Али узоқ умр кўргани йўқ, у қирқ йилдан сал кўпроқ яшаб, шу қисқа умрининг ярмини адабиётга бағишлади. Унинг ҳикоялари, роман ва шеърлари ҳозиргача яшаб келмоқда. Энг мухими шуки, ёзувчи ўзининг ҳар бир сатри, ниҳоят, бутун ҳаёти билан халқ қалбида уйғотиб келган ҳис-туйғулар — Туркияning озодлиги ва мустақиллиги учун, халқ баҳти учун қурашаётган илгор кишиларга нисбатан чуқур муҳаббату ҳурмат, мамлакат асоратчиларига нисбатан чексиз нафрат — оддий меҳнаткашлар қалбида яшаб келмоқда. Сабоҳиддин Али ўз халқини ғоят севар эди. У халқини яхши билганлиги, унга яқин турганлиги, унинг порлоқ истиқболи учун яшаганлиги туфайли уш севар эди.

Сабоҳиддин Али (1907—1948)нинг болалик ва ёшлик йиллари Фарбий ва Марказий Анатолиянинг вилоят-

ларида, кичик шаҳар ва қишлоқларида ўтди. Унинг отаси армия капитани бўлиб, жойдан жойга кўчиб юарар эди. Сабоҳиддин Али дастлаб вилоят мактабларида ўқиди, сўнгра ўқитувчилар семинариясига кирди, ўқиш тামом бўлиб қолай деганда Истамбулга кўчирилиб, ўша ерда ўқишини тутатади. У, 20 ёшидан бошлаб чекка вилоятларда ўқитувчилик қила бошлади. Ёзувчи ана шу жойларда турк жамиятининг турли табақалари ҳаётини ўрганди, ана шу жойларда у бўлғуси қаҳрамонлари орасида яшади, Туркия оддий меҳнаткашларининг дардига ҳам, қувончига ҳам ҳамдам бўлди. Сабоҳиддин Али ҳаёти давомида нималарни кўрди, у умрининг сўнгги дамигача нималар ҳақида ёзди?

Турк қишлоғи... Қуёш кўйдириб юборган қуп-қуруқ ер, қақраган далалар, аянчли қишлоқлар, инсон яшашига ишониб бўлмайдиган даражада мискин, тош ёки тупроқ уюмларидан иборат уйлар... Қора терга ботиб, бир парча ердан пичагина ҳосил ундириб олишга интилган жафокаш одамлар... Қулбалар атрофида ўралашиб юрадиган умрбод қорни оч, ялангоч болалар... Қашшоқлар бир бурда нон ва иш излаб кўчаларда тентираబ юришади, занжирбанд маҳбуслар базўр қадам ташлашади... Қаердадир худди шуларнинг ёнгинасида доим қорни тўқ, бошқалар билан иши йўқ бойлар яшайди. Полиция, суд ва давлат уларни, уларнинг мол-мулкини қўриқлашини билган, бу тўғри, бизнинг бойлигимиз кундан-кунга ошиши керак, деб ҳисоблайдиган кишилар яшайди. Ҳалқ билан уларнинг нима иши бор?!

Турк деҳқони ҳаёт учун қаттиқ курашади. Аввало у оиласини боқиб келаётган бир парча ерини қақлаб қолиш учун курашади. Ҳақиқат ҳамиша бойлар томонида, истаган пайтларида камбағалнинг ота-бобосидан қолган ерини тортиб олишга қодир эканлар, қандай қилиб у гапини уқдиролсин! («Метрика» ҳикояси). Бунинг устига қуёшдан қуриб-қақраган Анатолия ерлари сув бўлмаса ҳосил бермайди. Болалигидан бирга ўсиб, бирга катта бўлган кишилар ўртасида ҳам сув учун бўлган иизо ҳаёт-мамот курашига айланиб туради. Ёзувчи ўзининг энг яхши ҳикояларидан бирида («Ариқ») ана шу фожиани чуқур тасвирлаб беради. Ер учун бўлган кураш «Арава» ҳикоясида ҳам фожна билан тугайди.

Ёзувчи қишлоқда ҳаёт икки хил эканлигини кўрди. Камбағаллар ва бойлар бошқа-бошқа сабаблари а кўра

ер учун курашадилар: уларнинг бири яшаш учун кураша, иккинчиси бойлигини оширишга интилади. Кишининг жамиятдаги ўрни, қонун ва ҳокимият олдидаги ҳуқуқларин унинг камбағал ёки бой эканлигига қараб белгиланади.

Камбағаллар оғир ҳаёт кечиришади. Бойлар кўнглилари тусаганча ўзбошимчалик қиласидилар. Қашшоқлар учун адолат йўқ. Уларнинг ҳаққоний шикоятлари бюрократизм деворларидан ошолмайди, совуққонлик ва порахўрликка дуч келади. Шунинг учун ҳам камбағал киши кўпинча қонунга хилоф иш тутувчи суддаи, барча қонун аҳлларидан қўрқади. Бирор ишга жандарм ва суд органдари бош сұқса, аксар, киши бошига янги бахтсизликлар келтиради, холос. Ёзувчининг «Арава» ҳикоясини ғазабланмай ўқиб бўлмайди, яккаю ягона ўғлиниң жасадини жандарм буйруғи билан гўрдан ўзи қазиб олиб, уни докторлар ёриб кўриши учун шаҳарга олиб кетаётган онанинг фожиали аҳволини унугиб бўлмайди. У, амалдорлар бундан уч ой илгари содир бўлган қотилликнинг тагига етишига, қотилга жазо беришига ишонмайди, чунки қотил бойлар хонадонидан.

Сабоҳиддин Али Туркия қамоқхоналаридаги аҳволни кўп марта қаламга-олди. У қамоқхонадаги ҳаётни жуда яхши билар эди, чунки унинг адабиёт соҳасидаги илк қадамларнёқ қамоқхона «дорилфунунлари»да бошланган эди. Шунинг учун ҳам унинг 1934 йилда чиққан биринчи китоби — «Тоғлар ва еллар» да «қамоқхона қўшиқлари» кўп ўринни эгаллайди. С. Али яхши билган халқ қўшиқлари анъаналари билан мустаҳкам боғланган бу жонли ва лирик қўшиқлар авторга мансуб бўлган шахсий ҳазин хотиралардир.

С. Али фожиали ва бераҳм суд масҳараబозлигини, у ердаги барча сун истеъмолликларни кўриб, кузатиб, шаҳар ҳаётига разм солиб юрди. Унинг ўзи ҳам вилоят шаҳарларида ўқитувчилик қиласди, Кония, Измир, Истамбул сингари йирик марказларда ва пойттаҳт шаҳар Анқарада ишлади. Ёзувчи шаҳарларда аҳолининг турли табака вакиллари — ишчи ва ҳунармандлар, майдада хизматчи ва ўқитувчилар, катта-кичик амалдорлар билан алқада бўлди. У, асосан, дәхқончилик мамлакати бўлган Туркия ҳаётини тасвирлар экан, шаҳарни биринчи навбатда қишлоқ билан ўзаро муносабатда кўрсатади. Бу муносабат антогонистик муносабатдир. Шу шароитда

бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Шаҳардаги ҳукмдор ва амалдорларнинг ҳеч қайсиси деҳқонларнинг эҳтиёж ва талаблари билан мутлақо қизиқмайди. Қишлоққа асфальт йўл ётқизишб, ундан деҳқонларнинг қатновини ман этишади («Асфальт йўл»). Қишлоқ болалари учун қурилган мактабининг пақадар ёмон қурилганлиги уни очиш маросимида маълум бўлиб қолади («Лекция»). Шаҳардан қишлоққа юборилган медицина ходимлари камбағал беморларни қиммат баҳо дориларни олиш учун ёлғондакам касал бўлади, деб муғомбирликда айблашади («Хинин»). Шаҳарлик докторлар ҳузурига бир амаллаб қишлоқдан етиб келган камбағаллар, кишининг касали ва баҳтсизлигидан фойдаланиб қолувчи ўфи, муттаҳам «халоскор» врачларга дуч келишади («Жонқурторон», «Буйрак»).

Врачлар орасида бутун умрини бева-бечораларга ёрдам кўрсатиш билан ўтказган, ҳалол, иисонпарвар кишилар ҳам бор, албатта. Лекин бундай врачларнинг бошлиқлари, bemordan kўпроқ pul undiriш дардида юрган ҳамкаслари уларнинг бу олижаноб ишига ха-лақит беришга интилишади, бунинг учун ҳеч нарсадан тойиншмайди («Жонқурторон»).

Оддий одам ўз ёғига ўзи қовурилади, у мулкдорлар ва пулдорлар қозонига тушиб қолган. Йирик пулдорлар бир ёқадан бош чиқариб, қишлоқнинг бирдан-бир мулки, бирдан-бир бойлиги бўлган ўрмонни тортиб олишади («Ўрмон фожиаси»). Ҳаттоқи қишлоқ хўжалиги мутахассисиман, деб қишлоққа келадиган шаҳарликлар ҳам ша бу хўжаликни, ша қишлоқни, на қишлоқ аҳолисини билишади, билишни исташмайди ҳам. Деҳқонлар бу ҳақиқатни яхши билишади, тамоман бегона ва мутлақо бефойда, ўз мағфаатини кўзлайдиган бу кишиларга ҳам худди ўзларидай бепарволик, кўпинча эса, очиқ нафрат билан жавоб беришади. Шунинг учун ҳам бундай шаҳарликлар деҳқонлар билан бирлашолмайди, улар ўртасидаги чуқур душманлик жиддий конфликтларга олиб келади. Буржуа жамиятида амалдорларнинг ўзбошимчалиги оддий ва кичик одамларни мииг азобга солади. Қишлоқ ва кичик шаҳарчаларда ўзбошимчалик қилувчи амалдорлар ўзларининг калтабинлиги, жоҳиллиги ҳамда халққа нисбатан вахшийлиги билан даҳшатлидирлар. Сабоҳиддин Али 1932 йилдаёқ худди шу мухит-

да, йирик амалдорлар билан чайқовчи савдогарлар ўртасида янги жаҳон урушин тўғрисида орзу-ўйлар пайдо бўла бошлаганилигини кўрсатиб берган эди.

Эпчил хизматчилар дуч келган нарсадан фойда олишга ҳаракат қилишади. Бош врач, аслини олгандা, беморларни даволаш тўғрисида бош қотириши керак эди, лекин амалда буидай эмас: у bemорларнинг овқати ва кийими учун ажратилган пулдан кўпроқ уриб қолишга интилади. Унинг бу соҳага эндиғина қадам қўйган шогирди ўғирланган нарсанинг ярмисига эга бўлмас экан, ўзини «гўсчур бўлган» ҳисоблайди («Ҳақимизни едирмаймиз!»).

Ёзувчи турк зиёлилари ҳаётини жуда яхши билар эди. У, зиёлилар қайси синфга хизмат қилиши, улар халққа душманми ёки дўстми деган асосий масалани қўйиши билан буни тўғри ҳал этади. Зиёлилар фаолиятининг сиёсий йўналиши, уларнинг маънавий моҳияти ана шу билан аниқланади. Ёзувчи ўз ҳикояларида ҳукмрон синфлар хизматида бўлган турк зиёлилари вакилларини қатор образларда яққол кўрсатиб берди. «Қалдирғочлар» деган аллегорик новеллада мавҳум мавзуларда «ақл юргизиб» баҳслар ўтказадиган ишёқмас буржуа зиёлиларини ўткир сатира остига олади. Булар меҳнаткаш кишиларга нисбатан ўз нафратларини яширмайдилар, атрофдаги одамларга ўхшамаганликлари билан фахрланадилар, шунинг учун ўзларини бошқалардан юқори қўядилар. Барча зиёлилар маънавий жиҳатдан бир бўлиши керак, деган гоя «Маслакдош» сарлавҳали ажойиб ҳикояда тўла равишда фош этиб ташланади. Бунда оғизда кўнгли пок, сўзга чечанлофчи амалда иккюзламачи киши бўлиб чиқади, У шахсий манфаати йўлида ҳаракат қилиб, ҳур фикр юритадиган ёш дўстини кўпроқ муддатга қаматиб юбориш мақсадида адвокатини қўлга олмоқчи бўлади. Ўзининг пасткашлигини, кишини ватанга содиқ қилиб тарбиялашда қамоқхона ажойиб мактаб вазифасини ўтайди, деган сўзлар билан яширмоқчи бўлади. Сабоҳиддин Али энг яхши ҳикояларидан бири бўлган «Душман» асарида худди шунга ўхшаган «содиқ дўст»ни тасвиirlаб беради. Ҳикояда ўз ҳаётидан мамнун бир бой унинг уйида бир кечага ту nab қолган мактабдош ўртоғини полицияга тутиб беради. Мезбон меҳмон буржуа жамиятининг душмани, ўзига фаровонлик ва

тўқ турмуш яратиб берган жамиятга қарши курашаётган коммунист бўлиши мумкинлигини, шунинг учун уни полиция таъқиб қилаётгандигини англайди. У ҳозирча ўзи кучли эканлигини, полиция, жандарм ва суд унинг шахсини, мол-ҳолини ҳимоя қилишини яхши билади.

Сабоҳиддин Али тасвиirlаб берган жамиятда маънавий ҳаёт ишоятда қашшоқ, бу ерда мутаассиб фикр ва одатлар, ифво ва тұхматлар одат тусянга кириб қолган, бошқача фикр юритадиган одамлар қаттиқ қаршиликка дуч келади. Бу муҳитда ҳар қандай таңқидий сўз, янги фикр, ҳалққа хизмат қилиш орзуси яширин равишда ёки очиқдан-очиқ қораланади. Бу ерда айрим нуқсонларни таңқид қилиб, буржуа жамияти ҳаётининг гоҳи томонларини қоралаб бўлмайди. Таңқидий фикр юритувчи киши социал жиҳатдан хавфли деб қаралади. Шу муҳит тепасида турувчилар бошқача фикр юритадиганларни «ўз имонларига» киритишга ҳаракат қилишади. Агар бу иш қўлларидан келмаса, тұхмат қилиб, уларни ишсиз, нонсиз қолдиришади, кези келгандা озодликдан, ҳаттоқи ҳаётдан маҳрум қилишдан тойишмайди. Реакция ҳар бир ҳур фикр юритадиган киши билан шундай «муомала» қиласди.

Сабоҳиддин Алиниң ҳикояларида бу муҳитининг иллатларини кўриб турган, шунинг учун буржуа жамиятияга хизмат қилишни ўзига ор билган, лекин айни бир вақтда ҳалққа хизмат қилиш йўлига ўтиб олмаган ёш зиёлиларни, ўқитувчиларни, амалдорларни учратиш мумкин. Бу кишилар руҳан әзиладилар, бундан қутулиш учун чора қидирадилар, лекин уни топа олмайдилар. Улар ёлғизликда қийналадилар, чунки улар ҳалқ билан ҳам, ҳукмрон синфлар билан ҳам эмас. Ҳалқ билан алоқада бўлган зиёлилар унга хизмат қиладилар, ўзларини дадил сезиб, келажакка умид билан қарайдилар. Масалан, ёш ўқитувчининг ҳаёти («Асфальт йўл») меҳнат билан, кишилар тўғрисида ғамхўрлик билан тўлиб-тошсан, бу нарса унга роҳат бағишлади. У қийинчиликларга, амалдорларнинг қаршилигига дуч келади, баъзида уни деҳқонлар тушунишмайди ҳам, лекин у ҳалқ олдидаги бурчини яхши англағанлиги туфайли бу қийинчиликларни енгиг ўтади.

Сабоҳиддин Али буржуа тузумининг душмани ва ҳалқ хизматкори бўлган ижобий қаҳрамон образини

яратиб, турк алабиёти олдида катта хизмат кўрсатди. У биринчи мартаба «Душман» ҳикоясида коммунист образини яратди. Ҳикоя қаҳрамони заковатли, матонатли, серғайрат, катта ҳаётни тажрибага эга, ўз сиёсий қарашлари тўғри эканлигига чуқур ишонган, букилмас, айни вақтда дўстлари билан гоят самимий муносабатда бўладиган соғф юрак кишиидир. Бу образни ёзувчи ичидан тўқиган эмас. Сабоҳиддин Али турк коммунистларини билар, қамоқхоналарда улар билан алоқада бўлганлиги учун у ердаги оғир ҳаёт унга уичалик билинмаган эди. Коммунистлар табнатидаги сабот ва жасурлик, ғоя ва мақсадлари тўғри эканлигига бўлган чуқур ишонч ёзувчи хотирида чуқур из қолдирган, унинг душёқараши, хатти-ҳаракати ва бутун сиёсий-ижтимоий фаолиятига катта таъсир кўрсатган эди. Ёзувчининг ўзи Туркия компаргиясининг аъзоси бўлмаса ҳам, коммунистларга қизғин хайриҳоҳ эди. Ёзувчи «Душман» ҳикояси дунёга келмасдан олдин, турк халқининг дўсти ва душманларини яхши ажратиб олган эди. У сўнгги ҳикояларидан бири бўлган «Бўри билан қўзи-чоқ» асарида халқ баҳти учун курашда ҳеч қандай қийноқ иродасини бука олмайдиган жасур курашли образинга яна қайтади. Ҳаётидаги энг улуғ мақсад—халқ баҳти учун кураш йўлида барча азоб-уқубатларга бардош берадиган бу букилмас киши билан бўлган учрашув унинг иши юзасидан қамалган қиз онгига чуқур из қолдиради. Қиз қийноқларга бардош беролмайди. У эса, зўр сабот-матонат кўрсатиш билан бирга, қизни юпатди, унга мадад беради.

Ёзувчининг 20-йиллар охирида ва 30-йиллар бошларида босилиб чиқсан дастлабки ҳикояларинда ҳам биз турк воқелигининг турли томонлари: буржуа жамиятининг барча қарама-қаршиликлари ва маразларин очиб ташланганлигини кўрамиз. Бу билан ёзувчи ўзининг сиёсий онглилигини, капиталистик жамият тараққиёт қонунларини ва мамлакатнинг ўзига хос тараққиёт йўлини яхши билишлигини кўрсатди.

Сабоҳиддин Алининг ёшлик йиллари Туркия буржуа республикасининг қарор топиши даврига, унинг юксалиш йилларига тўғри келди. У миллий мустақиллик учун озодлик курашига отланган турк халқи гарихида қаҳрамонлик даврини ташкил этган воқиаларнинг шоҳиди бўлди. 1919 йил май ойида Сабоҳиддин Али тугилиб ўс-

ган Айвалик яқинида босқинчиларга қарши курашға отланған партизанларнинг ўқ садолари янграды. Айвалик, Иzmир, Эдремит районлари тез орада ўт орасида қолди, озодлик курашининг алансаси бутун мамлакатни қоплаб олди. Ёзувчининг ёшлық йилларида олган бутун мамлакаттың күп жиҳатдан белгилаб берди. Шунинг учун ҳам у ўзининг дастлабки ҳикояларидан бирини ўша вақтда илғор турк зиёлиларининг органды бўлгани «Расмли ой» журналига олиб келганлиги тасодифий эмас. Шу йилларга келиб ёзувчи курашчи-шоир, коммунист Нозим Ҳикмат билан яқинлашади. Сабоҳиддин Али қаттиқ ҳурмат қилиб келган, севган Совет мамлакати ҳақида, унинг халқи ҳақида ҳақиқатни билишга интилади, марксча-ленинча адабиёт билан қизиқади. Худди шу йиллари у улуғ рус классикларидан Пушкин, Гоголь, Толстой, Тургенев, Чехов асарлари билан, замондошлиларимиздан Шолохов ва биринчи навбатда, Горький асарлари билан таниша бошлайди. Бу китоблардан у халқ баҳти учун курашинин, ажойиб бадиний маҳоратни ўрганади. Рус ва совет адабиёти ёзувчининг ижодий биографиясида алоҳида ўрни тутади. Сабоҳиддин Алини ўз мамлакатида туркларнинг Горькийси деб аташлари бечиз эмас.

Сабоҳиддин Али китобхонлар хотирида умр бўйи фақат ачинарли, қайгули нарсалар ҳақида ёзган ёзувчи бўлиб қолди. Буни ўзи ҳам билар эди. У ўзининг сўнгги ҳикояларидан бирида («Бахтиёр лайча») дунёда фаронсонлик, роҳат ва баҳтни кўрмаётганлиги ва бу ҳақда ёзмаётганлиги учун дўстлари ундан ўпкалананаётганликлари ҳақида ёзади. Шундан кейин у баҳтиёрлик тўғрисида ёзишга жазм қиласди. Лекин тўқинчиллик ва фаронсонликда яшайдиган биттаю битта қаҳрамони... бойлар даргоҳида роҳат қилиб яшаётган лайча бўлиб чиқади. Авторнинг, агар жумла жаҳон ана шу баҳтиёр лайча кечираётган ҳаётнинг ўндан бирига эга бўлганида эди, битта ҳам қайғули ҳикоя ёзмас эдим!— деган сўзларида қанчалик аччиқ заҳарханда бор!

Сабоҳиддин Али Туркияда истеъододли романчи сифатида ҳам машхур. У ҳаммаси бўлиб учта роман ёзган. «Куюжаклик Юсуф» деган биринчи романни 1937 йилда алоҳида китоб қилиб нашр этилган. Бу асарда турк қишлоғининг реалистик манзараси чизиб берилган,

Автор амалдорлар ва маънавий тўраларининг маънавий қиёфасини, уларниң манший бузуқликларини кўрсатади: улар ичкиликка, порахўрликка муккасидан кетган, ватан ва халқ манфаатларини кўзлаш ўрнига шахсий бойлик орттириш билан оворалар. Айни бир вақтда биз роман саҳифаларида зайдун плантацияларининг очяланғоч ишчиларини, хонавайрон бўлган камбагал бечораларни, уларниң бола-чақаларини кўрамиз. Авторниң ўзи ҳам шулар томонида. Бош қаҳрамон Юсуфнинг образи кўпроқ романтик рұҳда яратилган. Асаддаги бу икки хиллик унинг ўзига хос роман эканлигини кўрсатади. Роман катта муваффақият қозонган, адабиётшуносларнинг юқори баҳосини олган.

Ёзувчининг Сирма пўстинлик мадонна (1943) номли иккинчи романни ҳам яхши қарши олинди. Бу психологик роман бўлиб, унинг асосида Раиф деган бир йигит билан маъшуқаси Мария ўртасидаги муносабат ётади. Буларнинг ҳар иккиси ҳам мураккаб характерга эга. Катта романтик муҳаббат Раифнинг якаю ягона мақсади бўлиб қолади. Унинг на ватани, на онласи, на турмуш тажрибаси бор. Турк халқининг миллий-озодлик кураши ҳам уни қизиқтирумайди. Берлинда ҳам (асосий воқиалар шу ерда бўлиб ўтади) жамият ҳаёти уни қизиқтирумайди, ўша вақтда бўлиб турган иш ташлашлар ва сиёсий намойишлар ҳам, яширип ташкилотларнинг ҳукуматга қарши қаратилган фаолияти ҳам уни ўзига жалб этолмайди. Немис буржуазияси ўртасидаги реваншистик кайфиятлар ҳақида автор айтган фикрлардиқатга сазовордир. Зотан, Сабоҳиддин Али бу кайфиятларга бўлган манфий муносабатини яширмайди. Ёзувчининг санъат ҳақидаги гаплари, немис декадент тасвирий санъатига берган ташқидий баҳоси ўткир ва актуалдир. Авторнинг диққат марказида социал конфликт эмас, балки маънавий-ахлоқий конфликт туради, бу конфликт қаҳрамонларнинг шахсий муносабатлари доирасидагина очиб берилганлиги романнинг ижтимоий аҳамиятини маълум даражада пасайтириб қўяди.

Икки ёш ўртасидаги муҳаббат ҳикояси ёзувчининг «Ичимиздаги иблис» (1940) романидаги тамоман бошқача ҳал этилган. Бу ерда шахс билан жамият ўртасидаги муносабат асосий конфликт қилиб олинган. Қаҳрамоннинг ҳаёт мақсадини ва турмушда ўз ўрнини топишга интилиши, яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги ку-

- раш, тараққиёт ва реакция ўртасидаги кураши ёзувчининг динқат марказида туради. Автор барча мазҳабларни турк реакционерларини сиёсий ўткирлик ва ғазаб билан фош қиласади, уларнинг халққа қарши қаратилган машъум «фалсафасини» очиб ташлайди.

Роман чиқиши билан пантуркистларнинг бошлиқлашибди бўлган Ниҳол Отсиз деган бирин «Ичимиздаги иблислар» деган насквиль босиб чиқарди. Сабоҳиддин Алига, Туркиядаги демократик кучларнинг энг яхши вакилларирига нисбатан разил туҳмат, Совет Иттилоғига нисбатан бўхтон-хуружлар билан битилган бу ифлос китобча ёзувчини ва барча турк коммунистларини жисмонан йўқотишга чақириқ билан тугайди. Ёзувчининг асарлариши босиб чиқаришга журъат қилган нашриётлар тазиёнкә учради. Лекин китоблар чиқаверди. Ниҳоят, 1944 йил апрелида реакционерлар очиқ ҳужумга ўтдилар. Бир тўда фашист безорилар, энг ашаддий реакционерлар пойтахтнинг марказий майдонида митингга тўпланиб, ёзувчининг китобларини ёқишиди. Полиция индамагани учун ёзувчининг ўзига ҳам ҳужум қилишиб, қаттиқ азоб беришиди. Шундан кейин у кўп йилдан бери ишлаб келаётган жойи — Анқара көнсерваториясидан бўшатилди. Энди пойтахтда туриб бўлмас эди. С. Али Истамбулга кўчиб кетди. Бу ерда у ўзининг янги ҳикояларини газеталарда эълон қилди, унинг публицистик фаолиятидаги энг ажойиб давр шу ерда бошланди. Жуда қаттиқ цензура шароити ҳукм сурғанилиги учун у халқ ҳаётини ҳақидаги ҳақиқатни ошкора ёзиб чиқолмади. Ёзувчи ўтмишдаги ва ҳозирги кўпгина прогрессив санъаткорлар томонидан муваффақият билан кўлланган аллегория жанрига мурожаат қилди.

Сабоҳиддин Али ижодда аллегориядан усталик билан фойдаланган ёзувчидир. Унинг қадим замонлар ҳақида эртак шаклида ёзган сўнгги ҳикояларида ер юзида зулм ва истибодд ѹйқотилиши, халқ баҳт ва озодликка эришиши лозим эканлиги ҳақидаги ғоя ётади. Ёзувчи эртакларидан бирида қадим замонларда ер юзида ҳукмронлик қилган баҳайбат девлар ҳақида, уларнинг йўқолиши муқаррар эканлиги, чунки ҳаёт тинмай ўзгариб туриши, шунга кўра золимлар бора-бора ўлимга маҳкум этилиши ҳақида ҳикоя қиласади.

Мана, унинг дастлаб оддий бўлиб кўринган бир эртаги: бунда қўйлар ҳақида, золим қўйичивон ва унинг

содиқ ёрдамчиларй — қопогон итлар тўғрисида, йиртқич бўрилар ҳақида нақл қилинади. Гап шунидаки, бу ташқи форманинг ўзи холос, ана шу форма замираидан кўпгина халқларнинг ва дастлаб турк халқининг тарихий сабоги ётади. Бу ерда шунай айтиб ўтмоқ керакки, пантуркистларнинг эмблемаси — кул ранг бўриди. Демак, ёзувчи нимага ишора қилмоқчи бўлганлиги кўриниб турибди...

Ёзувчи ўзининг «Ойнавор кўшк» деган эртагила агар омма ўз кучининг қудратига ишонса, ҳар доим ҳушёр туриб, «халқпарвар»ларнинг жимжимадор гапларига учмаса, у ҳолда ер юзида бирорта ҳам золим қолмайди, деб ёзди.

Сабоҳиддин Али ўзининг сўнгги ҳикояларини ҳаётдаги мавжуд тартибни ўзгартишга даъват билан тугаллади. Унинг бутун публицистик фаолияти ҳам, асосан, шу мақсадга қаратилган эди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин ёзувчи прогрессив газета ва журналлар саҳифаларида ўзининг мақолалари билан қатнашиб турди. Лекин у ўз асарларини бостириш йўлида тобора кўпроқ қийинчилкларга дуч кела бошлайди. Буниг устига мамлакатдаги антидемократик тартиб-қондани бошқача сўзлар билан яширинча танқид қилиш усули уни қаноатлантирмай қўйган, ижодий фаолиятини чегаралаб қўйган эди. Норозиллик рўй-рост, очиқ нидони талаб этади. Сабоҳиддин Али демократик, мустақил Туркия учун курашда кескин сатирага мурожаат қиласи. 1946 йил нояброда унинг хусусий сатирик газетаси бўлгани «Марко пошо»нинг биринчи сони босилиб чиқади. Газета саҳифаларида шу вақтдан эътиборан турк халқининг душманлари фош этилади, мамлакатда реакция авж олганлиги шафқатсиз танқид қилинади, ўз вақтида Отатурк томонидан эълон қилинган мустақил иқтисодий сиёсатдан воз кечиш патижасида Туркия оғир аҳволга тушиб қолганилиги рўй-рост очиб ташланади. Шунинг учун ҳам бу газета, дастлаб, Сабоҳиддин Алиниң ўзи беҳисоб таъқиблар ва қувғинларга утрайди. Газета бир неча марта бошқа ном билан чиқади, ёзувчининг ўзи эса, жарима ва қамоқ жазоларидан қутулмайди.

Охири турк реакцияси реалист ёзувчини жисмонан ўйқотиш, бу билан газетанинг халқ орасида садо топган овозини ўчириш пайига тушди, у қабиҳ мақсадиңга

Эриши ҳам: 1948 йил апрелида Сабоҳиддин Али ёлланган қотил томонидан ўздирилди.

Сабоҳиддин Алиниң қарийб йигирма йил давом этган ижодий фаолияти прогрессив турк адабиётида чуқур из қолдирди. Ҳозирги турк ҳикоянавислари ва романчилари унинг бой тажрибасидан, турк адабиётига қўшиган янгиликларида самарали фойдаланмоқдалар. Турк тақиғичилари ҳам уни ҳозирги замон турк адабиётининг энг талантли ёзувчиларидан бирин эканлигини эътироф этади.

Сабоҳиддин Алиниң ижоди Туркия ҳаётини кенг, атрофлича ва ҳаққоний тавсирлагани сабабли турк адабиёти учун кагта аҳамиятга эгадир. Унинг асарларида мамлакат ҳаёти ҳакиқатда қандай бўлса шундайлигича, ўзида мавжуд бўлган барча қарама-қаршиликлари билан берилган. Турк жамияти ҳаётидан олинган муҳим проблемалар ўзининг сиёсий жиҳатдан ўткирлиги ҳамда актуаллиги билан ажralиб туради.

Ёзувчи ўз ҳикояларида фойдаланган барча бадиий тасвирий воситаларни асосий ғояга бўйсундирган, бу гоя унинг бадиий услубини ҳам белгилаб берган. Кўпгина реалистик ҳикояларда авторниң сокин баёнчилик услуби баъзи жойларга келиб, чуқур лирик лавҳалар билан алмашиб кетади. Сатира унинг ижодида катта ўрин эгаллади. Ёзувчининг турли асарларида провинциал амалдорлар, буржуа зиёлилари, пойттахт ва чекка жойлардаги «олий табақа» вакилларининг тасвирий характеристикалари сатирик планда берилган.

Сабоҳиддин Али ўз ижоди билан турк тилининг тараққиёти ва такомиллашишида катта хизмат қилди. Ёзувчи асарларининг тили учун неологизмлар—янги сўзларни танлаб ишлатиш характеристидир. У, асарларида қисқа жумлалардан фойдаланади, сўзларни жойлаштиришда маълум даражада эркинликка йўл қўяди, жумланинг таъсирчан ва содда чиқишига катта эътибор беради. Унинг ҳикояларида мақол ва маталлар, фольклорга хос бўлган гап тузилиши ва иборалар тез-тез учраб туради.

Сабоҳиддин Али адабий фаолиятининг бошлангич даврларида реалистик ҳикоя ва шеърлар қатори романтик асарлар ҳам яратди. Ёзувчининг идеал дунёга, орзумидлар дунёсига мурожаат қилиши воқеликка қарши норозилиги эди. Лекин унинг ижодидаги реалистик ни-

ҳол тобора етила борди. Унинг сўнгги асарларини танқидий реализм устаси томонидан ёзилган, деб бараลา айтиш мумкин. Шунинг учун ҳам Нозим Ҳикмат Сабоҳиддин Алиниң адабий фаолиятига юксак баҳо бериб, уни турк адабиётида «социалистик реализм даракчиши» деб атади.

*Е. И. Маштакова.*

---

## ТЕГИРМОН

Биродар, сен ҳеч сув тегирмонининг ичига кириб кўрганмисан?..

Кириб кўришга арзийди... Деворлари чапланган, шипга яқин жойдан туйнуклар очилган, йўғон-йўғон тўснилар қоп-қора шипни кўтариб туради... Яна бирталай чархлар, катта-катта тегирмон тошлари, ёғоч ўқлар, тинимсиз айланаётган тўзонли қайишлар... Бир бурчакда эса буғдоӣ, маккажӯҳори, жавдар — хуллас, ғалла солинган қоп-қанорлар қалашиб ётади. Нақ рўпарада эса, ун тўла оппоқ қоплар...

Тегирмон тошларининг ён-теварагида учиб юрган майда нам заррачалар чанг тўзонига ўхшайди. Ердаги кичкина қопқоқчани кўтарсанг борми, туманни эслатадиган совуқ сув томчилари юзингга урилади...

Бурчак-бурчакдан ҳар хил оҳангда чиқиб, бир-бирига қоришиб, ҳайбатли тўлқиндай қулоқни қоматга келтираётган овозларга нима дейсан, биродар?.. Тепадаги ёғоч тарновдан оқиб тушаётган сув тераклардаги қишишамоли сингари увиллайди, тегирмон тошларидан гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб чиқаётган йиғлоқи овоз, қайишларининг тарсаки ургандек шарақлаган товушинга қўшилишиб кетади... Бетўхтов айланаётган чархларнинг «ғиҷиҷ» инимайди...

Мана шунаقا тегирмонни кўрганимга анча бўлди, биродар, лекин уни қайта кўришни орезу қилмайман,

\* \* \*

Сен муҳаббат нима эканлигини биласанми, биродар.  
Умрингда ҳеч кимни севганмисан?..

Күпини севганман? Хўш, ёринг чиройлимиди? Бал-  
ки у ҳам сени севгандир... Уни кўп марта бағрингга  
босгандирсан... Қечалари учрашиб, ундан бўсалар ол-  
гандирсан-ку? Аёл кишидан бўса олиш лаззатли нарса,  
айниқса одам ёш бўлса, янада бошқачароқ бўлади.

Еки маъшуқанг сени севмасмиди?.. Ана шунда сен  
нима қилдинг? Тунлари йиғлаб чиқдингми?.. Зальфарон  
изингни унга кўрсатмоқ учун йўлида интизор бўлдинг-  
ми? Раҳм-шафқат тилаб унга узундан-узоқ мактублар  
ёздингми?

Лекин нима бўлса ҳам, бошқасига кўнгил қўйиш сен  
учун унчалик қийин бўлмаган бўлса керак? Дастрлаб ки-  
ши ўзидан ўзи уялгандек бўлади, лекин, биласанми, биз-  
нинг энг катта маҳоратимиз ўз нафсониятимиздан ҳар  
шарсани қилса бўлаверади, деган ижозатни олишдадир.  
Виждон азоби деган нарса пари борса бир ҳафтадан ош-  
майди. Шундан кейин ўтакетган қотил ҳам қилган иши  
учун етарли далил тўплашга киришади.

Ҳа, шундан кейин учничисига, тўртинчисига муҳаб-  
бат изҳор қилдинг, у ёғи ҳам мана шу зайлда кетаве-  
ради.

Жуда соз, биродар, лекин буни муҳаббат деб бўла-  
дими, бир аёлни ўпишни, унга эришишни орзу қилишни  
муҳаббат деб бўладими?..

Қийим-бошингни ечиб ташлаб, шаҳар кўчаларида  
яланғоч югурга оласанми?..

Қўлингга пичноқ олиб, қўл ва сон пайларингни кесиб  
ташлашга ва шу аҳволда ўзингни дарёга отиб, сузиб  
ўтишга қодирмисан?

Бутун бир шаҳар аҳолисини ўлдириш жасоратига  
эзгамисан? Бирор минора тепасига чиқиб, бутун оламга  
жар sola оласанми?

Муҳаббатинг сени шундай ишларга ундей олади-  
ми? Шу ишларни қилолсанг, сени чин ошиқ дейман...

Сен севгилингга нима бера оласан, хўш, қалбинги-  
ми? Жуда соз, иккинчи маъшуқангга-чи? Яна шуними?  
Жчинчи ва тўртинчисига ҳам яна шуними? Қўйсанг-чи,  
биродар, нечта қалбинг бор, ўзи? Кейин, биласанми, бу  
аҳмоқона бир гап: қалбинг ўз жойида турибди-ку, сен

уні гоҳ унисига, гоҳ бунисига беряпсан... Қўксингни ти-  
либ, ўша бир бўлак гўшти маъшуқанг олдига чиқариб  
ташласанг, ана шунда қалбингни берган бўласан...

Сиз шаҳарлик ва қишлоқилар севишга қодир  
эмассиз, сизлар бири итоат қилиб, бири ҳукм қилади-  
ғанлар; сизлар бири қўрқиб, бири қўрқитадиганлар...  
Сизлар сева олмайсиз. Севиниши фақат биз биламиз.  
Ҳа, бизлар ғарб шамоли сингари эркин, дайдилар ва  
ўзидан бўлак ҳеч кимни, худони ҳам танимайдиган лў-  
лилар.

Қулоқ сол, биродар, мен сенга бир лўлиниг мұ-  
ҳаббатини ҳикоя қилиб берай...

\* \* \*

Кунлардан бирида — қор энди эрий бошлаганды бу-  
тун таборимиз билан — ўттизга яқин хотин, эркак ва  
бала-чақа, тўртта от ва бундан икки баравар кўпроқ  
эшак билан тўғри Эдремит томонга қараб кўчиб ке-  
таётган эдик.

Киши руҳини сиқадиган ва биз учун ҳеч тўғри кел-  
майдиган қишдан кейинги ҳароратли қуёш ва энди  
кўкариб чиқаётган майсалар ҳаммамизга аллақандай  
завқ бахш этган эди. Оқ калта кўйлак кийиб олган  
иштончан ёш болалар шовқин-сурон билан югуриб-  
елар, тиш йўл чеккасидаги хандақларда умбалоқ оши-  
шарди.

Иигит-яланглар скрипка ва сурнай чалиб юарар,  
хушовоз қизлар эса, ажойиб қўшиқлар куйлашарди.

Мен ҳам ўт-суви мўл ерни, чодир қурсак бўлади-  
ган қишлоқни мўлжаллаб, атрофга назар ташлаб бо-  
рардим.

Пешинга яқин қора зайдун дараҳтлари орасидаги  
тиқ ўсган оч ранг чинор билан теракларга кўзим туш-  
ди. Бу ерда кичикроқ бир тегирмон бор экан. Серсув  
бир сой қатор экилган толларни оралаб, тошдан уйил-  
ган тор йўлакка кирап ва у ерда тўрт ёғоч тарновга  
бўлинниб кетарди. Ерга чуқур томир отган қари чинор-  
лар кўҳна тегирмоннинг қора черепициали томини кўз-  
дан яширган, ўнг томондаги кенг саҳнга эса, кўланка  
ташлаган.

Дараҳтларнинг шитир-шитирини босиб, тегирмон ос-  
тидан ваҳима билан пишқириб-кўпириб чиқаётган сув

Икки қатор терак ниҳоллари орасидан ўтиб, қамишизор орасида кўздан ғойиб бўларди.

Шу ерга чодир тикса ёмон бўлмасди. Дехқонларнинг юқ ортилган эшак билан бу ерга тез-тез келиб-кетиб туришига қараганда, тегирмон ишлаётган эди. Ўқ етадиган масофада қишлоқнинг оқ минораси ҳам кўзга ташланиб турарди.

Ҳали чодирлар қурилмаган ҳам эдики, Отмажа қўлига сурнайини олиб, бир тавақаси очиқ турган катта дарвоза олдига борди-да, чалиб юборди.

Сурнай овозини эшитган деҳқонлар ташқари чиқишиди ва давра олиб, тинглай бошладилар. Буларнинг орасида тегирмончи ҳам бор эди, у оппоқ соқолини тутамлаб, бепарво ўтиради.

Биласанми, биродар, шу деҳқонлар, товуқ ва эчкиларини ўғирлаганимизни билсалар ҳам, барибир, бечоралар бизни яхши кўришарди.

Улар бир килега<sup>1</sup> яқин буғдой йигиб, Отмажага беришди. Тегирмончи бунга икки хурмача қатиқ қўшди.

Бизни бундай ҳурмат билан қабул қилганликларини кўриб, анча дадиллашдик ва сал нарироқдаги зайдун дараҳтлари орасига чодир қурдик.

\* \* \*

Ишларимиз ёмон эмас эди. Аёллар тол новласидан тўқиган саватларини қўшни қишлоқларга олиб бориб, мاشаққатсиз сотиб келишар; чолғучиларимизни ярим кунлик йўлда жойлашган қишлоқлар ҳам тўйга таклиф қилиб туришарди.

Отмажа табиий, буларнинг бошида эди...

Сен ҳали Отмажага ўхшаган одамга дуч келмагандирсан.

У гавдали, қораҷадан келган, қумрон соchlари тўзиб юзига тушган, қўй кўз йигит эди.

Бурни-чи... узун, қиррали... учи бир оз илгакка ўхшарди.

Шунинг учун ҳам биз уни Отмажа<sup>2</sup> дердик.

Кенг елкалари устидаги бошини араб отига ўхшаб тик тутарди, умуман, ҳеч бир араб оти унчалик келишган эмас эди...

<sup>1</sup> К и л е — ўлчов бирлиги. (*Тарж.*)

<sup>2</sup> Отмажа — турк тилида қирғий дегани. (*Тарж.*)

Унинг мардлиги, гўзаллиги, сози ҳақидаги мақтovлар чодирларда достон бўлиб тилдан тилга кўчиб юради.

У созни бошқа лўлилардек чалмасди, биродар, у нотани биларди. Шаҳар мактабини ўқиб тутатган, кеъин ўзи ҳам фоят сезгир эди... Сурнай чалишини кўрсанг, ҳавони ўпкадан эмас, юракдан чиқаряпти, деб ўйлардинг.

Кечалари ёлғиз ўзи бирон дарахтнииг тагига бориб ўтиради. Бизлар ҳам чодирларимиздан чиқиб, юзимизни, бағримизни ерга бериб ётиб, уни тинглардик.

У ҳеч кимга кўнгил бермаган эди. Биз қўниб ўтган туркман қишлоқларидаги қизил ёноқли гўзаллар ҳам, гунча лабли лўли қизлари ҳам уни бир нафасдан ортиқ маҳлиё қилолмаган эдилар...

Холбуки, биз у сурнай чалар экан, катта-катта кўзларидаги учқунни сўндиromoқчи бўлгандай ёш чиққанини ҳам, оқиб тушаркан қора ёноқларида оташга дуч келгандай бирпасда қуриб қолганини ҳам ва бир нечтасининг юмалай-юмалай деб, киприкларида илиниб турганини ҳам кўрганмиз.

Ўзи кўп гапирмас, гапирганда ҳам юрагида бор гапни очиб ташламас эди. Ҳеч қайсимиз унинг нимадан азоб чекишини, нима тўғрисида ўйлашини, бу дунёда уни нима қизиқтиришини билмас эдик. Ажабо, нега бунчалик юракларни ёқувчи, бунчалик ҳазин куйчалади? Бирорни севгани учунми ёки ҳеч кимни севмагани учунми?..

Ўқтин-ўқтии узоқ вақт йўқолиб кетар, шунда одамлар унинг бўлак лўлилар таборида юрганлигини, шаҳарларга тушиб, катта бейларнииг зиёфатларида бўлганилигини гапиришарди.

Қишлоқ бойлари у билан яқин кишиларида мумомала қилишарди. У бўлса, биз билан бирга подадан қўйкўзи ўғирлар, тўйларда бирга-бирга соз чалишарди...

\* \* \*

Қош қорайди дегунча биз тегирмон рўпарасидаги майдонга йиғилиб, ўйин-кулги бошлардик. Ҳозиргача ҳеч қандай бежо ҳаракат қилмаганлигимиз учун тегирмончи ҳам биздан хурсанд эди. У азим чинор тагига ташланган бўйра устида чордана қуриб, қизи билан ўтирас ва бизни тинглар эди.

Тегирмончининг қизи ҳақиқатап қишлоқ гўзали эди. Унинг юзи лўппигина, лаблари қалин эди, ўрнлган қора сочи бўлса, тиззасига тушиб турарди. Лекин юзи сўлғин, атрофдаги нарсаларга эса, мутлақо бефарқ қаради. Нохуш кулгиси лабларидан ўзидан-ўзи тўкилиб кетаёт-ганга ўхшарди.

Бу қиз бечора ногирон эди, биродар, ёшлигида ўнг қўлинни тегирмон чархи кесиб кетганди. Ҳозир бу қўлнинг ўрнида белга қистириб қўйилган бўш енг шалвираб ётарди. Мана шу нарса уни одамлардан ажратиб қўйган эди.

Гўзал қизининг бир қўли йўқ деган нарса нима эканлигини биласани? У сой бўйларида чўмилган қизларга қўшилолмасди. Вужудини, ундаги айнини ҳамиша кийим билан яшириб юришга мажбур эди... У туни билан бир-бирларининг уйида мажлис қуриб, чақчақлашиб чиқадиган қизларга ҳам қўшилолмасди, чунки қўлидан на чилдирма чалиш, па бармоқ орасига ёғоч қошиқ олиб ўйнаш келарди... Шунинг учун унинг ёшлиги чексиз ғам-ҳасратда ўтган; шунинг учун у зайдуи дарахтларига олмахондек тирмашган, бир-бирини йиқитишиб-кулишган, тегирмон ёнида ўғил болалар билан сув сепар ўйнашган тенгдошларини деворга суюнган ҳолда ҳавас тўла кўзлари-ла энтикиб кузатарди.

Энди буларнинг ҳаммасига кўнишиб кетгандек эди. Бошқа одамларнинг қўлидан келадиган кўпгина ишларни бажарни ҳуқуқидан маҳрум этилганлигини билар, шунинг учун ҳам кўнгли ҳеч нарсани тусамасди.

У тегирмон дарвозаси олдидаги тош супачада соатлаб ўтиаркан, майдонда ўралашиб юрган товуқларга ёки азим чинорининг тебраниб турган япроқларига чала юмилган кўзлари билан шундай тикилиб қолардики, бу нигоҳ кишининг юрагини эзиб юборарди. Кечалари эса, отаси билан келиб, унинг ёнига тиз чўкар ва бизга кўз тикиб ўтиради.

\* \* \*

Гапни қисқа қиласай биродар, бизнинг мағур ва ноинсоғи Отмажамиз тегирмончининг шу ногирон қизига мубтало бўлди. Товусларга, тустовуқларга қиё боқиб қарамаган бу ёввойи қуш қаноти синган бир лойхўракка шикор бўлди.

Аттанг, мен буни жуда кеч сезиб қолдим. Мен бу сирни билган пайтда ўт алланга олган эди... Бўлмасам, аллақачон чодирларни йиғдириб, таборни бошқа ерга кўчиритирган бўлардим...

Отмажа бирор билан гаплашмайдиган, тўйларга бормайдиган, зайдун остида ёлғиз ўзи соз чаладиган бўлиб қолди. Фақат кечаларигина у чинор тагида роса қайнар, кўзини қиздан узмас, созни эса, эзиб чалгани чалган эди... Бизни эса, титроқ босиб, бақириб дод соглимиз, ерга ётиб ҳўнграб йиғлагимиз келиб кетарди.

Унинг кўйида ҳайқириб оташни ўраб олган оташпастларнинг, ғарқ бўлаётган кемага зарб билан урилаётган тўлқинларнинг доду фарёди, оҳу ноласи бор эди.

Отмажанинг қаноти синган эди, биродар, ранги тобора сарғайиб борарди. Тегирмончи қишлоққа тушган кунлари у, дарвоза олдидаги тош супачада қиз билан ёнмаён ўтирганини ва икки ёндаги метин қоя тошларини парчалаб ташламоқчи бўлгандек тирноқлари билан ўйишини кўрдим-у, бу ишни ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмаслигини тушундим...

Бир куни кечаси уни чақириб олдим. Сой томонга бориб, толзор ичига кириб ўтирилик. Майда тошларга урилиб оқаётган сувнинг шилдирашидан ва узоқдан келаётган қурбақа овозидан бўлак ҳеч нарса эшилмасди. Отмажа узоқларга тикилар, нима учун чақирганимни, нима гапирмоқчи эканлигимни суриштирмасди. Елкасига қўлимни ташладим, кўзларини менга тикди.

— «Яхши кўрасан-а!»— дедим.

— «Шундай»,— деди.

— «Энди шима қилмоқчисан?»

Бу саволга жавоб излагандай кўзларини юқорига, юлдуз тўла осмонга тикди, шу кўйи узоқ туриб қолди, кейин тўсатдан:

— «Сен бизга бошсан, мендан кўра кўпроқ юрт кўргансан, тажриба орттиргансан, ақли-идрокинг ҳам бошиқа лўлиларницидан устун. Сенга дилимни ёзишим керак...»— деди.

Гўё юлдузларга ҳикоя қилиб берадигандек кўзини осмондан узмай гапира бошлади:

— «Уни севаман, нима қилишимни ҳам билмайман. Менинг муҳаббатим қандай бўлишини. ўзинг биласан...

Мен орқамдан хизматкорларини югуртирган бадавлат хонимларга қайрилиб қарамаганман; етти қишлоққа ҳукми ўтадиган оқсоқол олдимга келиб: «Сени деб қизим касал бўлиб ётиб қолди, кел, лўли эканлигингни унугиб, ўз фарзандимдай сени бағримга босай. Фақат уйимга кел, қизимни қутқариб қол!» деб ялиниб-ёлворганида ҳам жавоб бермай, ўз йўлимга кетаверганман; мана энди бир қўли йўқ шу қизини севиб қолдим.

Уни ололмайман, уни уйидан олиб қочолмадим... Ҳолбуки у ҳам мени яхши кўради. Тунов куни менга буни йиғлаб-сиқтаб гапириб берди. «Кел, бирга қочиб кетайлик»— дедим. Ҳўрсиниб мийигида кулди. «Оға,— деди у,— мен сенга қараганда ногиронман, шунинг учун менга садақа бермоқчимисан?» Уни қандай севишимни тушунтирудим. «Қўл ўрнига менга қалбинги берасан, бир қалб бир қўлдан камроқ азизми?» дедим.

Яна кўз ёш қилди. «Бўлмайди,— деди,— ўзинг ўйлаб кўр, ҳар сафар сенга пешвоз чиққанимда сендан хижолат бўламан, бошим ерларга киргудай бўлади, менинг шунчалик хор бўлишимни истайсанми? Мени тинч қўй, ўзимнинг ким эканлигимни билиб, қари отам ёнида қолай, сен ҳам бу томонларга иккинчи қайтиб келма! Сен туфайли мен ногиронлигими унугиб, ширин-ширин тушлар кўрдим, сени умримнинг охиригача сира унумайман, лекин бўлмайдиган нарсаларга мени ишонтиришга уринма. Агар мени чиндан ҳам севсанг, тезроқ бу ерлардан кет!»

Ҳикояси шу ерга келганда Отмажа ҳоргин сўлиш олиб, ерга қаради.

— «Биламан, агар қовушсак, бу нарса чиндан ҳам икковимиз учун азоб бўлади. Ўртада тушуниб бўлмайдиган, бўғиқ муҳит пайдо бўлади. Менга кўнглини очолмаса, менга ноз қилолмай, жўшқин эҳтирос-ла бўйнимга ташланолмаса, кўзлари ҳамиша: «Нега сен мени деб ёшлигингни қурбон қилдинг, бунга ўзинг ачинмайсанми?» деб турса, мен нима қиламан? Ҳар бир сўзимни, ҳар бир қилиғимни ўзига олади, жаҳлим чиқса ҳам, ўйланқираб қолсам ҳам, унга тегиб кетади, суюб эркаласам, менга ачиняпти, деб тушунади, бағримга боссам, кесик қўлининг ўрни зирқираб оғрийди, ҳаммаси шу зайлда кетаверади...

Нима қилишимни, бу ишнинг мени қаерларга олиб боришини мендан сўрама, менда энди на қувват бору,

на ақл-идрок, фақатгина ишқ бор. «Маузер» ўқи сингари текканини қулатадиган ишқ... Энди Отмажангни қанот қоқадиган ҳоли қолмади!..»

У жим бўлиб қолди, кейинги сўзларни шундаи юрак эзувчи маъюслик билан айтдики, ортиқча бир нарса сўрашга, ҳатто тасалли беришга ҳам оғзиим бормазди. Ҳозир на гап гапириб бўларди, на айтган гапинг қулогига кираарди. Қўлтиғидан олиб, чодирга элтиб қўйдим.

Аҳвол тобора чаппалашиб борарди, биродар, Отмажанинг ҳоли мени ташвишга соларди. Лекин, ҳеч нарса қалиб бўлмасди. Ҳозирча ишни ўз ҳолига ташлаб қўйишга қарор қилиб ётдим. Туни билан, катта чинор остида қучоғини очиб, бетоқат кутиб турган Отмажани, лабларида севинч табассуми, сўлган ёноқларда шу кунгача асло кўрилмаган қизил ранг билан унга қараб югуриб келаётгани тегирмончи қизини кўриб чиқдим. Лекин улар бир-бирининг бағрига отилай деб турганда номаълум шаклга кирган алланарса ўрталарига тушиб олар, чарх сингариғир-ғир айланиб, тобора катталашар ва уларни бир-биридан ажратиб юборарди.

\* \* \*

Кунлар кучли шамол ҳайдаб кетаётган оқ булат парчалари сингари бир-бирини қувалаб ўтмоқда. Биз бу шамолдан кейин, албатта, кучли бўрон туришини сезардик. Ҳамма бирор ваҳимали нарса юз беришидан қўрқаётгандек. Бутун таборимизни оғир сукунат қоплагани эди.

Қари ва тажрибали лўли кампирлар ўзлари билгани дуо-афсунларни ўқир, жамиқи яхши-ёмон арвоҳлардан бечора Отмажа учун мадад тилашарди. Унинг қаерга қараётганилигини билиб бўлмайдиган ҳаяжон тўла кўзларига, сўлиб бораётгани ёноқларига кўзи тушган йигитларимиз бошларини қўйи солар, қизларимиз бўлса, юзи мурдадек оқариб, лаблари титраб, орқасидан қарашиб қолишаверарди.

Хотин-халаж, эркаклар, ёшлар, қарилар — ҳаммамиз ҳеч бир қарорга келолмай, содир бўлувчи ҳодисани кутардик. Гўё дайди шамол бошларимиздан ўй-хаёлларимизни учирив кетиб, бизларни бу ерга ҳайроилик ва саргардонликка ташлаб кетгандек эди.

\* \* \*

Бир куни Отмажа олдимга келиб: «Бу кечга тегирмонда ўйнаймиз, чол билан гаплашиб қўйдим!» — деди.

Ёмғир шивалаб ёғиб туради. Кечга яқин қаттиқ ёз ёмғири қуийб юбориши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас эди. Буни унга ҳам айтдим.

— «Тегирмон ичиди чаламан», — деди.

— «Тегирмон кечаси ҳам ишлайди-ку, ўша шовқин-суронда чаласанми?»

Ғалати кулиб қўйди:

— «Қўрқма, сурнайшинг овозини шовқинда ҳам сизларга эшилтира оламан. Нафасим етади, ҳали унчалик мадордан тойганим йўқ».

Чиндан ҳам кечга яқин ёмғир зўрайди. Рўпарадаги тепаликдаги дуб ўрмонига кетма-кет яшини тушар, йирик ёмғир томчилари зайдун дараҳтларининг қора баргларини аянчли титратарди.

\* \* \*

Ҳаммамиз тегирмон ичига кирдик. Шипга осилган иккита қеросин лампа атрофга хира нур сочар, чархлар, тошлар, чангга ботган қайишлар бетиним айланарди. Булардан баб-баравар кўтарилаётган шовқин черепица томдан шитирлаб эшитилаётган ёмғирга қўшилар, кўкда қувалашиб кетма-кет гумбурлаб ўтган овоз даҳшатли мақомга қувват бағишлиарди.

Тегирмончи билан унинг қизи деворга тақалган курсида ўтиришибди. Шипда чайқалиб турган лампалар ёш қизнинг чеҳрасига ажойиб кўланка ташлаганди.

Шовқин-суронни босиб, нафис бир овоз юксалди: тегирмоннинг қоронги бир бурчагида ўтирган Отмажа созини чала бошлади.

Биродар, ўша кечга эшилган куйларимни ўлсам ҳам унуполмайман.

Ташқарида борган сари бўрон кучаяр, шамол ҳўл қамчиси билан деворни саваларди. Сув ёғоч тарновдан юшиб-тошиб пишқириб ерга отиларди. Ичкарида тегирмон тошлари пириллаб айланиб гувиллар, ҳушини йўқотгандек тўхтовсиз айланиб ётган қайиш тиимай шарақлар, ёғоч чархларнинг бир-бирини илиб кетаётгани «тиш»

лари йиғлаётгандай ғичирларди. Бу шовқин-суронни босиб тушаётган янграган овоз гоҳ ёлворади, гоҳ зўрайиб ўйноқлади, жимай-жимай деб, такрор кучаяди.

Отмажа қоп-қора порлаб турган кўзларини ғирашира ёруғликда аранг кўринаётган қизга қадаган, унинг паришон, жавдираган шаҳло кўзларига қадаган...

У шундай нарсаларни чалаётіан эдикি, биродар, биз ишлатадиган сўзлар буни таърифлаб беришга ожизлик қиласди...

Баъзан эркаловчи мулойим, илиқ тонг қуёши эди... Лекин у дарҳол юзимизни чимтиб, кўзимизни кўр қиладиган ҳароратли қумини атрофга сочадиган саҳро бўронига ёки кўксимиизга қадалган пичоқقا ўхшаб кетарди.

\* \* \*

Охирги ва кучли фарёдан сўнг Отмажанинг ўрнидан турғанини кўриб қолдим. У икки-уч қадам олдинга босди ва сурнайини бир чеккага улоқтириди. Ҳамма бошини кўтарди, мўлтиллаган кўзлар унга тикилди. У юзига тўэғиб тушган қумрон соchlарини қўли билан орқага қайтарди. Тўсатдан чаноғига кириб кетгандек кўринган киртайган кўзлари теваракка назар ташлади, кейин тегирмончининг қизига тикилди, узоқ тикилди...

Ўша дақиқани бир умр унутмайман, биродар, ташқарида бўрон кучайган, девор ағдарилгудай лопиллар, томга ёпилган черепицалар ерга учиб тушарди. Тегирмон қутурган ҳайвондек ҳайбат-ла бўкирар, тинмасдан гир-гир айланарди. Отмажа чироқнинг хира нурида одатдагидан ҳайбатлироқ, худди бир кўланкадек турарди. Кўзлари қизга тикилган. Чидаб бўлмайдиган бир алам юзини таниб бўлмайдиган даражада ўзgartганди. Қорайган юзига югирган қон кўз атрофига урас, тишлаб турган лаблари қонсизликдан оппоқ оқариб кетганди. Бу лаблар бир нима айтмоқчи бўлгандек жуфтланди-ю, йиғлаб юборай деяётган кишининг лабидай осилиб тушкиди.

Бир зум тикилганича қотиб қолди. Кейин киприклари секин юмилди, йиқилиб кетаётгандай чайқалди. Лекин дарров ўзини ушлаб олди. Яна бир марта бизларга назар ташлади. Гўё у ёрдам сўраётганга ўхшарди: у, эззётган азоб-уқубатга мубтало қилган бу аламлардан қутқазадиган мадад изларди...

Бошига оғир бир нарса урилгандай ингради. Орқаси-  
га тисарилиб, тегирмоннинг нариги чеккасига — чарх ва  
қайиш тўхтовсиз айланаб ётган бурчакка ўзини отди.

Ҳаммамиз ҳам бир нафас ўтирган жойимизда ўтириб  
қолдик, кейин телбалардек, айсоҳаниос солиб, орқасидан  
югурдик...

Ҳайҳот, биродар, кеч қолган эдик. Кўзлари косаси-  
дан чиқиб кетган Отмажа «ғишт қолипдан кўчди» де-  
гандек бизга томон келарди.

Ўнг қўли кесилган, тарновдан сув тушаётгандек қон  
оқмоқда. Уч-тўрт қадам босиб қаловлади, оёғимиз ости-  
га йиқилди...

\* \* \*

Мана сенга ошиқ лўли қиссаси, биродар.

Гуллар очилган фаслда, қўлларингга ястанган гул-  
лар сингари ажойиб ҳидлар таратган гўзал билан дарё  
бўйларида ўтириш, бўсалар олиш, ҳолдан кетгунча бў-  
са олиш қандай роҳат...

Сени кўрганда жабру ситам қилиб, юзини ўгириб  
олган мағрур дилбарнинг эшиги олдида, ой нурида эрта-  
лабгача юриб чиқиш, кейин энг яқин дўстларингга кўз  
ёши тўкиб айтиб бериш — гап орамизда қолсин — бунинг  
ҳам бир завқи бор...

Лекин, севган ёрингда йўқ нарсани танангда кўтариб  
юришни ўзингга эп кўрмай, узиб олиб ташлашни ҳақи-  
қий ошиқлик дейилади, биродар.

## ЎРМОН ФОЖИАСИ

— Ишонган боғимиз ҳам, суянган тоғимиз ҳам ўрмон,— деди ёнимда ўтирган чол.— У бизнинг отамиз, онамиз ва уйимиздир.

Қош қорая бошлади. Қуёш энди водийни ёритмас, фақат шамолда тебранаётган ўрмондаги дарахтларнинг учларида сўнгги лола ранг қизғин нур ўйнарди. Бир оздан кейин у ҳам сўниб, манзара бирдан ўзгариб кетди. Ҳаёт нафаси сезилиб, ҳамма нарса ҳаракат қилиб, шитирлаб турган водий кўз олдимизда жим бўлиб, юпқа туман пардасига ўралиб олди. Аммо ўрмон жонланди. Куни бўйи эши билар-эшилмас шивирлашган дарахтлар энди гоҳ баланд овоз билан пола қилар, гоҳ у томондан бу томонга тебраниб, бир-бирига узун қўлларини чўзаркан, мунгли қўшиқ бошларди. Ёлғиз дарахтлар эмас, ўрмон ўтлари, қалин бутазор, дарахтларнинг ташасига чирмасиб кетган печак ўтлар, ҳатто оч жигар ранг қўзиқорин ва кўм-кўк мохлар ҳам — ҳамма нарса жонланган эди. Ўрмон ёқасидан тартибсиз шовқин эшилиб туради, хаёлимда катта шаҳар уйқудан уйғонаётгандай эди. Шу уйғонишни кутиб тургандай, ўрмоннинг ногасига йиртқич ҳайвон ва паррандаларнинг қичқириги қўшилиб кетди. Ўрмондан ора-сира эшитилаётган шохларнинг қасир-қусури, қулоқни кар қилгудек фарёд, кураш шовқини ва ўлим олди хириллашлари қоронги тушиши билан жонланган ўрмонни қўрқинчли қилиб кўрсатарди.

Сал нарида олдинги ўнг оёги билан ер тегинаётган стим бошини мен томонга ўгириб, потинч кишинади, кеин истар-истамас ўт қимтий бошлади.

Чол ёнимда тирсакларини тиззасига тираб тамаки чекиб ўтиради. Буришган лабларининг бир четида мильтиллаб кўринаётган чўғнинг хира шуъласи ушинг соқолига тушиб турарди. Чол гоҳ оёқ учларига, гоҳ юзимга тик қараб гапира кетди.

«—Ха, ўрмон худди ўзимизнинг уйдек гап эди. У бизнинг бирдан-бир бойлигимиз эди. Биз ўрмонни ўз қишлоғимиздан ҳам яхшироқ билардик. Ҳар бир дараҳт бизни боласини асраган онадек ҳимоя қиларди... Қишлоғимиз ўрмоннинг ўртасида эди, атрофини кўм-кўк дараҳтлар девордек ўраб турарди. Биз бу деворнинг орқасида дунё борлигини ҳам билмас эдик. Болалик йилларимда от-отакам ўйнаганларимизни эслайман: таёқчалардан арава ясадик-да, қуриган барг ва шох-шаббалар ортардик. Ота-оналаримизга дастёрлик қиласидиган вақтимиз келганда бўталоқларимизни қидириб, ўрмоннинг энг қалин ерига борадиган бўлдик. Биз адашиб қолишдан қўрқмас эдик. Нотаниш ерларда синган шохлар ва қулаган дараҳтларга қараб йўлимизни топиб кела берардик. Ахир киши ўз уйида адашадими, жигарим! Ўсибулғайганимизда бизни кийинтирувчи ҳам, едириб-ичи-рувчи ҳам, бошпанамиз ҳам шу ўрмон эканлигини анлардик. Ўрмон бўлмаса, ҳолимиз нима кечишини биз ҳатто тасаввур ҳам қила олмасдик!..»

Чол қўлимдан ушлади. Унинг аъзойи-бадани титради. Қандайдир кўнгилсиз ҳодиса унинг қалбини ўртагандек эди. Унинг кичик, хира кўзлари жиққа ёшга тўлган, ажин босган юзининг тиришлари янада кўпайган эди. У нимадир демоқчи бўлар, бироқ тили гапга желмас эди. Унинг кўзини хиралаштирган, лабларининг щеккасига ўнашиб қолган ва ҳар бир хатти-ҳаракатидан сезилиб турган ғам-алам мени ҳам чулғаб олди. Ниҳоят у томоғига тиқилиб келган юмалоқ нарсанни ютиб юборгандай қичқирди:

— Ўрмонимизни тортиб олишди! Битта ҳам дараҳт қолдиришмади!

У папагини ортгароқ суреб қўйди-да, қўли билан отпоқ, сийрак соchlарини сийпади. Кейин ўзи чекаётган изтиробларга ғарқ бўлгандай жим бўлиб қолди. Мен унинг қалбида нималар бўлаётганини англаб олишга

ҳаракат қиласадим. У танобининг кучи тугаб қолган осма соатнинг капкири сингари секин-аста тинчланди. Лабларини куйдира бошлаган махорка қолдигини отиб юбориб, соқолидаги кулни қоқиб ташлади-да, четга қарган ҳолда ҳикоясини давом этди:

— Оталаримиз боболаримиздан, биз оталаримиздан қолган урф-одатимизни муқаддас сақлаб, эскича, аммо, ўз турмушларимиздан мамнун яшардик. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас-да! Бошқача яшаш мумкин эканлигини биз билмасдик. Биз ота-боболаримизнинг васиятини болаларимизга етказиш ва «Сиз ҳам ота-боболардек яшанг» деб қаттиқ тайинлашни муқаддас бурчимиз деб билардик. Бир ёқлардан шамол келиб, буларнинг ҳаммасини остин-устун қилишларини хаёлимизга ҳам келтирмаган эдик...

Бир куни ҳукумат ўрмонни кесиб олиш ҳуқуқини саноатчилар ширкатига бериби, деб эшитдиг-у, яхши тушунмаганимиз учун аҳамият бермадик. Кейин қарасак, ўз ота-боболаримиздек билиб, иззат-ҳурмат қилиб келгап асрий дараҳтлар бирин-кетин қулай бошлади. Ҳа демай ёшлиқда биз орасидан зўрға-зўрға қисишишиб ўтадиган, қуёш нурлари етиб келолмайдиган қуюқ чангальзорда катта-катта ялангликлар пайдо бўлиб қолди. Оёқ остида янчилган ўт ва буталар майдони... Ўрмоннинг жароҳати катталаша борди, ниҳоят, ёт болта бизнинг чангальзоримизга ҳам етиб келди. Бу болтага қарши ҳаммамиз бир кишидек қўзғалдик. Пул ҳам, дўқлар ҳам — ҳеч нарса бизнинг ўрмонимизни ололмас эди-ку, лекин, ширкат ҳийла билан қўлга туширди: шундай қилдики, ўтинимизни ҳеч қаерда сотолмайдиган бўлиб қолдик. Қурилиш учун кетадиган ёғочлар ҳам сотилмай қолди, биз уларни сув текин ширкатга бердик. Иш йўқ, ҳатто баъзи йигитларимиз ширкатга дараҳт кесувчи бўлиб ёлланмоқчи ҳам бўлишди, лекин биз йўл қўймадик. Охири ўрмонимизни бир чеккадан озгина-озгина ширкатга беришга мажбур бўлдик.

Биз, деҳқонлар, узоқни кўра олмаймиз. Ширкат бизга: «Биз бу ўрмонни энг янги усуlda кесамиз, сизлар барибир бундай ишнинг уддасидан чиқолмайсиз», деди. Балки ширкат тўғри айтгандир. Лекин бизни қуп-қуруқ қолдириш адолатданми? Ширкат бойлик ортиришда жоҳил ва омилигимиздан фойдаланди. У билан беллаша олмаслигимизни билиб, ҳаммамизни хокитироб қилди,

Болалигимиздан қадрдан бўлган бу ерларга юрак-багримиз эзилмай қаролмасдик. У ерда бир дараҳт бор эди: йигитлик вақтимда қаллиғим бўлажак қизни олиб қочганимда орқамдан қувишган одамлар билан шу дараҳт орқасида туриб отишган эдим. Ўша отишмада ўқ теккан ерлари ҳали-ҳали ўйилиб ётарди. Уни кесишаётганда узоқдан қараб турдим. Ҳаёлимда қўлимми, оёғимми кесилаётгандай бўлди... Қўлимдан нима келарди? Кўз ёши қилиб, қуриб ётган ўтлар устидан юриб кетдим.

Ҳамма нарса тамом бўлди. Энди ҳеч ким кулмасди. Қишлоғимизни таниб бўлмай қолди. Биз, кексалар уни зўр-базўр таний олардик. Энди уни баланд ўсган дараҳтлар бегона муҳитдан ажратиб турмасди. Келгинди бир савдогар қишлоғимизда қовоқхона очди. Кўчаларда маст-аласт дараҳт кесувчилар дайдиб юрадиган бўлиб қолишиди.

Бизнинг ихтиёrimизда олти юзга яқин дараҳти бор бир парча ер қолган эди. Биз бу ерни ўлсак ҳам қўлдан чиқармаймиз, деб аҳд қилдик. У бизни боқиши, бола-чақаларимизга эса, ота-боболаримизни боқсан қалин ўрмондан эсадалик бўлиб қолиши керак эди. Биз ўрмоннинг бу бўлагига ёт кишиларнинг қўл теккизишига йўл қўя олмасдик. Улар ўрмон ичкарисига киришдан ва бизнинг ғазабимизни қўзғашдан ҳайиқишиган бўлса керак, бу ерга панжаларини узатишмади. Бироқ, бу ҳолнинг узоққа чўзилмаслигини сезардик.

Шундай бўлди ҳам. Ширкатнинг ёғочларига қурт тушиб, катта зиён кўрганини эшилдик. Ширкат бу зиённи қоплаш учун типиричилаб қолди. Бир кун эрталаб қишлоқда, бизнинг еримизда дараҳт кесувчилар пайдо бўлгани ҳақида овоза тарқалди. Деҳқонлар уйларидан югуриб чиқишар, саросимага тушиб, ҳар томонга чопишарди. Бироқ, кўп ўтмай, улар эс-ҳушларини йиғиб олишиди. Ҳар ким ўзича, қўрқинчли ва умидсиз маслаҳатлар бергани сари, бизни қўрқув боса бошлади. Шу вақт хаядақда ётиб, охирги ўқини отаётган ва бундан кейин ўлим чангалидан қутулиб кета олмаслигини билган жангчининг аҳволига тушган эдик. Ҳамманинг лабидида ўша жангчиники сингари аччиқ истеҳзо бор эди. Біу — ўғрининг оғзидағи нарсани тортиб олиш ёки бўғзинга пичоқ тортилган қўйнинг жон талвасаси эди, жијани. Эҳтимол улар ҳам бунинг бефойда ҳаракат эканини билгандирлар, аммо...

Чол жим бўлиб қолди, шу пайт кучли шамол турдй. У ғазаб билан гувиллар, дараҳтларнинг таналарини ерга томон эгарди. Шамолнинг гувиллаши бўронда чайқалаётган денгиз ҳайқириғига ўхшар, дараҳтлар тўлқинлар каби гоҳ паст тушиб, гоҳ кўтарилади. Үрмон худди биз томонга силжиётгандек туюларди. Гоҳ пасайиб, гоҳ кучайиб бораётган қудратли гувиллаш баъзан суҳбатдошимнинг овозини босиб кетарди. Чолнинг гаплари қулоғимга бутун оркестр овозига қўшилиб кетаётган най овозидек эшитиларди.

— Ичимиизга ютиб келган сўзларимиз бирдан алланга олди, заҳри энди билинди,— деб сўзида давом этди чол.— Бу заҳар кексаларни ҳам, ёшларни ҳам, аёллар ва болаларни ҳам ғазабга келтирди.

Одамлар қўлларига болта ва сўйил олиб, ўрмонга югурдилар. Дараҳт кесувчилар ҳали ишга тушншмаган эди. Биз уларга «битта дараҳтга қўл теккизсангиз, биздан яхшилик кутманглар» дедик. Дараҳт кесувчилар биз билан айтишиб ўтирмасдан асбобларини йиғиштириб, ўрмон ёқасига кетишиди. Ичимииздан бир одам шаҳарга жўнади. Қолганлар ўрмонда ўтириб олиб, кута бошлиди.

Кечқурун шаҳардан ўрмон ишлари бошқармасининг бир амалдори, у билан бирга ширкатнинг бир вакили ва икки жандарм келди. Улар бизни назарларига илмай олдимиздан тескари қараб ўтиб кетишиди-да, бориб дараҳт кесувчиларнинг каттаси билан гаплашдилар. Кейин амалдор бизни жандармларга кўрсатди-да, буйруқ берди:

«Буларни ўрмондан ҳайдаб чиқаринг!»

Вакил бўлса дараҳт кесувчиларга ўдағайлай кетди:  
«Ишни бошланглар!»

Шунда эркак ва аёлларимиз бир-бирларига сўз қотмасданоқ бизни ҳатто одам қаторига қўшмаганлар устига ташландилар. Сўйил ва болталар ишга тушди. Астасекин қуюқлашаётган қоронғиликда кишиларнинг бир-бирларига ташлангани кўриниб турар, дод-фарёдлар ва бўғиқ қичқириқлар эшитиларди.

Жандармлар ҳам, улар билан бирга келганлар ҳам бирин-кетин қочиб кетишиди. Бўхчақорин амалдор эса, фақат қишлоққача қочиб бора олди. Қишлоқда у мусоғирхонага кириб яширинди-да, эшикни ичкаридан беркитиб олди.

Биз қылғилиқни қилиб қўйган эдик. Бунинг учун бизларни кечирмасликларини ҳам яхши билардик. Худди шундай бўлди ҳам:

Эртасига жандармларга ёрдам етиб келди. Улар қишлоққа бостириб кирдилар, ҳамма эркак ва аёлларни тутиб қўлларини боғладилар-да, мол сингари шаҳарга ҳайдаб кетдилар, амалдории бўлса, қутқардилар. Кейин эшитсам, ўспирин болалар билан аёллар мусофирихонани тонг отгунча тошбўрон қилишибди. Ўзларининг ожизликларини била туриб, қутуриб тошбўрон қилишибди. Шундай қилиб аламдан чиқмоқчи бўлишибди-да, шўрликлар!

Чол жим бўлди. Ҳали ҳозиргина ҳайқираётган шамол бутунлай тинди. Ўрмондан ёқимли ҳид анқирди. Баргларгина атлас кўйлак каби шитирлар, баҳайбат дарахтларнинг танаси эштилар-эштилмас гувилларди, бу гувиллаш хонада қаттиқ бақирилганда роялнинг торларидан чиқадиган овозни эслатарди. Ўрмон мудрайди. Бу шитирлаш ва гувиллаш унинг тинч нафас олиши эди.

Чол ўрнидан турди, ўраган тамакисини шошмасдан тутатди-да, секин-секин юриб, зулмат кеча қаърига кириб кетди.

## АРИҚ

Чумра яқинидаги Бейшаҳар кўлидан келадиган сувнинг ранги ариққа тушгунча ўзгармайди. Кония водийсига кирганида эса, қон тусини олади. Сиз, эҳтимол у ердаги тупроқнинг ранги шундайдир, дерсиз? Мен бўлсам, буни дэдэмлик Меҳмед билан уқасининг қонининг ранги дейман.

Кония водийсининг осмони кўм-кўк эмас, сариқ, сапсариқ. Сиз, балки шамол тўзитиб юборган тупроқ шундай қилгандир, дерсиз? Мен бўлсам, бу Кониядаги қамоқхонада ётгаи Загар Меҳмеднинг юзидаги заъфаронлик дейман.

\* \* \*

Тирноқ билан қиртишлаб саҳродан ҳосил олинади. Уни омоч билан ҳайдаб бўлмайди. У ерда бўйи икки энликдан ошмайдиган ёввойи ўт билан қуш қўнмасдан бўлак ҳеч нима ўсмайди, саҳро ташаликдан қовжираб, ётган қўксини ялангочлаб осмонига тутиб беришга интилади.

Инсон қўли билан қазилган ариқ саҳронинг ташалигини бадтар оширади. Жилдираб оқаётган лойқа сув худди ўзини бу ёққа келгани мажбур қилганлари учун аччиғлангандай, бутун вужуди билан қақраб «Сув!» деб ётган тупроқни қондириш у ёқда турсин, унга юқ ҳам бўлмайди. Худди зайдуи ёги дарёсидек сув оқими эринчиқлик билан водий томонга оқиб келади.

· Кул тепаларни эслатувчи, у ер-бу ерида дараҳтлар қаққайиб турган бу ерлардаги қишлоқларда ишлай беріб құллари қадоқ бўлиб кетган, қүёшдан юзлари күйиб қорайган, қовоқлари шишиб, қизариб кетган кишилар асрлардан бери қақроқ ердан бир парча нон ундириб олиш учун ҳормай-толмай ишлаб келадилар.

Дэдэм қишлоғи ариққа яқин ерга жойлашган. Бироқ сув Бейшаҳар кўлидан қишлоққа етиб келгунча шундай камайиб қоладики, бир неча дёнюм<sup>1</sup> ерни сугориш ўёқда турсун, бир парча томорқани сугоришга ҳам етмайди.

Ёғингарчиллик йиллари кулган юзлар, чақнаган кўзлар қурғоқчиллик йиллари буришиб, қисилиб, ариқнинг лойқа сувига телмургани-телмурган. Бефойда эканини билсалар-да, ундан мадад кутадилар. Ёғир эса беш йилда бир марта тузукроқ ёғади.

\* \* \*

Дэдэм қишлоғида яшовчи Мөхмед билан Загар Мөхмед фақат қўшнигина эмас, тенгдош ҳам эдилар. Кичкиналика хирмонда бирга эмаклашишган, чанг кўчаларда умбалоқ ошиб ўйнашган, бўйларидан баланд таёқларни кўтариб олиб, қишлоқ сигирларини тирқиришишган, қурбақаларга бирга тош отишган.

Ёшликларида улар оналари билан бирга ёғ ва қатиқ сотгани бозорга боришарди, қишлоқдан етти соатлик йўлдаги тоғдан эшакка ўтин ортиб келишиб, бирга сотишарди. Борди-ю, бу ерларнинг нарх-навосини билмаган амалдорга беш-үн куруш<sup>2</sup> ошиққа сотишса, бир хил матодан кўйлаклик сотиб олишарди.

Үспириинликларида тўйларга бирга боришар, хотинларни ўйинга тортишар, қизларни олиб қочишида бирга қатнашишарди. Уларни марказий анатолияликларга хос бўлган камсуха дўстлик бир-бирига боғлаб турарди. Ёшликларида бу дўстлик — қўл ушлашиб ёнма-ён юришларида акс этарди. Кундан-кунга улар худди нонни ердан тиш билан қазиб олишга мажбур бўлган кишилар дай жиддийлаша бордилар. Бўйинларига рўзгор оғриликлари тушгач, кам учрашадиган бўлиб қолдилар. За-

<sup>1</sup> Дёнюм — сатҳ ўлчови бўлиб, 40×40 кв. м. га тенг (Ред.)

<sup>2</sup> Куруш — майдатчақа, лиранинг юадан бир бўлаги. (Тарж.)

тар Мөхмәд уйланди. Мөхмәдинг отаси ўлиб, онаси, опаси ва ўн саккиз яшар укаси унинг қарамогида қолди.

Баъзида эски қадрдан дўстлар учрашиб, мачит олдидаги супачада қишлоққа қайтаётган подага тикилиб, бир оғиз ҳам гапирмай ярим соатча жим ўтирадилар. Сўнгра бир-бирларига лаблари учида енгил жилмайиб қараб қўйиб, уйларига кетардилар.

Ниҳоят, оиласда ишлайдиган киши кўпайсин учун ака-ука Мөхмәд ва Мустафо бир кунда уйланиши. Ҳали йигирмага тўлмаган ёш келинлар паҳса деворли кулбага келиб тушдилар.

Умр неча юз йиллардан бери унумсиз ер билан унсиз кураш орқасида ўтганидек ўтиб борар эди. Дўстлик, бирга қилинган шўхлик, тўполонлар бирдан-бир қайғуси нон бўлган одамлар ёдидан аста-секин кўтарилиб, охири бутунлай унутилди.

\* \* \*

Бир куни Загар Мөхмәд ерини сувораётниб, сувнинг камайиб бораётганини, ариқ тагида сап-сариқ лойқа чўкиб қолаётганини кўрди. Бошини кўтариб аввал ариққа, сўнгра юқорироқдаги Мөхмәдинг ерига қаради ва Мөхмәдинг сувни бўғиб, ўз ерини сувораётганини кўрди.

У Мөхмәдинг олдига ўзининг олти яшар ўғлини юборди. Оёқ яланг бола унинг ерига чопиб борди да, қичқириб:

— Дадам айтдилар, сувни қўйиб юборармишсан! — деди.

Мөхмәд индамади.

Бола бирпас кутиб тургач, дадасининг ёнига чопиб келди.

Иккала Мөхмәд турган жойларида бир-бирларига қараб қўйиши. Бу қарашнинг ўзиёқ кўп нарсаларни, ҳаммадан аввал шу кундан бошлаб ўрталарида шафқатсиз кураш бошланганлигини билдиради. Лекин бу қарашларда нафрат кўринмасди, чунки шу вақтгача ораларида кўнгил қоларли иш бўлмаганди. Бу қарашда фақат ер ва сув учун кишилар қалбига жаҳолат солувчи кураш акс этарди. Эҳтимол, бу қарашда ҳатто бирмунча ачиниш ҳам бордир: мана шу бир парча ерда яшаб қолиш, қурғоқчиликдан қақраб ёрилиб кетган

мана шу ердан бир кафт дон олиш учун бу тўқнашиш бирининг ўлимига сабаб бўлишига ачиниш акс этарди. Бироқ бу қараашда кин ва адоват йўқ эди.

Загар Мөҳмединг ёлғиз ўзи ака-укага тенг келол-масди. Шунинг учун ҳам у аввал келишмоқчи бўлди, ле-кин бунинг иложи йўқлигини билар эди, нимагаки, сув икки далани сугоришга етмасди. Шундай бўлди ҳам: Мөҳмед унинг таклифига жавоб ҳам қайтармади.

Шундай қилиб, Загар Мөҳмед кута бошлади. У ўзи-нинг ерига бориб, жилдираб қолган сувга тикилди, кейин юқорироқдаги ўз ерини айланиб юрган Мөҳмедга узоқ тикилиб турди ва яна кута бошлади. Осмонга назар таш-лаб, булутни қидирди ва тағин кутишга тушди.

Поялар, сўлиб қолаётган поялар аста-секин қад кўта-ради.

Қуёш эса бошқа барча ишларини йиғишириб қўйиб, бутун иссиғини бир қарич бўлиб қолган нимжон кўк поя-ларин қуритиш учун сочаётгандай эди. Юпқа барглар қуёш нуридан, иссиқдан нафаси тиқилиб ҳарсиллаётган итнинг тилидек титрарди.

Шундай қилиб, буғдой поялари бир қаричдан ба-ланд кўтарилемади. Эсизгина поялар!..

Мөҳмединг еридаги буғдой тиззага уриб қолган эди. Загар Мөҳмединг буғдойи бўлса, ҳали-ҳали бир қарич. Қуёш ҳам худди иссиғини кўзга кўринмас қувур орқали фақат унинг даласига сочаётгандай эди. Ҳали жуда ки-чик бўлган поялар сарғайди.

Чумрада сув бошқармаси бор эди. Бошқармада ди-ректорлар, амалдорлар, ҳисобчилар йиғилишиб мажлис-лар ўтказишга ҳам, сув Мөҳмединг даласига келганда, оёқдагиларга бир томчи ҳам ўтказмасди.

Загар Мөҳмед зиғирдай пояларнинг сарғайнини билан бирга эрталабдан кечгача кетмон чопувчи хотинининг, олтмиш яшар онасининг ва олти яшар ўғлининг рангла-ри сомон бўлаётганини кўрди. У ўйга чўмганча кутарди. Унинг нима ҳақда ўйлаётганини, нимани кутаётганини ҳеч ким билмасди.

\* \* \*

Загар Мөҳмед бир куни эрталаб вақтлик милтиғини олиб далага чиқди-да, қақраб ётган ариқнинг ичига ётди. Мөҳмед билан укаси ўз ерларида кўринганларида улар-га қараб қаторасига бешта ўқ узди.

Бу унумсиз срларда ўлиш ва ўлдиришдан осон нарса йўқ.

Загар Меҳмед чошиб келган хотинига ариққа сув боғлаб далани сугоришни ва сувни ҳеч ким бўғиб олмасин учун қараб туришни буюрди, чунки қўшни участкада эркак киши қолмаган эди.

Сув очишга кетаётган хотинининг орқасидан бақириб, ўғлига сувни кўп исроф қилдирмасликни, уни кўргани ўғли билан қамоқхонага бориб туришни, кампир онасини хафа қилмасликни буюрди. Кейин даланинг бир чеккасига ўтириб, хотинининг ариққа сув боғлаётганини кузатганича ўзи томон келаётган муҳтор<sup>1</sup> билан жадармни кута бошлади.

\* \* \*

Дэдэм қишлоғи яқинидаги ариқнинг суви Меҳмед ва укасининг қонидек қўп-қизил. Кония водийсининг осмони эса, Загар Меҳмеднинг юзидек заъфарон.

Қамоқхонада Загар Меҳмед билан бирга дэдэмлик бир чўпон ҳам ўтиради. Чўпонни, қўй ўғирлагансан, деб икки йил қамоқ жазосига ҳукм қилишган. Аслида эса, унинг гуноҳи бир йил ишлаб, хўжайинидаң ҳақини талаб қилиб туриб олгани, холос. Загар Меҳмед камерадан узоқда бўлганида, бу чўпоннинг ёнига маҳбуслар тўпланишади, шунда чўпон кўзини юмиб, бошини бор оз орқага ташлаб, Дэдэм қишлоғида айтишадиган қўшиқни айта бошлайди:

Улим келиб, кезиб юрар останамизда,  
Аччиқ хабар етиб келди қишлоғимизга,  
Ҳуркак қўйлар сингари додлар хотинлар.  
Қочинг, хўжам! Майлига, бизнинг қон оқсан,  
Дўстлар йиғлаб, душманлар, майли, кулишсан...

Ёш чўпон Загар Меҳмеднинг қалби бу қўшиққа бардош беролмаслигини билар, шунинг учун ҳам узоқдан Загар Меҳмед кўриниши билан жим бўлиб қоларди.

<sup>1</sup> Муҳтор — қишлоқ оқсоқоли. (Тарж.)

## А И Р О Н

Станцияга бориладиган йўлнинг қори эриб, лойи тиззага чиқиб ётар эди. Қор босиб ётган далалар ботаётган қуёш нурида кўзни қамаштириб жимирларди, йўл бетидаги лойқа ҳалқобчалар нурсизгина ялтиради.

Кичкина Ҳасан яланг оёғига кийиб олган каттакон миҳлама бошмогини судраб босади. Мис кўза кўтариб олган бола юришга қийналар ва нафасини ростлаб олиш учун уч-тўрт қадам юриб тўхтарди.

Оғир кўзани кўтариб бориш ноқулай бўлганидан, бола сирланган кружкасини дам-балам ерга қўйиб, кўзасини ўнглаб кўтариб оларди. Оғзиғача тўлдираб айрон солинган кўза юргани сайн тиззаларига урилиб, қўлидан чиқиб, ағдарилиб кетай дерди. Бошмогининг дастаги эзилиб кетганидан товони лой кечиб борарди.

Ҳасан яна иккى соат юриши керак. У, бу йўлдан қиши-ёзин ҳар куни қатнарди, бироқ бугун йўл болага нечундир жуда узайиб кетгандай бўлди. Йўлнинг қоқ ярмидаги кичкина қуруқ тол туманда ғира-шира кўриниб туради.

Кичкина Ҳасан атрофидаги таниш манзараларга эътибор бермай борарди. Шўрхок бу водийни кичкина анҳорча кесиб ўтади. Анҳор қалин, баланд ўсган қамишлар орасидан оқади, олдига яқин бормасангиз кўринмайди. Анҳор устига учта ёғоч ташлаб ясалган кўприк одам ўтганда худди синиб кетадигандай лопилайди.

Кичкина шамол тегирмони яқиндаги тепаликка ёндошган. Тегирмон парракларининг овози эшитилмасди: ҳозир қишлоқ учиш, шунинг учун у ҳафтасига атиги уч кун ишлайди. Тегирмон олдида ўсган учта толининг барглари аллақачон тўқилиб кетган, тегирмон худди қаровсиздай, ҳувиллаб ётади.

Ҳасан йўлдан юриб бормоқда. У ўзининг қайтишини кутиб ўтирган икки укасини ҳам, қишлоқдан тўрт соатлик наридаги посёлкага бориб хизматкорлик қиласидиган онасини ҳам ўйламасди. У яна, айронни сота оладими, ўйқми, буни ҳам ўйламасди.

Унинг хаёлини банд қилган ўй мана шу йўлдан яна уйига қайтиш эди. Шунинг учун у худди узоқ йиғлаган кишидай оғир хўрсаниб қўйди. У кружкасини маҳкам ушлаб олган қўлининг орқаси билан бурнини артди, кейин рўпарасига қараб, станциянинг яқинлашиб қолганини пайқади.

Қорайиб турган станция биноси икки томони яланғоч тоғлар билан ўралган водийнинг қоқ ўртасида ёлғиз шўппайиб турарди. Станцияни ўраб олган яланғоч акас дарахтлари унга яна ҳам ғамгин тус берар ва бутун бино худди водийга тасодифан ташлаб қўйилган тошга ўхшарди.

Бу ерга ҳар кун иккى маҳал почта поезди келиб тўхтар ва бир неча минут тургандан кейин, бу саҳрода тўхтаганига ажаблангандек тантанали оҳангда қичқириб, ўйлида давом этарди.

Ҳасан таҳта девор билан ўраб қўйилган станциянинг олдига етиб келиб, бир оз нафасини ростлаб олди-да, сўнг эшикдан лип этиб ўтиб, вокзал ичига кирди.

Станция биноси билан йўл ўртасида иккита деҳқон хуржунлари устида ўтиришарди. Шинель кийган бир жандарм жунжикиб деворга суялиб турарди. Станцияда булардан бошқа ҳеч ким йўқ. Катта станцияларда поезд келди дегунча станция мева, лимонад, қабоб сотувчилар билан тўлиб кетади. Бу станция эса фақат ёз пайтлардагина атроф қишлоқлардан чарос, қовун, тарвуз келтирган деҳқонлар билан бир оз гавжум бўлади. Қишида бўлса, станцияда кичкина Ҳасан билан уч-тўрт кунда бир келиб, кеч пишар нокларини сотувчи кекса, чўлоқ деҳқондан бошқа ҳеч ким бўлмайди. Поезд яқинлашиб қолганда, станция бошлиғи иорози қиёфада ўз хонасидан чиқиб келарди. Поездни жўнатгач, ўша заҳоти хо-

насига кириб, ўн йилдаш бери бутун кунини тузатишга сарфлаётган радиоприёмникни гапиртириш умидида яна унаб кетарди.

Бугун станицяда нок сотувчи дәхқон ҳам күрингемади Ҳасан күзасини ҳўл қум устига қўйиб, темир изга ўй-ланиб қараб қолди. Паровозлар ҳар куни аллақаерлардан юзлаб кишиларни олиб келадилар ва фақат қопқора ёғлиқ доғларгини қолдириб, яна шу узундан-узоқ йўллар бўйлаб уларни аллақаёқларга олиб кетадилар.

Паровознинг қаттиқ чинқириғидан Ҳасан чўчиб тушди. Бу — поезднинг «мен келяпман» дегани эди. Паровоз составни станицяга тортиб келди-да, худди ёғлиқ қора доғлар устига келиб тўхтади. Ҳасан кўза билан кружкани кўтариб олиб, бураб қўйилган ўйинчоқ машинадай состав бўйлаб у ёқдан-бу ёқقا чопа бошлади. У деразаларга қараб «Айрон! Айрон! Янги, яхши айрон!» деб тинмай қичқиради. Ёзда у: «Муздай айрон!» деб қичқиради, бироқ ҳозир қиши пайтида «айрон» сўзини эшитибоқ, кишининг бадани жимирилашиб кетади, шунинг учун болага ҳеч ким қайрилиб ҳам қарамади.

Вагонларнинг деярли ҳамма деразалари ёпиқ. Фақат пардаси кўтариб қўйилган бир неча дераза олдида сочларини хина билан бўяган, шерстъ кофтали хотинлар туришарди. Бола ўзига тўқ дәхқонми, ҳупармандми, отпускага чиқкан солдатми—ишқилиб тунука кружкасидан айрон ичадиган биронта таинна одамни топиш умидида вагон деразаларига тикилади. Мана бола составнинг у бошидан бу бошига уч бор чопиб бориб келди. Кўзанинг ўткир қирралари нимжон оёғига урилиб, қақшатиб оғритарди. Оғриқдан башарасини тирнштириб, у ҳадеб:

— Айрон! Янги, яхши айрон! — деб қичқиради.

Ҳеч бўлмаса тўрт стакан сотсайди, тўрт стакангина-я! Шунда у ўн куруш ишларди ва бу пулга қора нон сотиб олса бўларди. Шу пайт бирдан, худди чақмоқ нури ёритиб юборгандай, уйда очликдан тинкалари қуриб, унинг қайтишини сабрсизлик билан кутаётган иккита ўкаси кўзига кўриниб кетди. У яна қичқира бошлади:

— Янги, ёғлиқ айрон! Ёғлиқ...

Онаси хизматкор бўлиб ишлар, уйига ҳафтада бир марта, ўшанда ҳам бир неча соаттагина келиб кетарди. У ҳар келганда беш-олтита нон, озгина пиёз, гоҳида озгина шинни олиб келарди. Бироқ, булар очиқиб ўтирган

уч болага икки куни ҳам етмасди. Қолган кунлари иккита ёш укасини боқиши Ҳасанинг бўйинига эди. Укаларининг бири икки яшар, иккиси беш яшар эди: Бу рахит, нимжон болалар қўлларига тушсан нарсанни ейишдан бошқани билишмасди. Ҳасан ҳар куни озгини айронни укалари слолмайдиган туйнук ичига бекитиб қўярди. У ҳар куни станцияга кетар экан, ўзлари билан бир хонада яшайдиган ва ўзларига ўхшаб очлик азобини тортаётган қари эчкини укаларим ўлдириб қўйишмаса эди, деб хавотирланарди.

У неча-неча бор уйига кечқурунлари билан парча нопни қўлтиғига қисиб олиб келган. Неча бор сопол косага айрон қуяр экан, укаларининг қора лойдай қоп-қора нонни битта ушоғигача қўймай еб қўйгапларини кўриб, эси чиқиб кетаёзганди! Шундай пайтларда Ҳасан косадаги айронни қуруқ симиради-да, юрагининг оғриғига қарамай. (у очликка кўникиб қолган эди) пўстакда ётган укаларининг ёнига чўзилиб, йиртиқ, яғирни чиқиб кетган кўриани устига тортарди.

Ҳозир уни укаларининг ҳамма нарсанни ютаверадиган тўлмас ўпқон, қорнилари қўрқитмасди. Уни даҳшатга солган нарса икки қўлинни бурнига тиқиб қуруқ борганинда бу нимжон жониворларининг унга нафрат билан тикиладиган чақнаб турган катта-катта кўзлари эди. Шунинг ўйлаганда тепа соchlари тикка бўлиб кетарди. Шунинг учун у ҳозир овозининг борича қичқираади:

— Айрои!.. Айрон!..

Учинчи класс вагонларидан бирининг деразаси очи-либ, ундан бўйни узун билан киши бошини чиқарди:

— Хой бола, қани, билан кружка қуй!

Бола қўллари титраб, унга билан кружка айрон узатди. Киши кружкани даст кўтариб қултиллатиб ичаркан, айрон томчилари мўйловларидан оқиб, ёқасиз қўйлагига тушарди. Ишиб бўлиб:

— Яна битта қуй-чи!— деди.

У кружкани бўшатиб, камзилчасининг чўштагидан ўн курушлик чақа олди-да, болага ирғитиб:

— Беш куруш қайтар!— деди.

— Майдам йўқ-ку,— деди Ҳасан ва теваракка аланглади.

Атрофда станция бошлиғидан бўлак ҳеч ким йўқ эди. У майда қор ёға бошлаганидан калласини ёқаси ичига олиб, поезднинг кетишини кутиб туарди.

Бола кўзасини ерга қўйиб, чопиб ушинг олдига борди-да, пулни узатиб:

— Амакижон, шу пулни иккита беш курушлик қилиб беринг!— деди.

Станция бошлиғи жавоб беришни эп кўрмай орқасига ўгирилди-да, қўнғироқни чала бошлади. Деразадан қараб турган киши болани қўли билан имлаб чақирди.

— Ҳой бола, бу ёққа кел!

Ҳасан югуриб деразанинг олдига борди.

— Пулни бу ёққа бер!

Бола пулни дарров қайтариб берди.

Поезд жойидан аста қўзғалди. Дераза олдида турган киши пулни яна камзилчасининг чўитагига солиб қўйди-да, ноилож одамдай:

— Нима қиласмиш энди? Беш курушлигим йўқ экан! — деди.

Шу пайт вагон Ҳасандан беш-олти қадам нарига бориб қолган эди. Ҳалиги киши деразадан бошини чиқариб қичқирди:

— Ҳой бола, кечирасан-да, энди!

Бола тез узоқлашиб бораётган поездга ҳайрон бўлиб бақрайиб қараб қолди. Фидиракларнинг шовқини орасидан яна ҳалиги кишининг овози эшитилди:

— Кечир ука!

Бола алланима деб гудурлади, кейин кўзасини кўтариб станцияга қараб юрди. Қордан паналяниб, девор тагига бориб, суялиб ўтириди.

Қор гупиллаб ёға бошлади. Ҳасан уйига қуруқ қайта олмасди, у кечқурунги поездни кутишга қарор қилди.

— У совуқдан увишгац қўлларини ишқалаб, бошини қашиб қўйди. Онаси эчкининг юнгини оладиган қайчида сочини чала-чулпа олиб қўйган эди. Ҳасаннинг кўклари изғирин шамолдан ёшланиб, киприкларнинг учимаддалади.

Ҳасан шу кўйи кечгача поездни кутиб ўтириди. У аҳён-аҳёнда ўрнидан туриб, тиззаларини ишқалаб яна ўтиради-да, кўзларини юмиб мудрай бошларди. Бирор нарсани орзу қилиш, ўйлаш уни сира ҳам хурсанд қилмасди, у фақат мудраб дам оларди. Ҳасан онасини неча бор эслади. Үнинг кўзларига онасининг йиғлаб турган юзлари кўриниб кетгандек бўлди. Уч боласини ноилож уйда қолдириб, бир бурда нон учун бегона қишлоқ-

да хизматкор бўлиб ишлаётган онасига ич-ичидан раҳми келиб, ачинди. Эҳтимол у, онасига кўпинча унинг ўрнини босиб, укаларини боқадиган бўлғани учун ачингандир. Бечора онаси уйга келганда иккита оч жонивор уни ҳам худди Ҳасанни қаршилагандай ўқрайиб кутиб оларди. Она олиб келган буғдойини ёғсиз қуруқ гўжа қилиб берар ва уйини бир оз бўлса ҳам йигиштиришга уринарди. Кечгача уйда бўлар, кейин баъзан индамай кетиб қоларди. У Ҳасанга на отаси, на қариндошуруғлари ҳақида ҳеч нима гапирмасди.

Очиғи, Ҳасан ўзини таниганидан бери бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Үнга бутун умри станцияга айрон олиб бориб сотиш ва кичик укаларини боқишдангина иборатдай туюларди. Шунинг учун ҳам миясига жойлашган даҳшатли бир фикр уни қийнарди: борди-ю, онаси бир кунмас-бир кун уйга келиб, бир неча кун ётиб, доясиз, ёлғиз ўзи қийналиб туғса-да, ўн кундан кейин чақалоқни Ҳасанга ташлаб, яна ишига кетиб қолса нима бўлади?.. Унда бу чақирилмаган меҳмонни ҳам боқишига тўғри келади.

Ҳаёт кун сайин оғирлашиб борарди. Ҳасан бўлса борган сари сути озайиб бораётган қари эчкиси ёрдамида яшаш учун ёлғиз ўзи қаттиқ курашарди. У кундузлари бўш пайтларнда эчкисини етаклаб юриб боқар, қор ёғаётган бўлса, анҳор бўйидаги қуруқ ўтлардан юлиб келтириб берарди.

Езда Ҳасаннинг ишлари бир оз енгиллашарди. У саҳарлаб ўйлга тушарди. Чарчаганини ҳам билмай станцияга келарди-да, бир кўза айронни бирпасда сотиб бўларди. Чўнтағида тангалар жаранглар, ҳаммадан ҳам уйига қуруқ бормаслигини ўйлаб беҳад суюнарди. Эрталаб бутун айронни сотиб тугатолмаса, кечқурунги поездни кутарди, бироқ кўпинча қолган айронни пешингача сотиб бўларди: станцияга келган дехқонлар олиб ичишарди.

Езда кечқурунги поезд уч яримда келар ва Ҳасан кеч кирмасдан уйига етиб оларди. Бугун бўлса, поезд келишига ҳали ярим соат бор-у, ҳамма ёқни ваҳимали қоронғилик босди. Қайтишда совуқ ейиши ва қўрқишини ўйлаб, баданини титроқ босди. У энди кетмоқчи бўлиб ўрнидан турган эди, станция бошлиғи хонасидаң чиқди — бола ҳозир поезднинг келишини билди.

Поезд станцияда жуда кам тўхтади.

— Айрон! Янги айрон! — деб қичқира бошлади Ҳасан.

У берк деразаларга термулиб, у ёқдан-бу ёққа чо-парди. Хира ойналарнинг орқасидан одамларнинг қораси кўринарди. Ёғаётган қор унинг оғзига урилар, шам қум каттакон бошмоғи тагида гижирларди.

Узоқлашиб бораётган поезднинг тўрт бурчак ойналаридан тушаётган нур ҳалқоблар устига тушиб, сакраб-сакраб борар экан, Ҳасан кўзасини кўтариб, станциядан чиқиб уйига жўнади. Қоронғилиққа кўниkkанича йўқ, бунинг устига қор кўзни очирмасди. Мис кўзасидаги айрон қадам қўйганда ваҳимали қулқулларди. Ҳасан қаттиқ совуқдан дир-дир титрарди. У ҳеч нарсани сезмай, ҳеч нарсани ўйламай йўлни тусмоллаб топиб борарди. Водий ичкарисига кириб борган сари кўзадаги айроннинг қулқуллаши, бошмоғининг чапиллашига бошқа аллақандай овозлар қўшилишди: узоқларда бўрилар увиллашарди.

Ҳасан қўрққанидан бадтар титрай бошлади. У тез юрмоқчи бўлар, лекин оёқлари чалишиб юролмасди. Кўза совуқдан увишиб қолган оёқларига урилиб, орритарди. Бечора бола қоронғилиқдан ҳам, юзига қор келтириб ураётган изғирин шамолдан ҳам, тиззасигача чиққан лойдан ҳам ва бўриларнинг даҳшатли увиллашларидан ҳам қўрқарди. У очлигини ҳам, чарчаганлигини ҳам, нимжон уқаларининг қаҳрли кўзларини ҳам ўйламасди. Тезроқ уйга етиб, ўчоқда милтиллаган кўмир чўгигда ёришиб турган кулбасининг бурчагига биқиниб олгуси келарди. Ишқилиб, мана шу зиёсиз қоронғиликдан, мана шу увиллашдан қутулиб, тўрт томони берк уй ичига кириб олса бўлгани...

Ана, бошмоқлари лойга ботиб қолди, у кўзасини лапанглатиб оёқ яланг югурга бошлади. Айрон юзларига сачраб, эгнини шалоббо қиласар, ерга тўқилиб борарди. Қўрққанидан тишлари такиллар, ваҳм босиб томонидан қандайдир даҳшатли товушлар чиқарди. Бу орада Ҳасан йўлнинг қоқ ярмисидаги қуруқ толнинг олдидан ҳам ўтиб кетди. У мадда бойлаётган кўзларини катта очиб, кўзи билан қоронғилиқни ёриб ўтгундек тикилди, лекин ҳеч нарса кўринмасди. Ҳаво очиқ кунлари ҳам кечаси қишлоқдаги чироқларнинг олдига яқин келмагунингча ҳеч нарса кўринмайди, шунинг учун ҳам бола ҳаливери уйга ета олмайдиганга ўхшарди. Уни ўлиши

Муқаррарлигини билиб қочиб бораётган йиртқиң ҳайвон қўрқувсі сингари чексиз даҳшатли қўрқув чулғаб олган эди. Ҳасан кружкаси билан кўзасини қоронгиликка итқитиб, овозининг борича бақириб чопа бошлади, бироқ унинг овози қоронгиликка сингиб кетаверди.

Гоҳида қичқириқ орасидан: «Ойн, ойижон...» дегани қулоққа чалишар, баъзан эса, фақат «аҳа... ааҳ... ааҳ» деганигина эшигиларди.

Бўриларнинг увиллаши гоҳ узоқ-узоқларда йўқ бўлиб кетар, гоҳ худди олдинда тургаңдай аниқ эшитиларди. Ҳасанинг тинкаси қуриди. Ваҳима тўрт томондан ўраб олди. Яланг оёғи остида лой ҳар қадам босган саинин пилчиллар ва бу овоз Ҳасанин худди қамчи билан савалаб ҳайдәётгандай бадтар қўрқитар эди. Унинг нафаси оғзига тиқила бошлади. Олдинга қарамоқчи бўлиб, кўзларини ишқалади ва бирдан тиззалари букилиб чўккалаб қолди. Ўрнидан турниб, бир-икки қадам юрди-ю, яна йиқилди. Томонидан англаб бўлмайдиган, даҳшатли овозлар чиқа бошлади.

Бўрилар аста-секин яқинлашиб, болани қуршай бошлади, уларнинг увиллашидан боланинг овози эшитилмай қолди. Бола мукка тушиб, ерда ётарди. Устини қор боса бошлади, аммо у ҳамон тишларини такиллатиб, «Ойн, ойижон, ойи...» деб ғудирларди.

Шу вақт бир неча юз метр наридаги уйида уни иккни укаси кутиб ўтиради. Улар ҳам ўтак-си ёрилгундай қўрқиб, бир-бирларининг пинжига кириб, шамолининг гувиллашини, қишлоқ атрофида кезиб юрган бўриларнинг увиллашларини эшитиб, ҳўнграб йиғлашарди.

## ДАРОМДИ УИ

Томда бир ишчи елим ҳиди апқиб турган ҳўл тахтани чопар экан, гарбга оғиб бораётган қуёшга қараб-қараб қўярди.

Август ойи тугаб қолганидан, хўжайин томни тезроқ ёпиб олишига ошиқарди. У ёғингарчилик бошланиб кетишидан қўрқиб, томда икки кундан берি бирйўла саккиз кишини ишлатарди.

Тушда, овқат маҳали ишчи ўп минутча дам олиб, яrim палла тарвуз билан бир бурда нонни апил-тапил еб, яна ишга тушарди. Бино беш қаватли эди, шундай баландликда ҳўл тахталар устида буқчайиб ишлашга тўғри келганлигидан кишилар гангигиб, баъзида бошларнайланарди.

Кошки тезроқ кеч кира қолса! Ўшандада уйга, хотин, бола-чақа ёнига борсанг-да, оёғингни узатиб хотининг билан қизингга тўйиб-тўйиб бақирсанг!..

Хўжайин рўпарадаги уйда яшарди, шунинг учун ҳам ишчилар бақириш-чақириш у ёқда турсин, ҳатто қаттиқроқ гаплашишига ҳам ботина олмасдилар. Гоҳида хўжайин ойнани очиб, дераза токчасига қорнини тираб соатлаб ишчиларнинг ишини кузатарди ва ора-сира «Ҳуванави ерини яхшилаб бекит», ёки: «Қўп валақлашманглар!»— деб ўшқириб қўярди. Ҳатто хўжайин уйнада йўқ пайтида ҳам ишчилар гаплашишга қўрқиб, жим ишлашарди.

Томда ишлаётган ҳалиги ишчи тўсатдан сесканиб

кетди: у пастда елкасидаги саватининг оғирлигидан иккى букилиб бораётган кичкина ҳаммолни кўриб қолди. Томдаги кишининг раҳми келганидан юраги эзилиб кетди. Тахтани маҳкам ушлаб, диққат билан пастдаги болани кузата бошлади. Юкнинг оғирлигидан боланинг оёғи катта йўлдаги тошларга ёпишиб қолаётганга ўхшарди. Оёғини зўрға-зўрға судраб босаётган ҳаммол бола унинг ўғли эди.

Бир кун ишласа, ўн кун иш тополмай сарсон бўлиб юрган оғир кунларда ота ўғлини мактабдан олиб қолишга мажбур бўлди, шу-шу кейин ўқишга юборолмади.

Унинг хотини ва шу ўғлидан бошқа яна иккита қиз-часи ҳам бор эди.

У омади юришган ойларда ўн кунгина иш топа олар, шунда ҳам кунлик иш ҳақи энг кўп деганда олтмиш курушдан ошмасди. Бу пул эса, оилани боқишига етмасди, шунинг учун ҳам ўғли ёшлигиданоқ ишлашга мажбур эди.

Отаси арzonгинага бир эски сават сотиб олиб ўғлига берди-да, уни бозорга юбора бошлади. Бола ҳар куни йигирма-йигирма беш куруш топиб кела бошлади. «Катта бўлса, беш-ўн куруш кўпроқ топиб келадиган бўлади»,— деб ўйларди отаси.

Бу сафар болага жуда ҳам оғир юкни кўтартиришган эди. Қуёш нури боланинг юзига тушганда дадаси юқоридан турибоқ ўғлининг пешонасида ялтираб турган маржон-маржон терларни кўрди. Ҳаммол бола билан ёнма-ён бораётган киши хизматкор бўлса керак, гоҳо тўхтаб, кўринишидан болани тез юришга ундан, бир нималар дерди. Улар яқинроқ келишгач, ота ҳаммолнинг орқасидаги саватга солинган нарсаларни яққол кўрди.

Саватда бир қанча шишалар билан ҳар хил рангдаги ёрлиқлар ёпиширилган консерва банкалари аралаш-қуралаш бўлиб ётарди. Катта-кичик, думалоқ, учи ингичка ва йўғон бўйинли ҳар хил шишалар жуда кўп эди. Шишаларда эса оқ, кўк, тўқ ва оч қизил рангли ичимликлар бор эди. Юк шундай оғир эдикни, худди ҳозир болани эзиб қўядиганга ўхшарди. Ота ўғли ёнида келаетган кишини таниди, у хўжайниннинг хизматкори эди.

Афтидан, рўпарадаги уйда катта зиёфат борга ўхшайди. Шишаларнинг кўплиги, ҳар хил нав балиқлар, консервалар бундан дарак берарди.

Ҳаммол билан хизматкор эшикка яқинлашди, ҳаммол бола нимжон қўллари билан деворга таяниб, зинанинг биринчи босқичига оёқ қўйди. Отаси юқоридан турриб боланинг тиззалари зўр бериб титраётганини кўрди. Бола иккинчи оёғини кўтаргани қийналарди. Сават жуда ҳам оғир эди. Қўлларини орқасига қилиб олган хизматкор унинг ёнида энсаси қотиб, анқайиб турарди.

Ниҳоят, бола зўрға иккинчи зинага чиқди, сўнгра бир амаллаб зинапояни босиб ўтиб, уйга кириб кетди.

Тепада турган ота нафасини ичига ютиб, сабрсизлик билан ўғлининг қайтиб чиқишини кута бошлади.

— Ҳой, ишла!— деб бақирди шу пайт томнинг нариги чеккасида турган уста.

Ишчи ҳушёр тортиб, болтасини тақиллатиб ишга киришди, лекин унинг бутун фикри-ёди рўпарадаги уйда эди.

Гоҳида у ишини бирпас қўйиб қулоқ солар, бироқ юрагининг дукиллаб уришидан бошқа ҳеч нарсани эшитмасди. Орадан бир оз вақт ўтгац, болталарнинг тақиртуқур товуши орасида шишанинг шарақлаб сингани эшитилди. Ишчи пастга энгашиб қулоқ солди.

Рўпарадаги уйда кимдир ўдағайлаб уришарди, унинг нима деяётганини билиб бўлмасди. Баъзида кимдир йиғлаётганга ўхшарди. Кейин товушлар эшик олдида эшитила бошлади.

Ишчи пастга яна кўпроқ энгашиб олди.

Эшикдан аввал бола чиқди. У бир қўли билан ерда судралиб келаётган саватининг арқонини, бир қўли билан тиззасини ушлаб ҳўнграб йиғларди. Оёғи қонга бўялган эди. Унинг орқасидан ғазабланган хизматкор чиқди.

— Қани, йўқол бу ердан, аравангни торт!— деб ўшқирди хизматкор болага.

Бола чинқириб йиғлаб алланима дерди, лекин нима деяётганини тушуниб бўлмасди.

— Кет, йўқол, кўзимга кўринмай— деди хизматкор.— Сени деб, мен ҳам гап эшитдим. Кўтаролмасанг, ёлланиб нима қиласардинг?

Бола бир нарса демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, хизматкор уни гапиргани қўймади.

— Ахир кўтарганинг пахта эмас эди-ку!..

— Шунча ерга олиб келдим, жуда бўлмаса беш ку-

руш ҳақимни беринг,— деб ялинди бола кўз ёшларини артиб.

Хизматкор елкасанин қисди.

— Сен ҳар бирни бир юз эллик куруш турадиган иккита шишани синдиридинг. Иккоти уч лира туради-я!.. Яна пул ҳам дейсанми?!— деб хизматкор кичик эшикдан ичкарига кириб кетди.

Бола кетмай, йиғлаб тураверди. Шилингн оёғидан қон оқиб, уй олдиаги тўрт бурчак тошлар қизарчб кетди.

Отаси турган ерида тошдай қотиб қолди. У пастга қараганича ўйга толди: агар бу ишга аралашиб, ўғли эканлигини айтса, хўжайин уни ҳайдаб юборади. Агар: «Болани нега хафа қиласизлар, пулинни тўланглар» деса-чи, унда ҳам хўжайин уни дарров ҳайдайди.

Шунинг учун у ишини қўйиб, пастга туша олмади. Очигини айтганда, ҳозир ишчи бу ҳақда ўйламасди ҳам. У ҳушини йўқотиб пастга тикилганча турар, ўзини босиб олишга тиришарди, чунки юраги ҳозир қинидан чиқиб кетадиганга ўхшарди.

Бирдан рўпарадаги дераза очилиб, аввал хўжайининг семиз қорни, сўнгра қип-қизил юзи кўринди. У дезадан бошини чиқариб, йўғон овоз билан қичқирди:

— Ҳой, дераза тагида ғингшима, жўна! Яхшиликча жўнаб қол!

Шу вақт хизматкор эшикдан отилиб чиқди. Шилингн оёғига қараб, саватининг устида йиғлаб ўтирган болани шартта ушлаб қўлтиғидан тортиб турғазди.

— Вой,вой, оёғимда шиша синиб қолган!— деб додлаб юборди бола.

— Жўна, бошқа ёққа бориб бўкир!— деб қичқирди хўжайин яна.

— Пулимни беринг!

Деразадан қараб турган хўжайин яна ҳам тутақиб:

— Бу итваччани бу ердан йўқот!— деди хизматкорига.

Хизматкор ҳаммол болани қўлидан тортиб судраб кетди.

Бола саватини қўлида ушлаб, овозининг борича бақириб йиғларди. У ўтирган ер қондан қип-қизариб, қуёш нурида хирагина йилтірарди.

Томдаги киши тош қотиб, пастга қараб турарди. Унинг кўзларига қон тўлиб, боши қизиб кетди. Худди

ёқаси бўғиб юбораётгандай қўлларини томоғига олиб борди.

Бола энди пулни олиш ниятида эмас, балки оғриқнинг зўрлигидан юролмасди. Хизматкор деразадан кўзини узмай болани қаттиқ итариб юборди. Бола саватни маҳкам ушлаганича ерга юзи билан тушди, у энди йиғламасди.

Томдаги кишининг кўзлари тиниб, офтоб ургандай боши ғувиллаб кетди. Томнинг четига тираб турган оёқлари дир-дир титрарли. Оёқлари бўшашиб, тиззалари аста букила бошлаганини сезган ишчи, тепасидаги тахтани ушлайман деган эди, бармоқлари бўшашиб, уни тутолмади.

Унинг гавдаси силлиқ тахта устидан сирғалиб кетди. Томнинг четига келганда сал тўхтагандай бўлди-да, сўнгра худди тупроқ солинган қопдай залвар билан тош кўчага тапиллаб тушди.

Болани турғазишга уринаётган хизматкор буни кўриб қочиб кетди, деразадан қараб турган хўжайин эса, башарасини буриштирди-да, тақ этиб деразани ёпиб олди.

## АРАВА

Хусайнин лаванг тўғон бошида сув талашиб, Меҳмет сариқни отиб қўйди.

Үттиз хонадонли қишлоқда тала-тўполон бошланди. Ҳамма ваҳима ичидаги жандармларнинг келишини кутди. Ваҳоланки, қишлоқдан жандарм участкасигача олти соатлик йўл бўлиб, бирор бориб жиноятдан хабар бермагунча жандармлар бу ерга ўн беш кунда ҳам келмаслиги мумкин эди. Бу одамларнинг хаёлига кейинчалик келди, шундан сўнг қишлоқ қариялари чойхонада Ҳусайнининг отаси Мевлуд оғанинг атрофига тўпланиди. Меҳмет сариқнинг қари онасидан бўлак ҳеч кими йўқ эди. Кампирни чойхонага чақиртириб ўртага олишиди, уни даъвосидан воз кечишга кўндиromoқчи бўлишди.

— Қулоқ сол, ҳой кампир,— деб гап бошлади имом.— Даъво қилган билан нима фойда чиқади? Ким сенга Мевлуд оғанинг ўғли одам ўлдириди, деб гувоҳлик беради? Борди-ю, бирор киши гувоҳ бўлган тақдирдэ ҳам, ойига камида икки-уч марта районга борасан, ҳар борганингда тўрт-беш кунинг бекорга кетади, бу ерга бир амаллаб етиб олсанг ҳам, гувоҳларнинг келмади, бир ҳафтадан кейин кел, деб ишингни галга солаверишади. Қайси кунга чақиргани эсингдан чиқиб қолади, жандармларнинг қўлига тушгандан кейин, қанча уринсанг ҳам қутулолмай гаранг бўласан, уй-жойини-

вайрон бўлади. Ҳар ҳолда кутилмаган фалокат юз берди. Оллоҳ таолонинг иродаси шу экан. Сен нима, парвардигоръинг амрини суд ҳукми билан тенглаштирасанми? Нима қилсанг ҳам, ўғлинг қайтиб келмайди. Яхшиси бу ишни бости-бости қилиб қўя қолайлик. Зотан, Меҳмет сариқдан сенга фойда ҳам йўқ эди: тўю-томошада, базмда юришдан бошқа иш қилмас, йиғилган ҳосилни сотиб, пулини хотинларга едириб юрарди. Мана, бундан кейин Мевлуд оға ёрдам бериб тураман деяпти. Қани, нима дейсан, гапир?

Шилпиқ ва йифидан қизариб кетган кўзларини сербутоқ шоҳ сингари бармоқлари тарам-тарам ёрилиб кетган қўллари билан ишқалаб, бошини лиқиллатиб ўтирган кампир, имом гапини тамом қилгаんだн кейин ҳам чурқ этмади. Бошидаги серямоқ ва кир рўмоли тагидан ёш билан ювилган бетига тушиб турган, хинаси ўчган, қуриган ўт сингари бир тутам оқ сочини орқага қайтариб, алланима деб пичирлади.

Шу ерда ўтирган одамлардан уч-тўрттаси кампирнинг олдига келиб чўиқайди, гоҳ ялиниб, гоҳ пўписа қилиб гап уқдира кетди. «Шундай эмасми? Ҳадеб юборсанг-чи! Тилинг кесилганми? Гапирсанг-чи!»— деб бараваригачувиллашди.

Мурда ташқаринда, чойхона боғчасидаги скамейканинг устига ташланган бўйрада ётар эди. Устига эски ва ифлос бир намат ташлаб қўйилганди. Мурданинг бош томонида уч-тўртта пашша учиб-қўниб ғинг-ғинглашарди. Бўйларига икки баравар келадиган таёқ кўтарган бир гала болалар сал нарида офтобдан кўзларини қўллари билан пана қилиб, мурданинг наматдан чиқиб турган, оёқларига қараб туришарди. Товони йиртилган қалин юнг пайпоқдан тўлиғи қўриниб ётган сарғайиб кетган жонсиз оёқлар, қуёш нурида учиб-қўниб кўкимтири товланаётган пашшалар болаларга ғалати бир ўйин эди. Баъзиларининг онаси чақириб қолса, чопқиллаб кетар, бирпасдан кейин яна қайтиб келарди.

Чойхонадагилар бирин-кетин чиқиб кетишли. Кампир ўғлининг бошига келиб ўтирди. У бир қўли билан пашша еллиб, иккинчи қўли билан кексалик ва касалликдан нўхатдек киҷрайиб кетган кўзларини ишқаларди. У гўё беморнинг тепасида ўтиргандек эди. Кампир пашшаларни ўйирди. Бир киши хириллаган овоз билан болаларни ўй-ўйига ҳайдади. Бошқа болалар ҳам секин-секин тар-

қалишиб кетишди. Йигитлар мурдани уйига олиб кетишди. Конкүрун ҳеч гап бўлмагандек кундаги ҳаёт давом этаверди. Ўзоқ давом этган касалликдан кейин ўз ажали билан вафот этган кишидек мурда ювилиб жимжитгина кўмилди. Мевлуд оға жаноза олдидан Меҳмет сариқнинг онасига иккита соғин эчки ва бир қоп ун билан бир тўрва шакар бериб юборди.

Бу воқиага қарийб бир ойча бўлиб қолган эди, бир куни қишлоққа иккита отлиқ жандарм кириб келди. Улар чойхона олдида отдан тушишди. Буларни кўрган қишлоқ оқсоқолининг юраги «шув» этиб кетди, чунки булар нақ районнинг ўзидан келганга ўхшарди. Жандармларнинг бири ёнидан қоғоз, қалам олиб, олдин оқсоқолни, кейин бошқаларни сўроқ қилди. Иккинчиси қишлоқни бошдан-оёқ кезиб чиқди.

Дарров қишлоққа овоза гарқалди. Районда этикдўзлик қиласидиган Меҳмет ғариб Ҳусайнинг кин сақлаб юрган экан, қишлоқликлардан унинг жиноятини эшишиб қолиб, дарров маъмуриятга хабар қилибди. Олдин прокурорнинг ўзи ёнига доктор олиб, қишлоққа келмоқчи бўлибди. Лекин август ойининг бундай жазирама кунларидан отда йўл юргиси келмай, воқиани текшириш учун иккита эпчил жандарм юборибди. Доктор, қишлоқда одам ўлдирилган бўлса, ҳар эҳтимолга қарши жасадни гўрдан чиқариб, районга олиб келишни жандармга қайта-қайта уқдирибди.

Меҳмет сариқнинг онаси сўроқда ҳеч нарса айтмади: «Менинг ҳеч кимдан даъвом йўқ!» деди холос. «Ўғлини ўз ажали билан ўлдими ёки бирор уни ўлдиридими?» деган саволга ҳам шундай жавоб берди. У ўғлини эслаб, ҳамон ўртаниб ёнар, лекин ҳукуматга мурожаат қилиш унга фарзандининг ўлимидан ҳам қўрқинчлироқ бўлиб туяларди. Бундан ўттиз йилча бурун район бозорида бир деҳқон бир қоп буғдоини ўғирлатганда, кампир гувоҳ бўлган эди. Ўшанда у роса олти ой маҳкамага қатнаб, экин-тикини йифилмай далада қолгани ҳали ҳам эсида. У пайтларда ҳали у ёш, бақувват эди. Бунинг устига Меҳмет қайта тирилмайди. Мевлуд оғани душман қилиб қўйишдан ҳам яхшилик чиқмайди; кейин қишлоқда очдан ўлиши мумкин. Шу важдан у ҳар бир саволга рад жавобини берди.

Пешинга яқин жандармлар мозорга бориб, деҳқонларга Меҳметнинг жасадини гўрдан қазиб олишни бу-

юришди. Атиги ярим метр чуқурликка кўмилган жасад чидаб бўлмас даражада сасиб кетган эди. Ҳамма ўн-үн беш қадам орқага тисланди. Жандармлар Мөҳмётнинг онасини чақириб олиб: «Қани, аравани қўш! Ўглингни районга олиб борасан. Доктор текцириб кўради!»— дейишиди.

«Болагинамни гўрда ҳам тинч қўйишмади!»— дея кампир иккى ёнини шапатилар, анатолиялик барча аёллар сингари чўкка тушиб, товуш чиқармасдан юмюм йиғларди. У ҳадеб тебранар, тарам-тарам ёрилган қўли билан оғиз ва кўзларини ишқаларди. «Қани ўрнингдан тур!»— деди жандармлардан бири уни оёғи билан тутиби.

Кампир аравани қўшди, ўглининг қуртлаб кетган жасдини увада кўрпага ўраб, аравага эски тўшак тўшади-да, мурдани ётқизиб, арқон билан маҳкам боғлади. У, бу ишларни қиласар экан, ганг кишидай анграйиб қоллар, бир оз кўз ёши қилиб, пищирлаб ўз-ўзи билан сўзлашгандан кейин яна арқон тортишга тутинарди. Қош қорайганда ёлғиз ўзи йўлга тушди. У йўлга чиқмасдан жандармлар оқсоқолни, имомни, Ҳусайнини бир-бирига, боғлаб олдига солиб кетди.

Ҳассасига таянган яланг оёқ кампир эшакка ўхшаган кичкина нимжон ҳўқиз қўшилган арава ортидан тошларга қоқилиб-суқилиб борар, йиғлайвериб хириллаб қолган овози билан ҳўқизларга бақиришга уринар эди.

Узвос солиб бақиришган шоқолларнинг овозини босиб, ёзниг ойдин кечасида ғижирлаб бораётган аравада ҳеч ким мурда бор деб ўйламасди. Устига ой шуъласи тушиб турган ҳўқизлар семиз ва баҳайбат кўринар, увада кўрпа билан эски арава эса, қиммат баҳо майдандан ясалгандек ялтиради. Ҳассага таяниб бораётган кампирнинг кўланкаси тошлар ва буталар устидан ҳатлаган сарн бир неча метр чўзилар, ўйинга тушаётгандек тинмай сакрарди.

Лекин аравадан бурқисиб келаётган қўланса ҳид олтмишга кирган кампирни довдиратиб қўйған, шунинг учун у етти букилиб, зўрга судралиб борар, ҳўқизлар юришини тезлатса, орқада қолмасликка жон-жаҳди билан тиришлар эди. Секин-аста кампирнинг оёқлари чалиша бошлиди, ичга ютилган фарёдлар тобора кўксини торайтиб, ҳаво олиши қийинлашиб қолди.

У араванинг четидан ушлаб яна бирпас юрди. Дармонсиз оёқлар ҳамон чалишарди. У ҳўкизларга «чуҳ» демоқчи бўлди-ю, нафаси чиқмади, аравани ушлаган қўллари бўшаши, ерга йиқилди. Тупроқقا беланиб, яна ўрнидан турди, жон-жаҳди билан арава орқасидан югурди. Қарши томондан эсаётган совуқ шабада этаги учқават кўйлаги билан лозимини ҳилпиратар, йиртиқ чит рўмоли қора байроқ сингари шамолда учиб ўйнарди. У аравага етолмай яна йиқилди, йўл устидаги оппоқ ва кулдек майин тупроққа юз-кўзи кўмилди.

Арава тошга тегиб, мурдани ҳар ёққа чайқар, фарёд қилгандек ғижирлаган овоз эса, гоҳ зўрайиб, гоҳ пасаярди. У шу зайлда ой шуъласи остида ва жимжит тун қўйнида чанг булатини орқада қолдириб ўзи билганича олға қараб борар эди.

---

## М Е Т Р И К А

Кечга яқин қамоқхонага әлликтача одам олиб келишди. Биз милтиқларига наиза ўрнатмай иккита жандарм шунча кишини ҳайдаб келганини кўриб, булар йўл ҳақи тўламаган одамлар эканлигини англадик.

Улар ичкари кириб, ҳовлида қатор тизилишди. Қоровуллардан бири қўлидаги рўйхатга қараб йўқлама қилиб бўлгач, девор тагига қатор ўтиришиб, сукут ичидагу бошлишди.

Уларнинг уст-боши жуда хароб эди. Шалварларининг увадаси чиққан, кўпчилигининг оёғида пойафзал деган нарсанинг ўзи йўқ. Устларида туя жунидан тикилган калта, жулдур-жулдур чакмоц, унинг тагидан минг ямоқ яктаклари кўриниб турарди. Ўнг ёки чап томонга бостириб кийган шапкаларининг ёғи чиққан, титилиб кетган соябони ичидан эса тўқ сариқ рангдаги картон осилиб ётарди. Ёнларида ярим очилиб ётган қоп, хуржунларда бир неча қора-қура нон, иккичуҷ қат юпқа, баъзилариникида эса, кўк пиёз кўзга ташланарди.

Қайси хонага кириш ва нима қилиш кераклиги тўғрисида ҳеч ким уларга бирон нарса демагани учун, азчагача кутиб ўтиришди. Ора-сира ўзаро шивирлашиб кўйишарди. Мабодо олдиларига ҳамқишлоқ маҳбуслардан битта-яримтаси бориб қолса, уларнинг саволларига ноҳушгина, сиполик билан жавоб беришар, гап орасида дамба-дам бошқа ёққа қайрилиб, олисларга тики-

либ қолишар ва бу билан гапни чўзиб ўтиришни истамаганиларини билдиришарди. Чиндан ҳам улар хотаниш маҳбуслардан кўра кўпроқ ўз ҳамқишлоқларидан уялаётганга ўхшардилар. Қотиллик ёки бошқа оғир жиноят билан қамоқда ётган ҳамқишлоқлари олдидা йўл ҳақи тўламаганлик учунгина қамалиб ўтириш уларга жуда ўнгайсиз кўринарди.

Буларнинг ичидаги бир чол бор эди. Кўринишидан ёши олтмишдан анча ошиб қолган бу қариянинг йўл ҳақи ва бошқа нарсаларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаслиги лозим эди. Унинг бўртиб чиққан кўм-кўк қўл томирлари тугунча бўлиб қолган, қомати мункайган, қўлидаги қийшиқ, йўғон ҳассага суюниб, зўр-базўр юрар ва икки букилиб қолганидан бирор нарсага суюниб туриш учун девор тагига келиб ўтиради. Этсиз узун иягода бир тутам соқол ликиллаб турар, сочи тўкилавериб, анча сийраклашиб қолган бош териси ялтилларди. Унинг уст-боши бошқа шериклариникидан фарқ қилас, ҳатто уларникоидан ҳам бадтарроқ эди. Белидаги кенг чарм камари олтмиш йилнинг азобини тортганлиги учунми, титилиб кетган ва таг чарм сингари юпқа бўлиб қолган эди.

Мен унинг олдига келдим. У қариликдан нурсизланган кичик кўзларини менга тикди. Зора ўтиб кетса, деб бошини четга бурди.

Олдига келиб чўнқайдим.

— Мерҳабо<sup>1</sup>, ота!

Қайрилиб менга қаради. Кўзларида бир оз ҳайрат бор эди.

— Эйваллоҳ!<sup>2</sup>— деди тескари қараб.

Мен бу жойга янги келган кишиларга айтиладиган маълум гапни такрорладим:

— Қалай, яхшимисиз ота?

— Саломат бўл!

Яна тескари қаради. Бир дона сигарет олиб, унга узатдим. Титроқ қўллари билан олди. Кейин камаридан тунука қути олиб, ичини очди. Қутида бир сиқим тамаки майдаси ва пиликлик чақмоқ тош бор экан. Бу аскарда бўлган кунларидан қолган хотира эканлиги кўриниб турарди. Бир-икки тошни чақди. Ёнимади. Ке-

<sup>1</sup> Мерҳабо — салом. (Ред.)

<sup>2</sup> Эйваллоҳ — раҳмат, хайр. (Ред.)

йин пиликни тўғрилаб яна чақиб кўрди. Пилик ҳадеганда тулаша бермади. Мен гугурт чақиб унга тутдим, сигаретини ёндириб, кетма-кет уч-тўрт тортди.

— Нима гап, ота? — яна сўрадим.

— Нима гап бўларди, йўл ҳақи тўлашга қурбимиз етмади!

— Ёшингиз нечада?

— Қаердан билай! Саксонга кирган бўлсам керак...

— Бу қандай бўлди? Ёши олтмишдан ошган одамлардан йўл ҳақи олинмайди-ку!..

— Мендан олишмоқчи.

— Бу ерда қандайдир англашилмовчилик бўлса кепрак.

— Англашилмовчилик эмас, ўғлим,— деди у ва воқиани менга тушунтириб берди.— Менинг тўртта ўғлим бор эди, бири қотиллик қилиб қамоқча тушди, қамоқда саккиз йил ётиб, ўлди, иккитаси аскарликка кетди, тўртгинчиси жандарм эди, талончи ўғриларни қувлайман деб, ўқ еди, кейин майиб бўлиб қолди, ҳозир қишлоқда менга қарам бўлиб ўтирибди. Учтасининг боласи йўқ эди. Бу ўғлим бир фарзанд кўрган эди, у ҳам саккиз ёшида безгакдан ўлиб қолди. Ўлганига ҳам йигирма йилдан ошиб қолди. Ўшандан буён майиб ўғлим билан икковимиз турдикамиз. Кампирим билан майибнинг хотини ерни ҳайдаб майда-чуйда экишади, хирмон маҳалида ўзим қарашиб юбораман, майиб ҳам кепада полизга қараб ўтиради, шу зайлда амал-тақал кун кечирамиз. Уч йил бўлди, қишлоғимиз оғаси дара ёқасидаги бир парча еримизга даъво қилди. Дод-Фарёд қилдик, фойдаси бўлмади. Ўгил майиб, менла ҳам куч-қувват йўқ; ҳақ-ҳуқуқимизни ҳимоя қилишга қурбимиз етмади. Кейин ҳукумат остонасига қадам қўйишга тўғри келди. Суд икки йил чўзилди. Қўлимизда еримизнинг ҳужжати йўқ бўлса ҳам, бутун қишлоқ бу жой бизга отабободан мерос қолганини биларди. Буни ҳеч ким суриштириб ўтирмади, оға соҳга гувоҳ топиб ишни ўз фойдасига ҳал қилдирди. Суд пайтида мендан метрика сўраб қолишиди, метрикасининг қайси гўрда ётганини қаердан билай? Аскарликдан қайтганимдан буён давлат идорасига ишим тушмаган эди, қидирдим-қидирдим, йўқ... Кейин майибнинг ўлган ўғли—неварамга олинганди метрикани топдим. Унинг оти ҳам Меҳмет эди. Метри-

ка бўлса бўлди-да, ҳаммаси бир-ку, деб ўйладим, ви-  
лоятга кўрсатиб, янгидан адрес бердим.

Суддан бир иш чиқмади. Вилоятга қатнайвериб,  
ҳалиги ер ҳам қаровсиз қолди. Орадан олти ойча вақт  
ўтган эди, қишлоққа таҳсилдор<sup>1</sup> келиб қолди. Оқсоқол  
йўл ҳақи тўлаши керак бўлганлар ичидаги мени ҳам тил-  
га олди. Янглишған бўлса керак, деб эътибор ҳам бер-  
мадим. Улар бир неча марта келиб-кетишиди, мен бун-  
га парво қилмадим. Чунки йўл ҳақидан озод қилинга-  
нимга йигирма йил бўлган эди-да!

Таҳсилдорлар бу сафар жандармлар билан бирга  
келишиди. Йўл ҳақи тўламаганлар қаторига мени ҳам  
қўшиб қўйишди. Саксон ёшдаман десам ҳам қулоқ со-  
лишмади. Улар рўйхатлар бўлимига келиб дафтарни  
очиб қарашди-да, «сен ҳали йигирма тўққиз ёшда экан-  
сан» дейишиди.

— Мени ўз ҳолимга қўйинглар, аҳволимни, соқолим-  
ни кўринглар, десам,— «йўқ, туғилган йилинг бу ерда  
ёзиглиқ, турар жойинг ҳам аниқ», деб турив олишиди.  
Метрикані ёнимдан олиб кўрсатдим, у ерда ҳам ёшим  
йигирма тўққизга тўғри келар экан, буни кўриб ўзим  
ҳам ҳанг-манг бўлиб қолдим: энди нима қиласман? «Яна  
ғинг-линг дейдиган бўлсанг, бошинг балога қолади»,—  
дейишиди. Мен ҳам индамай қўя қолдим. Ёнимда олти  
лира<sup>2</sup> бўлганда бериб юборардим, аммо шу замонда ол-  
ти лирани қаердан топиб бўлади? Тақдир шу экан, деб  
бу ерга келдик.

Мен кулгидан ўзимни тўхтатолмадим:

— Отахон, ахир ҳеч замонда киши неварасининг  
метрикасини ўзиники қилиб оладими?

Бу иш унинг жонига теккандек, қўл силтаб минғил-  
лаб қўйди:

— Э, нима қилибди? Ҳаммаси ҳам давлатнинг қо-  
ғози эмасми, ахир?

<sup>1</sup> Таҳсилдор — Давлат налогини йиғувчи, (Рөд.)

<sup>2</sup> Лира — пул бирлиги,

## ИККИ ХОТИН

Қарим оға икки кундан бери ўриидан туролмай қолди. Ўн-ўн беш кундан бери юргудай ҳоли бўлмаса ҳам серҳаракат, тиниб-тинчимас одам бўлганидан уйда ўтиrolmas, чойхонага бориб, сўрида чордана қуриб ўтирар, ёки эшагига миниб инқиллаб-синқиллаб боғига борарди. Фивиллаб юриб узум бошларининг битта-яримта чириган доналарини терар, олча дараҳтларининг қуриган шоҳларини кесиб ташлар ва қош қорай-гандა ҳориб-толиб, тинкаси қуриб, уйига қайтарди.

Йўлда иситма тутиб кўзи тинар, эшакдан йиқилай-йиқилай деганда, ҳайвоннинг бўйнига ёпишиб оларди. Бу гал юракбуруғ касали унинг ёқасидан маҳкам тутди. Янги бошланган кунларда зора тўхтатса деб, ғўра узумни эзиб ичди, бу фойда беравермагандан кейин, шундай қимматчилик замонда ярим стаканча қуруқ қаҳвани сувга қориб ичса ҳам бу хира дарддан қутула олмади. Бир қанча йиллардан бери таъсирини тажрибадан ўтказган дориларнинг ҳам бир чақалик нафи тегмади.

Юракбуруғни тўхтатар, ичакни сиқар деб ҳовуч-ҳовуч олча ва беш-олти дона олма еди, лекин қилган дори-дармонидан аҳволи бадтар оғирлашди. Охири икки кун аввал: «Қорнимнинг сувини терар!» деб кўнгли ту самай нўхат еди-ю, ўзини бутунлай тутолмайдиган бў-

лис қолди. Чойхонада ҳам таги бўлганиб қолгач, хотинлари зўрлаб ётқизиб қўйишди.

У панжараларнинг тахта қанотлари зич ёпилганидан фақатгина очиқ эшикдан ёруғлик тушадиган уйнинг ўртасига солинган юпқа тўшакда кўзларини шиндаги тўсинлар орасидаги бордонларга тиккан ҳолда гоҳ ўзидан кетиб, гоҳ ўзига келиб термулиб ётар эди.

Эти бориб суюкка ёпишганидан, юпқа тўшакда ёта-веришдан суюклари зирқирашга турганди. Уйнинг бир чеккасига тахлаб қўйилган юнглик тўшакларга суклашиб қарап, уларнинг устида ётиш қандай роҳатлигини ўйларди. Карим оға хотинларининг сўзига кирмай, кир бўлиб қолади, деб тўшакларни ёздирмаган эди. Энди бўлса, бу шапарак тошдек тўшакка ётқизиб қўйган ифлос касалнинг етмиш пирини сўкиб ётарди. Қирқ беш йилдан бери у билан яшаган хотини Ҳожар:

«Иккита тўшак солайлик, Карим оға... Қариганингда сен ҳам роҳат қил... Юнг тўшакларни гўрипгга олиб кетасанми?» — деган пайтида кўнмаганига ачинди. Аммо шу замонда бундай тўшакларнинг ўттиз-қирқ лирадан камга тайёр бўлмаслигини ўйлаб, ўзини ҳақ деб ҳисоблади.

Ҳожар бугун хазон супургани боққа кетган, кичик хотини Асма бўлса, уч яшар боласини олиб кир ювгани кетган эди. Карим оға уйда ёлғиз ўзи қолганди. Лекин ёш боладай Асманинг сўзига кириб, қўшниси бева хотин Мақбулани қараб туришига рози бўлганидан кўнгли ҳеч тинчимас эди. Ичи бураб, қаттиқ оғриб қолган пайтда у хотин бирон нарсани ўғирлаб қўйса ҳам ҳеч ким билмай қолади. Бу ишни қилмаган тақдирда ҳам, ахир ҳафтада унга ярим чинни дон берини керак-а!..

Карим оға тўсатдан: «Ажабо, паймонам тўлиб, куним битдимикин?» деб ўйлади. Одам ўладиган кунини аниқ билса, ишларини шунга қараб саранжомлаб қўяр, ҳозирлигини кўярар, пулининг қаерда туришини айтиб, хотиржам оёқ-қўлини узатиб кетарди.

Бирдан қорнида санчиқ турди. Ташқари чиқишига уринди, аммо дармони етмади. Суяги чиққан қўллари билан деворни ушлаб зўрга ўгирилиб ўтира олди. Оғриқ кучайганидан юзлари бужмайди, тез-тез нафас олди-да, орқасига йиқилиб ўзидан кетди.

Ў, кўча эшигнинг қаттиқ тақиллашидан ҳушига келди, пастда кимлардир гаплашарди.

— Ў ерда ким бор,— ғингшиди Карим ога.

Зўрға чиққан овозни эшигтган Асма жавоб берди:

— Самоварчи ўнбоши Ризонинг қизи бир сават олча сўраяпти!

Карим оға ўринидан туришга уринди-ю, бўлмади.

— Йигирма курушдан беравер!— деди ётган жойидан.

Пастдан яна савдолашган товуш эшитилди.

— Ўн беш куруш олиб келибди!— бақирди Асма.

— Йигирма курушдан кам бўлмайди!— деди-да, тез-тез нафас олди.— Саватни келтир, кўраин-чи!

Асма Ризо ўнбошининг қизи олиб келган саватни кўтариб юқори чиқди. Карим оға саватнинг оғзидан бир оз пастрок жойини кўрсатди:

— Мана шу ергача солиб бер!

Эшик ёпилиб, қиз кетгандан кейин Карим оға Асма олиб келган ўн беш курушни ёстиқнинг остидаги ҳаменга солиб қўйди.

Хожар қайтиб пастдаги эшикни ёпди.

Тавақалари ёпиқ панжаранинг орқасидаги кўчадан ўтаётган сигирларнинг маъ-моси ва болаларнинг бақиришлари эшитилиб турарди. Хожар супуриб келган хазонини юқорига олиб чиқиб эрига кўрсатди. Карим оға кўзлари билан чамалагандан кейин:

— Эртага қишлоқ бозорига олиб бор, икки лирадан камга сотма!— деб Асмага қаради.— Юрагим жуда куйиб кетди... Менга туршак шарват келтир!

Асма пастга тушдп, бир оздан кейин чиқиб:

— Кўзада шарват қолмабди, калитни беринг, сандиқдан туршак олайин!— деди.

— Қандай қилиб дарров тугатиб қўйдиларинг! Ёки сув ўрнига ҳам шарват ичасизларми? Бўлмаса, бошқа нарсадан шарват қилиб келтир!— деди Карим оға инграб.

— Бу ёқда ҳеч нарса йўқ. Калитни берсанг-чи!

— Қўлларинг қуриб кетсин, керакмас!

Хотинлар Карим оғанинг ўрнини тозалагандан кейин пастга тушдилар. Қоронғида ўтиришиб бир парча чўзма билан уч кундан бери ётган қатиқни ичдилар. Асманинг ўғли кичкина Нажот тўймадим, деган эди, эр-

ларидан яшириқча бир ҳовуч олча беришди. Улар қайтиб Карим оғанинг олдига чиқиша, чол яна ҳушидан кетиб, инграб ётибди. Асма қўрқди.

— Нега қўрқасан, олти йилдан бери қўйнида ётасан! Ундан кўра оёғини кўтар, тагини тозалайлик,— жеркди Ҳожар.

Касални гоҳ ўнгга, гоҳ чапга ағдариб ўринни тозаладилар. Унинг аъзойи-бадани ўтдек қизиб ёнар, эти устухонига ёпишиб, суюклари тарашадек қуриб қолган эди.

— Улармикин?— деди Асма секингина.

Ҳожар қоқ-қуруқ қўллари билан касалнинг кўрпасини ёпатуриб, жавоб берди:

— Албатта, ўлади... Неччига кирдийкин?

— Етмишга кирганмикин?

— Кирган бўлса керак... Мендан аввал олган хотини икки бола туққан эди, биттаси аскарликка кетди, иккинчиси қамоқхонада... Менинг биринчи болам ҳозиртирик бўлганда, қирққа кирган бўларди.

Асма бу ҳисобдан ҳеч нарса тушунмагани учун индамай қўя қолди. Нажоти тўшакчанинг устида ухлаб қолганди. Уй анча қоронги бўлиб қолгани учун Асма ўчоқнинг устидаги лампани ёқди. Гап йўқ, сўз йўқ, бирпас кутиб ўтиришди, кейин лампани ўчириб, бир бурчакда ғужанак бўлиб ётишди.

Ярим кечада уйнинг ўртасидаги тўшакда ётган Карим оға хириллаб хотинларини уйғотиб юборди. Аввал Ҳожар уйғонди, у туртнина-суртина Асмани топди-да:

— Тур қиз. (Ҳожар кундошини шундай атарди) тур... жон беряпти!— деди.

Аммо йигирма тўрт яшар кишининг маст уйқусида ётган Асма кўгини очолмасди. Ҳожарнинг товуши кўтарилиди:

— Турсанг-чи, ҳей қиз... Тур чироқни ёқ, Карим оғанинг аҳволи танг. Ўлади шекилли!

Асмадан аввал кичкина Нажот уйғониб йиғлай бошлиди, касал ҳамон хирилларди.

— Нима гап, болага бир нарса бўлдими?— деб Нажоти ётган жойга қаради, Асма.

— Болага ҳеч нарса бўлгани йўқ, қизим... катта одамга бир нарсалар бўляпти!— деди кундоши.

Асма эснай-эснай ўрнидан турди; лампа ёққани ўчоқбошига юрди, оёги касалнинг түшагига қоқилиб, гандираклади ва қўрқиб қичқириб юборди.

Гугуртни пайпаслаб ахтараркан уйда ҳукм сурәтидан жимликтан қалтираб кетди: Нажоти яна ухлаб қолибди, касалнинг хиршллаши ҳам тўхтаб қолибди.

— Ҳожар опа, ўлдимикин, нима дейсиз?

— Қайдам! Ҳе, қиз, сен чироқни ёқ! — деди Ҳожар.

Асманнинг титраб-қалтираган қўллари гугуртни топди; лампанинг хира, қизғиши ёруғи пастдан юқорига кўтарилиб ёш хотиннинг иягиси, уйқу аримаган кўзларини ёритди, бошининг соясини жуда катта қилиб шипга туширди, уйдаги ҳар нарсани, шу қатор кўзларини уқалаб ўтирган Ҳожарнинг бир тутам келадиган оқ сочларини сарғиш рангга бўяди. Нажоти лой оёқларини керуб узатган, кўзларини ярим очганча ұхламоқда эди.

Карим оға ўртада қимир этмай ётар, юзи дока бўлиб кетган эди. Лампанинг равшанлиги ҳам бу оқликни ўзгартира олмаганди. Ярим очиқ кўзларининг оқи қоронги уйда садаф тугмадай ялтиради. Сийрак соқолли ияги бир оз чап томонга қийшайиб кўксига эгилган, тешикларидан оқарган қиллари чиқиб турган бурнининг учи чўзилгандай эди.

Асма қўрққанидан қичқирғанича эшикка отилди. Ҳожар ўрнидан пренеб туриб, унинг этагидан тутди:

— Товушингни ўчир, иега бақирасан, ўлишга ўлди! Кел, энгагини танғиб қўяйлик!

— Нима қилишимни билмай қолдим, Ҳожар опа!

— Ажабми, соғлигига устимга кундош бўлиб қўйшига киришни билдинг, энди ўлигига қўл текизишга қўрқасанми?

Кичик хотин сабабини ўзи ҳам билмай бир қўрқув билан кундошига ялиниди:

— Мен ўз хоҳишим билан устингга кундош бўлиб келганим йўқ. Ҳожар опажоним, отам зўрлаб берди... — гапига бирпас жавоб кутди-да, кундоши унинг сўзига эътибор бермай, мурда билан овора эканини кўриб,— қўшиниларга хабар берайлик! — деди.

— Қўшинилар нима қилиб берарди... Одамларни уйқудан уйготган билан Карим оғанинг жони қайтиб келмайди-ку! — деб эрининг олдига чўкка тушиб энгагини бойлади. Мурданинг чангак бўлиб қолган оёғи қанча қилса ҳам ёзилмади. Ҳожар икки қўли билан мурданинг

тиззасининг кўзини босди, аммо қўлларини олар-олмас оёклари яна чангак бўлиб қолди.

Асма Ҳожарнинг рўбарўсига чўкка тушиб олган, кўзлари қинидан чиққудай бир кундошига, бир эрига қаради. У йигирма тўрт ёшга кирган бўлса ҳам, шу вақтгача мурдани бундай яқиндан кўрмаган эди.

Ҳожар Карим оғанинг белбоғларини титкилади, у бир нарса ахтарарди, топа олмаганидан кейин мурдани сал бир ёнга ўғириб остини қаради.

— Топдим! — деб шипшиди у.

— Нима ахтардинг?

Ҳожар индамади, у мурданинг иштонбогидан ушлаб, учидаги бир тугунини тиши билан ечишга уринарди.

Иштонбогни Асмага узатиб:

— Тугунни сен еч, тишим қолмабди,— деди бир оздан кейин.

Асма тугунни ечган эди, ичидан ип боғлоқли икки калит тушди. Катта хотин калитларни ердан олиб қоматини ростлади-да, эшик томон юаркан, орқасига қайрилиб:

— Ҳей қиз, бу ёққа кел! Сандигини очиб кўрайлик, нимаси бор экан, эртага қамоқхонадаги ўғлининг хотини келса, ҳамма нарсани супуриб кетади,— деди.

Асма бирдан ўзгариб кетди:

— Нега супуриб кетаркан? — қўли билан тўшакда ётган Нажотни кўрсатди.— Нима, бу бола уники эмасми?.. Унинг ҳақини ҳеч ким ололмайди.

Ҳожар масхараомуз кулди:

— Эй сенинг дунёдан хабаринг йўқ. Устимга кундош бўлиб келдинг, ҳукумат томонидан расмий никоҳ қилинганинг йўқ... Нажотинг меросхўр бўлолмайди.

Асма ишонмади:

— Бу кимнинг боласи? Ҳамма билади... Ҳароми эмас-ку!

Бироқ Ҳожарнинг гали унинг дилида шубҳа қўзғаган эди. У секин кундошининг орқасидан эргашди.

Пастки уйдаги сандиқни очдилар. Ичидан бир неча кўйлак, бир қалами яктак, анча юнг пайпоқ, бир кумуш папирос қутиси, бир чақмоқли тўппонча, бир ток қайчи чиқди. Ҳамма ёқни остин-устун қилсалар ҳам пул чиқмади.

— Кўмиб қўйган бўлса керак! — деди Ҳожар.

— Ҳа, ҳа!.. Кўмгандир!

— Қаерга күмган экан?  
— Ким билади?  
— Қиз сенга бирон нарса айтмаганми?  
— У бирорвага бир нарса айтадими? Ҳеч нарса демаган!

— Эҳ аттанг... Ёшлик қилғансан-да... Нега бирон кеча дүнёсини күмган ерини сўрамадинг?

Асма қизарип ерга тикилди, Ҳожар:

— Юқори чиқиб кийимларини айирайлик-чи, қани,— деди.

Кийимлар ичидан битта занжирили кумуш чўнтак соати, ўн етти лирага яқин пул чиқди.

Ҳожар ахтарганини тополмагани учун асабийлашарди.

— Қирқ йил азобини тортдим... устимга кундош олиб келди, оғзимни очмадим, кетишида пул яширган ерини айтмасдан кета берди... Балога йўлиққир...

— Балога йўлиқди-ку, Ҳожар опа!

— Гўринг нурга тўлмагур... ўлгинича бизни боғда ва далада ишлатди-я, имонсиз! Қел қизим, шу пулни бўлнишиб олайлик!

Битта сенга, битта менга қилиб, ўн етти лирани ўзаро тақсим қилишди, фақат Ҳожар рўбарўсида ўтирганга саккиз лира бериб, ўзи тўққиз лира олди. Занжирили кумуш соатни ҳам чўнтағига солиб олди. Ундан кейин яна ҳамма ёқни титкилашга тушдилар. Кўрпачаларнинг остини, шиндаги болорларнинг ораларини ахтарсалар ҳам ҳеч нарса тополмадилар.

— Ҳожар опа... балки пули йўқдир? — деди чанг ва терга ботган Асма ахтаришдан тўхтаб.

— Ўлигинги шоқолларегурнинг ўлнбдими пули бўлмаса? Шунга эрга чиққан кунимдан бери бир қарол сингари ишлайман, ўзи ҳам ишлади, олти йил бўлди сен ҳам тинмайсан, кўзга кўриниарли нима ортиридик?.. Ҳар йили олча-ю, узумидан бўлак кам деганда етти саккис юз лираплик ғалла сотиб оларди.

Аммо ўзи ҳам ахтаришдан чарчаганди, мурданинг иштонбонидан ешиб олган калитларнинг каттасини қўлига олди-да, бир оз ўйлангач:

— Юр, пастга тушиб қулфлоқлик уйни очайлик, овкат пишириб, ёғлиқ қатлама қилиб, бир маза қиласлик... — деди Ҳожар, кейин ўз-ўзи билан гаплашаётгандай сўзида тавом этди: — Қабрингда тинчимагур... Қирқ

йил уйнда юриб, ҳўкинзек ишлаб, бир кун қорним тўйинб овқат емабман-а... Шундай бўлса ҳам товушимни чиқармадим. Қандай бўлмасин бир кун ўлар-да, ҳамма нарсаси менга қолар деб ўйладим... Худодан қўрқмасдан пулларини ўзи билан бирга олиб кетди яшшамагур,— у яна Асмага қаради:— Нега бақрайиб юзимга қараб турибсан, ҳей қиз? Ёшман деб мақтанасанми? Қўлингдаги ҳароминг билан сени ким оларди? Эл ичига тушгандан кейин ақлинг кириб қолади!.. Юр, ўштайиб турма... бориб нима бор, нима йўқ ўртага қўяйлик-да, тўйганимизча яйраб бир овқат ейлик...

Озиқ-овқат турадиган уйни очиши, ун, ёғ, сут, ишқилиб қўлларига нима илинса ташқарига олиб чиқишиди-да, ўтни ёқишиди. Читирлаб ёниб алангаси юқорига ураётган оловнинг ёруғида кетма-кет хамир қоришиди, ёйнишиди, шўрва қайнатишди, шарват ясашди, қатламаларга қаймоқ суришиди, тўйиб-тўйиб ейишиди, сўнгра ўтиришиб у ёқдан, бу ёқдан сўзлашишиди. Тоза ҳам Сулаймон ўлди-ю, девлар қутулди бўлди. Карим оғага илингандай бўлдилар, тагин алланима балолар пишириб ея бошладилар. Тонг отарда иккиси ҳам ўтирган еридан туролмай қолди. Аммо эшик олдидан ўтган сигирларнинг тапур-тупурлари, бундан ошиқ кутиш мумкин эмаслигини уларга ишора этди ва бошларига тушган фалокатни қишлоқ ҳалқига билдириш замони келганлигидан уларни огохлантирди. Юқорига чиқдилар; Ҳожар бошига рўмол ташлади, Асма пиш-пиш қилиб ухлаётган Нажотини қучоқлади. Ўртада ётгач мурдага назар ҳам ташламай пастга тушиб, эшик томон югурдилар. Яқиндаги уй ва кўчаларни янгратган юрак эзувчи товуш билан фарёд ура бошладилар.

Ҳожар: «Ҳай халойиқ, ҳай қўшнилар, у кетди... дунёсига тўймасдан ноком кетди...» деб йиғласа, Асма уйқудан бевақт уйғотилгани учун кўрқиб кетиб, бағиллаб йиғлаётган боласини бағрига босганича, қишлоқни бошига кўтарарди:

— Вой менинг уч ёшида етим қолган Нажотим!..

## ФОЗЛАР

Дуду югурганча қишлоқ ўқитувчисининг уйига кириб келди.

— Манави хатни ўқиб беринг... Сайддан келибди..

Бекорчиликдан зерниб ётган ўқитувчи Дудунинг очиқ ёқасидан кўриниб турган кўкрагига кўз қирини ташлаб қўйди. Ёш жувоннинг қорача баданини ёпиб турган кўйлак енгилгина учди, ўқитувчи бир-икки ютиниб қўйди-да, қўлини чўэди: «Қани, хатингни бер-чи!»

Бундан уч йил аввал эри Сайдни бир ўртоғи тўйга айтган эди. Эски одат бўйича янги келин-кўёвни саккиз милтиқдан бараварига ўқ узиб қутлашди. Шунда меҳмонлардан бирига ўқ тегиб ўлди. Кимнинг ўқи теккани номаълум эди. Шундай бўлса ҳам текширгани келган суд терговчисига пора бериб, камбағал Сайд билан унинг ўртоғи Дурмуш ўлдирган дейишди. Суд иккаласини ўн йилдан қамоққа ҳукм қилди.

Ўқитувчи Сайддан келган хатни ўқиб чиқди. У хатда аввал хотинининг ҳол-аҳволини сўраган, кейин ўзининг мазаси йўқлигидан, қамоқхонадаги оғир турмушидан, бит ва қандаладан шикоят қилган, ғар Дуду кўргани келса, иккита ғоз ҳам олиб келса, яхши бўлишигини, ғозларни қамоқхона бошлиги ва бош назоратчига бермоқчи эканлигини, шунда улар Сайдни камеранинг сал тузукроқ, бит ва қандаласи камроқ бўлган олдинги қисмига кўчиришлари мумкинлигини ёзган эди.

Дуду хатни ўқитувчининг қўлидан олиб, кўкрагига яширди. Кўзини лўқ қилиб турган ўқитувчи жувоннинг ярим очилган сийнасини кўриб олишга мусассар бўлди.

Дуду мактаб олдидаги гўнг тепада ўйнаб юрган ўғли Ҳуснини етаклаганича ўйнга кетди. У ўйга чўмган, нима қилишини билмас эди.

Унинг биттагина гози бўлиб, тухумларни боққол Илёс афандига берниши керак эди. Агар гоз ҳар куни тухум қилиб турса, бир ойда Илёс афандининг қарзидан қутуларди. Дуду ундан ўғилчасига кўйлак учун бўз олган, пули бўлмаганидан, пул ўрнига тухум беришга ваъда қилгаи эди. Агар гозни шаҳарга олиб кетса борми, боққол унинг ўйнадаги бор бисоти: йиртиқ кўрпа-тўшагини ҳам қўймайди.

Бунинг устига гози битта, Сайд эса иккита сўраған.

Дуду эгачисининг ўйнга борди. Сайднинг акасини бундан ўн беш кун аввал ўртоқлари билан овга чиққанда ўлдириб кетишган эди. Дуду Сайдни қутқариниша битта гоз керак бўлиб қолганини айтганда, эгачиси ўйни бошига кўтарди:

— Остонамга қадам босма! Кет ўйимдан! Яшшамагур Сайдни деб, эримдан айрилдим. Илоҳим бир умр қамоқдан чиқмасин...— дея йиғлай бошлади.

Дуду ўриндан турди ва қўрқанидан бошқа қариндошлариникига ёрдам сўраб бормай қўя қолди. Бутун кечада Дуду мижжа қоқмади. Уйда тўрт яшар ўғлидан бошқа ҳеч ким йўқ. У қўрқди. Ўлдирилган одамнинг қариндош-уруғлари эришга ёрдам берма, деб дўқ қилишарди. Улар Сайднинг акасини уича-мунча ёрдамлашиб тургани учун ўлдиришди. Дуду кимникига кирса, ҳайдаб чиқаради. Сайд иккита гоз сўрабди-я. Ярим кечада Дуду бир қарорга келди-да, ўриндан гуриб эшикка чиқди. Тўғри товуқхонага бориб, гозни ушлади-да, оёқларини боғлади. Тўсатдан гоз ғоголаб юборди. Четан девор орқасидан қўшни ҳовлидаги гозлар ҳам унга қўшилишиб ғоголай бошлади. Дуду бир оз тўхтаб турди, кейин четан деворининг бузуқ жойидан қўшнисининг ҳовлисига ўтди-да, товуқхонада бир-бирига гал бермай ғоголаётгани фозлардан бирини тутиб чиқди. Ит уни таниб индамади.

Шундан кейин Ҳуснини орқасига боғлаб, бир қўлига гозларни, яна бир қўлига, дон солинган халгачани

олиб йўлга тушди. Ҳусни шинни солинган кўзачани ушлаб олган эди. Гоҳида Дуду қоронгида қоқилиб кетар, шинни чайқалиб орқасига тўкиларди. Салқин кечада Дуду шаҳарга бораради. Қишлоқдан шаҳаргача ўн тўқиз соатлик йўл эди.

\* \* \*

Сайд уч ойча касал бўлиб ётди. Охири уни қамоқхона касалхонасига ётқизиши. Бироқ, орадан бир неча кун ўтгач, бошқа бир маҳбус касал бўлиб қолди-ю, Сайдни касалхонадан чиқариб юбориши. Қайтиб касалхонага қабул этишмади. «Дарди бедаво силлар касалхонага ётқизилмасин» деган буйруқ бор эди.

Қонун бўйича Сайд каби маҳбуслар ҳукмни юмшатиши ёки афв этишни сўраб ариза беришлари мумкин эди. Аммо Сайд ўзининг нима касал эканини билмасди.

Қамоқхонадаги бу каби ярамасликлардан хабардор бўлган маҳбусларнинг ҳам у билан иши йўқ эди, чунки у фақир эди.

Афв сўраб ёзилган аризалар, илтимослар ойлаб идораларда чаиг босиб ётади, ҳеч ким унинг ижроси билан қизиқмайди ҳам.

Сайд камеранинг энг ифлос, қоронги бурчагида, ҳожкатхона ёнида очдан-оч ётарди. Касал бўлганилиги учун қамоқхонанинг ҳам, бироннинг ҳам хизматиниң қилмас, ҳатто сув ҳам ташимас эди. Берган овқатларнинг бир кунлигини уч кун ер, икки кунлигини эса, қатиққа алишарди. Кун бўйи қимирламай, қамоқхонанинг зигирдай ойнасидан кўриниб турган бир парчамовий осмонга тикилиб ётарди.

У қишлоқка хат ёздиргандан кейин, Дудуни ишдан қўймаслик учун анчагача хатни юбормади: чунки ер ҳайдайдиган қизғин пайт эди.

Ортиқ кута олмаслигини англаб, белбоғидан икки буқлоғлиқ хатни олди. Учрашув кунлари эшик олдида турадиган бир маҳбусга бериб: «Шуни бизнинг қишлоқдан келганларга бер», деди. Шундан кейин икки кўзи Дудунинг йўлида бўлиб қолди. Хатни олиб кетган Сайднинг ҳамқишлоғи ўн кунча шаҳарда қолиб кетди. Сайд эса, Дудуни зориқиб кутарди. Қапдаккина кўм-кўк осмондан кўзини узмасди. Кечқурунлари шин-

нига бир бурда қаттиқ қора нон ботириб еб ухлашга уринарди. Дуду келганда қандай қилиб туриб, камерадан унинг олдига чиқиши ўйи бозовта қиласди. «Эмаклаб бўлса ҳам чиқаман!» дерди ўз-ўзига.

Тўйдан кейин бир ой ўтгач ҳарбий хизматга кетди; қайтиб келганидан кейин орадан йигирма кун ўтмасдан қамалди. Дудунинг висолига тўймаган эди. Дуду ҳамон келмасди.

Бундан ортиқ кутишга тоқати етмайди, шекилли...

\* \* \*

... Дуду қамоқхонага келди. Эшик олдида ҳеч ким йўқ эди. Бироқ энди ичкарига кирай деганда қоровулхонадаги жандарм:

— Қайт орқангга! — деб бақирди.

Дарвоза ёнида турган назоратчи Дудунинг қўлидаги халтacha ва ғозларни кўриб, унга қўли билан ишора қилди. Лекин шу чоқ бир неча маҳбус замбил кўтариб келиб қолишиди. Назоратчи уларга қараб юрди.

Шу пайт қоровулхонага қамоқхона миrzаси кириб келди.

— Замбилни мозорга олиб боринг! — деб қичқирди миরза ўтиб бораётган маҳбусларга. — Мен ўзим қайд этиб қўяман.

Бош назоратчи қамоқхона хизматчилари ҳамда, айрим маҳбусларга аллақандай бир қоғозга имзо чектиради. Улар ўлган кишидан бир эски кўрпа, мис товоқ ва йиртиқ ботинкагина қолганига гувоҳлик бериншарди.

Шу пайт бош назоратчи нарироқда турган Дудуни кўриб сўради:

— Сенга ким керак?

— Опрукалик Сайид.

Бош назоратчининг афти буришиди, унинг бир назоратчи қўй остида замбилда мурда олиб кетаётган маҳбусларга ишора қилмоқчи бўлиб турган кўзлари ғоз ва халтачага тушиб қолди:

— Сайид шу ерда, лекин бугун қабул куни эмас. Қўлингдагини бер-да, ўзинг бир ҳафтадан кейин кел,— деди.

Бош назоратчи ғозларни, халтани, шиннили кўзачани олди ва эшик олдида қимиrlамай турган Дудуга қараб ўшқирди:

— Бир ҳафтадан кейин кел дедим-ку, нарсаларинг-  
ни у олади... Йўқол бу ердан!

Дуду шаҳарда бир ҳафта қола олармиди?

Дуду ўглини етаклаб битта-битта юриб кетди. Ўғли  
қамоқхона томонга ўгирилиб-ўгирилиб қарап, ерга қо-  
қилар ва кўз ёш қилиб:

— Дадам қани? Дадам қани?..— деб сўрарди.

Дуду уни жеркиб берди:

— Нега йиглайсан! Кўрсатмадилар!— кейин кўнгли  
юмшаб, қўшиб қўйди:— Ўримдан кейин яна келамиз.

Дуду қишлоққа кириб келиши билан жандарм уни  
қамоққа олди. Фоз ўғирлагани учун уч ой қамоқ жазо-  
сиға ҳукм қилинди. Қишлоқ қамоқхонасида ётгани учун  
йигим-теримгача эрининг ўлганидан хабари бўлмади.

## ҚОЧОҚ

Икки жандарм Идрисни ўртага солиб, олиб борарди. Оёқ босишга мадори қолмаган Идрис жандармлардан обдан калтак егани учун, тезроқ юришга тиришарди. Аслида бундай ишлардан бехабар бўлса ҳам, ҳайит-намозда Йомом қишлоғининг масжидини овлаб, на-мозхонларни «шилганига» иқрор бўлди.

Ахир нима қилсин?.. Буни таёқ деб қўйибдилар... Иқрор бўлмаганингга қўярмиди. У энди кам деганда етти йилга кетади.

У илдам-илдам қадам босар экан, ўқтин-ўқтин тошга қоқилиб, каловланиб кетса, жандармлардан бирин қўлидан тутиб қоларди. Бир оз юришгач, унга бир дона сигарет ҳам беришди...

Аслида буларни ҳам ёмон одамлар деб бўлмайди... Нима ҳам қилишсин, хизмат-да. Улар йўлга чикишларидан олдин капитан: «Айборни топмасдан кўзимга кўринмаларинг!»— деб қаттиқ огоҳлантирган эди. Қишлоқни «ковлаган» ўғри аллақачон қочиб қолган, қандай бўлмасин бирорта айбор топиш керак эди. Зотан Идрис неча йиллардан буён бу ёқларда ишсиз санқиб юрар, минг бир кўчага кириб-чиқар эди. Уч-тўрт марта сигарет қофози билан чақмоқтош сотаётганида қўлга тушган эди. Энг муҳими қишлоқ аҳолиси ундан норози эди. Аввал раҳматлик отасини — у қишлоқ имоми бўлган — юз-хотир қилиб юрганларга ҳам Идрисининг юриш-турици ёқмади, унинг қишлоқдан чиқиб кетиши-

шундай талаб қила бошладилар. Идрис қишлоқда экан, жандармларнинг оёғи узилмасди. Шунинг учун ҳам жандармлар Идрисни ушлашлари биланоқ, қишлоқ оқсоқоли билан боққол бу воқиадан бир кун олдин Идрис Имом қишлоғи томонга кетаётган эди, деб гувоҳлик беришди... Шунинг ўзи етарли эди. Қолганини жандармларнинг ўзи гапиртириб олди... Идрис ҳайтнамозда Имом қишлоғининг масжидини қандай овлаганини айтиб берди...

Ҳозир улар Имом қишлоғига кетишаётган эди.

Идрис ташвиш тортар, ўйга чўмган эди. Унинг фикр-зикрини таёқ зарби ҳам, етти йил қамоққа ҳукм қилиниш ваҳми ҳам эмас, балки таёқдан ҳам, қамоқдан ҳам бутунлай бошқа бир нарса, бошқа хаёл чулғаб олган эди.

Ортиқча фикр юритишга ўрганимаган мияси бирор чора излар, почорлиги жонсарак кўзлари ва бўртиб чиққан юз томирларидан кўриниб турарди.

Унинг хаёлни мана бу нарса банд қилган эди: Идрис калтак зарбидан қишлоқни «овлаганини» бўйнига олди. Бу кифоя қилмайди. Далил ҳам керак. Бунинг учун эса, пул билан кумуш соатларни қаерга яширганини айтиб берниши лозим. Қанақа пул? Қанақа кумуш соат? Қанақа ўғрилик?.. Лекин гапирмаса бўлмайди... Таёқ, қўндоқ ва тепкиларга бардош берниб бўладиганга ўхшамайди. Мияси тарс ёрилиб кетаман дерди: нимани гапирсан? «Имом қишлоғини мен овладим», дейиш осон. Аммо пул билан кумуш соатларни йўқдан бор қилиш қийин... Жуда ҳам қийин...

Дарра, қўндоқ билан уриш ва тепкиларнинг кети кўринмайди. Ўзини йўқотаёзди. Кўз олди қоронфиласди. Зўрға қўл кўтариб, «Айтаман!»— деди.

Жандармлар тўхтади. Юзига сув сепишди. Сигарет беришди. Шундан кейин Идрис биринчи бўлиб эсига келган одамнинг отини айтиб берди:

—«Пул Имом қишлоғидаги қаҳвачи Сулаймон оғада».

Идрис калтаклардан қутулди. Ўша пайтда у фақат шуни орзу қилған эди. Лекин Имом қишлоғига қараб йўлга чиқишиар экан, у бутунлай бошқа нарсани ўйлай бошлади.

«Бечора Сулаймон оғага жабр бўлди-да!»— дерди ўзига ўзи.

Уз қишлоғида бўлсин, Имом қишлоғида бўлсин, бирдан-бир паноҳгоҳи Сулаймон оға эди. У тунаб қолиш учун қаҳвахонасидан Идрисга жой берар, ундан маслаҳат ва насиҳатларини аямасди.

Қандай қилиб унинг исми биринчи бўлиб эсига тушди-а?

Энди жандармлар ҳеч нарсадан бехабар чолни ерга ётқизиб, калтаклашади, аъзойи бадани моматалоқ бўлгунча савалашади. Сулаймон оға, билмайман, деб минг бир хил қасам ичганда ҳам, барибир даррадан қутулоғмайди. Титроқ овози билан ялиниб-ёлворади, гуноҳсизлигини тушунтиromoқчи бўлади, ерга судралиб тўланади, лекин ҳеч ким додига қулоқ солмайди.

Унга чолнинг кўзларидан оппоқ соқолига думалаб тушаётган ёш томчилари кўринди. Чолнинг буқчайга белига кетма-кет келиб тушаётган тепки ва қўндоқ зарбларини сезгандек бўлди. Унинг оппоқ, ўсиқ қошлири остидаги нурсиз, қабариқ кўзлари, «Идрис, қилган ишингдан хурсандмисан?» дегандек тикилиб турганини ҳис этди. Бирор үнинг белига яна бир тепгандек ингрраб юборди. Жандармларнинг бири унга кўз қирини ташлади. Кейин ёнидан яна битта сигарет олиб, унга узатди...

Идрис олдинга қилиб боғланган қўли билан сигаретни олиб, лабига қистирди. Икки-уч марта чуқур нафас олди.

Яна беш-ён қадам ўйл юришди. Идриснинг оғзидағы сигарет ерга тушди.

Оҳ... Бу иш унинг қўлидан келмасди...

Узоқда Имом қишлоғи кўринди. Аввал уч-тўртта майда дараҳт, кейин эса бир қанча гувала уй ва беш-ўнта яланғоч болалар кўзга чалинди...

Яна юз қадамча бор... Кейин қишлоққа етиб келишади... ва Сулаймон оға...

Идрис ён-верига разм солди... Тош йўлнинг ўнг ёни ёнғоқзор. Жандармларга қаради: қўлларида миллиқ.

Хандақнинг нариги бетига сакради, йиқилиб тушди, яна ўрнидан туриб, ёнғоқзор оралаб қоча бошлади. Жандармлар затворни шарақлатиб очиб ёпишди, шундан кейин икки марта ўқ овози эшитилди... Алланарса ҳавода бир зум визиллади, Идрис турган жойида қулади.

Жандармлар чопқиллаб келишди. Йдриснинг оғзидан тирқираб қон оқаётган эди. Кўзини очиб, «Сулаймон оғанинг ҳеч нарсадан хабари йўқ», леди. Боши шилқ этиб ёнга тушди. Оғзидан яна анча қон келди. Сўнгги марта кўзини очиб: «Менинг ҳам...» дея олди.

Кўзини қайта юмишга улгурмай оёқ-қўйлини узатди. Шу бўйи қайта турмади.

## УСМОН ҚОТИЛ

Қамоқхонанинг ташқарі ҳовлисіда, Абаза Камол қаҳва қайнатаётган ўчоқ олдида устма-уст сиғарет че-киб ўтирган эдим. Қалъанинг баланд деворларида оша порт томондан келаётган товуш қалбимда аллақандай ҳазин ҳисларни үйғотган эди. Олисдан юрак эзувчи гүдогини чала-чала сохилга яқынлашган кема якорь ташлаётган эди. Занжирларниң шақир-шуқурлари орасыда қайиқчиларниң бақириб-чақириб жанжаллашған овозларини эшитаётгандек эдим. Қалбим ташқарида учып юргандек эди. Бошқа вақтлар мени юпатадиган бу нарсаларга эътибор ҳам бермасдым. Ориф қоровулниң етти күнлик жўжаларига бош бўлиб юрган товуғи оёғими-ниң тагида ўрмалашар, деворниң қоқ ўртасидан ўсиб чиқиб салом бериб очилиб ётган мойчечак шамолда секингниа тебранаар, сал нарироқда, девор тагида боини эгиб ўтирган. Тайёр бобо бойбурс қўшиқларини хиргойи қиласарди. Аммо мен бу яқин дўстларимдан тасалли оладиган ҳолда эмас эдим. Ҳозир фикр-хаёлим қалинлиги саккиз газ келадиган тош девордан ошиб ўтиб, палубада туриб, кранниң ишлашини томоша қилаётгани, шамолда кўйлаги ҳиллираб турган қизлар билан, оғир юқдан буқчайиб, зиннадан тушишга уринаётган юқчилар билан бирга эди. Мен ўтирган жойимдан сапчиб тургим, матросларни, жандармларни итариб ташлаб, олга юргим, қайиқка тушиб, кемага чиққим ва капитанга «Қани, кемани ҳайда!» дегим келарди. Кўз ўнгимда намоён

бўлган нарса на шаҳар, на инсон, на адир ва на ўрмон эди. Мен уфқисиз денгизларни, девор билан ўраб олинмаган кенг ялангликларни қўмсаётган эдим. Кишининг руҳи кўкда парвоз этиб юаркан, тўсатдан ерга қўниб, инсон оқизлигига дуч келиб қолиши нақадар қизиқ.

Реакционер Ёқуб домла ёнимга келди, темир курси-лардан бирига чўка туриб, «Ишлар қалай?» деб сўради. Мен унинг нима мақсадда олдимга келганини сездим-да, қаҳвачига буюрдим: «Камол, домлага биттә чой бер!»

Ёқуб бечора Баликесир атрофида дарвишлар ишига аралашиб қолган экан, уни «реакционер» деб ўн йилга қамаб юборишибди. Менемен воқиасидан чўчиб қолган ҳукумат ўша пайлари бундай одамларга нисбатан ғоят қаттиққўл эди. У илгари бадавлат, қўш хотинли бўлганлигини гапириб юар, аммо бу ерга келганига анча бўлганига қарамай, уни ҳеч ким йўқламасди. У бировларнинг ёрдами, қамоқхона бошлиғининг ҳимояси, унда бунда баъзи бировларга ёзib берадиган туморлари орқасидан бир нав тириклий ўтказар, лекин маҳбусларни гапга солиб, топган-тутган янгиликларини оқизмай-томизмай қамоқхона бошлиғига етказиб тургани учун ҳаммадан лаънат эшитарди. У бу ишларни бировларга ёмонлик тилаб эмас, балки ҳар нарсани биринчи бўлиб билишини истагани, ғалати табиатли, ўтакетган сергап одам бўлтанилиги сабабли қилса керак, деб ўйлайман. Чунки мен унинг бирпас ҳам ёлғиз қолгиси келмай, дуч келган одамнинг пинжига тиқилиб, қизиқарли ва муҳим бир гап устида баҳс очиб суҳбатдошларини оғзига қаратиш учун кўй кўзларини қисиб, мияси тарс ёрилгудек даражада ўйлаб ўтирганини кўрганман. У ҳаммани оғзига қаратиб олганига амин бўлгач, отасининг ўлимига сабаб бўлиши мумкин бўлган сирларни ҳам очиб ўртага ташлашдан тоймасди. Ёзин-қишин устидан тушмайдиган олча ранг камзулини ерда судраб ҳовлининг у бурчидан бу бурчига югуруар, тўп-тўп бўлиб ўтирган кишилар билан гурунглашиб, кунни кеч қиласарди. Узоқ бўлса ҳам мени ўз ҳам-қишилоги ҳисоблаганлиги учун тез-тез олдимга келиб турар, ҳар сафар танияш-билишларидан оғиз очар, Болёдан олган иккинчи хотинини таърифлаб берар, пировардида яна бир чойнак чойга тушириб кетарди.. Бугун унинг кўринишида қандайдир ясама жиддийлик бор эди. У чойни ўнг қўлига олиб, чап қўлидаги сигарет тутунини юзимга бурқситиб пуфлар, «Қара, инсоннинг ҳоли шу

экан-да!» демоқчи бўлгандаи ёшини тебратиб қўяр, тез-тез уҳ тортарди.

— Қани, домла, қандай янгиликлар бор? — сўрадим кулимсираб.

— Усмэн қотилмиз яна бетамизлик қилибди. Бу гал иши пачава. Ҳисомиддин сартарошини пичоқлаб қўйибди. Бора-бора туппа-тузук қотил бўлади, шекилли.

Дастлаб Усмон қотили кимлигини эслолмай турдим. Кейин у ёдимга тушгач, домладан сўрадим:

— Бундан икки ойча бурун қамоқхонадан чиққан йигит эмасми? Эсингдами, йўл тўсарлик қилганлиги учун суд раиси уни қамаб юбораёзган эди!

— Кошкийди қамалганида. Қўши билан етти йил оларди, қамоқда ётган кунларини ҳисобга олар ва ҳадемай икки-уч йилда қутулиб чиқарди. Бу фалокат ҳам бўлмасмиди. Ҳисомиддин сартарош ўлиб қолгудек бўлса, ўн беш йилга кетиши турган гап. Сартарош ҳам сор қоладиганга ўхшамайди, пичоқни қорнига урган.

Бу сўзлардан кейин Усмон қотилни яхшироқ эсладим. У йингирма бешга кирган бўлса ҳам, ўн етти яшар ўспириннинг дидини берадиган, рангпар, юзи чўзинчоқ, қўллари пахтадай, бармоқлари узун-узун бир йигит эди. У ҳар вақт костюмининг тугмаларини қадаб, қўлларини қовуштириб олдимга келар, бирор нарса айтмоқчи бўлсан, «Қулоғим сизда, оға» деб бошини ҳам қилиб турарди. Шу томонларда донг чиқариб қамоқقا тушган безори ва каллакесарлар олдида чурқ этмас, устозининг бирор сўзини эшитмай қолишдан қўрқан шогирд сингари кўзларини мўлтиллатиб жим ўтиради. Унинг ташқаридаги ҳаёти ҳақида эшитган гапларимга ишониш қийин эди, лекин ҳамма ҳам бир сўзни такрорлар эди. Ўғлини кўришга рухсат берилган кунлари қамоқхонага келиб турадиган кампир онаси ҳам уни узоқдан кўрди дегунча, «Илоҳим бўйнинг узилсин, Усмон, бизларни хонавайрон қилдинг!» деб қаргарди.

Эшитишимга қараганда Усмон ёшлик пайтида отадан ажраган, қийинчиликда яшаб, шунча ёшга кирган бўлса ҳам, шу вақтгача бирор ҳунар эгалламаган. У қайси бир устага шогирд тушмасин, орадан тўрт-беш кун ўтгач, қочган, бунинг натижасида тикувчилик бобида тугма қадашдан, этикдўзликда эса ип мумлашдан нарига ўтмаган. У ўн яшарлигига маҳалладаги бадавлат оила болаларини калтаклашдан иш бошлаган. Ўн икки ёшида

онасиға мушт күтарган, ўи бешга кирганида тоғасиға пичноқ ўқталған, ўн олти ёшидан бошлаб ҳафтада камидар бир марта жандарм бўлимига, ойда бир марта қамоққа тушиб турган. У отадан қолган узумзорниң кўклиамда баргини, кузда ҳосилини, қишида кўчатини сотиб ароқ ичган, онаси яшаб турган каталак уй билан бир ярим дўним боғни ҳам сотиб пуллашга хўп уринган-у, аммо кампир онанинг: «Улигим чиқмагупча бу уйга бошиқа одам кирмайди», деб туриб олганлиги ҳамда ҳовли қоғозларини тоғасиға бериб қўйилганилиги сабабли қўлидан ҳеч нарса келмаган. Шўрлик кампирниң қишин-езин тер тўкиб бир парча ерда етиштирган сабзавотлари ва беш-ўн туп ўрик билан олчадан тушган пули Усмонниң овқати ва кийнимига етмас, шунинг учун у бошқаларга дастёрчилик қилиб юради. Усмон кўнгли бўш, тўғрироғи ундан ҳайиқиб қолган бирор ҳунарманднинг пинжига кирап, баъзида бирон этикдўз ёки кўкчига қарашиб юрап, кефаль балиғидан икра олувчи балиқчиларга кўмаклашган бўлар, шу зайлда одамига қараб бир жуфт ковуш ёки икки-уч лира пул ундириб оларди. Беданалар Қора денгиз томондан гала-гала бўлиб учиб кела бошлагач, у ҳам овчилар билан бирга жўнаб, ёмғир ёқкан кунларни болалар ҳам талайгина қуш йиғиши мумкин бўлган овга қатнашарди. Кечқурунлари бирор майхонага кирап, биронта танишниң ёнига ўтириб олиб, ичкилиқ ва овқатга «эритар», бунинг иложи бўлмаса, ошпазга «қарздорман» деб жўнаб қоларди. Кўп одамлар бошга бало орттиргандан кўра унга овқат олиб беришни, жуда шилқимлик қиласверса, ярим лира қарз беришни маъқул кўришарди. Чунки у ёпишган одамини осонликча кўйиб юбормас, жуда бўлмагандан шилқимлик билан гап отиб, масхара қилас, сал-пал қўпол муомила қилганини сезис қолса борми, дарров жанжал чиқариб, шўрликни тавбасига таянтиради. У ҳеч қандай тўй ва йиғиндан қолмас, эшиги очиқ уйга холасининг маҳрига тушгандек тап тортмай кириб чиқаверарди. Усмон уч қадаҳ ароқдан сўнг учиб қоларди. Шундан кейин у ё тарбия кўрган ёки ўзидан ожизроқ бирини топиб, унга тегажоқлик қилишга тушарди. Қишлоқниң энг зўравон йигитлари ҳам у билан жанжаллашишдан қочишарди. Чунки, бир томондан Усмон билан жанжаллашишниң ўзи қишининг шаънига тўғри келмаса, иккичи томондан, муштлашувда қўли баланд келмаса, дод-фарёд кўтарар, йиғи-

СИЕИ ҚИЛИБ етти маҳаллани бошига тўпларди. У ҳаммá жойда, ҳатто арзимаган нарсага жанжал чиқарганда ҳам қўлини пичоққа юбориб: «Пичоқ чиқаришга мажбур қилма, худди қонингни ичаман, мени одам ўлдиришга мажбур қилма!..» деб оғиз кўпиртиргани учун, аслида чумчук сўймаган бўлса-да, оти Усмон қотил бўлиб кетган эди.

Юқорида айтиб ўтганимдек, қамоқхонада менга учраган уятчан йигитнинг шундай безори эканлигига ишониш қийин эди. Ҳолбуки ўшанда ҳам худди шундай безорилик қилиб қамоққа тушган эди: бир куни у уйига кетаётган маҳалла ўспиринларидан бирини йўлда тўхтатиб, «Қани, юр, менга ароқ олиб бер!» дебди, ўспирни «Ишим бор!» деган экан, «Ундан бўлса менга икки лира қарз бер!» деб шилқимлик қилибди. У пул беравермагач, пичоққа қўл узатибди. Буни кўриб югуриб келган кишилар уни полицияга тутиб беришибди. Усмонни ҳадеб бу ерда кўравериб, жони ҳалқумига келган жиноят Судининг раиси унинг адабини бериб қўйиш ниятида «кечаси яроқ билан йўл тўсганлиги» учун тўрт-беш йилга қаматмоқчи бўлибди. Лекин тошюрак раис ҳам Усмоннинг ўша маъсум уятчан юзини, одоб билан йиғлаб-сиқташини кўриб, раҳми келган бўлса керак, уни атиғи бир неча ойга ҳукм қилган; Усмоннинг суд давомида қамоқда ётган вақти жазо ўрнига қабул қилиниб, у озод бўлиб кетган эди.

Ёқуб домла бунга куйиб-пишар, «раис болага яхшилик қилмади. Усмон уч йилгина ётиб чиққанида ақл-ҳушини йиғиб олган бўларди. Борди-ю; энди сартарош ўлиб қолгудек бўлса, ўн беш йил бўйнига шилқ этиб тушади. Эҳ...» деб ачинарди.

Вақт пешиндан ўтган, домла енгларини шимариб, таҳорат олмоқчи бўлиб турган эди. Сал нарироқда ўтинчилар ўзлари кесган ёнғоқ ғўлаларининг панасида намоз ўқишмоқда. Шаҳар девори устидаги жандармлар навбат алмашишмоқда. Портдаги кема кранининг овози деңгиздаги моторли қайиқларининг шовқинига қўшилиб, бoshимнинг аллақаерида акс садо бермоқда. Шу пайт орқа томондаги темир панжарали эшик ғижирлаб очилди, қайрилиб қараган эдим, хопалик матрос Али Фонқ билан Усмон қотилни кўрдим.

Усмоннинг юзи девордек оқариб кетган эди. Кўзлари қисилиб қонга тўлган, ияги билан чаккасидаги сийрак

туклар ҳурпайгандек. Унинг озиб нозиклашгандек бўлиб туюлган юзи, қирра бурни, чала юмилган оғзидаги майдада ва сарғиш тишлари ҳамда ён-атрофга бежо алангловчи кўзлари мушукнинг панжасига тушган синчонни эслатарди.

— Бошинг омон бўлсии, Усмон, қани кел, бу ёққа ўтири! — деб чақирдим.— Али Фонқ, сен ҳам кел, қаҳва ич.

Усмон ўзига ҳамдард топгандек тез-тез юриб олдимга келди, бир курсини Ёқуб домланинг ёнига сурисиб ўтирди, қўлини столга қўйиб, жавдираган кўзларини менга тикиди. Бармоқлари нозик оппоқ қўллари қалтиради.

— Тинчликми, Усмон? — деб сўрадим.

— Нимасини айтасан, оға, фалокат юз берди.

У юмалоқ-ёстиқ қилиб, бўлган воқиани сўзлаб берди. Мен унинг бичиб-тўқиб гапираётгандигини сезсан ҳам индамай ўтиравердим. У гўё олдида ўтирган суд раисининг кўнглини юмшатмоқчи бўлгандек бошини ўнгга солиб, йиғламсираган ҳолда минғилларди:

— Худо ҳақи, оға, ҳазиллашиб пичноқнинг учунин шундай текизган эдим, қорни бўш экан, пичноқ қурғуркириб кетди.

Бу пайт Ёқуб домла матрос Али Фонқ билан суҳбатлашаётган, уни-буни сурншириб, миясини қоқиб қўлига бераётган эди. Матрос Усмоннидан мутлақо фарқ қиласидиган ҳикоясини тамомлаб, ўрнидан турди ва сўнгги қултум қаҳвасини ютиб, Усмонга мурожаат қилди:

— Энди суд раиси сенинг бу афсоналарингга ишонмайди, бошқа гап топиб қўй. Қани юр, камерага кетамиз.

Усмон ўрнидан турди, у йўл-йўлакай матросга «худо ҳақи, ростини айтдим, Али Фонқ!» деб уқтиради.

Уша куни кечқурун кўпчиликдан эшитишимиға қаранганде Усмоннинг бу галги нағмаси ҳам арзимаган нарсадан келиб чиқибди. У ўзига ўҳшаган бир дайди оғайниси билан қитдай-қитдай тортибида-да, қаҳважонага кириб олтмиш олти ўйнаётган экан, Ҳисомиддин сартарош келиб қолиб, «кузерни юр, йигирмага бос» деб луқма ташлайверибди.

— Ўйнинг уста бўлсанг ўтир, учовимиз ўйнаймиз,— дебди, Усмон. Ҳисомиддин ўтирмабди. «Ўйнайсанми, йўқми?» деб турган Усмон Бурсада қилинган нозик пичогини чиқарниб, Ҳисомиддинга тиқиб юборибди.

— Усмоннинг одам ўлдирадиган важоҳати йўқ. Мастикдан қўлини тиёлмай, пичноқни кўпроқ тиқиб юборган. Пичноқ бир қарич кириб кетибди,— дейишарди гапириб берганлар.

Усмон бу гапларни чурқ этмай эшитар, жавдираб турган қўзлари камера ичидан чордана қуриб ўтирган эски маҳбусларнинг оёқларида эди.

Кейинги кунларда Усмонда ҳеч қандай ўзгариш сезилмади. У тез юриб ҳовлини айланиб чиқар, дамба-дам ташқари чиқиб касалхонада ётган Ҳисомиддиннинг ҳолидан хабар олиб туради. Сартарош ўн икки кун яшади. Жароҳати унча қўрқинчли бўлмаганлиги учун соғ қолиши мумкин эди. Аммо атиги иккита враҷ ишлайдиган вилоят марказининг кичкинагина касалхонасида музхона йўқ эди. Ҳамшираларнинг бир соатда зўрға бир марта қудуқдан тортиб чиқарган сувига ҳўллаб, касалнинг қорнига қўйилиб турган латталар ҳеч бир кор килмади, у пичноқ еганининг ўн иккинчи куни вафот этди.

Бу хабарни эшитган Усмон девордек оқариб кетди, ённагиларга мўлт-мўлт қаради ва калта-калта нафас олиб ҳари кетди, девор тагига ўтириб ўйга чўмди.

Бироқ, шу кундан эътиборан Усмон тамоман ўзгарди-қолди. У асабийлашган ва ҳаяжонланган эди. У энди аввалгидек миқ этмай қўрқа-писа юрмас, мени ва ҳаттони илгари соясига кўрпача солиб юрган безориларни менсимай, қўпол муомила қиласидиган бўлиб қолди. У бўлар-бўлмас гапга аралашар, бирор ғашига текса, адабини бериш учун ўрнидан туради. Усмон жой ёки овқат талашиб камерадагилар билан жанжаллаша бошлади; бир куни у қамоқхонага кўргани келган онасидан пул сўраб жанжал кўтардӣ, қоровуллар ўртага тушиб, уни зўрға тинчлатишиди.

Усмон бошига тушган фалокат олдида шунчалик таҗанг бўлиб қолганлигини тушуниш қийин эмас эди. У билан дардлашадиган, ҳол-аҳволини сўрайдиган киши йўқ эди. Кунлардан бирида мен болалик чоғидан буён қўлидан тутиб, ўйл қўрсатиб қўядиган одами бўлмаган бу йигитни олдимга ўтириғизиб, табнатига мослаб гап бошладим. Биз унинг ташқаридаги ҳаётини, ичкилил ичиши ва маҳалла жанжалларини, денгиз ҳамда бедана овини эсладик. Гап айланиб келиб, ўша воқиа устида тўхтади. Шунда мен руҳан эзилаётган Усмонни бир оз

юпатиши мақсадида унга узундан-узоқ тасалли бердим. Мен ўтган ишга саловат деган маънослик билан гапирдим:

— Қўп хафа бўлаверма Усмон, бундай ишлар ҳамманинг ҳам бошига тушиши мумкин. Мана, шу қамоқхонада ётган етти юз кишининг камида беш юзтаси бировнинг жонига зомин бўлганилар. Қилган ишинингга афсусланниб, ўзингни тузатсанг, ҳамма нарса уштилади.

Гапимни эшишиб ўтирган Усмон зериккандек бўлди. Мен бунга ҳайрон бўлмадим. Унинг қотиб қолган инсоний ҳис-туйғуларини қўзғатиш осон эмас эди, албатта. Бироқ, Усмон оғзимни очиргани қўймай, қўли билан «бас» дегандай сўзимни бўлди, бошқа одамнинг эшитишини хоҳламагандек оғзини бетимга яқинлаштириди:

— Бекорчи гапларни қўйсанг-чи, оға! Шунча йилномимиз бекордан-бекорга қотил бўлиб келди. Одамлар менга кулиб қарайдиган бўлиб қолишиди. Қоним қайнаб, бировга пўписа қиласдиган бўлсам, у «Сендақа оғзида одам ўлдирадиганларнинг кўпини кўрганмиэ» деб керишларди. Мен кўча-кўйда йигитларнинг бетига тик қараёлмас эдим. Раҳматли Ҳисомиддинда ҳеч қандай адоваратим йўқ эди, аммо, бу нарса менга керак эди.

Усмон менинг бу гаплардан ҳайратга тушганлигимга парво қилмай ўрнидан турди, устидаги оғир юқдан қутулгацдек енгил юриб нари кетди.

Суҳбат пайтида секингина ёнимизга келиб гапимизни эшишиб ўтирган Ёқуб домла булардан хурсанд эди, у қўлини елкамга ташлади ва донишмандлардек вазминлик билан сўзлади:

— Бу дунё шундай экан, бировлар одам ўлдирагани учун қотил деган ном олади, бировлар номим қотил бўлди деб, одам ўлдиради.

## ЖАНДАРМ БАКИР

— Нима иш қилгансан? Нега сенга юз бир йил беришди? — деб чолилик Ҳалил эфедан<sup>1</sup> кўп сўрар эдим. У бўлса, «Дорга осмаганларига шукур, афандим!» деб жавоб берар ва қиқири-қиқири куларди.

Мен бу ишнинг тагига етишга жуда қизиқардим. Ҳадеб сўрайвериб жонига тегдим шекилли, бир куни бира тўла қутула қолай дегандай лўйда қилиб, «Давлат мендан икки безори, бир жандарм, бир маузер, икки от даъво қиласди» деди. Давлат даъво қилган нарсаларни шундай тез санаб чиқдикӣ, оғзим очилганича анқайиб қолдим.

«Давлат сендан нега бу нарсаларни даъво қиласди?» «Йўқолган эмиш, шуларни кўрганимисан дейишади», деди-да, масхара қилгандай юзимга кулиб қаради.

Яхши кийининганим учун қамоқдагилар менга кўпда ишонишмасди. Кунлар ўтган сайин Ҳалил эфе билан дўстлигимиз самимийлашди. У бошидан ўтган воқиаларни бирма-бир айтиб бера бошлади. Бу қиссаларнинг ҳар бири бир ҳикоя бўлади.

Мен ҳозир сизларга нима учун давлат Ҳалил эфедан бир жандарм, бир от ва бир маузер талаб қилганлигини айтиб бераман, холос.

\* \* \*

— Чолида Сулаймонни ўлдириб Иэмирга қочганлигимни, у ерда қўлга тушгач, Дањезли қамоқхонасига

<sup>1</sup> Э ф е — зейбек — Иэмир районига жойлашгап қабила. (Ред.)

юборгандарини сенга айтиб берган эдим. Судни кутиб ётарткайман, бир куни қамоқхона бошлиғининг хонасига чақириб қолишди. Кирсам, «Чоли прокурори сени чақиришибди, ишингни чуқурроқ кўриб чиқаркан, Чолига кетасан!»— деди.

Юрагим шиғ этиб кетди. Измирга келаётганда ёрилган товонларимнинг ёриғи эндиғина битай деб қолганди.

Йўлда у қоровулдан-бу қоровулга топширилишнинг нима эканлигини сен билмайсан. Бу ердаги жандармларнинг ҳаммаси мени танийди, улар орасида дўстларим ҳам, душманларим ҳам бор.

Қамоқхона бошлиғига: «Раҳм этинг, мени Чолига юборманг»— деб ёлвордим. «Буйруқ бор, иложи йўқ!»— деди. Нимаям қилиб бўларди, давлат буйруғига тишим ўтармиди. Биронта маҳбусни жароҳатласам, текшириш бошланиб, шу баҳона яна икки-уч ой шу ерда қолиб кетсан бўларди-ю, аммо ҳали суд қилинмаган эдим. Раис «ёмон одам экан» деган фикрга келиб қолса, ишимнинг охири яхши бўлмайди деб ўйладим. Ҳамشاҳарлар кам бўлмасин, озроқ пул, пишлоқ ва пиёз тўплаб беришди. Ҳаммасини бир рўмолчага туғиб, пўстлоқларни ип билан оёғимга боғладим-да, Низомия дарвозаси олдида марказдан келадиган жандармни кута бошладим. Эшик олдида турган қоровул Нажиб афанди мени ҳеч ёқтирамасди. Ҳам эфс, ҳам камбағал бўлганлигим учун кўзига балодек кўринардим, шекилли...

Жандарм келгандан кейин уни бир чеккага тортиб, алланима балолар деди. Шундан кейин жандарм, қўлингни орқага қайириб кишанлайман, деб туриб олди.

«Нима бўлса ҳам қўлларингда аспирант, узоқ йўл, инсоф қил!» дедим.. Сўзимга қулоқ ҳам солмади, қўлимни орқамга қайириб кишанлади. Йўлга тушдик. Данезлидан Чоли озмунча йўл дейсизми? Июль ойининг ўрталари, иссиқ, кунда етти-саккиз соат йўл босамиз. У тарафларда қоровулхоналар бир-бирига яқин, кунда икки жандарм гал алмашади. Үхлайвериб тулумдек шишгап жандармга уч-тўрт соат йўл юриш иш бўлибдими? Мендан тезроқ қутулиш учун навбатдаги қоровулхонагача чоптиргани чоптирган.

«Худо ҳақи, югуравериб мадорим қолмади, йўл ёқасида жиндак дам олайин» десам, милтиғининг қўндоғи билан тушириб қоларди.

Энг ёмони айни туш, офтоб олов сөчаётган пайтда йўлдаги хирмонларда дэхқонлардан айрон олиб, кийимларига тўкиб ичар, менга ҳам беришса, бир қултум ҳам ичирамасди.

Учинчи куни шомга яқин Боклон сойи бўйидан ўтган темир йўл яқинидаги Қаклик қишлоғига етиб келдик. Энди Чолинга яқин қолди деб севиндим. Қоровулхонага кирсам, ким ўтирибди денг?.. Қорамурадлик Бакир!

Жандарм бўлибди. Мени кўриб, қулиб қўйди. Ўзимга-ўзим, «Уйинг куйди Ҳалил эфе, уйинг куйди», дедим. Бир маҳалладан бўлсак ҳам, ёшлигимииздан бери бирбировимиз билан чиқишмас эдик.

Бир-биrimизга очиқ-оидин бир нарса демаган бўлсак ҳам, тиш қайраб юрардик.

Ўзингга айтганимдек, хотин талашиб Сулаймонни ўлдирганимдан кейин Бакир хундор бўлиб қолган эди. У Сулаймоннинг яқин дўсти бўлиб, раҳматликка синглисими бермоқчи бўлиб юрарди.

Мен босмачи бўлиб тоқقا чиқиб кетгач, Бакир ишга тушди. Икки марта бекиниб ётган еримни ҳукуматга етказди.

Мен ўшанда: «Бакир жонидан тўймаган бўлса, жим юрсин. Чолилик Ҳалилнинг кўзига дунё қоронги бўлдими, ҳеч кимни аямайди!» деб хат юборган эдим... Бу воқиадан кейин овози ўчиб кетган эди. Ҳозир амалдор, жандарм кийимида, олдимда мени масхара қилиб қулиб турагди. Ўрнидан туриб олдимга келди-да, қўлини елкамга қўйиб, «Кел ҳамқишлоқ, тақдир экан, кўп ўйлама, зейбек деган чидамли бўлади» деди.

«Худога шукур, йигит бошимга тушган фалокатни кўриб, раҳми келди», деб ўйладим. Аммо юмшоқ супургидек атрофимда ўралashiши ва айёrona кулиши борган сари мени шубҳага солиб, кўнглимни ғаш қиларди. Мени ўзи ётадиган уйнинг ёнидаги қишлоқ меҳмонхонига олиб борди. Қўлимдан кишанин олмай, «Ётиб ухла, эртагача дам ол!» деди-да, яна заҳарханда қулиб қўйди. Ерга ёзилгани бўйрага чўзилдим. Бакирнинг бу кулишларидан қўрқувдек эди. Худо хохласа, охири баҳайр бўлар, иншооллоҳ, дея уйқуга кетдим.

Тонг отар-отмас уйғондим. Меҳмонхонанинг икки дебразаси остига қумурсқадай оломон йиғилибди. Нима гап экан, деб ҳайрон бўлиб турувдим, Бакир кириб келди. Худди кечагидек тиржайганича ёнимга яқинлашди;

«Қани тур, Ҳалил эфө, эски қарзларни бир ҳисоблашиб қўййлик. Ҳамма «дўстларингни чақириб келдим»,— деди.

Ўз-ўзимга: «Уйинг куйди Ҳалил эфө, уйинг куйди» дедим.

Эшик тирқишидан секин кўз қиримни ташладим. Ё оллоҳ, бу нима гап! Етти қишлоқнинг оқсоқоллари, кўзга кўринган катталари тўпланиб туришибди.

Бакир қишлоқма-қишлоқ юриб, менга душман бўлганларнинг ҳаммасини чақириб келибди. Бакирнинг қилган ишига ҳайрон бўлган бўлсам ҳам, сир бой бермадим. У энгашиб кишандан шундай қаттиқ тортиди, ўрнимдан тўриб кетдим. Судраганича уйнинг ўртасидаги устун олдига олиб бориб, тик турғизиб қўйди. Чўнтағидан бир чилвир чиқариб, мени устунга маҳкам боғлади-да, бошкўзим аралаш шарақлатиб таёқ билан солаверди...

Қамоқда одам қанча калтак еса ҳам, унча алам қилмайди. Бакир ҳеч ким йўқ ерда қанча урмасин «жандарм бўлгандан кейин уради-да!» деб тақдирга тан берардим. Аммо етти қишлоқнинг оқсоқол ва кўзга кўринган кишилари олдида минг турли ҳақоратлар қилиб уриши жонжонимдан ўтиб кетди.

Беш-ён таёқ ургандан кейин, оғзини ит ялоғидек очиб турган оқсоқоллар ва қишлоқ халқи билан алланима балолар тўғрисида сўзлашар, яна қайтиб келиб, етти пуштимни қолдирмай сўкар, бетимга туплар, ҳеч еримни аямай тепарди. Бетимни артайн деб қўлимни қимиirlатмоқчи бўлсам, чилвирни янада маҳкамроқ тортар, оғриқнинг зўридан бетимни буриштирсан, томошабинлар қах-қахлашиб кулишар эди...

Бакир бир соатдан ортиқроқ мени қийнаб, аламдан чиқди. Аъзойи баданимни кўқартириб, қутурган итга бе-рилмайдиган азобларни менга берди. Мен ҳам тишимни тишимга қўйиб, туриб бердим. Унинг мақсади мени таҳқирлаш, ялинтириш эди. Шунча одамнинг олдида ўлиб қолсам ҳам унга ялинмасдим ва ялинмадим ҳам.

Бакир роса чарчагандан кейин қишлоқилар билан бирга овқатланишга кетди.

Мен ичимда: «Ҳай Бакир, сен ҳам бир кун менинг қўлимга тушсанг, нима қилишимни ўзим биламан!..» деб қўйдим. Мени чолилик Ҳалил эфө дейдилар, бирор яхшилик қиласа ҳам, ёмонлик қиласа ҳам сира унутмай-

ман; буғдои әккан — буғдоинни, арпа әккан — арпасини олади...

Бир оздан кейин Бакир келди. Индамасдан чилвири ечиб, ташқарига олиб чиқди. Отига миниб, мени олдига солди-ю, Чолига қараб йўл олди. Данезлидан чиққандан бери отлиқ жандарм билан юрмаган эдим. Шу ахволда икки соатча йўл юриб, йўлнинг ўртасига келдик. Бакир отини секин ҳайдаб борарди, мен тиззага уриб ётган ўтлар орасидан гоҳ одимлаб, гоҳ югуриб унинг чап томонида борар эдим. Бакирга билдирилмай секин назар ташласам, кишанинг ўртасидаги винт бўшаб қолибди. Астасекин зўр бериб қўлларимни икки ёнга тортдим, занг босиб чириған кишанинг винти чиқиб кетди. Товушими чиқармадим, яна бир ярим соатча йўл юргач, Бакирга қўлимни кўрсатиб:

— Бакир ўнбоши, қўлимдаги кишанинг винти тушиб қолибди,— дедим.

Бакир ўзига ишонган мағрур йигит эди. Қўлида маузери, остида оти бўлгандан кейин қаёққа ҳам қоча олардим?

«Кишани чўнтағиннга солиб қўй!»— деди ў, пинагини бузмасдан.

Кишанин чўнтағимга солиб яна бир оз юргач, белбонидан кумуш папирос қутичамни чиқариб, Бакирга узатдим, «Қани Бакир ўнбоши, тамакидан ўра, мен чолилик Ҳалил, сен чолилик Бакир бўлгандан кейин ҳали биз бирга кўп ароқлар ичамиз, кўп қадаҳлар уриштирамиз..» дедим.

Анчагача юзимга тикилиб туриб, қўлимдан қутичани олди. Қўлидаги маузер тўппончани тиззасига қўйниб, тирсакларини унга тиради ва қутини очиб тамаки ўрай бошлади... Секин кўз ташладим: тамаки ўраркан, тирсакларини тўппончага қаттиқ тираган эди. Тўппончанинг оғзи менга томон қаратилгани учун ҳеч нарса қилиб бўлмасди. «Тулки Бакир, ниятими сеездинг-а!» деб қўйдим ичимда. Худди шу пайтда тамаки қоғозини ҳўллаб ёпиштириш учун қўлини лабига яқинлаштирган эди, тирсаклари маузер устидан икки энли кўтарилди. У нима воқиға бўлганини аинглашга ҳам улгуролмади. Бир сапчиб тўппончани олдим-у, бир неча қадам орқамга тисарилдим.

— Қани, отдан, туш Бакир ўнбоши! Энди эски қарз-

ларни ҳисоблашиш навбати менга келди,— деб бақирдим.

У отдан тушди, кулимсираб менга яқинлашмоқчи бўлди.

— Қимирлама, калима келтир! Ҳозир ўласан, дедим. Эй афандим, бу сўзларни айтган пайтимдаги Бакирнинг ҳолини бир кўрсайдингиз, юзи саргайди, ранги ўчли, кўзлари мўлт-мўлт қиласди.

— «Ҳалил эфе раҳм қил, севгили қаллиғим, бир муштипар онам бор, ўлдирма, бошқа нима қилсанг ҳам майли»,— деда ёлворди.

Унинг бу ҳолини кўриб, бир оз раҳмим келгандай бўлди. Орамизда душманчилик бўлса ҳам, ҳар ҳолда бир қишлоқ, бир маҳалланинг йигитларимиз-да! Аммо унинг ҳақоратларини қондан бошқа нарса юволмасди. Бакир тирик қолса, одамларга қайси юзим билан кўринардим.

— Бакир сени ўлдирман, бошқа илож йўқ, бирон васиятинг бўлса айт!— дедим.

— «Ўлдирма, Ҳалил эфе. Сен ҳам мени ур, истаганча ҳақорат қил, жонимга раҳминг келсин»,— деди.

— Етти қишлоқнинг оқсоқол ва катталарини тўплаб кел! Мени қишлоқда нима қилган бўлсанг, сени ҳам шундай қиласин, ана ундан кейин ўлдирмайман,— дедим.

Шу сўзни айтиб маузерни Бакирга тўғриладим. Бакир ўлими яқинлашганини англади шекилли, кўзлари жавдираб менга термулди. Кейин нарроқда ўтлаб юрган отини кўздан кечирди-да, кўкка қаради. Яна қайтиб менга қаради ва оғзини очди. Бир нарса демоқчи бўлган эди-ку, тўппонччанинг тепкисини босдим.

Бакир ўнбоши турган ерига йиқилди.

Сенга бир нарса айтами, афандим? Сен ишонсанг ҳам, ишонмасанг ҳам, Бакир тепкини босар-босмас йиқилди. Худога маълум, бечора бола ўқдан эмас, кўрқувдан юраги ёрилиб ўлди. Менинг ўқим тириклигига эмас, жони чиққанидан кейин тегди.

## И Т

Ёзниң иссиқ куни, қүёш ғарбга оғиб, кеч кира бошлади. Одатда бундай пайтларда Күчхисор кўли томонидан шамол эсиб, кўз илғамас адир юзида чанг тўзони кўтарарди. Бироқ, бугун сарғимтири чўл ўтлари қимирламай турар, гўё бу ерда ҳаёт нафаси сўнгандай эди.

Қовжираган янтоқлар устида ангор эчкилари ётишарди. Уларнинг майин юнглари кўрпача вазифасини ўтарди. Эчкилар кўзларини қисиб, уфқунинг шарқида қимирламай туриб қолган икки бўлак оқ булатни кузатаётгандек эдилар. Бутун пода яққол кўринадиган сал наридаги дўнгликда бир-биридан катта иккита блапар ит ёнма-ён ётарди. Улар донг қотиб ухлаб ётишгандек эди. Аҳён аҳёнда электр токи ургандай бирдан сесканиб, тумшуқларини кўтарар ва подани кўздан кечирардилар. Ҳеч қандай хавф таҳдид қилмаётганига қаноат ҳосил қилгач, бошларини олдинги оёқлари устига қўйиб, яна мудраб кетардилар.

Бошқа баландроқ дўнгликда таёғига суюниб чўпон ҳам мудраб ўтиради. Баъзан у икки-уч юз қадамча наридан ўтган, ўнқир-чўнқир излар босиб кетган Анқара—Кония йўли томонга қараб қўярди.

Бу излар ўн жуфтча бўлиб қолганди. Эскилари ариқча бўлиб, машиналарнинг таги тегиб қола бошлагач, ёнидан янги йўл тушар эди.

Ёш чўпон куйиб-пишиб: «Вақти келиб бутун адирни ундан майда ва сал шамол турса тўзиб ҳамма ёқни бо-

садиган йўл чанги қоплаган ўшанақа излар босиб кетади, ўшинда оға эчкиларни албатта сотса керак»,— дея ўзича мулоҳаза қиласди. Ҳозирнинг ўзидаёқ эчкилар соатлаб дайдиб, бу яқин орада янтоқдан бўлак ҳеч нарса тополмаяптилар. Кўкламдаги бир қарич келадиган кўм-кўк ўтлар деярли аллақачон тамом бўлган, энди эчкиларнинг униб чиқмасданоқ сарғайиб ва қовжираб қолган ўтларни қимтилашдан бошқа иложлари қолмаган. Шунга қарамай, эчкилар ўз аҳволларидан нолимагандек эдилар. Овқатнинг оз ва мазасиз бўлишига қарамай, эчкиларнинг юнги узун-узун ва ипакдек майнин эди, кўзлари эса чуқур мамнуният изҳор қилиб турарди.

Чўпоннинг бошига: бутун адирни бир кун эмас, бир кун чанг машина йўллари босиб кетади ва эчкиларга ейиш учун ўт қолмайди, деган фикрдан бошқа фикр ҳам келди: «Агар оға эчкиларни сотса, менинг бир йиллик иш ҳақимни берармикин?» Ёлланиб ишлай бошлаганда оға унга нон ва овқатдан ташқари йилига ўн икки лира бераман деган эди. Мана икки йил ўтиб кетди, оға бўлса ўн пара<sup>1</sup> ҳам тўлагани йўқ. «Пулни нима қиласан?— дерди оға,— қўя бер, менда тураверсин. Ҳаммасини бирдан бераман!» Усти-боши тўзиб кетса, биронта эски-туски кўйлак-иштонини бериб кўярди.

«Икки йиллик пулни бирдан олсам маза бўлардидай!»— деб ўйларкан, ишонмай бошини чайқаб қўйди.

Чўпон йигит ўн саккиз ёшларга ё кирган, ё кирмаган эди. Ўқора мағиздан келган, қўнғир сочли ва қўй кўзли йигит бўлиб, туртиб чиққан тишлиари ва ўсиқ қошлари ҳуснини бузиб турарди. Лекин унинг қоматида аллақандай жозиба бор эди. «Агар онам бўлмаганда, шаҳарга бош олиб кетардим-да, куннiga беш-ўн куруш ишлаб топардим»,— деб ҳамон хаёл сурарди, у.

Аммо шу ондаёқ шаҳарга бориб, бир неча йил ишлаган ва кейин, пул топишдан бутунлай умидини узиб, қишлоққа икки қўлини бурнига тикиб қайтган ҳамқишлоқлари ёдига тушарди. Улар шаҳарда фақат ҳаммол ёки қора ишчи бўлиб ишлаш мумкин дердилар. Бу камбафал бечоралар агар бир кунда йигирма беш, ўттиз куруш топсалар, ўзларини бой санардилар. Улар усти очиқ

1. Пара — майда чақа, курушнинг қирқдан бир бўлаги.  
(Тарж.)

жойларда тунар эканлар, қишлоқдаги усти похол билан ёпилган саройларини қўмса дилар.

«Энди нима қилсамикин?»— ўз-ўзидан сўради чўпон. Вуқудини қоплаб олган бу ташвиш онасиининг бундан буён далага чиқиб ишлашга қуввати келмаганини кўргандан бери унга сира тинчлик бермасди. Ҳамқишлоқларидан баъзи бирларининг қашшоқликдан қутулиш учун қилган ҳаракатларин беҳуда кетганини эслаганда умидсизликка тушиб қоларди.

Бундан бир неча йил илгари қариндош-уругларидач бири Измирга бориб фабрикага ишга кирди. Аввал у ишга ўрнашиб олганлиги, аҳволининг ёмон эмаслиги ҳақида ёзиб юрди, бироқ, кунларнинг бирида уйга оёқсиз қайтиб келди — оғини машина узиб кетибди. Қўлига қирқ-эллик лира бериб кавушини тўғрилашибди. Қўлидаги пул тугагач, ўтган-кетгандан садақа сўраш учун Конияга йўл олди. Бироқ у ерда шаҳар бошқармаси уни тинч қўймабди. Бечора саргардон бўлиб қолибди.

«Бу ернинг ўзида, қишлоқда иш топиш ҳақида ўйлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ»,— деб ўйларди чўпон. Бир парча ер сотиб олиш учун камида ўи йил, бир жуфт ҳўқиз сотиб олиш учун эса, яна ўн беш йил ишлаш керак. Бунинг устига, шунча машақкатдан кейин ҳам яхши турмуш кечиришга ишониш қийин. Бир парча ери ва ҳўқизи борларнинг ҳам аҳволи бунивидан яхши эмас. Қурғоқчилик бўлиб қолса, ҳамма дехқонлар қўйлардек тоққа чиқиб кетишади-да, ўт еб тирикчилик қилишади. Баъзан ҳўқизларнинг очликдан ўлганини ёки ўз нархидан ўн баравар арzonга сотганларини кўрарди. Йўқ, унинг аҳволи ҳар қалай тузук, чунки оға қурғоқчилик йилларида ҳам унга ош-нон бериб туради-ку. Ким билади дейсиз, эҳтимол оға бир кун унинг иш ҳақини ҳам берса!

Чўпон аввал эчкиларга, сўнг дўнглик устида ётган итга қаради-да:

— Қорабош!— деб чақирди.

Ит бошини кўтариб, чўпон тарафга қаради ва дарров унинг олдига югуриб келди. Иккинчи ит ҳам ўрнидан туриб, эгаси томон қаради. Узининг чақирилмаганини билиб, ўтирди ва юнгига ёпишган тиканларни тозалай бошлиди. Қорабош чўпоннинг олдига келиб тўхтади. Ит серюнг думини аста-секии жилланглатиб, телмуриб турарди. Чўпон унинг олдинги оғини ушлаб, ўзига тортди.

Ит уч оёқлаб сакраб чўпонга яқинлашди ва йигитнинг қучоғига ўзини ташлаб эркаланди. Каттакон ит суюнганидан титрар, жилпанглаб турган бақувват думи қияликдаги майда тошларни сидиринб, пастга тушириб юборарди.

Чўпон билан ит бир-бирларига тикилиб туришарди. Бу қарашдан бир-бирларини тушунишларини, яхши кўришларини уқиб олиш мумкин эди. Чўпоннинг илиқ нафаси итнинг тумшуғига урас, ғёё бу нафасин тутиб олаётгандай итнинг қизил тили титрарди.

Дўнгликда қолган иккинчи ит энди подани қўриқлаш ўзинга қолганини билиб, ўрнидан сакраб турди-ю, вовиллаганча пастга чопиб кетди. Чўпон билан Қорабош ит чопган тарафга қарашди.

Узоқда, Анқара йўлида чанг қуюни кўтарилган эди. Чанг қуюни яқинлашгач, чўпон автомобилини кўрди. Энди чўпоннинг қучоғида эркаланиб турган ит ҳам пастга, йўл ёқасига тушган эди. Иккала ит ҳам дўшманнинг яқинлашаётганини кўриб, жон-жаҳдлари билан вовиллардилар. Автомобиль жуда яқинлашиб қолгач, иккала ит у томон отилди. Бу вақт эчкилар бўлаётган воқиага эътибор бермай, бепарво ўтлаб юрардилар. Ботиб бораётган қуёшнинг нурлари эчкиларнинг бўғин-бўғин шохларида ўйнарди.

Автомобиль тўхтагач, иtlар яқинига бормади. Бу каттагина усти берк енгил машина эди. Оппоқ чангга белланганига қарамай унинг оч ҳаво рангли экани билиниб турарди.

Энди иtlар тўхтаб-тўхтаб бир вовиллаб қўярди. Чўпон ўтирган еридан уларни чақирган эди, орқаларига қарай-қарай машинадан узоқлашди.

Машинанинг ўнг эшиги очилиб, тим қора соч, ингичка мўйловли бир йигит чиқди. У қўли билан имлаб, чўпонни чақирди.

Бу йигит инженер эди. У дастлабки маълумотни коллежда олиб, кейин Америкага бориб ўқиган ва ўз ватанига қайтганига бир йил бўлган эди. Бир обрўли қариндошининг ёрдами билан қандайдир банкнинг бўлимларидан бирига бошлиқ бўлиб олган бу йигит ойига тўргбеш юз лира маош оларди. Гарчи бу иш унинг ихтисосига ҳеч алоқадор бўлмаса ҳам, ўзининг бу ишидан фоят мамиун эди. Унинг дабдабали ёзув столи устида математик белги ва формулалар битилган бир неча китоб иш-

латилмай ётарди. Бу китоблар фақат эгаси ўқимишлий киши эканидан далолат бериб туриш учун хизмат қиласади. Унинг ўзи бўлса, кабинетда ўтириб олиб, номига биринки буйруқ берар ва вақтини қандай ўтказишни билмай инглиз тилидаги эски журнallарни, юзинчи марта бўлса керак, кўздан кечира бошларди.

Бундан олти ой илгари уни банк бошлиқларидан бирининг қизига унаштиришди, бу эса унга бўш вақтларини яна ҳам кўнгиллироқ ўтказиш имкониятини берди. Бўлажак қаллиғи билан ҳар куни сайд қилиб юриш учун сотиб олган автомобили бу яқин орада биттаю битта эди. Анқарадаги ҳар бир йўловчи тақقا тўхтаб, кенг йўлдан физиллаб ўтган бу ялтироқ автомобилга қарамай иложи йўқ эди.

Хозир у Конияга, Америкада бирга ўқиган инженер ўртоғиникига кетаётган эди. Ёнида қизини ёлғиз юборишини эп кўрмаган бўлажак қайнонаси ҳам бор эди. Янги таассуротлардан мамнун бўлган қиз тўхтамай кулар, чанг ва тўзондан, йўлдаги силкинишлардан жони ҳиқилдоғига келган онаси бўлса тинмай жоврарди.

Увишиб қолган оёқларининг чигилини ёзиш учун инженер машинадан ерга тушди. У кул ранг шерстдан бежирим қилиб тикилган спорт кийимида бўлиб, бошига шу рангли кепка, оёғига чарм туфли ва рангдор носки кейинб олган эди. Галифе шим кийиб олганидан рангдор носкиси кўзга яққол ташланиб турарди. Узининг шахсий автомобили бўлган одамларники каби унинг туфлисига ҳам бензин, ёғ тегиб, доғ-дуғ бўлган, стартерни босадиган оёғидаги туфлисининг таг чарми сийқаланиб кетган эди.

Инженер олдинга ва орқага юриб туриб, автомобилнинг ойнаси тушириғлиқ эшиги олдида тўхтади-да, қаллиғига мурожаат қилди:

— Чўпон билан гаплашиш фикри бошингга қаёқдан келиб қолди-я?

— Вой, шунчаки қизиқ-да. Ҳақиқий дехқонни ҳеч ҳам кўрган эмасман,— тантиқлик билан жавоб берди қиз. Унинг ҳар бир ҳаракатидан нозу карашма ёғилиб турарди.

— Нега кўрмас экансан! Анқарада кўрмаганмисан — бозорда, кўчаларда юршиади-ку?— деди ёнида ўтирган онаси.

— Улар дехқонлар эмас, ишчилар. Мен чўпоннинг

хўдди ўзини кўрмоқчиман. Кейин эчки боласи силаб-сийпамоқчиман.

— Бу ерда эчки боласи йўқ, ҳаммаси катта эчки,— деди унга жавобан инженер.

Ҳар бир сўзни айтганида, ҳар ҳаракатида, ҳатто ҳар бир қарашида қизининг бутун аъзолари ўйнаб турарди. Бу нозу карашмаларниң ярми ёлғонлакам, ярми асаб бузиқлигидан эди. Муруввати буроқлик қўғирчиқдай ли-килларкан, бир буралиб, норози оҳангда ўшқирди:

— Тўхтасак нима қилибди? Тўхтаганимиздан кейин топасиз, вассалом, мен шуни хоҳлайман!

Бу орада чўпон автомобиль олдига яқинлашиб қол-ган, итлар бўлса ўз жойларига қайтиб, подани яна ҳүшёрлик билан қўриқлай бошлигар эдилар.

— Қани, бу ёққа кел-чи!— деди инженер бир неча қадам нарида тўхтаган чўпонга мурожаат қилиб.— Қаер-ликсан?

— Ҳув аваби ерликман,— деди чўпон ва қўли билан шимол томондаги бир қишлоқни кўрсатди.

— Эчкилар сеникими?

— Йўқ, оғанини.

— Сен буларни боққани ҳар куни шу ёққа кела-санми?

Чўпон рўпарасида турган кишининг нима учун сўроқ қилаётганинни билмоқчидай унга тикилиб елкасини қисди.

— Қаер тўғри келса, ўша ерга бораверамиз,— деб ғудурлади у.

Йўловчи йигитининг шунга ўхшаш саволларига жавоб бернишга мажбур бўлган чўпоннинг «Мендан сўраб нима қиласиз? Йўлингиздан қолмай кетаверсангиз-чи!»— дегу-си келар, ҳадеб подага қараб қўяр, ора-сира машина ичига ҳам кўз ташлаб қўярди.

Эшик очилиб, машинадан аввал пошнали оқ туфли кийган қиз сакраб тушди, кейин эса инқиллаб-синқиллаб онаси тушди. Кекса аёлнинг чеҳрасидан нэ-розилик сезилиб турарди. Унинг кўз қарашларидан: «Бу ерда бекордан-бскорга нима қилиб турибмиз? Ҳаҳ, тен-так болаларим-а!» деган маънони уқиш мумкин эди.

Қиз йигит ёнига келиб, ноз билан унинг елкасига осилди. Кейин чўпонга қараб деди:

— Менга қара, ҳай чўпон, унаштирилганинг борми?

У бу гапни бундан бир неча йиллар аввал ўқиган бир ҳикояда учратган эди.

— Нима..з?— қайта сўради чўпон унинг гапига тушунолмай.

Қиз ёрдамлашиб юбор дегандай йигитга қаради. Йигит қизни бағрига босиб, чўпонга тушунтира бошлади:

— Қаллиқ, қаллиқ... Мана бунаقا — қизил юзли, чиройли...

Чўпон сирка ичгандай юзини бужмайтириб:

— Бизларга йўл бўлсин, бегим! Ўзимизни зўрга боқяпмиш-ку,— деди.

— Бирорта бейнинг қизини топ-да!— деб маслаҳат бўрди инженер.

Чўпон жавоб қайтармади. У кўзларини катта очиб инженернинг қайнонасига тикилиб туради. Чўпон парча-парча гулдор кўйлак кийган, кўзига сурма қўйган, юзига қизил сурган бу кампирга оғзини очганча қараб қолганди. Кампирнинг қизил рангга бўяб, жингалак қилинган сочи тагидан катта-катта зираклари кўринар, бўйнида маржонлар ялтиради.

Саволлари жавобсиз қолган инженернинг қалбида «Халқ билан, деҳқонлар билан яқинлаш» деган истак уйғонди. Тўғрироғи, чўпоннинг қатъий ишонч ва хотиржам туриши унинг ғашини келтирди. Уни гапиришга мажбур этмоқчи, ўз ҳокимлигини кўрсатмоқчи бўлди.

— Нега жавоб бермаяпсан? Кўряпсанми, сенга қандай қизиқялмиз? Сен бизнинг қишлоқдаги инимизсан. Биз сенга ёт эмасмиз!

— Кимимиз бўласиз?— қизиқиб сўради чўпон.

Инженер аввалига унинг гапига тушунмади.

— Йўқ, азизим, мениндай демоқчи эмасман,— деди ниҳоят.— Биз сенинг уруғингдан эмасмиз, лекин биз ҳам сенга ўхшаш халқ вакилларимиз. Сен ҳам, биз ҳам бир одаммиз, демоқчиман.

Чўпон олдида турган учта одамга қаради-да, кейин:

— Мен қаёқдан билай,— деди ғариблардай секингни ва яна инженернинг қайнонасига тикилди.

— Қаёққа қарайапсан?— сўради очиқ норозилик билан инженер.

— Шунчаки қараса ҳам гўрга эди,— деб жавоб берди қайнона,— нах кўзи билан еб қўйгудай бўляпти! Ваҳшийми, ўзи?

Чўпон кампирнинг оғзидаги каучук, чинни ва тилладан ясалган сунъий тишларни қўриб, ҳангуманг бўлиб қолган эди.

Инженер қаҳқаҳ уриб кулди. Чўпон қайрилиб орқасига қаради, унинг бу сұхбатдан сиқилиб кетаётгани сезилиб турарди. Халқни унутмаслик кераклиги, пайти келганда уларни тўғри йўлга солиб юбориш каби ижтимоий бурчи ёдига тушган инженер чўпонга мурожаат қилди:

— Қулоқ сол, жигар! Сиз, деҳқонлар саводсиз, авом кишиларсиз. Қара! Биз уйимизни ташлаб сиз билан гаплашиш, дарди-ҳасратингизни тинглагани бу ерга — сизларнинг олдингизга келдик. Сен бўлсанг гапимга диққат билан қулоқ солиш ўрнига атрофга аланглайсан. Айтчи, сенга нима керак, қандай қийинчиликларга дуч келяпсан? Сеи менга юрагингда борини айтиб беришинг керак. Мен шуларни билгани келдим. Ахир мен сенинг акангман. Шундай эмасми?

Чўпон ловлагидай қизариб кетди. У инженер айтган гапларнинг биронтасига ҳам тушунмади. Чўпон ўзини кўярга жой тополмас, нима биландир бу кишининг кўнглини ранжитиб қўйганини сезиб турарди. Инженер бўлса сўзида давом этарди:

— Мен — инженерман, сен учун ишлайман. Сен — деҳқонсан, мен учун ишлайсан. Биз бир-биримизни тушунишимиз керак...

— У яна кўп гапирмоқчи эди, бу сұхбат уни қаттиқ хаяфа қилди. У чўпон билан албатта гаплашиш заруритини сезиб турса ҳам, умумий тил топиб гаплашишнинг сира иложи бўлмади. Инженер ўз она тили — туркчани яхши билмасди. Шунинг учун у гапини тугатмай тўхтаб қолди. Қўрқиб кетган чўпон ниманидир тушунтиришга ҳаракат қилди.

— Мен сизга ҳеч нарса деганим йўқ, бей... Ё бир нима дедимми, бей? — деб ғудурлади у.

Инженернинг қаллиги сұхбатнинг бундай тус олишидан норози эди. У зерика бошлади. Онаси билан кўз уришириб олгач, йигитнинг қўлтиғидан олди-да:

— Юр, азизим, кетамиз! — деди.

Инженер яна бир нима демоқчи бўлди-ю, бироқ сўз тополмади. Автомобилга ўтириб, моторни юргизди. Машина жойидан қўзғалиб, олға қараб учиб кетди.

Бу қисқа сұхбат чўпонни шу вақтгача билмаган бир ғамга солиб қўйди. У йўловчига яхши муомала қилмагандай, нима биландир унинг кўнглини ранжитгандай

эди. «Балки, чиндаи ҳам ваҳшийдирман»,— деб ўйлади у.

Инженернинг разаби тошиб кетди. Оддий бир чўпонга шунчалик ялиниб-ёлвориб сўзлагани, иззат-нафсини ерга ургандай кўринди. Инженер, ҳалигина чўпонга айтган оға-инилик ҳақида энди ўйламас, ўзи билан чўпон ўртасида турган зарликкини ҳаниқ ва равшан кўрар, «Йўқ, бу аблаҳлар ҳеч қачон одам бўлмайди!»— дерди гижиниб тишлари орасидан.

Қизнинг қичқириғи уни ҳушига келтирди. У ойнага қарапкан вовиллаганча автомобиль билан ёнма-ён чопиб келаётган икки итни кўрди. Қўлинин шу заҳотиёқ орқа чўнтакка юборди. У бир лаҳза ниманидир ўйлаб тек қолди. Кейинчалик, қилган иши ўзича ниҳоятда зарурдек туюлди. Агар баъзи мулоҳазага бормагандা, эҳтимол чўпонни отиб ташлаган бўлармиди. У чўнтағидан ота мерос кичкина маузерин олиб, машинанинг ойнасини пастга туширди ва ёнма-ён чопиб келаётган олапар итни отди. Машинага яна газ берди. Автомобиль чанг қуюни ичига кириб кўздан йўқолди.

Қорабош йўл четига йиқилди. Йиккинчи ит бўлса, эниди бир қадам ҳам юришга ботинолмай, унинг ёнига келиб таққа тўхтади. Чўпон югуриб келиб чўнқайди-да, севимли итни силаб-сийпай бошлади. Ҳозиргина вужудини қоплаб олган қайғу кучли оғриқ билан қўшилиб кетди. Ҳозир бу ердан ўтиб кетган одамларининг дўст эмаслигини, балки дунёдаги энг азиз, энг севимли йўлдошидан маҳрум этишганини яққол кўриб турарди. Чўпон итга термулди, кўзларни жиқ ёшга тўлди.

Йиккинчи ити яқин келиб, ўлдирилган йўлдошининг тумшуғини исказибошлади. Шу пайт ўқ овозидан безовта бўлиб, ўринларидан қўзғалган узун юнг, маъсум кўзли эчкилар уфқа томон сузиб бораётган чанг қуюнига ажабланиб термулишарди. Ботиб бораётган қуёш нурида уларнинг майин юнглари жимириларди. Эчкилар ўлдирилган ит атрофига тўплана бошладилар.

## ЛЕКЦИЯ

Катта шаҳарларимиздан бирига яқин бўлган бир қишлоқда интернат-мактаб очилаётган эди. Очилиш моссимига машиналарда жуда кўп одам келди: буларнинг ичидаги маориф бўлимни мудири, инспекторлар, шаҳарнинг отоқли кишилари ва қишлоқ «мутахассислари» бор эди. Қишлоқ аҳолиси бу «гольф» шим ва фуражка кийган, қора кўзойнак таққан, бўйинларига фотоаппаратлар осиб олган кишиларни чуқур сукут билан, йўлнинг икки чеккасига тизилиб кугиб олди. Келганлар дарҳол янги қурилган мактаб олдиндаги майдонда тўпландилар ва ҳали кўмилмаган оҳакли чуқурларни, ташландинг тахталарни, қум ва шағал уюмларини кенг бир ҳалқа бўлиб ўраб олдилар. Меҳмонлар орқасидан қишлоқ болалари эргашиди. Улар аллақачон мактабга борадиган ёшга кириб қолганларни учун бу парсаларга жуда қизиқардилар. Қўшини ўйларининг томларида туриб, бу оломонини томоша қилаётган хотинларни ҳисобга олмагандан, майдонда ёши каттароқ деҳқонларининг биттаси ҳам кўринмасди. Келганилар бирин-кетин нутқ сўзладилар; улар маорифнинг қишлоққа катта қадамлар билан кириб келаётгани ҳақида гапирдилар. Қарсак кетидан қарсак чалинди.

Навбат мактабни айланнишга келди. Ҳали оҳак ҳиди кетмаган бино деворларининг кўп ери ёрилган ва тушиб кетган эди. Меҳмонлар кўрикни тамомлашгач, маориф бўлимининг муддри изоҳ бериб, биносиниң ҳали қатъий

қабул қилинмаганлиги ва пудратчини мажбур қилиб, барча камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қила жагини айтди.

— Жаноблар! — деди у. — Ижтимоий ишлар министрлиги инженерларидан бир чақалик наф кўрмаяпмиз. Бунга қаранг, ҳали мактаб очилгани йўғ-у, коридорнинг паркети ўйнаб ётибди. Ишининг сифатини текширгани келган инженерлар ишчилар паркет устидан ҳаддан ташқари кўп юрганлари учун паркет ўйнаб кетган, бу ишда пудратчининг ҳеч қандай айби йўқ дейдилар. Ахир эртага ўқувчилар паркетнинг устидა юриш у ёқда турсин, чопадилар... Биз бу пудратчилар билан ҳеч нарса қила олмаяпмиз, жаноблар.

Меҳмонлар қишлоқ ва унинг атрофини ҳам ўн минутда айланниб чиқдилар. Қишлоқ «мутахассислари» йўлда учраған деҳқонлар билан суҳбатлашишга ҳаракат қилдилар. Қишлоқ «мутахассислари»нинг бири деҳқонлар ҳаётини ўрганиш учунгина Парагвайга бориб, бир неча йил туриб келган эди.

Бу «мутахассис» деҳқонларга ширин ва мулойим овоз билан турли саволлар берар ва ҳеч нарса тущуниб бўлмайдиган қисқа жавоблар оларди. Минг жонини жабборга бермасин, суҳбат бир неча савол-жавобдан нарига ўтмасди.

. — «Шунақа ҳам бефаҳм одамлар бўладими? Битта саволимга жавоб беролмайдилар-а!» — деб ўйларди «мутахассис».

— «Нега бу одам бизларга бунақа бемаъни саволлар беради-а?» — деб ўйларди деҳқонлар уй-уйларига тарқалишаркан.

Шу вақт шаҳардан келганлар орасидаги бир «иқтисодчи», деҳқонларга бир фойдали иш қилиб бериш нијатида, ўзининг кооперация соҳасидаги билимларидан қўлланишга қарор қилди. Маориф бўлимининг мудири ва қишлоққа ўzlари билан бирга келган вилоят бошлигига қараб:

— Ҳозир жуда қулай фурсат келиб қолди! Мен деҳқонларга кооперация ҳақида лекция ўқиб бераман, — деди.

У соддадиллик билан, кооперация мамлакатнинг иқтисодий аҳволини яхшилай олади, деб ишониб юрарди.

— Жуда яхши бўлади. Бу лекциянинг биз учун ҳам фойдаси бор, — дейишди қолганлари бараварига.

Аммо деҳқонлар бу лекцияни эшитадиларми, йўқми, буни улардан сўраш ҳеч кимнинг ақлига ҳам келмади. Қишлоққа одам юбориб, янги мактабнинг бўш синфларидан бирига аҳолини тўплашди. Нотиқ девор олдидан жой олди, бўйини у ёқ-бу ёққа чўзиб, чўнтағидан рўмолчасини олди ва кўзойнак орқасидаги хира кўзларини артди. Деҳқонлар полга чордана қуриб ўтириб олишди, шаҳарликлар эса чап ва ўнг томондаги деворларга сўянишди.

«Иқтисодчи» лекциясини бошлашдан олдин деҳқонларни огоҳлантириб: «Агар бирор нарсага тушунмай қолсаларинг, худо ҳақи, сўраб олинглар»,— деб бир неча марта тақорлади. Шундан кейин у кооперациянинг қисқача пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихини айтиб ўтди ва ҳеч тўхтамасдан роса қирқ беш минут гапирди. Ора-сира тингловчиларнинг юзларига шубҳа билан қараб: «Қалай? Тушуняпсизларми?» — деб сўраб қўярди. Деҳқонлар бошларини қимиirlатардилар-да: «Тушуняпмиз, тушуняпмиз!» деб қўярдилар. Буни кўрган нотиқ хотиржамлик билан сўзини давом этдиради. Нотиқ масалани ҳар тарафлама ва чуқур ёритиб беришга уринди.

— Ишлаб чиқариш кооперациясини олганимизда... Истеъмол кооперациясига келганимизда... Кооперациянинг мамлакатимиз иқтисодий структурасига қиладиган шифобахш таъсирини кўрсак...

Ниҳоят, томоги қуриб, ўз гапларидан ўзи ҳаяжонланганидан кўзларидан ёш оқиб, лекциясини тамом қилди.

— Қалай? Тушунарлимиси?— деб сўради тингловчилардан.

Деҳқонлар чуқур уйқудан уйғонгандек қимиirlашди

— Жуда тўғри гапирдинг! Ҳаммасига тушундик,— деб, нотиқни мақтадилар, кейин ҳаммалари бирдан ўринларидан туриб, ўзларини четга олдилар ва меҳмонларга йўл бердилар.

Ҳамма чиқиб кетгацдан кейин синфда беш-ўнта деҳқон вилоят бошлиғи, бир нечта шаҳарликлар ва улар билан бирга келган кекса мактаб ўқитувчиси қолишиди. Мактаб ўқитувчиси шубҳа билан деҳқонларга қаради, деҳқонлар эса айбдорларча бошларини қўйи солдилар.

— Айтинглар-чи, ҳалиги афанди айтгак гапларнинг нимасига тушундиларинг?

Деҳқонлар индамасдан бир-бирларига қарашди. Ўқитувчидан кейин вилоят бошлиги ҳам, юраги ботиниб, деҳқонлар билан гаплаша бошлади.

— Қани ҳурматли, ростини айт-чи,— деб кулимсиради у,— мен ҳеч нарса тушунмадим-у, сизлар нима тушиунишингиз мумкин?

Бир неча деҳқоннинг юзида табассум кўринди. Ниҳоят улар орасидан ўрта ёшли деҳқон чиқиб, вилоят бошлиги ва кекса ўқитувчининг ёнига келди.

— Ҳақ гапни айтдингиз, жаноб бошлиқ, биз ҳам ҳеч нарса тушунмадик. Лекин нима ҳам қиласак! Эшитдик...— деди у.

— Хўп яхши! Нега шуни ҳали айтмадинглар? У бечора неча марта «тушундиларингми?» деб сўради сизлардан,— койиб берди деҳқонни ўқитувчи.

Деҳқоннинг юзи жиддийлашди, лекин кулгидан ўзини зўрга ушлаб тургани кўрициб турарди.

— Ҳафа бўлманг, афандим, агар «Тушунмадик» десак, яна бошндан бошлаб кетсанми?— деб жавоб берди, у.

## АСФАЛЬТ ИУЛ

### *(Қишлоқ ўқитувчиининг хотира дафторидан)*

Станциядан вичоят марказнiga бораётган юк машинаси икки соатча силкиниб юриб, мени ўқитувчи бўлиб тайинланган қишлоққа буриладиган йўл ёқасида тушиб-риб қолдирди. Қадам босишга мадорим қолмаганди. Юкимни ерга қўйиб, атрофини ўт ўраб олган тошга ўтиридим. Бошим ғувилларди.

Дунёда топилмайдиган бу расвои жаҳон йўлда биримизни олиб биримизга уравериб гаш қисиб қўйган бу машинанинг кузовидан чанг аралаш тер ҳиди келарди. Бирданига қайрилиш ва чуқурга тушиб кетаётгандек кўтариб ташлашлар кишини каловлатиб қўйган, қаерда кетаётганингни ҳам билмайсан, ўзингни қоронғи бир дунёга отилгандай ҳис этасан. Мана энди тошнинг устида ўтириб, шу қоронғи дунёдан чиқишга уринардим.

Шофер менга борадиган қишлоғимни кўрсатиб қўйди. Қишлоқ ўтирган еримдан ярим соатлик йўл бўлиб, узоқдан худди кул раиг хом ғишт уюнига ўхшаб кўринарди. Қишлоқ чеккасида чанг босган баланд-баланд тераклар қад кўтарган; остида кичкина бўлса ҳам ариқ-ча бўлса керак.

Тош устида бир соатча ўтиридим, турган эдим, яна бошим айланиб кетди. Юкимни кўтариб, қишлоққа қарб юрдим. Ўзим қишлоқдан бўлганим ва қишлоқни яхши билганим учун нотаниш ерга кетаётгандаги кишида бўладиган ҳаяжонланиш йўқ эди. Нийимнинг юршиб кетишига ишонардим.

Кеч кирди. Ботаётган қүёшнинг қизғин нури атрофни ёритган эди. Қирмизи денгиз каби живирлаб тебранаётган қуп-қуруқ бир қарич чўл ўтлари устидан соям гоҳ узайиб, гоҳ қисқарив бораркан, оёқ остимдаи чигирткалар тирқираб учар ва яна олдинроққа тушиб, ўтлар ичидаги фойиб бўларди.

Қишлоққа яқинлишганимда яқин атрофдаги ўйлардан бурнимга тутаётган тезак ҳиди урди. Кўз ўнгимда уч оёқли темир ўчаққа осилган қозонда пишаётган чалпакка тикилиб ўтиришган оч-яланғоч болалар гавдаланди. Кўчаларда ҳали ўйларини тополмай дайдиб юрган сигирлар думларини силкиб, аҳён-аҳёнда маъраб қўйишарди. Бу маъраш чуқур ўйлаб айтилган маъноли гапга ўхшарди.

Аста-секин ўткирлашиб бораётган гўнг ҳиди мени. янада ўзига тортарди. Деҳқон содда, меҳнаткаш одам, бу ҳидга унинг пешона тери ҳиди ҳам қўшилган. Дунёда бундан бошқа ҳеч қандай ҳид мени бунчалик ҳаяжонга солмайди ва ўтганларни эслатмайди.

Қаҳвахона олдида бир неча чолдан бўлак ҳеч ким кўринмасди. Чоллар ўтирган жойларидан қўзғалмай, диққат билан менга тикилишди. Мен улар олдига бориб, ёnlарига ўтиридим-да, ўзимни танидим. Бирни оқсоқол экан. У қишлоқ ўқитувчисининг кетиб қолганига олти ой бўлгани ва шу вақтдан буён мактабнинг берк турганини айтиб берди.

— Хирмонни кўтариб бўлмагунимизча, болалар мактабга келолмайди. Бирон ўн кун дам ола тур,— деб сўзини тутатди, у.

\* \* \*

Болаларни йиғиш ва дарсларни бошлаб юбориш унча қийин бўлмади, чунки тилини билган кишининг сўзига деҳқонлар дарров кира қолишади. Ҳеч нарсадан нолийдиган жойим йўқ. Бу ерга келганимга анча ойлар ҳам бўлиб қолди, ўшандан бери фақат йўл масаласи билан овораман. Мен бу ерга келаётганда жонимни олган йўл вилоят аҳолисининг бошига битган бало эди.

Ҳамма ҳам йиққан ҳосилини шу йўлдан ташишiga мажбур эди. Бирон ёққа бормоқчи бўлгани йўловчи ҳам шу йўлдан юради. Бошқа йўл йўқ. Уни йўл деб аташ учун ўта сахий бўлишингиз керак. Ҳаммадан қизни

шуки, олтмиш километр наридан ўтган темир йўл станциясини вилоят маркази билан шу йўл боғлаб туради.

Менимча кўп зарур ишлар, бу йўлнинг тузатилишини орқага судраб келарди.

Мен ўз қишлоғимиз ва қўйши қишлоқлар номидан йўлни тузатиб беришларини сўраб, вилоятга хат ёздим. Мен янги йўлнинг аҳамиятини ақлим етганча тушунтиришга ҳаракат қилдим.

Амалдорларнинг узун арзномаларни ўқишини ёмон кўришларини билиб, ҳар бир фикримни алоҳида хат қилиб, бошқа-бошқа қишлоқлар номидан юбордим. Шунда ҳаммасини ўқийдилар, деб ўйладим. Йўлнинг тузатилишида қишлоқ аҳолисининг кучидан қандай фойдаланиш кераклиги ҳақида ҳам бир қанча таклифлар киритдим.

Яқинда шаҳарга тушган эдим, маориф мудири менга сал ғалатироқ муомала қилди. У нимадандир жаҳли чиққанга ўхшарди, бироқ буни билдирамаслик учун мен билан кулиб гаплашди. «Нега бундай қиляпти?»— деб ўйладим. Бирдан гап орасида:

— Бошқа ишлар билан шуғулланаётганингизга қарандан ўқувчиларингиз камга ўхшайди,— деб қўйди.

— Ўқувчиларим кам эмас, бироқ қилаётгаш ишларим менинг бурчим эмасми?

У истеҳзо аралаш менга ялт этиб қаради-ю, индамади. Маориф мудирининг нима учун мендан хафа эканлинини кейин қаҳвахонада ўртоқларимдан билиб олдим.

Мен дехқонларга қонун ва қоидаларни ўқиб, тушунириб берган эдим. Бир куни бир дехқон солиқ бошқармасига ариза бериди. Бир неча кундан кейин у оқибати нима бўлганини сўраса, «Қанақа жавоб?» дейиншибди.

Дехқон қаттиқ туриб олибди:

— Менга аниқ жавобини беришингиз керак! Бунга мажбурсиз ҳам. Қонун бор.

Суришириб, қонун борлигини мендан эшитганини билиб олишган-да, маориф мудирига шикоят қилишган.

Бу ҳам майли-я, йўл тўғрисидаги ҳаракатларим жуда ҳам кўп фалокатлар келтирди.

Қишлоғимизда Рустам оға деган бадавлат бир кини яшайди. Шаҳарда араваларнинг рессор ва ғилдирак

ларини тузатадиган устахонаси бор. Бир куни унинг йўлни тузатиб беришни сўраб ариза ёзган қишлоқларда мени сўкиб юрганини эшишиб қолдим. Бунинг ҳайрои бўладиган жойи йўқ. Хаттариридан тариқча ҳам итижа чиқмади. Гоҳида жамоа ишлари бошқармасидаги амалдорлариниң мендан очиқдан-очиқ кулиниларини кўриб, бу ишин ташлаб кетмоқчи бўлардим. Бироқ, кечқурунлари станциядан зўрға имиллаб келаётган араваларни, қийналиб кетган отларни кўриб, динам спёх бўлиб кетарди-да, ўзимча: «Бошлигани ишни ярим йўлда қолдирмай, охирига етказ, азиизим. Ташлаб кетиш сенга ярашмайди!» деб қўярдим.

Аммо бундай ишлар ўз-ўзидан, осонгина битмайди. Вилоят бошқармасида арзимиз тушмаган бирорта бўлим ёки бирори амалдор қолмади.

Деҳқонлар менинг гайратимга ҳайрои қолишарди. Улар ишнинг оқибати яхши бўлишинида аллақачон умилларини узишган эди.

\* \* \*

Иш ҳамон жойидан силжимай турибди. Ҳар ҳолда бу йўл қурилмай қолиб кетади, шекилли. Деҳқонлар ҳам менга ёрдам бермай қўйнишди. Булар қандайдир ўлик маҳлуқлар... Эҳтимол жуда ҳам ақлли маҳлуқларди; бекорга свора бўлишини истамаслар, менда ҳам ҳеч қандай қизинкиш қолмади. Биронта жавоб берсалар экан, ёки йўқ, ёки ҳа!.. Аризаларимиз худди тубсиз қудуққа тушиб кетгацдай садосиз эди...

Кечқурунлари қишлоқ яқинидаги теналикка чиқиб, узоқларга бурилиб кетган чанг йўлга тикилардим. Гоҳгоҳда сават ва юқ ортган, чангдан оппоқ бўлиб кетган машина кўриниш қоларди. Машина ўнқир-чўнқирларга тушиб-чиқиб, худди ботқоққа ботган одамдай зўрға судрагиб борар ва гўё ҳозир тўптарилиб кетадиганга ёки қоқ иккига бўлиниб кетадиганга ўхшарди. Техниканинг сўнгги муваффақиятларидан бири бўлган машинанинг алмисоқдан қолган қишлоқ йўли билан бўлган бу кураши кишини эзар, бу манзарани кўрмай деб, қўзинги юмиб олгинг келарди. Баъзан ўз бурчимни адо этни учун жуда бўлмаса беш-үн метр йўлини тузатиб қўймоқчи бўламан.

Кутимагандада иш юришиб кетди. Яқинда қишлоғи мизга юқори мансабдан бир одам келди. Автомобили жар қанча яхши бўлмасин, йўлимиз ўзининг қандайлигини кўрсатиб қўйганди. Меҳмон вали<sup>1</sup> билан қилган сұхбатидага шу ҳақда айтган эди, вали жон ҳолатда:

— Бу йўл олдимида турган вазифалардан бири,— деди.— Биз бу йўлни шу йилниёқ тузатмоқчимиз. Ҳозир смета тузилганини. Йўлни ҳатто асфальтламоқчимиз ҳам. Агар йўлни асфальтласак, ишонаманки, бизнинг шахарчага тез-тез келиб туражаксиз?

— Албатта, албатта,— деб жавоб берди амалдор.

Шундай қилиб асфальт масаласи ҳал этилди. Тушимми деб ўйладим: вали смета ҳақида гапирди. Бундан чиқди, мен ўйлагандек бу иш эътиборсиз қолмаган экан-да, демак улар халқка ортиқча шовқин-суронсиз хизмат қилишар экан-да.

Лекин бу гал ҳам иш шов-шувсиз бўлмади. Катталиги ошхона менюсилик көладиган, ҳафтагада бир чиңадиган маҳаллий газетанинг ярми янги йўлга бағишиларди.

Қишлоқда обрўйим ошгаидай бўлди. Дехқонлари мизнинг муомаласи буни яхши барометрдек кўрсатиб турарди.

Лекин шундай бўлса ҳам менга ҳозир йўлни асфальтлашни ҳеч ҳожати йўқдай туюларди, чунки асфальт йўлга учтўрт марта кўп пул кетарди, пулни эса бошқа эҳтиёжлар учун сарфлаш мумкин. Ахир бу ерга одий тош йўл бўлса ҳам бўлаверар эди-да. Эҳтимол бундан ҳам салобатлироқ, қатъий мулоҳазалар бордир? Балки техниканинг охирги мувваффақиятларини ишга солишмоқчидир? Буларга ақлим етмасди. Ишқилиб, йўлни қурсалар бўлгани, кейин менга деса гилам тўшашимайдими!

Валимиз Аиқарага жўнаб кетди. Инженерлар йўлни текшириб чиқинигач, йўл қурилишига ярим миллион кетишини айтишди, ваҳоланики, вилоятнинг барча бюджети уч юз эллик минг лирадан ошмасди. Банкларга мурожаат қилингани эди, банклар Молия министрлигининг рухсат бўлмагани учун нул беринмади. Молия ми-

<sup>1</sup> Вали — губернатор. (Тарж.)

нистрлигидан рухсат сўрашса, у мажлиснинг<sup>1</sup> рухсати бўлиши керак, деди. Хуллас, на бошига, на охирига тушуниб бўлади!

Мана, вали шу ишларнинг ҳаммасини битириб келиши учун кетди. Ахир бечора йўлни тузатаман деб ўзига иш ортдириб қўйган эди-да!

Мен маҳаллий газетада валини мажлисда сўзлаган нутқини ўқидим. Нутқи дабдабали сўзлардан иборат эди. Вали ўзининг гайрат билан ишга киришгани, бояғи амалдор айтган гапларнинг зарурлиги ҳақида гапирибди, шунингдек меҳмоннинг, йўл битгандан кейин шаҳрингизга келаман, деганини ҳам айтиб ўтибди. Ҳақиқатан ҳам бошлиқларимиз ҳамма нарсани кўрадилар ва ўз кўрсатмалари билан ишёқмасларни ишга солиб юборадилар.

Вали аҳолининг йўл ҳақида қилган орзуларини эслатмабди, шунингдек, бу йўлнинг деҳқонлар учун қанчалик фойда келтириши ҳақида ҳам гапирмабди. Афтидан, у буни ҳамма билади, деб ўйлаган бўлса керак.

Нима бўлса бўлсину, бу йўлнинг қурилишида кичкина бўлса ҳам хизматим борлиги менга нақадар баҳт.

\* \* \*

Йўл қурилишига киришиб кетиши: банклардан қарз олинди. Ўқарзни неча йилда тўлашлари кераклигини билмайман, бироқ, қарзга тўланадиган бадал пулни таъминлаш учун касалхонага белгиланган пулни шартта кесадилар, яна келаси йил ўқитувчилар штаги қисқартилиши лозим. Иш шунгача бориб етишинни ўйламаган эдим. Бироқ, ҳали қандай бўлиши аниқ эмас. Балки бунга ҳозир қайгуришнинг ҳожати ҳам йўқдир. Тўғри, агар пул керак бўладиган бўлса, ўқитувчилар штатини қисқартиришдан бошқа иқтисод қилишнинг йўллари кўп. Масалан, валининг янги қурилаётган уйини тўхтатиш мумкин...

Йўл қуриш ишлари тезлик билан борарди, ер текислайдиган машиналар у ёқдан-бу ёққа ғилдираб юради, қурилишда ишлаётгани деҳқонлар чумолига ўхшаб ўрмалашади. Кишилар ҳеч гинмайди. Тонг саҳардан қора кечгача ишлашади, шундайгина йўл ёқасига қурил-

<sup>1</sup> Мажлис — Туркия парламенти. (Тарж.)

ган чодирларда ухлашади. Пудратчи етарли чодир юбормаганидан кўпчилик дёҳқонлар очиқ ҳавода ётишади. Саҳарлаб яна иш бошланади.

Беш-ён куруш топиб солиқни тўлаш умидида бизнинг қишлоқдан ҳам кўпчилик йўлда ишлашга келган. Үнбоши уларни шундай ишлатадики, бечоралар овқатлашиш учун зўрға фурсат топадилар, кечаси уйга чарчаб, зўрға оёқларини судраб қайтадилар.

Қишлоғимизнинг дёҳқонлари дастлаб йўл қурилишига бефарқ қарашди, бироқ, кейин йўлга шағал солиб, асфальт ётқиза бошланганда, унга қизиқа бошлидилар. Улар тўғриси, катта-катта қозонларда қайнатиб, ерга қўйишаётган қора нарсанинг устида юриш ва ҳатто отраваларнинг қатнаши мумкинлигига ишонмасдилар.

Далалари йўл ёқасида бўлган дёҳқонлар кечқурун даладан қайтишар экан, йўл ёқасидаги ариқ лабига чордана қуриб ўтирадилашда, тамакиларини тутатиб орқа-олдинга юриб, йўл текислаётган машинага тикилар, таниш ишчилар билан кунлик иш ҳақлари тўғрисида суҳбатлашардилар.

\* \* \*

Қурилиш тугади. Бир неча кундан кейин йўлниң тантанали очилиш маросими бўлади. Агар қишлоқ яқинидаги тепаликка чиқиб қарасангиз, йўл худди қора илонга ўхшаб буралиб, ялтираб кўринади. Йўлниң икки четига дараҳт ўтқазилиши керак дейишяпти. Бу жуда ҳам яхши! Энди бутун вилоят дёҳқонлари шу йўлдан юриб, станцияга осонгина етиб олишларини ўйлаганимда, қувончим ичимга сифмайди.

Йўлниң камчилиги бор эмиш деган гап юрибди. Пудратчи йўл қурилишидан уриб, роса бойиган дейишали. Бироқ, бу бўлмаган гап, албатта. Ҳайрон қоласан киши, шундай ғжойиб нарсани кўрганда кишиларнинг миясига нега шундай ёмон фикрлар келаркин!

\* \* \*

Бугун ҳаётимда энг қувончли кун. Шаҳарга кираверишда арк қурилган. Ҳамма амалдорлар байрамларда киядиган кийимларини кийиб, ясаниб келишарди. Молия бўлимининг бошлиғи бўлса тўқ сариқ макинтош

билаш цилиндр кийиб келди: у паст бўйли бўлганидан энг олдинга ўтиб турди. Мен ҳам дазмолланган костюмимни кийиб келдим. Маориф бўлимининг бошлиғи кўзини олайтириб қараса қарар, бир кун мактабин ташлаб кетсам ҳеч нарса қилмас! Ҳар ҳолда, бу йўлда менинг ҳам ҳиссам бор-куй Шу ернинг аҳолиси ва деҳқонлар бўлаётган ҳодисаларга узоқдан қараб туришарди. Мен бориб, улар билаш гаплашдим. Қувонганимдан уларният ҳаммасини ўпид олгим келарди. Илгариги турган жойимга қайтиб келганимдан сўнг деҳқонларни олдинроққа чақириш эсимга келиб қолди. Уларни қўлим билан имлаб чақирдим. Ахир бу йўл—ҳаммадан аввал ўшаларният қўли билаш яралган-ку. Бир неча киши арк томонга қараб юрган эди, жандарм уларни ўтказмади. Мен индамадим, бироқ юрагим эзила бошлади.

Вали узоқдан-узоқ нутқ сўзлади. Овози секин бўлганидан кўп гапларини эшитолмай қолдим. «Жумҳурият... ободончилик... доҳийларимиз... ҳаммаси халқ учун...» деган айрим сўзларгина қулоғимга чалинди.

Яна бир нечта одам чиқиб сўзлади. Сўнгра лентани кесиб юборишиди, бир неча машина йўлдан юриб кетди. Вали тушган машина энг олдинда бораради. Машиналар кетидан асфальтда юришини ўрганаётгандек амалдорлар ҳам бир-икки қадам қўйишди. Деҳқонтар уришиб беришади деб, ўрганмаганилариданми ёки қўрққанлариданми, асфальтдан юрмай; катта-катта кўзларини ялтираб турган нам асфальтга ва автомобиль ғилдиракларининг янгигина тушган изига тикиб, йўл четидан юришиди. Нима бўлмасин, уйга ғолибона қайтиб келдим.

\* \* \*

Йўл очилганидан ўн кун кейин Жамоат ишлари министрлигининг техник ииспекторлари вилоят бошқармасига қоғоз юборишиди. Қоғозда улар деҳқонларният ҳўқиз қўшилган аравалари асфальтни бузиб юборяпти, деб хабар қилишган эди. Аммо, ярим бўш юк машиналари ҳам йўлни ўйдим-чукур қилиб юбораётгани ҳақида ғинг дейиншмаган эди. Бошқармадагилар, ҳади йўл пуди тўлаимаган, икки ҳафта ичида, ҳатто олий мансабдор келгунича аввалги ҳолига тушиб қолади, деб ваҳиммага тушиб қолишли.

Фавқулодда мажлис чақирилди ва резинка ғилдираги бўлмаган ҳар қандай араванинг асфалт йўлдан юрши ман этилади, деган қарор қабул қилинди.

Қишлоқда ҳеч кимнинг бунга ишонгиси келмади. Аммо бир неча деҳқоннинг аравасини жандарм тўхтатиб, лой бўлиб кетган дала орқали қайтариб юборгандা ҳамма ишнинг пачаваси чиққанини пайқади. Бу жуда ҳам оғир эди. Йўл икки тог ўртасидаги дарадан ўтарди; энди станцияга бориш учун айланиб юриш керак эди. Бунга роса олти соат вақт кетар эди. Деҳқонлар маслаҳатлашиш учун бир ерга йиғилишди. Араваларнинг ғилдирагига резинка қоплашнинг иложи йўқ, жандармга қарши чиқиб бўлмасди. Тогни айланиб, илгаригидан ҳам бадтар йўлдан юришдан бошқа илож йўқ эди.

Энди мен билан ҳеч ким гаплашмай қўйди. Ҳамма менга ўқрайиб қарапди.

Бир куни кечки пайт қишлоқ оқсоқоли олдимга келди.

— Үғлим,— деди у,— биз сендан жуда хурсанд эдик, лекин мана бу йўлни деб ихлосимиз қайтди. Деҳқонлар бошимизга тушган бу баҳтсизликнинг сабабчиси сен деб ҳисоблашишяпти. Бир неча марта сени уришмоқчи бўлишган эди, зўрға ушлаб қолдим. Қўшни қишлоқда ҳам кўп одам сенга душман бўлиб қолди. Эҳтиёт бўл, бирор кориҳол бўлиб қолмасин тағин. Яхиси иссифида бу ердан кетиб қўя қол, үғлим. Жаҳлинг чиқмасин, хафа бўлма, кечир уларни...

Ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим. Деҳқонларнинг юзида яхшиликдан нишон кўринмасди. Мен юкларимнинг бир қисмини чамадонга, қолгашиларини қопга жойладим. Ҳудди қишлоққа келган кунимдагидек кечқурун эди. Ботаётган қуёш нурида товланаётган сап-сариқ, чўл ўтлари шамолда ҳудди олов денгизидек тебранарди. Гўнгланган ер ва тезакнинг ўткир ҳидидан нафас олиб қишлоқдан чиқдим-да, йўлдан юриб кетдим.

## А П Е Л Ь С И Н

Кема Уртаер денгизининг шарқий соҳилида жонлашган портлардан бирига яқинлашиб қолганида қош қорая бошлаган эди. Денгиз билан булутлар бир-бирига туташиб кетган жой қуёш эндиғина чўкканлиги учун қизғиши ранг олган, унинг қаршиисида қад кўтариб турган Тарос тоғининг қорли чўққилари эса ҳали ҳам лола ранг. Қичик ва энли қилиб ясалган кема денгизда ярим белигача сувга ботиб, бурни кўтарилган ҳолда олға қараб бораарди. Эллик беш йилдан бери дам бермай ишлатиб келинаётган механизм ўзига тенгдош бўлган кемани безгак тутган одамдек зўр бериб титратарди. Ярим асрдан бери бўялавериб, ишқаланавериб, сийқаси чиқиб кетган палуба тахталари жазирама офтобда ҳансираб ётган ориқ итнинг қобирғаларидек қимирлаб турарди.

Бир соатдан бери рулда навбатчилик қилаётган кранчи Исмоилнинг қайчикидек очилган яланг оёклари тую оёғи каби палубага ёпишган, қўли рулда, кўзи портда бўлгани ҳолда қимир этмай туарди. Исмоилни шу аҳволда кўргаш киши у аллақандай аломат ҳодиса содир бўлишини — рўпарада тош уйлари чарақлаб турган шаҳар тўсатдан портлаб ер билан яксон бўлишини ёки дengiz қаъридан баҳайбат бир махлуқ чиқиб, кемани ютиб юборишини энтикиб кутаётир деб ўйлаши мумкин эди.

Аслида эса бундай катта воқиалар унинг хаёлига ҳам келмаётган эди. У Истамбулда, Бешиктошнинг чек-

ка маҳалласида бундан ўн беш кун олдин—ана шу сўнгги сафарга чиқаётган куни дунёга келган жажжи ўғилчасини эслаб, ширини хаёл сурәтган эди.

Исмоил ўғлинига ўтган йили Шиледан Истамбулга моторли қайнұда күмир ортиб келаётганида гарқ бўлган отаси Мусо капитаннинг отини қўйган эди. Ҳозир у лабларини қимирлатмасдан «Мусо Денизэр! Мусо Денизэр!» деба қайта-қайта ўғлиниң номини такрорламоқда эди.

У ўғилчесининг ҳам исми, ҳам фамилиясини бирга айтар экан, назарида чақалоқ улғайиб қолгандек бўларди. Кема портнинг нақ рўпарасида кўримсиз қалъаси билан ҳувиллаб турган Отажиқ яқинига келиб қолганди, у рулни ўнгга буриб юбориб, «Шайтончани, албаатта, ўқишга бераман!» деди.

Унинг ўзи мактабда ўқимаган бўлса ҳам, тамаки фабрикасидан олган хотини «отинча» эди. Хотини бир неча йил мактабга қатнаган, бўлак ишчи қизлар қатори китоб ўқишга меҳр қўйган эди. Исмоил ҳар сафар уйга қайтишда «Гўруғли» достони босилган газетадан бир дона сотиб олар, уйга келиб юз-қўлини ювиб бўлгач, кўрпачага ўтириб олиб, газетани хотинига узатарди. Хотини Хайрия олдин сурат остидаги ёзувларни, кейин достон, мақола, хабарларни, газета подвалида ҳар гал босилиб туриладиган романларни отинлардек бошини тебратиб, оҳанг билан шариллатиб ўқиб берарди. Исмоил эса лаблариниң чўччайтириб уни тинглар, тушунса-тушунмаса дам-бадам хохолаб кулар, ҳарбий вазият тўғрисида гапирилган жойларини қайта-қайта ўқитар, кемага тушган йўловчилардан, ёхуд отпускадан қайта-ётган солдатлардан эшигни гапларини минг хил йўйиб айтиб берар, сўнгра «ишлар начавага ўхшайди, Хайрия» деб жим бўларди. Унинг жим бўлгани «энди овқат ейиллик» дегани эди, шунинг учун ҳам хотини ўша заҳотиёқ шоциб ўрнидан турар ва дастурхон тарааддуидига тушар эди.

Исмоил қимир этмай яқинлашиб қолган портга тикилиб турар экан, орқадан оёқ товуши эшишилди.

— Мен кўрмаяпман-ку,— деди йўғон овозли бир киши. Бу кема капитани эди.

— Дурбин билан яхшироқ қаранг! Менингча бор бўлса керак!— деди ингичка, титроқ овоз билан капитан ёрдамчиси.

Иккаласи ҳам команда кўприкчасининг ўнг қанотига ўтишиб, дурбин орқали портга, у ерда қатор тизилиб турган юкчи қайиқларга узоқ тикилишди. Паст бўйли, қип-қизил юзли, сочи оқарган, пучуқ капитан романларда таърифи кетган денгиз бўрисининг худди ўзгинаси эди. Капитаннинг овози шамоллаган кишиларнидек хириллаб чиқар, кўзи эса доим ёшланиб турарди. Унинг кўз-қовоқлари ҳам, кўзининг ич-ичи ҳам сув тўла меш сингари шишиб кетган ва пастга осилиб тушган эди. Ёрдамчиси эса унинг тамоман акси: узун бўйли, рангпар ва озғин. У фуражкасини қулоқларигача туширган, февраль ойида бу томонларда гарчи унча совуқ бўлмаса ҳам, шинелининг ёқасини кўтариб олган эди.

— Ҳеч кўриб бўлмаяпти-ку! — деди капитан.

— Яқинроқ келайлик, кўриб қоларсиз!

— Биз яқинлашгунча қоронғи тушади...

Кейин у пўрсиқ юзига озор бермай калта-калта кулди-да, ёрдамчисининг биқинига туртиб деди:

— Парво қилма! Портда маълум бўлади! Мабодо бирор нарса бўлса, бизга агентдан олдин келиб хабар беришади!

Улар гаплашганларича Исмоилнинг олдидаи нари кетишиди. Йигит уларнинг орқасидан кузатиб «Илоҳим айтганингиз келмасин» деб пицирлаб қўйди. Бугун у учинчи марта навбатчилик қилаётган эди. Аслида, касби кранчилик бўлганлиги учун, кема бир портдан чиқиб иккинчисига бориб етгунча маза қилиб дам олиши керак эди. Бу гал бирданига учта матроснинг безгаги тутиб қолди, капитан эса Искандарунда кемага бошқа матрослар ёллашни лозим кўрмади. Шунинг учун ҳозир Исмоил капитанни айблаётган ва «Сал туриб якорь ташлангач, кранга ўтасан-да, «Вира! Майна!.. Вира! Майна!» дэя ярим кечагача ёки тонг сахаргача минг азобга туласан» дэя ғудуллаётган эди.

Атроф анча қоронилашган, кема ҳам портга яқин келиб қолган эди. Соҳилдан милтиллаган чироқлар кўринди. Капитан ёрдамчиси команда кўприкчасининг ўнг ёнига қайтиб келиб, якорь олдида турган матросларга буйруқ берди. Якорь занжирни буғ трубасидан чиқаётган шовқинга шовқин қўшиб, кема учидаги тешик орқали секин-аста сувга бота бошлади.

Кема юришдан тўхтаб, тўлқинлар гирдёбида секин

чайқалиб тураркан, қаердандир бир гала қайиқ пайдо бўлди-ю, уни ўраб олди. Қайиқлар кемадан туширилган нарвонга яқин келмай, сал нарироқда тўхтаган эди. Бироқ, қайиқлардан иккитаси — полициячи билан граждан кийимидаги бир одам тушган қайиқ ҳамда соҳил соғлиқни сақлаш бўлимнинг қайифи ҳиллираб турган байроқчалари ёрдами билан йўл очиб кеманинг биқинига етиб келди. Шу пайт кемага учинчи бир қайиқ яқинлашди; тарс ёрилгудек семиз, юзи қип-қизил бир киши шошиб-пишиб, лекин эпчиллик билан нарвон арқонига ёпишди ва орқасига йиқилиб тушаётгандек тирмашиб юқори чиқа бошлади. Фуражжасини ўсиқ қошларигача тушириб олиб, пастга тикилиб қараб турган капитан ёнидагини туртиб:

— Келди! — деди. — Сен шу ерда қол... Бу ерга йигирма беш той мол тушириш керак... Мен салонда бўламан.

Биринчи класс қаюталарнинг қизил духоба билан қопланган салони одамлар билан лиқ тўла. Агент олдидаги энсиз столга энгашган йўловчиларнинг билетларини қирқиш, кема котиби билан бирга коносамент ҳамда ордерларни, яна шу каби бирталай ҳужжатларни текшириш, ора-сира мулозимга кофе буюриш билан банд эди. Бирор иш билан кемага келганлар қидирган одамларини толиб, гаплашишмоқда, кемада юравериб юзқўллари кир бўлиб кетган йўловчилар олифта аёллар ва безори болаларга қизиқсиниб қараб туришибди.

Ён-атрофидагиларни четга итариб, салоннинг тор эшигидан ичкари суқилиб кирган семиз, қип-қизил юзли киши бир чеккадаги деразадан томоша қилиб ўтирган капитанни кўра солиб тўхтади; у бундан сал олдин капитанни команда кўприкчасида кўриб, қўл силкиган, капитан эса, ўзини кўрмаганликка солган эди. У қалашиб ётган моллар, яшиклар кемага тўлиб кетган одамлар орасидан ўтиб, бу ерга етиб келгунча капитан салонга кириб, бир чеккага ўтириб олганини кўргац, «Тузоқ қўйиб, мени пойлаб ўтирибди, ноинсоф» деб тўнгиллади, кейин дўрдоқ лабларини ялаб, юзига мулојим ифода берди-да, у томон қадам ташлади:

— Қалайсан, капитан?

Капитан кутилмаганда қадрлон дўсти билан учрашиб қолган кишидек жавоб берди:

— Ўй! Марҳамат, Усмон йигит... Оламда нима гаплар бор? Қани кел, ўтиричи!

Усмон йигит юраги пўкиллаб яқин келди, лаққа чўқ-  
қа ўтираётган кишидек айланма курсига чўккан бўлди,  
ютиниб қўйди ва чуқур нафас олиб, гап бошлади:

— Паноҳингга сифиниб келдим, капитан. Уч минг  
яшик апельсиним бор. Бир ҳафтадан бери йўлингга  
мунтазирман!

Капитан пастки қовоқлари шишиб кетган кўзларини  
чала юмиб, салондагиларга назар ташлади, сўнгра лаб-  
лари орасидан ғўнғиллади:

— Искандарунда мол кўпроқ экан, икки кун кутиб  
қолдик... Ундан ташқари кема ҳам керагича юқ олиб  
қўйди...

Суҳбатдоши ўзини охирги жумлани эшитмаганга  
солди.

— Ишқилиб соғ-саломат келибсиз, бўпти-да!

— Ҳа, худо хоҳласа бу ердан ҳам соғ-саломат чиқиб  
кетамиш!

— Иншооллоҳ, иншооллоҳ... Шу бизнинг уч минг  
яшикни ҳам...

Капитан буни эшитмагандек:

— Ўзимиз ҳам нуқул яхлит моллардан олибмиз.  
Билмадим, Истамбулга қандай қилиб етиб оламиш... Ҳо-  
зир денгиз тинч турмайдиган пайт...— сўнгра у кўпроқ  
ўзига айтаётгандек ғўдирлаб қўйди.— Кема ҳам кўнг-  
илдагидек эмас... Худди Ҳожи Довуднинг кемаси... Тўрт  
йилдан бери ремонт кўрмаган... Ишқилиб бола-чақамиз-  
га худонинг раҳми келсин...

Қип-қизариб кетган Усмон йигит:

— Шу бизнинг апельсинлар...— деб оғиз жуфтлаган  
эди, капитан тўсатдан қаддини ростлади:

— Худо хоҳласа келаси сафар оламиш.

— Нима деяпсан, капитан... Худо ҳақи, ҳазилингни  
қўй! Яшикка жойланганига ўн беш кун бўлиб қолди.  
Яшиклар ўн кундан бери соҳилда ётган эди, шу бугун  
эрталаб юқчи қайиқларда бу ерга келтириб қўйдик!

Капитан кафтининг орқа томони билан ёшланган  
кўзини артиб, бетини қашлаб олди-да:

— Усмон йигит, ҳурматингни қилиб беш-олти юз  
яшигини олишим мумкин, аммо омбор тагидан бошқа  
жойга қўёлмайман!— деди.

— Ие, нима деяпсан капитан, омбор тагига апель-  
син қўйиб бўладими? Эртагача чириб битади-ку, ахир!

— Буниси билан ишим йўқ!

Капитан гап тамом дегандек ўрнидан турди, салондан чиқиб юқорига, каютасига кириб кетди.

Усмон йигит бир оз бошини чайқаб турди, кейин у ҳам тез-тез юриб салондан чиқди, команда кўприкчаси нарвонидан қоқилиб-суқилиб юқорига кўтарилди. Шу ерда айланиб юрган капитан ёрдамчисини четга тортида, аҳволни тушунтира кетди.

— Тасаддуғинг бўлай, бир иложини топ... Мени ўтга ташламасин... — деб унинг кифтига қоқиб қўйди.

— Билмадим, қандай бўларкин. Қани кўрайликичи... — дея капитан ёрдамчиси қаътаннинг каютасига кириб кетди.

Шундан кейин чамаси ярим соат давом этган савдо бошланди. Капитан ёрдамчиси гоҳ каютага кириб, гоҳ ташқари чиқиб, бу савоб ишни бир ёқли қилишга ҳаракат қилди, ниҳоят, ҳар бир яшигига олти куруш кира ҳақ тўлаш ўрнига, етмиш курушдан тўлаш шарти билан кемага юклашга келишилди. Усмон йигит пастга тушиб, агент ва кема котиби билан ҳисоб-китобни қилиб бўлгач, келишилган нархдан кира ҳақини олиб ташлаб, яшик бошига олтмиш тўрт курушдан — уч минг яшик учун бир минг тўқиз юз йигирма лирани капитан ёрдамчисига узатди.

Шу орада кемага ёндошган қайиқлардан апельсин тўла яшиклар тепага олина бошланган эди. Кран эрталабга қадар ишлади. Ҳолдан тойған матрос Исмонл Денизэр истамбуллик хотинидан ўрганган ширин сўзларини бир чеккага йиғишириб қўйиб, соф ризе шевасида боплаб сўкинаётган эди. Малака ошириш учун кемага келган ёшгина ёрдамчи капитан команда кўприкчасида туриб, денгизга тушиб кетган икки яшик апельсини учун пастда қиёмат-қойим кўтарган Усмон йигитга бақрайиб қараб турарди. Палубада тонги шудрингдан жиқقا ҳўл бўлган пальто ёки кўрпалар остида ухлаб ётгалийловчилар аҳён-аҳёнда қимирлаб, акса уришарди. Елкасига шинель ташлаб олган бир солдат налубадаги эркак, аёл ва болалар устидан ҳатлаб ўтиб, ҳожатхонага ошиқар, оппоқ соқолли қотма чсл кўрпани ияғигача тортиб, мириқиб махорка чекарди.

Кеманинг олд томонидан ғалағовур эшитилди. Бонг чалиниб, якорь сувдан тортиб олинди. Бирпасдан кейин механизмга жон кириб, кема безгак хуруж қилгандек титрашга тушди. Кечагина чўққайиб турган кема бур-

шидан тўлқинлар ҳатлаб ўтаётганига қарамай, ғарби-жанубга йўл олди. Калта ва йўғон трубадан чиққан ту-тун эндигина чиқаётган қуёш томон ҳалқа-ҳалқа бўлиб кўтарилимоқда.

\* \* \*

Ўша куни тушдан сўнг капитан ва капитан ёрдамчи-си дурбин орқали уфқни синчиклаб текширдилар. Бу нарса эртасига ҳам, индинига ҳам тақрорланди. Бош механик ҳам вақти-вақти билан уларнинг ёнига келиб, гоҳ ғарби-жанубга, гоҳ жанубнинг ўзига кўз тикарди. Учони ҳам бир нарса қидираётгандек, алланарса кута-ётгандек, гаплари ҳам қисқа-қисқа эди:

- Бирор нарса борми?
- Кўринмайди!
- Кун ботди, бирон воқиа бўлиб қолса керак!
- Эҳтимолдан узоқ... Бу кунларда енгил шабада эсади!
- Ишқилиб шамол бўлсин-да!
- Денгизнинг авзойи бузилса-чи?
- Э, пешонага нима ёзилган бўлса, шу бўлади-да!
- Охири хайрли бўлсан!

Кема портдан чиққанининг учинчи куни пешинга яқин жануб томон қорая бошлади. Бош механик устки палубада эди. У капитаннинг олдига югурди:

— Худога шукур, жануб шамоли кўтарилимоқда...  
Худо хоҳласа, шамол унча кучли бўлмайди.

У тиржайиб гапираётганилиги учун териси қалин бетидан тортиб калта қирқилган оқ соchlарининг тагигача тиришиб кетган эди. Орадан ярим соат ўтар-ўтмас де-нгиз тўлқинланиб, мачта учини тебратиб, илиқ, лекин кучли шамол ҳуштак чалишга тушди. Тўлқинлар кеманинг очиқ палубасига келиб урилар, йўловчиларни шалоббо қиларди. Йўловчилар жиққа ҳўл бўлгаш кўрпа-ёстиқ ва юкларини кўтариб, пана жой топиш ниятида у ёқдан-бу ёқقا югурардилар. Ҳамма ёқ апельсин солинган яшиклар билан тўлиб кетганлигидан йўловчилар учун пана жой топиш амримаҳол эди. Йўловчилар шамолдан, кемага келиб урилаётган тўлқиндан нариги томонга қочишар, бўнинг натижасида кема бадтарроқ ўнгга қийшярди. Атроф қоронғилашиб қолган. Палубанинг бир чеккаси кўнгли айнаган аёллар, чинқириб йиғлаётган

гўдаклар билан тўла. Каюта йўловчилари ҳам овқатни чала қолдириб хоналарига кириб кетишган. Аҳён-аҳён да коридорнинг гоҳ у, гоҳ бу деворига сўяниб, мастлардай гандираклаб юрган, сочи тўзғиган аёллар учрайди.

Бош механик билан капитан ёрдамчиси ваҳнмага тушиб, биринчи класс салонидаги йўловчиларга баъзи йўл-йўриқлар кўрсатар ва ўзаро сўзлашгандай: «Аҳвол чатоқ... Нима қилиш кераклигига ҳайронман... Кема ҳам дурустроқ эмас! Юк ҳам кўп... Ҳаммаси ҳам оғир», деб, одамлар ўртасида атайнин саросималик туғдиришарди.

— Механик... Аҳвол чатоқ, озроқ юқдан воз кечиб, авария қилмасак бўлмайдиганга ўхшайди,— деб қолди бир пайт капитан ёрдамчиси.

— Азбаройи худо, ҳайронман, тўрам... Лекин машина бўлмасида ҳам оёқда туриб бўлмаяпти... Қани, авария тўғрисида капитан билан гаплашиб кўрайлик-чи!

Йўловчиларнинг кўз олдида бўлиб ўтган бу гапдан кейин иккоби ҳам юқорига, капитаннинг олдига чиқиб кетишиди. Кемадаги юкларнинг ичида энг оғири ва энг қўполи деб ҳисобланган апельсин яшкларини денгизга ташлашга қарор қилишиди. Капитан ёрдамчисининг кўзи олдида икки юз эллик яшик апельсин денгизга улоқтирилди, шундан кейин кема котиби авария қозозларини расмийлаштириб қўйди. Чунки савдогар Усмон йигит суғуртадан уч минг яшик апельсиннинг қийматини ундириб олиши учун бу ҳужжатлар расмийлашган бўлиши керак эди.

Эртаси кун пешинга келиб ҳаво ёришиб кетди, кечга яқин эса, денгиз батамом тинчланди. Кема шу зайлда яна бир неча кун тинчгиниа сузгач, кеч соат саккизга яқин Истамбулга етиб келиб, Сиркежи соҳилига ёндошиди.

Йўловчиларга аралашиб югуриб-елиб юрган матрослар омбор эшникларини очиш билан овора экан, юзи сепкил, қирра бурун мовут ёқали пальто кийган бир киши тор парвондан пастга тушиб келаётган одамларни туртиб-суртиб кемага чиқиб олди ва капитаннинг каютасига кирди. Капитан ёрдамчиси билан кема котиби ҳам шу ерда эди.

— Ишинг ўнгидан келсин, капитан,— сўз бошлади сепкилли киши,— агентнинг айтишича, Усмон йигитнинг апельсинлари аварияга учрабди-а? Бош омон бўлсин ишқилиб... Ҳужжатлар тахтми?

— Бизники доим таҳт бўлади! — деди котиб бир даста қоғозни кўрсатиб. — Эртага агентнинг олдига бориб ҷасини битирамиз!

— Халил Эгинли! — деди капитан йўғон ва хириллаган овоз билан. — Қалайсан? Тўғрисини айтсам, молингни денгизга ташлагани аввалига кўзим қиймай турди, лекин ишиложлик-да, бошқа бир савдогарнинг молини улоқтириб бўлмас эди. Усмон йигитнинг апельсинлари кемага энг кейин ортилганлиги учун молларнинг устида турган эди. Мана энди сен апельсинсиз қолдинг. Энди келаси сафаргача кутиб турасан-да!

— Кемада бошқа одамнинг апельсини ҳам борми? — сўради Халил Эгинли.

— Бир-икки минг яшик апельсин бор. Искандарундан олдик...

— Буниси сўраётганим йўқ, дўстим. Бизга аталган бирор нарса борми деяпман! — муғомбирона кулди Халил Эгинли.

Капитан пинагини бузмай калта-калта кулди:

— Буниси ўнгай, дўстим. Араванг тайёрми?

— Кеманинг нақ бикинида!

Қаюта эшиги яхшилаб ёпилгач, яна олди-сотди бошланди. Денгизга ташланди, деб ҳисобланган, лекин денигиз тубидан анча олисада тинчгина турган икки минг етти юз эллик яшик апельсин Халил Эгинлига пулланди. Ҳар бирига саксоӣ донадан апельсин жойланган яшикларнинг нархи уч лирадан белгиланди. Жами чиқимларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, нархи тўқсон парадан ошмайдиган бир яшик апельсин кемага юклangan портда бир юз саксон куруш, қонунлаштирилган ва қонунлаштирилмаган фраҳтдан<sup>1</sup> кейин Истамбулда икки юз эллик куруш туриши керак эди. Лекин бундай икир-чикир фарқларга эътибор берилмади. Икки минг етти юз эллик яшик апельсинга Халил Эгинлидан саккиз минг икки юз эллик лира нақд пул олинди. Қарийб бир ой давом этган бу сафар мобайнода Усмон йигитдан олинган бир минг тўққиз юз йигирма лирани ҳам қўшиб ҳисоблаганда, ўн минг бир юз етмиш лира пул ишланди. Бу пулда бойманинг ҳам, рулчининг ҳам улуши бўлгандан кейин, қўп деб бўлармиди?

<sup>1</sup> Фраҳт — кира ҳақи. (Ред.)

Халил Эгинли кетгандан кейин капитан ёрдамчиси, бош механик, кема қотиби, бош мулозим, шу орада кемага етиб келган агентдан иборат жамоат капитан каютасида тўпландилар.

\* \* \*

Кема портга кирав-кирмас Исмоил Денизэр сафарга тиқиш кунлари ўғил кўрганлигини баҳона қилиб, капитан ёрдамчисидан уйга кетишга рухсат олган эди. Шунинг учун Усмон йигитнинг денгизга ташланди, деб ҳисобланган, аслида эса Халил Эгинлига пулланган апельсинлари билан унинг иши йўқ эди. Ҳозир Исмоилнинг ўрнида кранни жуда ёш ва кичкина бир матрос бошқарётган эди.

Бироқ, Исмоил Денизэр нима учундир уйига кетмай, котибни кутиб тураган эди. Ўтган гал у чақалоққа бўладиган харажатлар учун аванс олган, шунинг учун яна пул сўрашга юзи чидамас, уйига шўппайиб кириб боришини ҳам эп кўрмасди. Ҳеч бўлмаганда бир-икки лира топиши керак эди.

Нимагадир котиб ҳам кўринмайди. Исмоил уни бир соатча кутди, кейин хонани очиб қараган эди, ичкарида ҳеч ким кўринмади. Ниҳоят, шу ердан ўтиб қолган мулозимларнинг биридан котибни сўради. Оппоқ кийимли мулозим: «У капитаннинг каютасида ўтирибди, лекин олдинга кира кўрма, улар ҳозир банд», деб жавоб қайтарди.

Исмоил яна ярим соатча пойлаб турди, кейин чўчинчираб юқорига чиқди. У бир қадам юриб, беш-үн дақиқа тўхтаб қолар, каютага яқин боришига жасорат этмасди. Исмоил бир амаллаб капитан кўприкласига етиб олди, лекин нарвон ёнига телеграф сими олдига келганида қимир этолмай қолди. Беш-олти одим наридаги капитан каютасидан ғала-ғовур эшитиларди. Ёрдамчи капитаннинг ингичка, чийиллаган товушини капитаннинг хириллаган дағал овози босиб тушарди: ичкарида «жанг» кетаётган эди. Аллаким ҳадеб столни муштлар, кимдир эшикни тепиб, ташқарига чиқишига уринар, уни қўлидан ушлаб ичкарига тортишарди. Ҳанг-манг бўлиб қолган Исмоил ваҳимага тушди, шу заҳотиёқ ура қочмоқчи бўлиб, зизага оёқ қўйганда, каюта эшиги ланг очилди. Каютадан тушиб турган хира нур капитаннинг калта, ўғон гавдасини ёритди. Исмоил зинага оёқ қўйган жойин-

да қўрққанидан тошдек қотиб қолди. Капитан унга қараб юрди, олдига келди. Капитан ҳансирар, алланималар деб ғудурларди. Унинг ёшли кўзлари қоронғида янада кичикроқ бўлиб кўринарди. У бу ерда бирор турганлигини кўриб, жон ҳолатда унинг қўлига ёпишди. Худди бирор уни бўғаётгандек хириллади.

— Кўрмайсанми итваччаларни... Мени темир панжарага тиқишишмоқчи-я!

Шу пайт эшикдан ёрдамчи капитаннинг малла боши кўринди:

— Капитан, бир минутга ташриф буюринг!

Капитан унга қараб бақирди:

— Мени ўз ҳолимга қўй, афандим, нима ҳоҳласаларинг, шуни қилларинг, мен бу ишга аралашмайман!

Кейин у яна Исмоилга ўтирилди, ўз кўкрагига муштuriб гапирди:

— Ҳамма нарса учун мен жавобгарман... Қамоққа мени қамашади... Менинг бола-чақам кўчаларда саргардон бўлади... Номус-орим тилларда достон бўлади... Тани у хумпарларнинг кўзи пулга тўймайди...

Ёрдамчи капитан уларга яқинлашиди, капитаннинг қўлидан секингиши ушлаб, каюта томон тортди:

— Асабийлашма, капитаним, сенинг айтганинг бўлсин! — деяркан, Исмоилни кўриб қолиб, бақириб берди:

— Бу ерда сен нима қилиб юрибсан?

Тарсаки тортиб юбормоқчи бўлиб Исмоилга яқинлашиди-ю, лекин бирдан ўзини тутиб олди; қўлини чўнтақка солиб, ўн лира пул чиқарди ва уни матроснинг қўлига тутқазди.

— Қани, туёғингни щиқиллат!

Исмоил чопқиллаганича зинадан тушиб кетаркан, капитан қайтадан каютага кирган, әшик эса яна ёпиб олинган эди.

\* \* \*

Йўл-йўлакай Исмоил «уйга нима олиб борсам экан?» деб ўйлаб кетди. Чўнтағидаги ўн лира унга қандайдир жасорат, сахийлик бағишлаган эди.

У Богчакали атрофидаги мевафурушлар растасига яқинлашиб қолганида қадамини секинлатди, апельсинларга энтикиб-энтикиб қаради. Яқиндагина оғир юқдан қутулган хотини учун апельсин энг яхши совға

бўларди. Бу йилги мавсумда Ўртаер деңгизи томон са-  
фарга чиққан матрослар портлардан арzon-гаров апель-  
син олиб келишсаётган эди. Бироқ, у кранни ташлаб ке-  
та олмаганлиги ва чўнтағида бир мириси ҳам бўлма-  
ганлиги учун ҳеч нима харид қила олмади.

Исмоил бир мевафурушнинг олдида тўхтади ва апель-  
синлардан ўнта катта-кattасини танлаб, донасига йигир-  
ма курушдан тўлади. У апельсинларни рўмолчага тугиб  
олди ва ёнидан ўтиб қолган газетачидан бир дона га-  
зета олиб, буклаб чўнтакка солди. Кейин сал нарироққа  
бориб, Бешиктошга борадиган трамвайни кутди.

## ДЕНГИЗЧИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Қизил денгизда юрувчи кемаларнинг кочегарларига налубадан кўра қозонларнинг олди салқинроққа ўхшарди. Қозон олдига, вахтага ошиқаётган ёш кочегар шунинг учун ҳам трюмдан<sup>1</sup> отилиб чиқиб, кучи борича югурди: у ўзини тезроқ кема устида эсаётган иссиқ шамолдан панага олишга интиларди. Бироқ кема жазаваси тутган дарвишдек у томондан-бу томонга чайқалар, кочегар бўлса, йиқилиб кетмаслик учун гоҳ панжарарага, гоҳ капитан каютасининг очиқ эшигига ёпишарди. Нихоят у кичкинагина эшикча олдига етиб келди-да, торгина темир зинадан юргурганча тушиб кетди.

Кочегар эндигина ўн тўққиз ёшга кирганди. Унинг отаси армия капитани эди. Ота пенсияга чиққач, ўғлини ўқитишга қурби етмай қолди. Бунинг устига, бола дудуқланиб гапирадиган бўлиб қолганді, бу унинг ўқитишга халақит берарди. У тўртинчи синфдалигига ўқишидан чиқди-да, ўн тўрт ёшидан, ўн саккиз ёшигача бекор сандироқлаб юрди.

Отасининг пулига еб-ичиб, кўча-кўйда муштлашиб юришлар узоқка бормади: ҳадемай отаси юраги ёрилиб ўлди. Ўғилнинг саёклиги кексайиб қолган отанинг бевақт ўлимига сабаб бўлди. Бир парча нон ғамини ейиш пайти келди. Отасидан қолган нафақа шунчалик оз эдикни,

<sup>1</sup> Трюм — кеманинг механизмлар ўрнатилган ва юк ортиладиган тағхонаси, (*Тарж.*)

онаси билан синглисига зўр-базўр етарди. Йигитчә денгизчиликни севгани учун эмас, денгиз ёқасидаги шаҳарчада туришгани учунгина денгизчи бўлди. У денгизчи бўлганидек, шофер ёки бирон ҳунармандда шогирд бўлиб ишлаши ҳам мумкин эди. Лекин денгизда бир йил ишлагач, у касбига кўнишиб қолди. Аввалги дайдиликдан асар ҳам қолмади. Узоқ юртларга қилинган саёҳат ҳаддан ташқари оғир меҳнат ва келажагининг ноаниқлиги уни ҳаётга чуқурроқ қарайдиган қилиб қўйди. У ҳар хил бемаъни, бўлмағур ишларни қилмасди, очигини айтганда, бундай ишларга унинг вақти ҳам йўқ эди. Дудуқланиб гапириш уни тобора танҳоликка судрарди. У ярим соат ўйлаб, зўрға бир гапни тушунираар, атрофидагиларни кулдирмаганда ҳам, хижолатга қўяр, кўпроқ ўзи қаттиқ изза бўларди.

Унинг бирдан-бир дўсти денгиз эди. У исқирт тўшакда ётиб, тўлқинлар шовқинини диққат билан тингларди. Бу товушни ҳатто уйқусида ҳам эшитарди. Уни қийнамай узоқ-узоқ сұхбатлашадиган фақат денгизгина эди. Ҳатто бутун умрини денгизда ўтказган чоллар ўртасида ҳам денгиз шовқини зерикарли ва бир хил дейдиган бирорта кишини топиш қийин.

Бошқа матрослар каби кочегар ҳам контрабанда билан шуғулланар, Мисрга қорадори келтириб сотарди. Топган пулининг бир қисмини онасига юборар, қолганини эса ўйин-кулгига сарфларди. Спиртли ичимликлар ичмагани ва камгап бўлгани учун у одамларга ёқиб тушган эди. У қадди-қомати келишган, бақувват, истараси иссиқ йигитча бўлганидан ўртоқлари унга ўзларини яқин олишга тиришардилар. Саводсиз ўртоқлари тўрт синфини тамомлагани учун уни хурмат қилишарди. Кочегарнинг бош томонида турадиган бир даста китоб унга ўзгача мавқе берар эди.

Бу кемага у яқиндагина, бир ойча илгари келганди. Қайси шайтон уни худонинг қарғишига учраган бу тогорага дучор қилди?! Бу кема эмас, жаҳаннамнинг ўзгинаси эди. У олтмиш йил илгари Италияда ясалган бўлиб, тўртта мачтаси, елканлари ва битта қозони бор эди. У доим қўлдан-қўлга ўтиб юрарди. Греция тахтнинг вориси учун у яхта вазифасини ўтади, Дониё ҳукумати ундан ўқув кемаси сифатида фойдаланди, ҳозирги хўжайини бўлган Истамбул савдогари бўлса, бу эски тогорада Санадан Истамбулга юк таширди.

Кеманинг елканлари эскириб қетган, мачталари жуда омонат бўлиб қолганди. Тимсоҳнинг мурдасига ўхшаш бу хароба кемани ҳаракатга келтириб юрган бирдан-бир козон бўлса, минут сайн ёрилиб кетаман дерди. Тинка-мадорни қуритурвчи тинимсиз меҳнат, бениҳоя ёмон овқат ва доим ўлардай маст бўлиб юрувчи капитан кеманинг аянчли аҳволини яна бешбадтар оғирлаштириб туради. Капитан эртадан кечгача ичар ва сўкинарди. Уни «капитан-бочка» деб аташарди. Унинг бу лақабни олиши бундай содир бўлган эди:

Бир вақтлар мана шундай тогорада сузисиб юргани кезларидан капитан ўз каютасига порох солинган бочка келтириб қўяди. У кўпинча матросларга бериладиган ойликнинг ярмини чўнтағига уриб қолади. Ҳар гал пул олишда кемадагилар исён кўтаради ва матрослар уни денгизга ташлаб юбормоқчи бўлишади. Шунда капитан оғзидан сира тушмайдиган сигарасини олиб, бочка ёнига келар ва «Биттанг яқинлашсанг, ҳаммамиз баравар осмонга учамиз!» дерди. Албатта, бу гапдан сўнг матрослар унга қўл тегизишмас ва тарқалиб кетишарди. Аммо бир кун кечаси айёр юнга калит солинадиган тешикдан мўралаб, капитаннинг бочкадан бамайлихотир вино қўйиб ичаётганини кўриб қолди. Кейин билишса, бочканинг деворга қараган тарафида жўмрак бор экан. Ўшандан бери капитанни «бочка» деб атайдиган бўлишган.

Кема хўжайинига яхши кўриниш учун у матросларнинг жонини оларди. Қўйиб берсанг, у ғамлаб қўйилган озиқ-овқатларнинг ҳаммасини хўжайнинг қайтариб олиб келишдан ҳам тоймасди. Матрослар тушлик ва кечки овқатга фақат лўя олардилар.

Ўша, бизнинг ўн тўққиз яшар кочегаримиз энгашганча палубадан югуриб ўтган куни матросларнинг лўя еб, таъби яна ҳам хира бўлган эди. Уларнинг ҳаммаси ҳам бирор пристаига етишлари биланоқ, қочиб қолиш пайига тушган эдилар.

Шундай қилиб, кочегар темир зинадан югуриб тушди. Унгача кочегарликда вахтада турган киши чинакам девқомат одам бўлиб, мушти кичкина боланинг бошидек келар эди.

— Нима единглар? — деб сўради у.  
— Л... л... лўя!

Головон қаттиқ сўкинди. У мана шу пароходга келганидан бери бирор марта тўйиб овқатланмаган эди. У сўкина-сўкина юқорига кўтарилиди.

Кочегар оловни титишга тутинди. Эшикни очар-оч мас юзига ўт урди. Баданини олов ялаб, куйиб кетган дай бўлди. Ўзоқнинг ичи ҳаддан ташқари оппоқ бўлиб, киши буни эритилган маъдан ёки қозондаги бақиллаб турган сув деб ўйлаши мумкин эди.

У ҳар беш минутда жиққа ҳўл бўлган қўйлагини ечиб, сиқиб ташлар, сўнг кўйлак билан баданини артар, яна сиқиб ташлаб, қайта кийиб оларди. Тўзғиган соchlарининг баъзи толалари терлаган пешонасига ёпишиб ётар, елкасидан бир-бирини қувалашиб тер оқарди. Ўзоқдаги ўтнинг алангаси кишида бир оз дам олиш ва бир зум бўлса-да, мизғиб олиш истагини уйғотарди.

Баъзи-баъзида у косовга суянган ҳолда ёпиқ ўчоқнинг қора эшикчасига тикилиб қоларди... Яна уч-тўрт йилдан кейин унинг аҳволи нима кечади? Бундай иш ҳар қандай бақувват одамини ҳам тезда чурук латтага айлантириб қўяди... Ишлай бериб мажафи чиққан, ҳолсизланган, шикаста танасининг ҳаётини бир қанча муддатга узайтириш учун у ўзига енгилроқ иш қидириб топиши керак бўлади. Ундан кейин-чи? Ҳудо билади... Кочегар лабини тишлаб, енгилгина бош чайқади. У бирор нарса ҳақида ўйламасликка тиришса, ҳар донм шундай қинларди. Бу гал ҳам келгусида аҳволи нима кечиши ҳақида ўйлагиси келмади. Бироқ, ана шу ўйлагиси келмагани учун ҳам ўзидан жаҳли чиқди. Бу эса унинг ҳали тузалмаган ярасини тирнаб, дардини зўрайтиргандек бўлди. Ўйлашдан бошқа чораси йўқ. Ахир бундан бошка ҳамма ҳуқуқини тортиб олишган-да.

Тўғри, лекин нима учун ҳаммасини? Бошқаларнинг гапларига қулоқ солиб юриб, у ўзининг бошқалардан кўра аҳмоқ эмаслигига ишонч ҳосил қилди. Қучқуввати ҳам бошқаларнидан кам эмас. Демак у тасодифан шундай аҳволга тушиб қолган экан-да? У, ўзи ва ўртоқлари шу «тасодиф»га ишонганларидан ҳамма бало келиб чиққанлигини энді тушунди. Чунки, гоҳи вақтларда инсон қаҳрамонлик кўрсатишга интилиб қолади. Лекин бунинг ҳаммаси фақат бир хаёл, кўринимас бир куч, «тасодиф» эканлиги кишини ана шу ниятдан қайтаради... Ҳолбуки аҳволи бундан олдин

ҳам, бундан кейин ҳам ҳозиргичалик ёмон бўлмаган, бўлмайди ҳам. Шундай экан, нега «тасодиф»га қаршя қўзгалиш керак эмас?

Ҳа, ҳаммаси тасодиф! Унинг эгнига кияй деса бирор парсаси йўқ, хўжайинининг бўлса, салкам саксонта бош-оёқ кийимн бор. Бу ҳам тасодифданмикин?.. Лекин хўжайин матросларнинг ойлигига яна йигирма лирадан қўшиб берганда ҳам зарар кўрмасди. Бироқ, бу пулга матрослар бир сидра бош-оёқ кийим қилиб олардилар. Шу вақтгача кочегар тасодифни ўзгартириш мумкин эканини ўйлаб кўрмаган эди.

Кочегарнинг ичи қулдиллай бошлади. Еган овқати томогига келди-да, куйдириб яна орқага қайтди. «Қандай бало ёф экан!..» Унинг кўзи тиниб, боши айланади. Бир ёқдан иссиқ урса, бир ёқдан меъдаси қайшарди. Ҳали бу ерга чопиб келаётганида капитан каютасининг эшиги очиқ бўлиб, ичкаридан гўшт ҳиди анқиб туарди.

Кочегарнинг миясида турли-туман фикрлар туғила бошлади:

«— Нега у бадмост қовирма ейди?  
— Чунки у капитан-да!  
— Ахир у эшакдан бадтар аҳмоқ-ку!  
— Лекин у сендан кўпроқ ўқиган..  
— Ўқитишганда мен ҳам ўқиган бўлардим.  
— Нима ҳам қила олардинг, отанг бевақт ўлиб кетди, тилингнинг ногиронлигини даволашмади, шунинг учун сен ўқий олмай қолдинг. Қаранг, тасодиф кишиларни қай аҳволга солади-я!»

Кочегар косов ва белкуракни улоқтириб ташлади, темир зинадан тез-тез юқорига чиқа бошлади.

Матрослар трюмда эдилар. Баъзилар мудрар, баъзилар хиргойи қилиб ўтиришарди. Постни ташлаб чиқаётган кочегарни кўриб, улар бирор бахтсиз ҳодиса рўй берган бўлса керак деб ўйлашди. Бироқ у:

— К...қ...қани, т...т...туинглар, е...е...етар ш...ш...шунча ў...ў...ўтирганинглар! К...қ...капитанга б...б...бо-риб, г...г...гўшт т...т...талаб қ...қ...қиламиш. Б...б...бермаса т...т...тортиб оламиш. Ҳа...ҳа...ҳадеб л...л... лўя б...б...би-лан б...б...боқа б...б...берадиган б...б...бўлеа, ишламай-миз!... — деб қичқирди.

Шу вақтгача ҳеч қайсисининг бошига бундай фикр келмаган эди. Бироқ, бу гап ҳозир гўё улар бу ишни ҳар

бир кемада қилиб келгандай денгизчиларга тамомила табиий туюлди.

Улар сигаретларини ташлаб, товонлари билан ма-жақлаб ўчиришди-да, ёш кочегар кетидан кетишиди. Девқомат кочегар ҳамон сўкинарди. Боцман билан ошпаз капитанни худди содиқ итдек ҳимоя қилишлари-ни билиб, баъзилар қуролланиб ҳам олдилар.

Тўлқинлар кемани кўтариб-кўтариб ташлар, иссиқ шамол эса матросларнинг баданини куйдирад эди.

Иш кутилгандан ҳам енгил кўчди. Кайфи учган капитаннинг ўзи аллақачон улар томонга келарди. Қозон олдида ҳеч ким қолмаганидан кема юришдан тўхтаб, шундай бурилдики, натижада тўлқинлар шиддат билан палубани ялаб ўта бошлади. Ажвол хавфли эди, шунинг учун капитан ошпазга дарҳол бир нимта қўй гўштини матросларга пишириб беришини буюорди. Капитанни ҳимоя қилишга ҳозирланган боцман револьверини қинига солиб қўйди. Илгарилари исёнчиларни мачта-ларга қандай осишганини эслаб, оғир хўрсинди.

Капитан кочегарни Порт-Саидда, қолган денгизчи-ларни Истамбулда ишдан бўшатди.

Бироқ улар: «Ҳадеб лўя бериб боқаверишадиган бўлса, ишламаймиз!» дейиниши ва капитанлардан қўй нимтасини тортиб олишни ўргандилар.

## ЧИЛЛИ

Ҳаво иссиқ ва дим. Мен соҳил бўйлаб bemalol кетаётibман. Бир дўстимнинг уйида димиқиб ярим кечагача гап сотиб ўтиргач, очиқ ҳавога чиққан эдим. Измирииниг кундуздагидан ҳам бадтар дим ва нам бўладиган бундай тунларида денгиздан танга ором берувчи шабада эмас, балки сув ўтларининг қўланса ҳиди анқиб туради. Кўча сув қуйгандай. Соҳил бўйлаб тизилган катта-кичик елканли кемалариниг мачталари мирзатеракдек шамолда силкиниб турибди, ўша томондан ўқтин-ўқтии эшитилаётган критлик қайиқчиларнинг грекча гаплари қулоққа чалинади. Сал нарироқда, пристанъ олдиаги майдончада бир неча ҳаммол ҳамда извошчиси ерда ухлаб ётган икки-уч файтондан бўлак ҳеч ким ва ва ҳеч нарса кўринмайди. Ана шу майдоннинг нариги томонидан, деразаларидан кўчага ёруғ нур тушиб турган бинонинг иккинчи қаватидан, бачканга таица музникаси эшитилиб турибди. Мен соҳил бўйлаб қатор тизилган майхоналардан бирининг олдида тўхтадим. Бефойда гапларни гапиришавериб мудроқ босганиданми ёки яхшими, ёмонми барибир бирор нарса кўрмоқчи бўлганимданми, ҳар ҳолда, «бунаقا дим ҳавода муздек бирор нарса ичмаса бўлмайди» деган баҳона билан майхонанинг тошдан қилинган тор зинасидан кўтарила бошладим.

<sup>1</sup> Чилли — сепкилли қиз. (Тарж.)

Столларнинг ҳаммаси банд бўйлмаса ҳам, тўрт-беш жойда одамлар тўдалашиб ўтирас эди. Джазга яқинроқ стол атрофида кийим-бошлари ҳорғин юзларни сингари қат-қат буришгани беш-олтита аёл ўтирибди. Майхонада ҳар хил касбдаги одамлардан топиларди.

Устун орқасидаги қоронироқ бир бурчакда ўтирган йигитча, алдам-қалдамлик билан бир амаллаб беш-үн танга топган бир неча сўққабош идора хизматчилари икки жонга бир шишадан пиво олишиб, танца бошланиши билан аёллар ўтирган столга югуришар, бугун туни билан роса кайф-сафо қиляпмиз, деб қувонишарди. Ўртароқдаги стол атрофида ўтирган тўрт-беш мармарислик денгизчи булут<sup>1</sup> сотиб, йиққан пулларига олган моторлик қайиқда ишлаб топганларини бақбақалоқ грек ва турк аёлларига сарф қилиш билан овора эдилар. Улардан юқорироқда, сочига оқ тушган бир киши майхоначи билан дўст эканлигига суюниб ёнига уч хотинни ўтиргизиб олган ва кам пул харжлаб, кўпроқ роҳат қилишга уринарди. Енглари титилиб кетган смокинч кийиган, кўйлагининг яғири чиқиб, тирноқ ораларига кир ўтирган официант столимга эгилиб нима исташимни сўради. Мен бир кружка пиво буюрдим-да, шу орада бошланган танцани томоша қила бошладим.

Билимдон билан жоҳилни, кибор билан бир бурда нонга муҳтож бўлиб, умрини денгизда ўтказиб, тарбия олишга вақт тополмаганларни, яхши билан ёмонни — хуллас ҳаммасини бир-бирига аралаштириб юборган бу ичкиликбозлик гувоҳи каби эркакларнинг юриш-туришида, юзида, шилқим, руҳдан узоқ шаҳват ифодаси ҳукм сурарди. Хоҳ маст, хоҳ тетик аёлларнинг юзи ва ҳаракати эса «э худойим, қачон тугар экан» демоқчи бўлаётгандай. Улар бугунги туннигина, бундай турмушнингина эмас, балки ҳамма нарсанинг тугашини истаётгандек эди. Уз жазмонларидан кўпроқ пул шилишга кўрсатма олган бу хотинлар истар-истамас жилмаярдилар. Суйкалган хушторларини икки қўллари билан кўкрагидан итар-ганларида, думидан бирор тортуб қолган мушукка ўхшардилар. Кейин жазмонимни хафа қилишиб, қўлдан берриб қўймайин деб, эркалар ва ноз билан ёпиша бошлардилар. Бу ишлар шундай тез, шундай кескин ўзгариб

<sup>1</sup> Бу лут — денгиз жонивори, кирчиқаренич ўринида ишлатилади.

туардики, уларда инсонга хос ҳисларни излаб топиш амримаҳол эди.

Аллақандай ажиг бусса мени чулғаб олди, бошқа томонга ўгирилган эдим, майхона хотинларининг столида ёлғиз ўзи ўтирган ёшгина бир аёлнинг менга тикилиб турганини кўрдим. Қора баҳмал кўйлак кийган, кифти, елкаси, бутун кўкраги очилиб ётган бу сарғиш қизнинг юзи менга таниш кўринди. Бундай жойларда учрайдиган аёллар бир-бирига жуда ҳам ўхшаганилиги учун, «ҳар ҳолда ўт-бўтда кўрган бўлсам керак ёки бошқа одамга ўхшатиپман» деб ортиқча эътибор бермай қўя қолдим. Бироқ, шунча ёшлар танца тушишга интизор бўлиб навбат кутиб турган бир пайтда унинг ёлғиз ўтириши мени таажжублантирди. Ўзи унчалик хунук ҳам эмас эди... Кўзини мендан олмаётганини кўриб, анча ўнгайсизландим. Мен яна қайрилиб танца тушаётгандарга қараган эдим, анордек қип-қизил юзли денгизчининг силлиқ ва қоп-қора соchlари тўзғиб кетган, маст кўзлари чала юмилган, озғин хотин билан жанжаллашиб турганига кўзим тушди. Денгизчининг устара билан қирилган бошининг териси, ҳаттоки, бир учи узун, бир учи калта қирқилган ва тамакидан сарфайиб кетган мўйлови жаҳлдан титради. Официантлардан бири уларни ажратиб қўйишга уринаркан, ёнимга бошқа бир официант яқинлашди. У энгашиб эски қадрдондек ёлғиз ўтирган аёл томон қоши билан имо қилиб, қулоғимга шивирлади:

- Хоним столингизга келиб ўтиришни истаяпти.
- Қўйсанг-чи, биродар, менинг пулдор мижозлардан эмаслигимни ўзинг биласан-ку!
- Йўқ, сизга айтадиган гапи бормиши.
- Шунақами, ҳа майли, кела қолсин!

Официант ўша томонга қараб боши билан аёлни имлади. Мен ҳам юзимга розилик аломати бериб, у томонга қарадим. Аёл ўрнидан турди, унинг қаттиқ маст эканлигини сездим. У столларни, стулларни ва қатор қўйилган устунларни ушлаб гандираклай гандираклай юриб келди-ю, официант суриб қўйиган стулга ўзини ташлади. Бирпас бошини қўйи солиб ўтирди-да, кейин аста кўтариб менга тикди. Мен бу қарашда бадмаст кишининг бир оз бўлса ҳам эс-хушини йиғиб олишга бўлган уринишидан бўлак ҳеч нарса кўрмадим. Аммо, мен унинг юзини, сал жийириқ буринини, шаҳло кўзларини, бурун ва кўз тагини қоплаб олган қизгиш сепкилларини кўриб,

у менга аниқ таниш эканлигини пайқадим. Лекин уни қаерда кўрганлигимни ўйлаб ўтирмадим. У гапирмас, ақли-ҳушини йиғиб олиш учун зўр бериб афтини буриштирарди. Мен бирор нарса дейишга мажбур бўлиб қолдим.

— Нега танца тушмаяпсиз?

У, қўйсанг-чи, дегандек қўлини силтади, сўнгра тўсатдан ўрнидан турмоқчи бўлгандек ҳушини йиғди, мастернига ўхшамаган овоз билан гапирди:

— Мени танимидингизми домла?

Мен жуда ғалати бўлиб кетдим. Баданимни безгакка ўхшаган титроқ босди:

— Сен... Сен... Сенмисан...

— Ҳа, менман! Мен. Ниғор... Ойдинда...

Қўш деразади ёруғ синф. Қувноқ болалар, ўрта қаторнинг энг олдинги партасида ўтирадиган икки ўрим сочли, сепкилли қизча кўз ўнгимда намоён бўлди. Мен уларга немисчадан дарс берардим. Бу шўх қизча эски шаҳарлик темир йўл хизматчисининг қизи эди. Мен ўргатган нотаниш сўзларни ва қоидаларни ҳаммадан олдин ёдлаб олар, жавоб бераётганида эса, «эҳ, шу ҳам гап бўптими! Мен яна аллақаҷича нарсаларни айтиб беришум мумкин!» демоқчи бўлгандек маъноли табассум билан юзимга боқар эди. Танаффусга қўнғироқ чалинчалинмас менинг олдимга югуриб келиб, қўлимдан тортқилар ва юринг, домла, волейбол ўйнаймиз, деб ҳовлига етаклар, ўзи паст бўйли бўлса ҳам, коптокни тўрнинг нариги томонига ўқдек учирар эди. Үн иккиларга кирган бу қизча нақ олов эди. Ҳар бир ҳаракатида ҳаёт жўш уради. Бунга неча йил бўлди экан? Чамалаб кўрсам, ўн тўрт йил бўлган. Лекин мен унинг юзига боқар эканман, кўз ўнгимда зўрға ўзини тутиб ўтирган сарҳуш хотин әмас, балки бутун мактаб, ўқитувчилар, ўртоқлари — ҳаммамиз жон-дилдан севган кичкина «Чили» турагар эди. Гўё у мутлақо ўзгармагандек. Ӯша-ӯша бурун, ӯша кўзлар, ӯша тилла ранг соchlар, ӯша қизғиш сепкиллар.

Дарров мияга кела қолган «Қизим, қандай қилиб бу ерга келиб қолдинг?» деган ўринсиз саволни бермаслик учун ўзимни зўрға ушлаб қолдим. Мен ӯша ёруғ синфа-да кулиб юбормасликка ҳаракат қилган пайтлардаги-дек қошимни чимиришга уриниб, юзига тикилдим ва кутдим. Шу пайт у, мен ўйлаб турган нарсани янада очиқроқ гапириб қолди.

— Домла, ҳеч ўзгармабсиз! Менга худди ўша пайтлардагидек қарайпсиз!

— Сен ҳам ўша-ўшасан, Нигор!

— Йўқ, домла, ўша эмасман.

Шу гапни айтар-айтмас ранги ўзгарди. Мен бизни ўн тўрт йил орқага судрагани яқинлик аста-секин йўқолиб бораётганини сезиб, афсусландим. Нигор очик қўлини столга тираб, бошини бир томонга қийшиятирганича фулдиллади.

— Бошингизни қотириб ўтирумайман, домла, сизни бир кўришдаёқ танидим. Сизга айтадиган бир дардим бўлмаганда, ўзимни танитиб ҳам ўтирумасдим. Чунки сиз қанчалик тикилиб қараманг, Чиллини танимадингиз.

У бошини кўтарди, кўкси билан столга ястанди ва томдан тараشا тушгандай:

— Битта болам бор, шуни деб сизнинг олдингизга келдим! — деди.

Мен у нима демоқчи бўлганини яхши тушунмаган бўлсан ҳам, ҳамма нарсани фаҳмлагандек кулимсираб қўйдим-да, давом этавер, дегандек бошимни силкитдим.

«Эшитинг, мен сизга гапириб берай...» деб, Чилли яримта-юримта жумлалар билан худди бошқа одам ҳақида гапириб бераётгандек бепарволик билан қўйидагиларни айтиб берди:

У ўн беш ёшида ўрта мактабни битириши билан отаси станция бошлиғининг ўринбосарига — қирқ беш яшар кишига эрга берибди.

— «Нима қиласай, мен у билан яшашга мажбур эдим. Шу вақтгача яшадим ҳам. Аммо у эллик ёшдан ошгач, ичкиликка берилиб кетди. Бошқа хотинларнинг ҳам эри ичади-ку, дейнингиз мумкин. Лекин уларнинг болачаси бор. Бола уларга овунчоқ. Эримнинг эса... мижози суст эди. Бунинг устига рашкини айтмайсизми? Синфимиизда булданлик Камол деган бола бор эди, ўша зақтда у медицина факультетида ўқирди. Ҳозир врач. Қадди-қомати келишган йигит бўлса ҳам, нақ эшакнинг ўзи. Мактабда ўқиб юрганимизда мени велосипедига миндириб, айлантириб юради. Ўша кезлари у таътилга чиқиб, Ойдинга келган экан, боғда кўриб қолдим. Бирга ўқиб юрган чоғларимизни эсладим. Мен уни уйга таклиф этиб, қаерда туришимни тушутириб бердим. Бу гапни чолга етказишибди. Майхонада экан,

таъзиrimни бергани уйга келибди. Мен унинг бунчалик вақтли келганини кўриб, шошиб қолдим. У мени оғиз очгани қўймай, «Боғларда йигитлар билан гаплашибсан! Бу ерда менинг обрўйим бор, ифлос!» дея мушт кўтарди. Менинг ҳам сабр косам тўлган эди. «Сенинг ниманги борлигини билмайман-у, лекин ниманги йўқлигини яхши биламан. Етар шунча чидаб келганим!»— деб юборибман. «Ҳали сен гап қайтарадиган бўлиб қолдингми!»— дея чол эшик орқасидаги соябонни ола бошим, юзим аралаш ура кетди. Шу орада Камол кириб қолса бўладими! Жанжални кўриб кетмоқчи бўлди. Мен унинг орқасидан чақирдим. Қаердан билай, мен ҳам нодонлик қилиб: «Камол, кетма. Мен сени деб шу жанжалга қолдим», деб юборибман. Чол шу гапга ёпишиб олди. Мени Ойдин аҳолиси ўртасида шарманда қилди. Камол билан орамизда ҳеч нима йўқлигига ҳеч кимни ишонтира олмадим. Мен қандай жинни қиз эканлигимни ўзингиз билардингиз-ку, домла. Ўша киши билан қандай қилиб етти йил бирга яшаганимга ўзим ҳам ҳайрон қоламан. Аҳмоқлик қилдим дедим-ку. Бу ҳам аҳмоқликдан. Миямга қон урди, эшикни қарс этиб ёпиб, чиқиб кетдим. Аммо ташқарида на Камол, на бошқа кимса бор эди. Мен орқасидан чақирганимда у қочиб қолган экан. Кечқурун Булданга жўнаб қолибди. Шу аҳволда отамни олдига ҳам боролмасдим. Чунки гап-сўздан жуда безган эдим. Шу жонга теккан гапларни у ерда ҳам эшитишга тоқат йўқ эди. Ўша кечаси бир дугонамнида тунаб қолдим. Эртасига уйдан нарсаларимни олдириб келдим, билагузукларимни сотиб, Измирга жўнадим. У ерда тўрт-беш кун тургач, бу ёқقا келдим. Мана орадан уч йил ўтди. Ўша пайтларда олти ой ишладим. Қейин ҳамма нарсага бўйин эгдим. Нима қилибди? Дунёга бир марта келади-да киши! Ўйда ҳам куннинг ўтади, майхонада ҳам. Бир куни Камол бир гала ўртоқлари билан майхонага келиб қолди. Мени кўра солиб, столимга югуриб келди, йиғлаб-сиқтаб қилган ишига минг пушаймони еди. «Оҳ, сен мени деб бундай жойларда юрибсан. Бунинг учун мен айбдорман, менинг гуноҳим чексиз!» деб мастилик билан кўп гапларни айтди. Қишининг бундай гапларга ишонгиси келади. «Мен сени бу ерда қолдириб кетолмайман, қани, юр, бирга яшаймиз. Сени тўй қилиб оламан!» деган гапини эшитиб лақقا ишондим. Майхоначидан оладиган пулим бор эди, ундан ҳам воз кечдим.

Менга индамай жавоб беришди. Биз Истамбулга жўнадик. У ерда беш-олти ой бирга яшадик. У «Отам розилик берса, никоҳ ўқитаман!» деб юрди. У хоҳ никоҳ ўқитсин, хоҳ ўқитмасин — никоҳ менга барибир бўлиб қолган эди. Лекин бир куни ҳомиладор бўлиб қолганлигимни сездим. «Никоҳимда йўқсан, боланг керакмас!» деди у. «Нега энди?» — деган эдим, «Мумкин эмас! Тўйдан илгари бола бўлишинн истамайман!» деб жавоб қайтарди. Бундай қараб кўрсам, у никоҳ ўқитмаганлигидан эмас, балки, бола бўлса, оёқ-кўли боғланиб қолишидан қўрқаётган экан. Нияти шу бўла туриб, менга ор-номусдан гапирганига ундан кўнглим жудаям совиб кетди. Ўзларидан бошқаларни аҳмоқ деб ўйладилар, одамга алам қиласиган жойи ҳам шу. «Яхши, сен ташвишланмай қўя қол! Мен Измирга бориб, таниш докторга текинга, гап-сўзсиз болани олдираман!» дедим-да, кемага ўтириб бу ерга келдим. Дарров майхонага жойлашдим. Ҳадемай беш-ён куруш ишлаб олдим. Шу орада саккиз ойли бўлиб қолган чақалоқ туғилди. Кўрсангиз, бирам ширин-шакарки домла. Бир хотинни топғанман, ўзи эмизади, ўзи қарайди. Биз бу ерда ҳамма вақт кайфдамиз. Маст онанинг сутини болага бериб бўлмас экан. У гўдакни ўз боласидек тарбия қилмайди-ю, бошқа илож йўқда! Камол менинг қаерда туришимни билмайди. Бўнинг устига ўқишини ташлаб келолмайди ҳам, келиш нияти борлиги ҳам гумон.

Нима демоқчи эдим? Ҳа, бола ҳалитдан меҳмонхоналарда хор бўлиб юрибди. Сизни кўриб бошимга бир фикр, келди. Анқарада таниш-билишингиз кўп. Ўша ерда болалар уйи бор экан. Боламни ўша ерга жойлаштириб қўёлмайсизми? Икки ёшга тўлган куни қайтиб оламан. Ундан ошиққа зўрласалар ҳам қолдирмайман. Лекин сал улғайсин!

— Кўёлимдан келганича ёрдам бераман, қизим! — дедим.— Лекин нима учун отасига айтмайсан?

Эҳтимол, гапириб берган ҳикоясининг таъсири остида кайфи сал тарқалдими, ҳарқалай Чилли кўзларини жаҳл билан менга қадади:

— Нега энди? Ўз фарзандини хоҳламаган кишига нега айтар эканман? Уни мен туғдим, уни мен тарбиялаб катта қиласан. У аҳмоққа ўғли борлигини сездирмайман ҳам,

У чарчагай кўришар, аммо, кўзларнида ўз фарзанде ҳақида гапираётган оналарникідек бир ўт ёниб турарди.

— Шу ишни тўгрилаб берасиз-я, домла. Сиз мени жуда яхши кўрардингиз. Хўп, сизни безовта қизмай!

У ўрнидан турди, қўли билан столга суюниб, нақ юзимга эгилди ва пичирлади:

— Кўрасиз, домла. Емасам ҳам, ичмасам ҳам ўглимни одам қиласман. Кейин ўғлим билан кўчада кетаётганимда отасини учратиб қоламан. Шунда ўглимга, «Сен кетавер!» дейман-да, отасининг ёқасидан ушлаб: «Мана, кўр, пасткаш, сен дунёга келмай йўқ бўлиб кетди, деб юрган ўғлининг арслондек йигит бўлди. Лекин у сени танимайди, ота ҳам демайди!»— дейман.

Чилли орқасига қайрилди, яна кайф олган кишидек стол ва уступларни ушлаб, гандираклаганича столига бориб ўтирди.

## БУИРАК

Нигдалик кекса паспортчи Авни Оқбулут қўлида озиқ-овқат солинган сават, орқасида ҳаммол билан Сир-качидағи «Гўзал Навшаҳар» мәҳмонхонасининг торгина эшигидан ичкари кирди. Тор жойда томоша, дегандек кичкинагина жойга тиқиб қўйилган мармар тахта столлар атрофида боққолсифат бир неча одам чой ичини ўтиради. Авни Оқбулут олди тўсиб қўйилган бурчакка ўтиб секингина «Котиб қаерда?» деб сўради. Бир одам зўрга сиғадиган ойнаванд каталакда тиқилиб ўтирган кўзойнакли ўрта яшар бир киши яланг бошини қалин дафтардан кўтариб: «Хизмат, хуш келибсиз» деди. Шу ерда турган курсига мажолсиз чўккан Авни Оқбулут пешонасидан дув-дув қўйилаётган терни артиш билан овора эди. Қулфи бузилиб, устидаги қайнishi узилиб кетганлиги учун йўғон арқон билан чандиб ташланган чамадонни елкасидан олиб қўйишга уннаётган ҳаммол ҳам терга ботган эди. Мәҳмоннинг аҳволи оғир эказлигини кўргани котиб қизиқсанди:

- Худо шифо берсин, тобингиз йўқми?
- Ҳа, мазам йўқ... Йўл ҳам аинчагина... Истамбулнинг ҳарорати ҳам жуда баланд экан...
- Котиб ўйланқираб турди, ҳансираф нафас олаётган кишига разм солиб чиққач:
- Сизни бир ўринлик хонага ётқизиш керак эди, лекин ҳаммаси ҳам банд. Ҳа, айтгандай, ўн иккинчи уйда битта бўш жой бор, шеригингиз жуда бамаъни, мусул-

мон одам. Эрталаб кетиб, кечаси келади. Сиз унинг келиб кетганини ҳам сезмайсиз. Албатта, жой ҳақи ҳам камроқ,— деди.

Касал ҳолича икки кун йўл юрганлиги учун ҳозир фикри-зикри оёқ узатиб дам олиш билан банд бўлган Авни «Қандай бўлса ҳам майли, сен менга уйни кўрсат!» деди, ҳаммол билан ҳисоблашиб, паспортини топширгач, котибга эргашиб зинадан чиқа бошлади. Бахтига хона биринчи қаватда экан. Қора пешбанд тутган, оёғига товони йиртилган қора пайпоқ билан шиппак кийиб олган бир аёл пол супураётган экан. Котибнинг имоси билан у қўлларини пешбандига артиб, ўн иккинчи уйни очди, кўрпанинг бир учини кўтариб кўриб: «Ҳали тоза экан, марҳамат қилинг!» деди. Орқада чамадонни кўтариб кирган бола мармар тахта стол устидаги сув идишини олиб, сувини янгилади, шундан кейин учови ҳам «Хуш келибсиз, bemalol дам олинг» деб уйдан чиқиб кетишиди.

Авни Оқбулут устидаги кийими билан ўзини ўринга ташлади-ю, уйқуга кетди. У ниманидир тинимсиз тиқирилашидан уйғониб кетди. Аввало кўзи шипдаги пашшалар ифлос қилиб ташлаган, хира нур сочиб турган лампочкага тушди. «Кеч кириб қопти-да» деб бошини ўн томонга ўғирган эди, кавушини ечиб, каравотга ўрмалаб чиқаётган эллик ёшлардаги калта ва пўпак соқол, кўриниши анатолияликка ўхшаб келган кишига кўзи тушди. Авни ётган жойида қимирлаб қўйди. У одам Авнининг уйғонганлигини сезиб:

— Бу ерлика ўхшамайсиз-а? Хуш келибсиз,— деди соқолини силаб.

— Хуш кўрдик, Нигдаданман.

— Ия, шундай денг! Мен ҳам Бордан бўламан.

— Жуда соз, ўзлари ким бўладилар?

Улар бирпасда танишиб олишиди. Пўпак соқолли киши Нигдага тез-тез бориб туришини, у ерда кўпгина ошна-оғайнилари борлигини гапириб берди. Ҳаттоқи у қизини нигдалик бир одамга узатганлигини ҳикоя қиларкан, «никоҳ ўқитиш учун ҳужжат олаётганимда сизни кўрган бўлишим керак, ҳар ҳолда кўзимга иссиқ кўриняпсиз», деб Авнини кўрган чиқиб қолди. У пойафзал билан чайқовчилик қилас, юртидан бу ерга олма қоқи, лўя, пўхат олиб келар, у ёққа қоп, тери, мих, нағал олиб кетар экан. Худонинг марҳамати билан ишлари яхши кетаётган эмиш, аммо, яқинда қариндошларидан беш-олтитаси

касал бўлиб, Истамбулга келишибди. Уларни доктормадоктор олиб юриб, ўзининг ишлари ўлда-жўлда қолибкетибди. Бир одамдан пулининундириш учун овора экан.

Улар докторнинг яхшисини, ҳалол сут эмганини роса қидиришибди, бунинг учун талай пул сарфлашибди. Худо кўрсатмасин-у, лекин бирор муттаҳамнинг қўлига тушиб қолинса, киши ҳам молидан, ҳам жонидан ажраши мумкин эмиш.

Гап айланиб келиб хасталик ва доктор устида тўхтани билан Авни Оқбулутнинг ҳасратидан чанг чиқди. У ҳам дардига даво излаб Истамбулга келганини, бундан уч йил олдин мубтало бўлган буйрак касалидан қутулиш учун не-не дори-дармон қилмаганлигини оқизмай-томизмай гапириб берди. У бундан бир йил бурун Кайсеридаги касалхонага бориб, рентгенга тушган экан, доктор буйракдаги тошни олиш керак, жуда катта бўлиб кетибди, дори билан тушириб бўладиганга ўхшамайди, дебди. Авни ҳам бола-чақаси билан видолашиб, операцияга ётибди. Операциядан кейин беш-олти ой тинч юрибди, бироқ, бу гал-иккинчи буйраги оғрий бошлабди. Яна қайтадан рентгенга тушган экан, ўнг буйрагида ҳам иккита тош борлигини аниқлашибди. У Кайсеридаги докторларга ишонмай, Истамбулга келибди.

— Қаранг, қандай одамлар булар?! Кайсеридаги доктор тузуккина одам эди, лекин ишни пухта қилганида иккинчи буйрак соғ қолган бўларди. Демак, у касалликнинг сабабини аниқлай ололмабди. У менга парҳез қилдеди. Нима, мен емай-ичмай юриб қорин ёрдирамидим? Оғзингга гўшт олмайсан, деди. Гўштсиз овқатда маза бўладими? Хулласи калом, ўша доктор бу ергаги устозинга мақтуб ёзиб берди, ўшанга бориб кўрсат, лозим бўлса, у сени операция қиласи, касалингни таги-томири билан йўқотади, деди. Биз ҳам уйдан ризқимизни узиб бу ерга келдик. Нима қиласан, жон ширин экан. Мен бормоқчи бўлган доктор ҳам профессор экан.

«Буларнинг ҳаммасини мен биламан» демоқчи бўландек боятдан бери суҳбатдошининг сўзларини мийигина кулиб эшишиб ўтирган пўпак соқолли киши профессор ҳеган сўзни эшитиши биланоқ, ғазаби келгандек қошини чимириди...

— Оти нима экан ўша профессорни? — деб сўради у қўрслик билан.

— Касалхона хўжайини Усмонбей.

Пўпак соқол қўрқинчли бир һарса юз бергандек кўзларини катта-катта очиб санчиб ўридан турди.

— Азиз жонингга раҳмнинг келмайдими? — деб бақира бошлади у. — Ўша қассобнинг отини сенга ким айтди? Ҳар ҳолда бу гап дўстингдан чиқмаган. Иккинчи марта менинг олдимда унинг отини оғзингга ола кўрма. Отини эшитсан, ичим ўртаниб кетади. Ҳали бир ярим ой ҳам бўлгани йўқ, у менинг девдек укамни нобуд қилди. Пичоғи остида ётган одамнинг соғ қолганини бирсв кўфибди-ми? Бунинг устига ўтакетган муттаҳам. Минг лирани нақд санаб олмагунча қўлига асбобини ҳам олмайди.

Авни унинг гапини бўлган бўлди:

— Бизда ундаи пул нима қиласди, давлат касалхонасига бораман, бу профессорнинг асосий ишхонаси ўша ер экан.

У жоҳил ва тажрибасиз фарзандни хатарли йўлдан қайтармоқчи бўлган куюнчак отадек сал ташвишланган-намо ҳамда ҳукмини ўтказувчи қиёфада Авнининг ёнига ўтиреди.

— Буниси ундан ҳам бадтар. Кишининг саломатлиги сен айтган ўша касалхона деган жойда нобуд бўлади. Сенинг доктор ҳалқидан бехабар эканлигинг кўриниб турибди... Азиз биродарим, унақа жойларда bemорга қарашмайди, ёш докторларга дарс беришади. Уларнинг қўлига тушган одам камдан-кам соғ чиқади. Тажрибалар ўтказиш учун уларга одам керак... Кимнинг бўлмаси қорнини бир марта ёришдими — бас, у шўрлик хароб бўлади... Унинг касал жойини ҳам, соғ жойини ҳам кесиша-веради... У ерда одат шу... Ёш докторлар қоринни-ёриб кўришади, оғриқ жой билан соғ жойини бир-биридан қандай ажратиш кераклигини ўрганишади. Ўша сен айтган профессор bemорга қўл ҳам текизмайди, ари уя-сидек атрофида ғивирлаб юрадиган йигит-қизларга «бу ерни кес, бу ерни кес!» деб кўрсатиб турари, у зумрашалар ҳам асло пичоқдан тап тортишмайди. Парвардигори олам ўз паноҳида асрасин! Хат ёзиб берган докторинг сенга дўст эмасми, дейман. Хўш, у-ку бегона киши, ахир ўзинг азиз жонингга ачинмайсанми?

Авни Оқбулут тили танглайига ёпишиб қолгандек унинг юзига бақрайиб қараб қолди. Бир неча марта ютинди, лекин мудҳиш бир қўрқув — бегона ерларда зумрашаларнинг қўлига тушиб, қийма-яйма бўлиш ваҳимасидан аъзойи баданини тер босиб, қалтироқ турди. То-

моғига бир нарса тиқилиб қолғандай овози чиқмасди. Пўпак соқолли ҳамхонаси унинг елкасига қўл ташлаб:

— Хафа бўлма биродар,— деди.— Аммо хафа бўлма дейнишлик ҳам нотўғри нарса, зотан буни жон савдоси дейдилар. Лекин ҳамма нарсанинг иложини топса бўлади. Докторларнинг ичидә ҳам ҳалол сут эмгани топилади, албаатла... Биз роса юрдик, қидирдик, кўп пул сарфладик, лекин мана шу докторларнинг яхши-ёмонини ажратадиган бўлиб қолдик, дедим-ку сенга.

Ўзини бир оз босиб олишга ҳаракат қилган Авни шошилинч ёрдамга муҳтоҷ одамдек икки қўлини баравар чўзиб ёлворди:

— Тасаддуғинг бўлай, ҳамияти таниш докторинг борми? Шу буйрак касалини тушунадиган бирор доктор бўлса...

Пўпак соқол марҳамат қилаётгандек жилмайди ва бошини қишлоғлатиб жавоб берди:

— Хафа бўлма дедим-ку! Мусулмон одамнинг мусулмонга ёрдам бериши керак, бу ҳам фарз, ҳам қарз. Сен шу касалингга даво излаб Истамбулга келибсан, сени шу аҳволда ёлғиз ташлаб қўйиш ҳамشاҳарга муносиб ишми? Гапимга қулоқ сол: мен шундай азим шаҳарда атиги битта дурустроқ доктор учратдим, у ҳам бўлса касалхона бошлиғи Ирфонбей. Пичоги теккан жойда касалдан асар қолмайди. Жуда қўли енгил. Тўрт жойидан операция қилинган одамлар ҳам бир ҳафта ўтар-ўтмас Ҳайдарпоша поездига яёв юриб чиқади. Ўзиям буйрак, жигар, юракни операция қилишга жуда уста бўлиб кетган, ҳаттоқи, Европада ҳам унинг олдига тушадигани йўқ дейишади. Ўзининг ҳам шундай қабулхонаси борки, у ердаги асбобларни Истамбулдаги бошқа касалхоналарда кўрмайсиз, ҳаммасини Германиядан олдиртирган. Не-не рентгенлар, не-не ойналар, не-не кумуш қайчилар, пичноқлар, шундаям сутдек оппоқ операция, столлари борки, буларни айтиб тугатиб бўлмайди, биродар... Касалхонаси денгиз бўйида, сultonлар саройининг ёнига жойлашган. Ётган жойингдан қарасанг, сultonлар саройининг етти деразасини кўрасан, пастда, портга кирган ҳар бир ажнабий кема кўриниб туради. Буларни таърифлаган билан адоқ бўлмайди, дедим-ку сенга.

Бу сўзларни дастлаб жон қулоги билан тинглаб ўтирган Авни Оқбулут кейинчалик ўксигандек бошини чай-

қай бошлади, суҳбатдоши буни сезиб ганини тамом қитган ҳам эдикки, у умидсизланиб мингиллади:

— Бунаقا жойларнинг пули ҳам ўзига яраша бўла-ди-да. Шунинг учун бундай олийшон жойлар бизларга тўғри келмайди.

Қасалхона билан унинг бошлигини ортиқча мақтаб юборганини сезган унинг суҳбатдоши ўнта юқори тиши тушган оғзига томон осилиб тушган оқ оралаган мўйло-вини бураб қўйди, кул ранг кўзларини бир зум қисиб ўй-лаб олгач, яна гап бошлади:

— Ундоқ эмас, биродар. Сенга айтган одамим ҳалол сут эмганлардан! Ундаги одамгарчилик ҳеч кимда ҳам йўқ. Қарайди, агар пулинг етмаса, операциясиз ҳам соғайтириб юборади. Ўзи ҳам шундай ширин сўэки, кишининг дардини тили билан тузатиб юборади, десам лоғ қилмаган бўламан...

Авни шубҳаланиб бош чайқади:

— Менинг дардим операциясиз, ширин тил билан ту-заладиган касаллардан эмас, бўтта буйракда иккита тош бор, булар пичоқсиз йўқоларниди?

Пўпак соқол бу сўзни эшитиб кулди:

— Албатта йўқолади. Дори билан эритилгандан кейин ўзи тушиб кетади. Бу докторнинг шундай дори-дар-монлари борки, уларни Истамбулнинг биронта касалхонасида топиб бўлмайди, улар махсус Германиядан келтирилган!

Авни иккиланиб қолган эди, унинг суҳбатдоши докторларнинг виждонсизлигидан, уларнинг орасида фақат Ирфонгина олтин садам эканлигидан гапирав экан, «Худо гуноҳкор бандаларини жазолаш учун докторларни юборган, лекин парвардигори олам бегуноҳ бандаларини ҳам эсидан чиқармаган!» деб қўшиб қўйди. «Азиз жонингга раҳм қилмайсанми?» деб қайта-қайта такрорлади. У эртага иш-кучини йиғишириб, «ҳалол сут эмган» одамининг олдига ўзи олиб боришга рози ҳам бўлди. Кундузи ухлаган бўлишига қарамай, ҳордиги чиқмаган ва бу ташвиши тўла мулоқатдан батамом эсанкираб қолган бемор «қайси бирни яхши бўлса, ўшанисига бора қолайлик» деб ўрнига чўзилди, эрталабгача оҳ-воҳлаб, оғриқ ва бирда-нига бикинида турган қаттиқ санчиқдан туриб ётиб тонг оттириди.

Улар нопуштадан кейин биргалашиб уйдан чиқишди ва доктор Ирфоннинг қабулхонасига жўнашди. Ирфон-

бей ҳеч қаерда расмий ишламагани учун тушдан олдин ҳам қабулхонасида бўлар экан. Пўпак соқолли хайр-саҳоват ҳомийси Авнидан сўради:

— Ёнингда қанча пулинг бор? Кўрпага қараб оёқ узат, деган мақол бор. Пулга қараб даво, дори-дармон биурамиз, хаёлпарастлик қилиб ўтиришнинг фойдаси йўқ.

Авни Оқбулут бир томондан, «касаллик билан давонинг хаёлпарастлиги нима экан, ажабо» деб кўнглидан ўтказди, иккинчи томондан ёнидаги пулини ҳисоблаб кўрди. У жудаям қоқ-қуруқ эмас эди. Ишдан бўшаганидан кейин боғи ва олмазоридан олган даромади билан гулдек яшаётган, оила қурган икки ўғлининг ёрдами билан кенжা ўғли Сулаймонни ва яккаю-ягона қизи Фаридани ўрта мактабда ўқитаётган эди. Авни касалига даво излаб Нигда ва Қайсерига борган, у ерда жами юз лирага яқин пул сарфлаган эди. Бироқ, у касалдан тамоман аришга бел боғлаб Истамбул томон йўлга чиқаётганида йўл харажатига айирган пулидан ташқари олти юз лирани эҳтиёт қилиб ажратиб қўйган эди.

— Ёнимда юз эллик лира бор, йўл пули билан ётоқ ҳаки ҳам шунинг ичиди,— деди Авни ҳомийсига.

Пўпак соқол кета туриб кўчанинг ўртасида таққа тўхтади:

— Ия, ҳазиллашяпсанми? Бу пулингга Истамбулда ярангга дори ҳам сепиб қўйишмайди. Биз олдига бораётган доктор қанчалик меъдаси тўқ бўлмасин, у ҳам пулга ишлайди, ахир бола-чақасини шу билан боқади-да! Ахир келиб турмаса, ўзидан-ўзи ҳамёндан пул чиқавермайди-ку! Ша рентген асбоби одамнинг ичик-чавофини кўрсатиши учун қанча электр нури кетишини биласанми? Бунинг устига плёнкасини топиш ҳам амримаҳол. Раҳматли укам учун озмунча қидирмадим. Тағин буни чайқовчилардан бирини ўнга сотиб олишга тўғри келади. Яхшиси, бу ишдан воз кечиб қўя қолайлик, йўлга ҷажратган пулингни еб қўймасдан, Нигдангга етиб ола қол!

Авни ҳазил-ҳузил қилиб бўлмаслигини тушунди:

— Жуда ҳам ундоқ эмас, биродар,— деди.— Танишибилишлардан яна беш-ўн куруш топармиз. Нима бўлса ҳам шу дарддан бир амаллаб қутулиб олайлик-чи...

Доктор уларни кўп кутдириб қўймади. Чиндан ҳам қабулхонаси ялтироқ асбоблар билан тўла экан. Авни анча кўнигиб қолган бўлишига қарамай, ҳали ҳам димо-

ғига урса кўнглини беҳузур қиласидиган дори ҳидини сезди-ю, пичоқ остида ётгандай бадани жимирлашиб кетди. «Яна шу лаънатиларнинг қўлига тушдим» дея ич-ичидан куюнди, энди у ҳеч нимага қодир эмаслигини, улар нима дейишса, шуни қилишга мажбур эканлигини англади.

Оқ сурп қопланган тахта каравотда ётган Авни тепасида қорнини кажава қилиб турган пакана, семиз, бадбашара одамга тикилди. Унинг тарс ёрилиб кетгудек пўрсилдоқ, қип-қизил ва шиш башараси ёғ сургандек ялтирас, ўзи эса юраги сиқилаётган кишидек бетоқат кўринарди. У беморнинг қорни, кўкраги, ўпкаси, оғзи-бурнини текшириб, Кайсерида олинган рентген суратларига кўз югутириб чиққач:

— Сизни клиникага ётқизиб текшираман, даркор бўлса операция қнламиз. Симптонларига қараганда буйракда тош бўлиши керак. Сиз кучли парҳез билан ўткир дори-дармонга муҳтоҗсиз,— деди.

Авнининг пўпак соқолли элати «ижозат этсалар» деб докторни бир чеккага бошлади ва Авни ҳам эшита оладиган қилиб, унга бемор бунча кўп харажатга қодир эмаслигини айтди, касалини яхшироқ текшириб, Германиядан олиб келинган дори-дармон билан даволашни илтимос қилди.

«Билмадим, бундан бир нарса чиқармикин. Кайсерида менга бу тошларни операция қилиб олмаса, ўзи тушмайди, дейишган эди», деб Авни гапга аралашган эди, доктор қўлини қаттиқ силтаб уни тўхтатди:

— «Тушмайдиси нимаси? Бу тошнинг жинсига боғлиқ. Тошнинг дорида эрийдигани ҳам бор, эримайдигани ҳам. Буни олдин яхшилаб тушуниб олмоқ, организм хусусиятларини ҳар нуқтаи назардан синчилаб текшиromoқ, шунга қараб даво белгиламоқ лозим. Операция бу энг охирги чора. Қорни оғриган ҳар кимни операция қиласвериш керак деган докторларга кўп ишонаверма. Бутун тиббиётнинг асоси кимёдир. Жарроҳлик аста-секин йўқолиб боради».

Бу илмий мулоҳазаларнинг унча фарқига бормай, докторнинг бетида ҳукм сурган ҳалиги бетоқатлик аломати тобора кучайиб бораётганилигини кўрган Авни «Сиз нимани раво кўрсангиз, шуни қнламиз, доктор!» деб розилик берди.

Шундан кейин расо йигирма кун давом этган текшириш ҳамда даволаниш пайтларида Авнининг ҳамشاҳари

уни ёлгизлатиб қўймади. Қўлидан келган ёрдамини, яхшиликни аямади. Баъзи пайтларда ўзининг ишлари қолиб кетаётганинги айтиб қолса, Авни «Сиз энди ортиқ заҳмат чекманг, ўзим бориб келавераман» деса ҳам, асло унамас, яна биргалашиб бозорма-бозор рентген плёнкаси қидиришар, плёнка топилган тақдирда пулини ўзи тўлар, Авнининг организмини яхшилаб текшириши лозим бўлган бактереология, терапия, меъда касалликлари мутухассислари, нерв, юрак, кўз қулоқ касалликлари мутахассислари олдига қайта-қайта киришгандা улар билан ўзи гаплашар, қон ҳамда сийдик анализи натижаларини олиш учун турли лабораторияларга кириб чиқар, улар ёзиб берган қоғозларни ўқиб, ўзининг тажрибаси асосида буларни тушунириб берар, ниҳоят, доктор Ирфон тавсия қилган ва бозорда топилмайдиган шифобахш герман дорилари сотиладиган жойларни қидириб топар, қимматроқ бўлса ҳам қўлга киритишга ҳаракат қилиларди.

Авни Оқбулут уч ҳафтага яқин докторма-доктор қатнаб, қабулларга, текширишларга, плёнка ва дорига тўрт юз лирадан кўпроқ пул сарф қилгач, унинг нажоткори ўртадан гойиб бўлди. Авни уни меҳмонхона котибидан сўраган эди, «паспортини олиб кетди» деган қисقا жавобни олди. У яна ўн лирага яқин пулни бош-кўзидан садақа қилиб, доктор Ирфоннинг ҳузурига бўрган эди, доктор юзидаги яна ўша бетоқатлик ифодаси билан унга дори-дармоннинг кетини узмасликни ва бир неча ойдан кейин киришни буюрди.

Хийла тузоғига илинганинги пайқай бошлаган Авни зўрға ўрнига келиб ётди ва ўйга толди: «Эй худонинг овсар бандаси, сени нима жин урди? Ӯшанинг оппоқ соқолига ишондингми ёки ширин тилига учдингми? Сен шунаقا лақмамидинг? Бу лаънати дард кўз очиргани қўймайди, шекилли. Оғриқ шу зайлда давом этаверса, олдимдан аэроил чиқса ҳам нажодкор ёки фаришта деб этагига ёпишишим турган гап. Дориларнинг ҳам фойдаси бўлмади! Инсонпарварлигиндан ўргилай доктор, бирор марта ҳам кулиб қарамабди-я! Танимаган одамингга бориб нима ҳам қилардинг? Нигда доктори ёзиб берган мактубни қаерга қўйган эканман? Катта профессорни ташлаб муттаҳам ўғриларнинг қўлига тушиб, пати юлингандан товуқдек топ-тоза бўлдинг, Авни Оқбулут, сенинг қилган ишингни ёши бола ҳам қилмайди».

У инқаллаб-синқиллаб ўрнидан турди, пастга тушнади чамадонини титкилай кетди, иккى буқланған хатни топниб, үйнегига солди. Сўнгра курсига амонатгина ўтириб, мармар таҳтача устидаги пулни санаб чиқди. У жої ҳақини ҳафтасига тўлаб, ўзига парҳез овқат пишириб берәтган семиз хизматчи хотинга харажат пулларини ҳар куни бериб турган эди. Ҳозир ёнида йўл пули билан жами бир юз йигирма беш лира қолибди. Буйракдаги иккита тош билан лақиллаб Нигдага қайтиб кетсими ёки шу профессорнинг ҳам олдидан ўтиб кўрсанми? Эпди у борлик элатининг касалхона ҳақидаги гапларига ишонмас, «давлат касалхонасида одамларни ёш болаларга ишониб қўйишармиди? Шу ерда ҳам лоф қилди, ҳароми!» деб ўзига далда берарди.

Тонг отиши билан у касалхонага йўл олди. Қўлидаги мактубни дастлаб қоровулга, кейин устидаги оқ халатига қараб доктор ёки ходима эканлигини билиб бўлмайдиган бирталай одамларга кўрсатди. Ниҳоят, таносил касалликлари клиникаси олдида навбат кутиб турган одамларга қўшилди. Клиниканинг олди шаҳар, қишлоқдаи келган эркак ва аёллар, ёшлар, қўлида бир парча қоғоз кўтариб турган калта ва тор пижамалии беморлар, коридорнинг у бошидан бу бошига югуриб-елиб юрган ёш-яланглар билан тўла эди. Авни бир чеккада туриб пешингача кутди. У мактубни докторнинг қўлига бермоқчи бўлганлиги учун хонанинг бўшашини кутишга аҳд қилган эди. У эшик олдидаги одамларни галмагали ичкарига қўйиб турган ходиманинг олдига келиб, бир неча марта «Докторнинг олдида одам кўпми?» деб сўради, хотин жавоб ўрнига «номер олдингми?» деган эди, у қўлидаги хатни кўрсатиб, «ўзида ишим бор» деди. Авни Оқбулут бутун умидини тиккан бу мактубга аёлнинг қарагиси ҳам келмай, уни нари итарди: «Ўндан бўлса, чиқишини кутиб тур. Хатни ўзинг берасан!»

Оқ халат кийған асистент ва баъзи докторлар ташқари чиқиб, ўзларига қарашли одамларни ичкари олиб кириб кетишаётганини кўрган Авни эпчиллик билан бир кишининг орқасидан кириб кетди. Ичкарида у ўн беш йигирмага яқин йигит билан иккита қизни кўрди. Қўзойнак тақиб олган, паст бўйли бу қизлар хонанинг ўртасида касал кўраётгани кичкина, озғин, юзини ажин босган, соқол-мўйловига оқ оралаган бир кишини ўраб олиб, оғзиға тикилиб туришар, йигитлар эса ўзаро гаплашиб

хохолашаётган эди. Профессор эканлиги кўриниб турған бу озгин одам ялтироқ кўзойнак остида ўйқ бўлиб кетган кўзларини ёшларга тикиб гапираётган эди: «Қаранг, хонимлар. Малол келмаса, сизлар ҳам яқинроқ келинг, афандилар. Мана шу bemор аёл бундан бир оз илгарироқ, яъни тўлғоқ тутган пайтда... Нима дейсиз афандим? Бола туғилишидан олдин бошланганмиди? Ҳа, афандим, таваллуд яқинлашиб қолган бир пайтда анча оғир эклампсияга, яъни тўсқинлик касалига мубтало бўлган. Ана шу касалликнинг буйракдаги натижаси шу бўлади... Яъни буйрак етишмовчилиги... Ҳа, шундай афандим. Орадан шунча вақт ўтиб кетгандан кейин... Нима дейсиз афандим? Уч ҳафтами? Ҳа, орадан уч ҳафта ўтгач қаттиқ уремя касаллигига ўтади, бу нарса тиб адабиётида камдан-кам учрайди. Кўпинча натижаси ёмон бўлади. Нима афандим? Уйланганмисиз афандим? Ҳар нарсага қизиқаверманг афандим, ўтиб кетади. Беморни олиб кетишин».

Юқоридаги гинекология бўлимидан bemорни замбилга солиб бу ерга олиб келган икки ходима уни яна жойига олиб кетишди. Унинг эри асистентлар билан тала-баларга ёпишиб, доктор, «натижаси ёмон бўлади», деб нимани айтмоқчи бўлганлигини суриштирас, уларнинг ҳаммасидан ҳам мавҳум жавоб олгач, бадтарроқ ваҳинмага тушарди. Ниҳоят у профессорнинг ўзига мурожаат қилди:

— Ҳладими?

Профессор кўзойнак орқасидан унга тикилиб, муло-йимлик билан:

— Биз докторлар ҳеч қандай bemордан умид узмаймиз, афандим,— деди.

Беморнинг эри бу жавобнинг чуқур маъносини уқиб олмоқчи бўлгандек ўйга чўмиб, чиқиб кетди.

Профессорнинг кўзи қаршисида турган Авни Оқбулатга тушди. У бирон нарсага ҳайрон бўлгандек қошини чимирди, манглайи тиришди. Ўша мулойим, аммо самимиятдан анча узоқ оҳангда сўради:

— Хизмат, афандим?

Авни чурқ этмай, нигдалик доктор ёзиб берган мактубни унга узатди. Пешонасини тириштириб турған профессор конвертни очиб, ичидаги ёзувга кўз югуртириди. Хат остидаги имзо кимга мансуб эканлигини эсламоқчи

бўлгандек бир оз ўйланқиради, кейин калласии чайқаб Авнига ўгирилди:

— Хўп, яхши, нима ишнингиз бор эди?

Шу заҳотиёқ у дардини тушунтира кетди. Чўнтағидан ҳар хил қоғозларини, анализ интижаларини, қўлтиқ тагидан ўндан ошиқ рентген суратларини чиқариб кўрсатди. Биринчи марта операция қандай ўтганлигини, кейин оғриқ қай тарзда яна қўзғалғанлигини оқизмай томизмай гапириб берди.

Бу пайт доктор жўмракдан оқаётгани сувда қўл ювди, кейин уни спирт билан ишқалаб, паҳтадай оппоқ сочиқ-қа артди. Доктор Авинининг гапларини қуит билан эшиштмаётганлигини кўргач, асистент ва талабаларга арзидонини гапириб берди. У гапини тугатганда доктор халатини ечиб, оқ жужуши кителъ кийиб олган эди. «Нима экан?» деди шундан кейин у бош асистентига.

Бош асистент врачлар тилида алланималар деди ва рентген суратларидан бирини унга узатди. Профессор ҳозиргина ювган қўлларини яна ифлос қилишини истамай суратни олмади ва асистент ушлаб турганича унга диққат билан тикилди. Кейин Авнига қайрилди:

— Бу йрагингизга тош келиби.

— Биламан афандим.

— Буни олдириб ташлашингиз керак.

— Жоним билан, афандим.

— Аммо операцияга дарҳол ётишингиз зарур. Ўтга ҳар бир кун сиз учун хавфли.

— Ҳозир лозим бўлса ҳозир ётай, афандим. Сиз хўп десангиз мен шу бугуноқ операцияга ётишим мумкин.

Профессор у нима демоқчи эканлигини дастлаб тушунмагандек бошини тик кўтариб бир зум ўйланиб турди, кейин бош асистентига қараб:

— Бизнинг бўлимда жой борми? — деб сўради.

— Битта ҳам бўш жой йўқ, афандим.

Авни гапга аралашди:

— Беш-олти кун кутиб турман, балки унгача жой ҳам бўшаб қолар.

Асистент жавоб қайтарди:

— Бўшаши гумон, яқин орада тузалиб чиқадигани йўқ. Ундан кейин павбаг кутиб ётганилар ҳам кўп.

Профессор эшик томон юра туриб, қўшиб қўйди:

— Ўзингиз биласиз, аммо касалингиз кутадиган ка-

сал эмас. Дарров бирор касалхонага ётиб, тошин олдириб ташлашингиз керак.

У хонадан чиқди, Авнишинг жавобини кутиб ўтирмаи, тез-тез юриб кетиб қолди. Талабалар билан асистентлар ҳам унинг кетидан чиқиб кетишиди. Авни қўлидаги қоғозлари, суратлари билан турган ерида туриб қолди. Шу орада эшик олдида турган бояги аёл уйни йигиштириш учун ичкари кирди, ҳали ҳам қаққайиб турган Авнини кўриб, «Нимани кутиб турибсан?» деб сўради. Авни дардига қулоқ соладиган одам топгандек буйраги тарихидан, Кайсеридаги воқналардан гап очмоқчи бўлиб турган эди, хотин қўл ишораси билан унинг гапини чўрт кесди: «Доктор Усмонбейнинг бу гапларни эшишиб ўтириша вақти йўқ. Иши бошидан ошиб ётганлигини ўзинг ҳам кўриб турибсан. Бу ер фақир-фуқаро келадиган жой. Сен ўзингга бемалолроқ одамга ўхшайсан, қабулхонасига бориб, дардингни ўша ерда айт-қўй. Узининг касалхонаси бор, соат тўртдан кейин ҳамиша ўша ерда бўлади. Хоҳласанг, мана адресини берай». У чўнтағидан бир парча адрес ёзилган қоғоз олиб, унга тутқазди ва ўз ишига тутинди. Ўша ғалати дори ҳидидан ҳамон боши гангриб қолган Авни касалхонадан чиқди, зўрга меҳмонхонага етиб келди, парҳез таомни егиси келмай, қуруқ чой ичган бўлди, кейин бирор соат ётиб дам олгач, ташқари чиқиб, меҳмонхона олдидан ўтадиган трамвайларнинг бирига ўтириб, Усмонбей клиникасига жўнади.

Профессор Усмонбей бу ерда уни мулоийимлик билан жуда синчилаб қаради, ҳамشاҳари тили ширин деб кўка кўтарган доктор Ирфоннинг бетидан бетоқатлик сира аримас эди, аммо доктор Усмонбей чиндан ҳам тили ширин, қувноқ, хушмуомала экан. У барча рентген суратларини, доктор берган қоғозларни бирма-бир кўздан кечирди, бирталай нарсаларни суриштирди, охирида икки ўртада тўла ишонч ўрнатилганлигига қаноат ҳосил қилгач, Авнининг елкасига қўлини қўйди:

— Гапимга қулоқ сол, биродар. Қасалингни сенга тушунтириб бердим, ўзинг жоҳил одамга ўхшамайсан. Ҳаётингни, оиласнгни ўйла, кейин бир қарорга кел. Операциядан бошқа илож йўқ. Тошин операция қилиб оламиз, бир неча ой қаттиқ парҳез қиласан, берган дориларимни ичасан, шундан кейин худо хоҳласа батамом соғайиб кетасан.

— Касалхонада ҳам айтдим-ку, доктор, сиз нима десангиз, шунга розиман. Мени касалхонага ётқизаверинг.

— Факультет касалхонасиға ётқизолмайман, бириңчидаң, жой йўқ бўлса, иккинчидан, касалинг дарҳол ётқизни лозим бўлган касаллардан эмас. Буйракда тош бор, холос. Жой кутаман десанг, ойлаб вақт ўтиб кетиши мумкин, касалинг бунига йўл қўймайди. Ўзинг яхшилаб ўйлаб кўр. Майли десанг, клиникамга ётқизаман, лекин пули кўпроқ бўлади.

Авни докторнинг кўзига тикилиб:

— Яъни, қанча бўлади, доктор афанди?—деб сўради.

Унинг бурнини, миясини чидаб бўлмайдиган яна ўшадори ҳиди ёриб юборай дерди. Кўз олди яна қоронгилаша бошлиди. У, докторнинг жиккак юзи буришиб, жилмайганиниғириша кўрди. Ғувиллаб турган қулогига унинг ёқимтой, ширин овози келди:

— Бу ерда ётиш ҳамда операция учун минг лирача пул керак.

Авнининг миясини чулғаб олган булат бир зумда тарқаб кетгандек бўлди.

— Инсоф қил, доктор!— деди у бўғилиб.

Профессор ҳамон ўша кулимсираш билан унинг сўзи ни кесди:

— Айтдим-ку, пули кўпроқ бўлади деб. Хоҳламасанг Кайсери касалхонасиға яна қайтиб кетавер. Аммо вилоят касалхоналари билан докторлари... Буни ўзинг яхши биласан, бошингдан ўтган...

— Бу тўғрику-я доктор, аммо минг лирани топишни айтиш.

У юзига таралган ёқимли жилмайиш билан деди:

— Мен қаёқдан билай? Билганимда азбаройи худо айтиб берган бўлардим.

Ҳазил қўтарадиган ҳоли қолмаган Авни бошини қашиб ўзича пичирлади: «Бола-чақага хат ёзиб, боғни ёки олмазорни соттирсанмикин? Жон ҳар нарсадан ширин». Кейин докторга ўгирилди:

— Мени сал сийламайсизми? Мана, шогирдингиздан мактуб ҳам олиб келдим.

— Ҳа, айтгандай у бола ким ўзи? Исми танишга ўхшайди-ку, лекин ўзини эслай олмаяпман. Ҳар нима бўлса ҳам сен билан биз савдолашиб ўтирмаймиз, олдин пухта ўйлаб кўр, кейин бир қарорга кел, деб айтдим-ку ўзингга. Ҳар куни пешиндан кейин шу ерда бўламан,

Дори ҳидидаи, чарвоқдан, оғриқдан кечалари мижжя қоқмай қийналиб кетган беморнинг фикри-зикри: «Бўлдиган ишнинг бўлгани яхши» деган ягона истак билач банд эди. Энди унинг яна докторма-доктор сарсон бўлишга, рентгенга тушаверишга, қон олдиришга, қабулхоналарда соатлаб кутиб ўтиришга юраги қолмаган эди. У чарчаган кўзларини профессор Усмонга тикиб деди:

— Нигдага хат ёзиб юборамиз, олмазор бор эди, шунни сотишар. Ҳозир мева гарқ пишган пайт, беш-ўн танга пул бўлар.

— Хоҳласанг менга телеграмма ёзиб бер, ўзим юбортираман. Сен меҳмонхонага бориб, нарсаларингни бу ёқ-қа олиб кел. Пул келиши билан операцияни бошлаб юборамиз.

Чала ишлар ўша куни битди. Қасалхонада ётиш учун йўл-йўл мовий пижама сотиб олган Авни Нигдадаи пул келишини кутиб ётди. Бу ерда ўтказилган ҳар бир кун беморга ўн беш лирага тушар, у эса баъзан «мева-чеваси пишиб ётган боғни сотиш шунчалик чўзилиб кетадими-а? Оиласда аҳволни тушунадиган одам бўлмагандан кейин...» деб тутикаиб, нигдаликлардан ўпкаланар, гоҳгоҳда «нимага мен пул келгунча меҳмонхонада турмасдан, докторнинг гапига кириб, бу ерга келдим? Меҳмонхона ҳақи бир ярим лира эди. Бу қасаллик мени гаранг қилиб қўйди», дея ўзидан хафа бўларди. У клиникага ётганининг ўн биринчи куни телеграф орқали бир минг икки юз лира келди, бемор эртасигаёқ пешинга яқин операция столига ётқизилди.

Наркоз таъсиридан ҳали ҳам ўзига келмай беҳуш ётган Авни зўрға кўзини очган эди, тиржайиб турган Усмонни кўрди.

— Қалайсиз? Жойида бўлди-а,— деди у.— Ўн беш кунга бормай туриб кетасиз. Ичингииздан чиққан тошни кўрасизми? Нақ ёнгоқдек келади-я... Мана, бир кўринг!

Авни нурсиз кўзларини доктор қўлидаги юмалоқ нарсага тикиди, сўнгра сал орқароқда турган асистент билан ходимага ҳам жавдираб қараб чиққач, зўрға пи chirлади.

— Раҳмат, доктор... Наригиси ҳам шундай катта эканми?

Профессор Усмон унинг гапига тушунмай, шокоса кўзойнагини орқада турганларга қадади. Ёш асистент каратотга яқинлашди.

— Яна қанақа тош?

Беморнинг кўзлари қўрқувдан чарақлаб очилиб, тик турган оқ ҳалатли уч кишига қадалди, кейин хириллаб сўради:

— Иккита тош бор бўлиши керак эди, доктор! Нима қилиб қўйдингиз, иккинчиси яна жойида қолдими бўлмаса?

— Иккита тош бор деб, ким айтди?

— Кайсерида айтишган эди. Рентгенда шундай кўринган экан.

Профессор билан асистент рентген расмлари солининг коллефти шошиб-пишиб очишиди, дераза олдига бсрриб, уларга тикилиб қарашди, расмлар қўлдан-қўлга ўтди. Хона жимжит эди. Ҳар икки доктор расмдаги алланимани бир-бирига кўрсатар, лекин бир оғиз ҳам сўз айтмас эди. Ниҳоят профессор Усмонбей bemорга яқинлашди:

— Иккинчи тош бор деб ўйламайман. Бир жойи сал хирага қиққан бўлса ҳам, Кайсери касалхонасининг рентгенига унча ишониб бўлавермайди. У ерга манави тошнинг сояси тушган бўлса керак. Балки сенинг ўзининг рентген пайтида тинч турмагандирсан... Буйракда бўлак тош кўрганим йўқ. Бундан сира хавотирланма.

Шундан кейин ўтган кунлар, борнигки, ҳафталар, ойлар Авни Оқбулутга чала тушдек туюлди. У гўё операция куни берилган наркоздан ҳали ҳам батамом қутулмагандек эди. Докторлар рентген суратларини ўша куниёқ олиб кетишган ва кейин унга кўрсатмай қўйишган эди. Улар кунинга бир неча марта bemорнинг олдига келиб, «Қалайсан? Бирор шикоятиниг борми?» деб сўрашар, баъзан ҳамшира малҳам қўяётганда ҳозир бўлишар, лекин иккинчи тош ҳақида лом-мим дейишмас эди. Шу ахволда Авни бир ойча ётди, бундан саккиз кун илгари пичоқ ўрни битган ҳам эдники, тўсатдан қорнида яна оғриқ пайдо бўлди. Қайтадан рентгенга тушди, сийдиги анализ қилинди, докторлар ўзаро маслаҳатлашиб кўришди. Шундан кейин профессор унга: «Сенинг организминг тош ҳосил бўлишига жуда мойил, буйракда яна оҳақ йиғилиб қолган бўлиши эҳтимол. Янада жиддийроқ чора кўришга тўғри келадиганга ўхшайди!»— деди.

Бу гал ҳам шошилинч равишда Нигдага телеграмма юборилди, сотилган боғнинг пули бу сафар йигирма куч деганда касалхонага келди. Иккинчи марта операцияга

ётгани Авын қоқ суюк бўлиб қолган эди. Унинг кўзлари тиниб жимирилайдиган, қулоқлари гувиллаидиган, овози зўрға чиқадиган бўлиб қолган эди. Юзини ёпиб қўйишар экан, бу уйқудан қайтиб уйғонмайман деб ўйлар, лекин энди бунга ортиқча қайғирмас эди ҳам.

Операция бир соатча давом этди. Доктор ҳам қоринни ёриб ҳамширашинг қўлидан қайчи, пичоқ, қисқичини олар, дам эгилиб, дам қаддини ростлар, ҳам асистент билан суҳбатни давом эттирад эди:

— Ота деган жойдаги боғимизда ванна қураётган эдик, шу ваннанинг ички томонига қандай ранг беришини билмай турибман. Мовий қиласай десам, ёрқинлиги йўқолади, пушти ранг ётоқхонага учса монанд келмайди. Барикарамдан ўтадиганий иўқ-ку, лекин бозордан сифатлигини топиб бўлмайди-да. Нима қилишга ҳайрон бўлиб қолдим.

Ниҳоят буйракдан нўхатдек тош чиқди. Аммо икки ой ичидаги устма-уст икки марта пичоқ теккан бир парча гўшт анча эзилган эди. Тош чиққан жойдан тирқираб оқаётган қонни тўхтатиш жуда қийин бўлди. «Энди нима қиласми?» дегандек профессор Усмонбей ҳамшира билан асистент томон ўгирилди. Улар беш минутдан кўпроқ кутиши, қон ҳамон тўхтамаяпти. Беморнинг заиф гавдаси ҳаракатга келди. Улар яна бир неча дақиқа кутиши. Буйракни шу аҳволда қолдириб қоринни тикиб қўйиш касалнинг ҳалокати билан тенг эди. Профессор асистент билан қисқа фикр олишгач, яна қўлига қайчи, пичоқни олди, буйракни ушлаб турган биртагай этларни, асабларни қирқди, катта-кичик қон томирларининг учини тутди, бирпастда шалвираб қолгиз кўкимтири гўшт парчасини чиқариб оқ тосга улоқтирди; кейин ҳорғин овоз билан асистентга қоринни тикишни буюорди-да, пешона терларини енг учи билан артиб, қўлинни ювгани кетди.

Авни Оқбулут ҳушига келгач, саломат қолганини, бироқ бир буйрагидан ажраганини, энди ягона пичоқ теккан буйрак билан қолганилигини эшитса ҳам унчалик саросимага тушмади, бошини ўгириб, кўзини юмди. Шу зайлда у бир неча ҳафта ётди. Энди у кунора келиб турадиган докторга, операция қилингани жойни ҳар куни боғлаб кетадиган асистентга гапирмас, ҳеч нарса сўрамас ҳам эди. Куилардан бирида профессор Усмонбей бемор ётган каравотнинг бир чеккасига ўтириб, энди бемор

батамом соғайиб кетганинги, битта буйрак билдишаш унчалик хатарли эмаслигини, зотан бундай пайтларда киши организми бутун куч-қувватини битта буйракка сарфлаб, уни соғлом қилиб юборишини, Авиининг энди Нигдага қайтиб дам олиши ва ҳали тузалмаган жароҳатни ҳафтада икки марта докторга, ҳаттоқи, фельдшерга ҳам боғлатиб туриши мумкинлигини ясама кулгинаралаш ганириб берганида, бемор нурсиз кўзларини унга тикиб, очиқ-ойдин қатъий гапириди:

— Йўқ, доктор. Мени шу аҳволда кўчага чиқариб ташлашга ҳақиниг йўқ. Энди менинг яна бирорларга соғтиб, пулинни оладиган боғ-роғим қолмаган бўлса ҳам, сен барибир мени кўчага чиқариб ташлай олмайсан. Мен шу аҳволда юртимга қайтиб борсам, кўчалардаги итлар ҳам мендан кулади. Ё жароҳатим тузалиб, қувватга кириб ўзим юриб поездга чиқаман ёки шу ётган жойимда жон бераман. Мен бола-чақамга тирик товои бўлишни истамайман. Мени судраб бу ердан чиқариб ташласанг ҳам, эшигинг олдида узала тушиб ётиб оламан, халойиқни бошимга йигаман. Бу ёғини энди ўзинг ўйлаб кўр.

Доктор, бемор гапириб бўлиб, кўзини юмиб, бошини бошқа томонга ўгирганини кўргач, индамай хонадан чиқиб кетди. Авни бир ҳафтагача нима бўлишини кутгиб ётди, эшик очилган сари унинг юраги дукиллар, «Кўчага чиқариб ташлашармикин-а? Чиқариб ташлашса, Нигдага, бола-чақамини олдига қандай қилиб етиб оламан?» деган хаёллар билан минг азобга тушар, дока бойлаганин келиб-кетиб турдиган асистент ҳамда ҳамширанинг юзига диққат ва ваҳима билан тикилар эди. Бироқ, уларнинг муомаласи ҳамон эскича эди. Улар ҳали ҳам ўша ярим ўйчанилик билан дока боғлашар, «Қалайсиз?» деб сўрагач, илгаригидек жавобини кутмай ўзаро гаплашиб чиқиб кетишарди.

Бир куни профессор Усмонбей ўша зўраки табассум билан хонага кирди, ҳамшира билан асистент бу гал ҳам у билан бирга эди. У ажин боссан пешонасини нақ каравот устига эгиб, беморни синчиклаб кўздан кечирди, ундан бирталай нарсаларни суриштирди, ҳали ҳам тузалмаган жароҳатни қўли билан очиб кўрди, асистент иккovi каравот тепасидаги тахтачани ҳамда операциядан сўнг рентгенда олинган суратларни қараб

чиқишиди. Шундан кейин профессор Усмонбей Авни Оқбулутга қараб:

— Қасалнинг бу даври талабалар учун ғоят қиси-  
қарли, сизни эртага факультет қасалхонасига ўтказа-  
миз! — деди.

## Х И Н И Н

Мен яшаётган қишлоғимиэнинг шундоқ орасида қад күттарган сердараҳт тоққа чиқдим. Аввал бутазорларда, кейин қарагай дарахтлари остида узоқ вақт айланиб юрдим. Тогнинг энг баланд чўққисига чиқиб, бежирим гулзордек пастда товланиб ётган кафтдай текис адирга, қора черепица билан ёпилган уйлари, оппоқ миноралари, қизғишиш ғиштдан ишланган узун фабрика трубалари билан тоғ этагидан туртиб чиқсан қишлоққа, кумуш япроқли тераклар орасида ғойиб бўлган қишлоқларга, ҳамда, қуёш нури остида кўкимтир парда ичига бурканган атроф тоғларга соатларча тикилдим.

Бу ердан ҳеч кетгим келмасди. Бироқ, мен эрталабдан бери тентираб, сув тополмай роса чанқаган эдим. Лабларим қовжираб, тилим танглайимга ёпишаёзган эди. Мен тоғ сўқмоқларини билмаганлигим, бошим оққан ёққа юрганилигим учун муздек чашманни сезмай, унинг ёнгинасидан ўтиб кетаётган бўлишим ҳам мумкин эди. Тезроқ пастга тушиб, тўйиб-тўйиб сув ичиш ниятида қисқароқ йўлни танладим-да, шоша-пиша тоғдан туша бошладим. Лекин мен шошилган сари ерда ётган сарғиш қарагай япроқлари оёғим остида тийғанар, ўзи зўрга турган тупроқ уюmlари, тош-кесаклар пастга томон думалар, тойиб кетмасликка ҳаракат қилганим сари бадтар чанқардим.

Бир пайт йўлдан адашдим: икки тоғ ёнбағрида жойлашган дараҳта, бутазорлар орасида йўлимни йўқотиб қўйдим.

Мен ёввойи зайдун, совур арча, ёнроқ ва шүнга ўхшаш бирталай тиканли ҳамда тикансиз буталар орасидан зўрга йўл топиб борардим. Катта қийинчилик билан илгарилаётганлигим учун жуда чарчаган эдим. Ҳар қадамда кийимим шохларга илинниб қолар, бошимдаги шапкам ерга учиб тушар, мен эгиб, қўйиб юборган новдалар бетимга келиб урилар, кўзойнагимни илиб кетарди. Буталар мендан баланд бўлганлиги учун қаерга кетаётганлигини билиб бўлмасди. Япроқлар орасидан атрофга назар ташласам ҳам, икки ёнимда иккита тик ёнбағир, олд ва орқамда эса, чакалакзордан бўлак ҳеч нарса кўринмас, бу ерда сувсиз тунни қандай ўтказман, деб минг хаёлга борар эдим.

Терлаб-пишиб яна озроқ йўл босган эдим, узоқда, уч юз-тўрт юз одим нарироқда бир парча экишзор ва зайдун ниҳоллари кўринди. Ўша томонда бирор инсон ёки ҳеч бўлмаганди йўл бўлиши турган гап эди. Экинзорлиги кўринниб турган бу зайдун кўчатларининг таги юмшатниб чопиб қўйилганлиги, табиатнинг мана шу танҳо ёввойи қўйнига инсон қўл узатганлигидан далолат бериб туради. Ниҳол сувсиз кўкармайди, албатта, шу яқин атрофда сув бўлиши керак... Куч-қувватимни тўплаб, ўша томонга юрдим. Оёғим остида, ҳар икки томонимда шохшаббалар қарслаб синар, тиканлар баримга ёнишар, дарахт новдалари бетимга келиб урилар, лекин ҳеч нима мени тўхтатиб қолишига қодир эмас эди. Чамаси бир соат юриб, зайдун ниҳоллари экилган жойга чиқиб олганимда қўлим тирналган, юзим қонаган, аъзойи баданимдан тер қуюларди. Юзимдан кўтарилаётган буғдан кўзойнагим хиралашиб қолганлиги учун ҳеч нарса кўрмай, таппитетазни босиб янчиб кетаётган эдим. Нафасни ростлаб олиш кераклигини сездим-да, дуч келган жойга ўтиродим, кўзимни юмдим. Бирпас дам олгач, кўзимни очиб атрофга қарадим. Бу ерга келиб дара кенг саҳнга тақалган эди. Нарида, сайҳон тепалик устида яқинидагина очилган бир бўлак ер, унинг пастроғидаги жарда эса маккажўхори экилган томорқа, ён томонда қудуқ, сал нарроқда хом гиштдан солинган кулба кўзга ташланарди.

Бирданига ташналигим эсимига тушиб, ўтирган жойимдан сапчиб турдим. Қудуқ тепасига келиб, бирор кимса кўринниб қолармикан деб, у ёқ-бу ёққа алангладим; ҳеч зоғ кўринмади. Кулбага яқинлашиб: «Эй биродар!..

Бирон киши борми?» деб қичқирдим. Ичкаридан жавоб бўлмади. Шох-шабба ёпилган, томи устига тупроқ тортилган кулбанинг эшиги очиқ эди. Эшикдан мўраладим. Ўйининг бир бурчагида тахлоганиқ кўрпа-тўшак, ўchoқдан пастроқда бирталай сопол идиш ётибди.

Хеч ким кўринмайди. Мен қайтиб қудуқ бошинга келдим, қудуқдан бир челяк сув чиқариб, ярмичасини ичдим. Кейин атроф-теваракин айландим. Томорқада маккажўхори ораларига полиз экинлари ҳам экилган, онда сонда лўя учрайди. Ўзимча: «Бу жойиниг эгалари ҳар ҳолда узоққа кетишмаган бўлса керак!» деб ўйладим. Томорқа билан уйга анчадан бери қаралмаганга ўхшамасди, лекин иккинчи бир томондан, эгасизлик кўзга ташланиб турарди: маккажўхори деярли олти кундан бери сув ичмаган ва барглари сарғая бошлигани эди. Егилиб ётган полиз экинлари билан лўя йиғиншириб олинмаган. Қулбадаги ўchoққа бир неча ҳафтадан бери ўт ёқилмаганга ўхшарди.

Эшик остонасига ўтириб бирпас дам олгим келди. Куёш орқа томондаги тепалик панаасига ўтиб, унинг нури қаршидаги довон этагидан тепага қараб кўтарилта бошлаганига анча бўлиб қолган эди. Мен келган томондан эсаётган дара шамоли қарагай ҳидини димоққа келтириб уради. Сал нарироқдаги экинзордан чигирткаларнинг чириллаган товуши қулоққа чалинарди. Даранинг пастки томонида бир нарчасигни кўриниб турган адир офтобнинг қия тушган нури остида төвланар, дараҳтлар орасидаги йўлдан қишлоққа қайтаётган одамларнинг оёқ остидан кўтарилган ҳалқа-ҳалқа чаңг тўзионидан дара туманга бурканган саҳар пайти манзарасини эслатарди.

Даранинг пастки томонидаи, адир тарафидаи тўғри менга қараб аста-секин келаётган қорага кўзим тушиб қолди. Бир оз яқинлашгач, мен унинг юқ кўтарган одам эканлигини сездим. Ҳар ҳолда, бу киши одам оёқ босмаган бу жойларининг эгаси бўлса керак деб, ўрнимдан тура солиб, у томон юрдим. Мен унинг кимлигини ва мени бу ерда учратиб нима дейишини билмаганинг учун у билан йўл устида тўқнаш келмоқчи эдим.

У буталар орасидаги сўқмоқ йўлда ғойиб бўлди. Икки юз-уч юз қадам юриб, секинлашдим. Мен уни шу ўртада учратсан керак, деб ўйлагандим. Лекин қанчалик юрмайин, ҳеч кимга дуч келмадим. Адирга

яқинлашганимда узоқдаги йўл ёқасида алланарса Қорайиб кўринди. Қош қорайиб қолганлиги сабабли ҳеч нарсанн ажратиб бўлмас эди. Яқинроқ келиб, бирорининг ерда ётганинги, кимдир унинг бошида чўққайиб ўтирганини кўрдим.

— Салом, элат! — дедим.

Ёш, лекин фуссали овоз секин жавоб берди:

— Салом!

Ёнига яқинлашгач, ерда ётган аёл киши эканлигини фаҳмладим. Унинг серямоқ, узун шалвари почасидан яланг оёқларни кўриниб турарди.

Ингитдан сўрадим:

— Касалми?

— Шундай...

Бирпас жим тургач, мен ҳам ёнига чўнқайдим:

— Тепадаги экинлар билан томорқа сеникими?

— Менини!

— Кўчатларни яхши парвариш қилибсан... Бир-икки йилдан кейин зайдун ҳосилга киради.

Лабларни чўччайтирди:

— Ҳали беш-олти йил бор!

Унинг юзи овозидан ҳам ёш эканлигини кўриб, ҳайратда қолдим. У кўни билан ўн етти, ўн саккиз ёшларда эди.

Аёлни кўрсатиб:

— Синглингми? — деб сўрадим.

Бошини чайқади:

— Йўқ... Оилам!

— Жуда эрта уйланибсан! — дедим мен кулимсирашга уриниб.

— Шундай бўлди...

— Нима касали бор?

— Безгак!

— Хинин ичирияпсанми?

— Худонинг бандаси бўлсанг, қўй' бу гапларни, афандим, хининни қаердан топаман?

— Безгакка қарши куаш маҳкамасига бормадингми?

— Ўша жойдан келяпмиз!

— Нима дейишиди?

— Касали йўқ, дейишили.

— Йўғ-эй жигар!

— Шундай дейишиди.

Кетма-кет берәётган саволларимга калта-калта жа-  
воб қайтариб, менинг бу ердан дарров кетишими кута-  
ётгандек кўринган йигит тўсатдан бутун ҳасратини тў-  
киб солмоқчи бўлгандек юзимга термулди. У ёнида,  
тақир ерда дир-дир титраб ётган жувонга ишора  
қилди:

— Ҳолини кўр афандим...— деди.— Худодан қўрқ-  
май, касали йўқ деб қувиб юборишид-я!

Қаддимин ростлаб, кўринишидан сира хотинга ўх-  
шамайдиган, безгак азобидан танаси қуришиб, кичра-  
йиб кетган беморга назар ташладим. Ўининг терга бот-  
ган юзи ғира-шира ёргулиқда ёш болаларникига ўх-  
шарди. Йигитга ўғирлдим:

— Сен унинг касалини тушунтириб беролмаган  
бўлсанг керак, ўғлим!

— Кўриб туриб касали йўқ деб турса, қандай қи-  
либ тушунтириб бўлади, афандим!— деб юзимга тикил-  
ди. Сўнгра ёнига бир қараб қўйиб давом этди:— Сен  
эшит, мен бошидан гапириб берай... Ёлғон гапирсам  
ўтирган жойимдан турмай... Безгак Олияга қишлоғи-  
мизда юққан. Мен аскарликда эдим, келиб билдим.

Гапини бўлдим:

— Ёшиг нечада?

— Хизматдан қайтганимга икки йил бўлди.

— Қачон уйлангансан?

— Хизматга жўнашдан уч ой бурун. Олия менинг  
олдимга қочиб келувди. У ҳали ёш деб қишлоқда ни-  
коҳ ўқишимади. Дадаси жоҳил, қариб қолган бир  
кўчманчи эди. Қизини ўтроқ кишига эрга беришини  
хоҳламади. Барака топкур қишлоқ имомимиз фоти-  
ҳа ўқиб, бошимизни қовуштириб қўйди. Мен аскарлик-  
да юрганимда отам қиз бечорани роса хўрлабди.  
«Эринг аскарда, сени боқишига қурбим етмайди, бор,  
отангнинг олдига, қизилбошнинг авлоди!»— дебди, қиз  
икки ўртада сарсон бўлиби, ўрим-ийғим пайтида қўни-  
қўшниларга қарашиб юрибди... Худога шукур, тағинам  
боласи йўқ... Мен армиядан қайтгач, отам билан қат-  
тиқ уришиб қолдим. «Мол-мулкинг ҳам, еринг ҳам  
ўзингга буюрсин... Бор-йўғингни қизларинг билан сев-  
ган куёвларингга бўлашиб бер, мен бу ердан кета-  
ман!»— дедим. Раҳматлик онамдан қолган бир парча  
ерни сотдим. «Кел, Олия, ризқ-рўзимизни тоғу тошдан  
излаб топайлик!» деб, хотинни олиб шу томонларга

келдим. Ернинг пули бир йилга етди. Мен атрофдаги буталарни ўтии қилдим, иккенинг уни қишлоққа келтириб сотдик, қолганини шу ернинг ўзида писта кўмир қилдик, бунисидан кўпроқ пул тушиб турди. Ер очиб, экин экдик, нонимиз текин бўлди. Тўрт қўл бирлашса, нималарни қилмайди... Буталарни илдизи билан сүғуриб ташладик, ёввойи зайдун дараҳтларидан қаламча қилиб ўтқаздик, қудуқ қазиб, ниҳолларга сув бердик. Ғишт қуйиб, кичикроқ уй қуриб олдик. Бирорга мухтож бўлганимиз йўқ. Уша томондан келяпсан, кўрган бўлсанг керак: томорқа очиб, сабзавот ҳам экдик. Ўтган йили қишлоқда қонуний никоҳдан ўтиб олдик. Бу йили иккита эчки билан беш-чinta товуқ олиши мўлжаллаб қўйган эдик. Кутимагандан Олияниг безгаги тутиб қолди. Боя айтганимдек, у безгакни мен хизматдалигимда қишлоғимизда юқтирган экан. У кўчманчилардан. Тоғлиқ жойларда безгак бўлмайди, бизнинг кишлоғимиз эса серсув жои... Бу касаллик шунаقا жойни яхши кўрар экан... Авжи йигим-терим пайти эди. Ёмғир ёғиб қолса, экин ҳароб бўлади деб ўтирмадим, уни дарров қишлоққа олиб тушдим. Олияни безгакка карши кураши маҳкамасига олиб бордим. Ҳар ҳолда аскарликда бўлганмиз, бу нарсаларни тушунамиз-да! Доктор соқол-мўйлови эндп чиқа бошлигарни ўспирин экан. Ингичка мўйлов қўйиб, катта кўзойнак такиб олибди. Доктор бетимга қарамади ҳам, оқ ҳалат кийган қандайдир бир хотинга «шундан қон ол!» деди, кейин «икки кундан кейин келларинг», деб бизни жўнатди. Икки кундан кейин Олияниг якка ўзиши юбордим. Ўзим ҳосилни йиғишириш билан банд бўлдим... Доктор унга «Коннинг текшириб кўрдик, касалинг йўқ экан!» дебди. Олия: «Раҳм қилас, доктор, рангимни кўр, юзимда қатра кон қолмади... Бу касал апчадан бери менга азоб беряни, жон доктор, озгини хинин берга қол!» деган экан, «Касалинг безгак касали эмас, дедикку сенга! Бошқа дардинг бўлса муниципалитет докторига бориб кўрсат!» деб бақириб берибди. Олия муниципалитет докторининг олдига боргай экан, у ранг-рўйини кўриб: «Сен нега бу ерга келдинг, қизим? Сенинг безгагинг бор, безгакка қарши кураши маҳкамасига мурожаат қилас!»— дебди.

Олия қайтиб келди, лекин унинг юзида юз қолмагай эди. Уч кун касал бўлиб ётди. Совур арча мевасини

эзиб, сувини ичирдим... Мен қаердаи билай... Шошиб қолдим... Таъсари бўлмади, юрагини ўйнатиб юборди. Орадан уч куни ўтгач, сал ўзинг келди, яна қишлоққа олиб бордим. Беziгак касали доктори бизни таниди: «Яна нега келдиларинг, хининфурушилар?»— деди. «Раҳм қилил, жаноб,— дедим,— сен унинг касали йўқ дединг, лекин хотиним уч кун бошнин ёстиқдан кўтармай ётди, қурбонинг бўлай, бир қараб кўр, дардига даво тон!» Доктор қайрилиб қарамади ҳам: «Биз қоп анализига қараб ишлаймиз... Қони тоза чиқди, у ёғи билан иши-миз йўқ». Тенамда худо бор, ўшандада мен ёлғон гапириб юбордим: «Муниципалитет доктори қараб кўрди, жигарини текширди, ҳақиқатан безгак касали бор, деб сенинг олдингга юборди!»— дедим. Доктор бетимга қараб ўқрайди. «Ундаи бўлса иситма тутганда олиб кел, яна қонидан оламиз!»— деди. Тиз чўкиб ялинидим: «Тоғдан бу ергача уч соат йўл босиб келамиз. Иситма тутганда ётган жойидан туролмайди, ахир. Бу ерга қандай қилиб келади?» Үрнидан туриб биз томон юрди, депсина-депсина гапириди: «Қандай ғалча одамларсиз! Қонун бор, қонда бор, сизга йўл-йўриқни айтиб беряп-миз, яна мияни айнитасизлар. Йўқолинг бу ердан!» Оқ халат-кийган қоровулни чақириб, унга, шу саёкларни ҳайдаб чиқар, деб буюорди. Ташқарига чиққач: «Олия! Шу эшик остонасига ётиб ол. Уша лаънати безгак қа-ерда бўлса ҳам, қайтиб келади. Хуруж қилган заҳоти ичкари кириб, қонингдан олдирамиз»,— дедим. Девор тагига ўтириб оқшомгача кутдик. Ҳали қош қорайма-ган эдиямки, ичкаридан доктор чиқди. Қоровул эшикни қулфлаб олаётганида, олдига бориб «Биродар, доктор-нинг уйи қаерда?» деб сўрадим, у нега бунчалик шил-қим экан булар, дегандек бир қараб қўйди-да. «Док-торнинг уйи йўқ, у сўққабош, кечаси шу ерга келиб ётади!»— деб жавоб қайтарди. «Жуда яхши, биз ҳам кутиб ўтирамиз»,— дедим.

Кеч кириши билан Олиянинг бе兹гаги тутди. «Ичим ёниб кетяпти, Мустафо, ёниб кетяпти»— деб оҳ-воҳ қи-ла бошлади. Дарров ўша ердаги тош устига ётқизиб, бошини тиззамга олдим... Кутдим, роса кутдим. Коғир доктор келавермади. Олия ўт бўлиб ёнди, терга ботди, яна ёнди, доктор ҳадеганда келавермади. Нақ ярим ке-чада гандираклай-гандираклай кўча бошида кўринди. Mast! Қон оламан деб, Олиянинг ўт-бўтини майиб қи-

либ қўймасин тағин, деган фикр кўнглимдан ўтди. Ичимда шайтон, ҳозир мастилигида бошига тушир, тил тортмай ўлсин, дерди... Лекин ноиложман, Олияниг давоси ўшанииг қўлида. У эшикка келиб, қўлидаги калитни ҳеч жойинга тиқолмади. Югуриб бориб, эшикни очиб бердим. Олдида қўл қовуштиридим: «Доктор афанди, касалим эшик олдида... Безгакдан ёниб ётиби.. Қонини олиб кўр!»— дедим. Мовий кўзларини юзимга қадади, бетимга қараб кекирди, шундан кейин, тавба қилай, шундай бақириб бердики, қўни-қўшнилар уйғониб кетиб, деразага ёпирилишди. «Яна сизларми... Яrim кечада ҳам тинчлик бермайсизларми? Худонинг кундузи сизларга камлик қиласдими? Иш вақтида кўрганим етмайдими?.. Нонкўрлар... Бефаҳмлар!» — деб айюҳаннос солди, ичкари кириб, эшикни тарақлатиб ёпди. Шовқин-суронни эшитиб қаёқдандир етиб келган қоровул бизларни ҳайдаб юборди. Олияни опичиб, қишлоқнинг бир чеккасига олиб чиқдим, зайдун дарахтлари остига, шудринг босган ўт-ўлан устига ётқизиб қўйдим... Оҳ, афандим, шундан кейин докторнинг олдинга қайтиб бормагандирсан дерсан... Зотан, ўз қадринч билган киши унинг олдига қайтиб бормайдиям-да!.. Аммо мен бордим... Ўзинг ўйлаб кўр. Олия бечора кундан кунга шам сингари эриб борди. Ўлиб қолади деб ўлгандан кейин мен ер-сувни, зайдунларни нима қиласман? Агар шу ҳодиса юз бергудек бўлса, уйни бузиб, экинларни чопиб ташлайман, қудуққа тупроқ тўлдириб, ниҳолларни илдизи билан юлиб ташлаб, бу ердан бошимни олиб кетаман, деб онт ичдим... Қўп гапнииг фойдаси йўқ... Беш-ён кун уйда боқдим, Қишлоқдан донаси уч курушга беш-ўнта хинин олиб бердим, уларни ичди, фойдаси бўлди. Шу орада мен ҳам экинни йиғишириб олдим, полизни саранжомладим, лекин дори тугаб қолиб, безгак яна хуруж қилди. Ҳар куни ўттиз-қирқ курушга хинин олиб ичиришга қурбим етармиди? Қурбим етган тақдирда ҳам дори қидирганда топилавермайди.. Бугун Олия менга: «Мустафо, кейинги кунларда безгагим пешинга яқин тутяпти, эрталаб қишлоққа тушайлик, хуруж қилгунча ўша ерда бўламиз!»—деди. Шундай қилиб биз бугун эрталаб йўлга чиқсан эдик. Махкама эшигига бориб ўтиридик. Кечгача пойладик... Лекин лаънати иситмадан дарак бўлмади... У ҳам бизга душман,.. Дўст бўлганида бизга ёпишарми-

ди?.. Доктор шапкасини кийиб күчага чиқиб кетди ҳамки, безгак тутмади. Қайтиб келаётган эдик, шу ўтлоққа етганда безгак тутиб қолди. Уйга етиб олишимизни ҳам кутиб турмади. Уни опичиб олиб, шу ергача етиб келдим.... Ўзи қушдек енгил-у, лекин йўл оғир бўлганилиги учун мазам қочди...

Мустафо гапини тамомлаб, тўғрига тикилди. Атрофга қоронгиллик чўккан, юлдузлар осмонни қоплаган эди. Лекин мен ерда ётган жувоннинг яланг оёқлари дир-дир титраётганини аниқ кўриб турардим. Шўрлик жувон бегона эркакдан ийманиб инграмасликка тиришар, тез-тез нафас олар экан, ҳуштак чалаётгандек овоз чиқарар эди.

— Қани, сенга ёрдамлашиб юборай, уни уйгача элтиб қўяй!— дедим.

— Овора бўлма, афандим, дам олдим, ўзим олиб кетаман, у ёғи ҳеч гапмас...

Унга қандайдир ёрдам кўрсатгим келса ҳам, нима қилишини билмай турардим. Ўзим бу қишлоққа тасодифий келган одам бўлганилигим учун докторни танимасдим. Унга ёрдамим тегмаслигидан афсусланиб, жойимдан қўзғалдим... Тўсатдан миямга бир фикр келди.

— Менга қара, Мустафо!— дедим.— Сен ҳозир бирор ердан бир парча шиша топиб кел... Уни яхшилаб тозала... Хотинингни безгак тутди дегунча, бармогининг учига нина қада... Қонидан ойнага суртиб, докторга етказ...

Мустафо менга ишонқирамай тикилди:

— Шундай қилса бўлармикин?

— Нега бўлмасин? Безгак тутган кишининг қонида микроб бўлади, қонни кўриб, сенга хинин беришади!

— Хўп бўлади, афандим...

Лекин мен унинг гапидан «қани, сен айтганни ҳам қилиб кўрайлик-чи» демоқчи бўлганини сездим.

Қишлоққача уч соатлик йўл эди. Шунинг учун уларни шу ерда қолдириб, тепаликдан пастга туша бошладим.

Орадан икки кун ўтгач, Мустафони кечга яқин қишлоқ бозорида учратиб қолдим. У секин-секин қадам ташлаб, қўлидаги алланимага маъюс қараб борарди.

— Нима гап, Мустафо?— деб сўрадим унинг олдига бориб.

Олдин танимади, узоқ тикилиб қаради, кейин мени өслагандек бўлди.

— Сен биз тоғда учратган ўша афандисан, танидим!

— Хўш, нима қилдинг?

— Айтганингни қилдим, афандим!— дея аччиқ-аччиқ куалди у.— Шиша парчасини докторга келтириб бердим. Хотинимни безгак тутганида бармоғини қонатиб, қонидан суртиб олгалигимни айтдим. Ўриндан туриб менга дўк урди: «Ким билади, сенлар қайси касалнинг қонини менга ўтказмоқчисанлар... Мени алдаб, хинни олмоқчи-мисан ҳали! Қани, түёғингни шинқиллатиб қол, бўлмаса сени полицияга тутиб бераман!» Оқ ҳалатли қоровул қўйнимдан судраб ташқарига чиқариб ташлади...

Қўлидаги шишани жаҳз билин ерга отди, синиган шиша парчаларини ялаиг оёги билан мажаҳлаб ташлади-да, индамай, юзимга ҳам қарамай жўнаб кетди.

Ушииг орқасидан анча вақт қараб қолдим.

Безгакка қарши кураши маҳкамаси олдидан ўтиб ке-та туриб, сарғаш, мовий кўз, интичка мўйловли ва катта кўзойнак таққан ёш доктор диспансер эшиитига қулф солаётган қоровулни жаҳз билан койиётганини эшитиб қолдим:

— Бу одамларни олдимга киритма, деб сенга неча марта айтаман... Бозорда хинни қиммат экаплигини эшиитиб, ҳаммаси безгак бўлаверади. Деҳқонларнинг ёлғончи маҳлуқ экаплигини мен биламан...

## ДЕКОЛМОН

Яна шисиз қолған күнларим бошланган эди. Аңқара-да хусусий бир касалхона эгаси бўлған қариндошим ёнида сингинди бўлиб яшардим. Касалхонанинг болоҳ-насидағи уйга қисилиб-қимтишиб кирад ва бир бурчакда ўтириб, китоб ўқиш билан куним ўтарди.

Уй эгаси шўх, ерга урса осмонга сачрайдиган, юрат-турарини билмайдиган болалари қитғимга тегиш учун ўйнанишганларида «Эй, ҳаромилар»... деб бошлаган наси-ҳатларини гоҳ ўйчаш, гоҳ кулименираб қарши олишга уринардим.

Шу уйда еб-чиб, ётиб-туриб, кийимларимни ювди-риб турганимдан кейин устига-устак майда-чуйда хар-жатга қариндошимдан нуя сўрашим одамгарчиликдан эмас эди. Аммо соч-соқолимни олдириш ва онда-сонда газета-журнал сотиб олиш учун пулга муҳтож эдим.

Шунинг учун касалхонага келиб-кетиб юрадиган докторларининг майда-чуйда таржималарини қилиб берардим. Ўша кунлари ҳомиладор бир хотинни операция қилмоқчи бўлған бир хирург йигирма бобдан иборат «Хотинлар физиологияси ва патологияси» деган немисча китобдан ўп беш бет келадиган бир мақоланинг ҳар сатрига бир куруш беринш шарти билан таржимага берган эди. Шундай қилиб катта лугатларга ўхшаган бу китобининг ҳар бетини қирқ саккиз курушга таржима қилиб бердим. Баъзи кунлари медицина журналидан ёти-саккиз бетли мақолани кўтарасига икки ярим ли-рага таржима қилишга олардим.

Касалнинг уйига бир боришларига беш-ён лира оладиган докторлар сира таниш бўлмаган медицина терминларини топиш учун бешта-олтита луғатни титкилаб, уч кунда қиласган таржимамга берган иккى ярим лираларини ҳам ортиқ кўриб, озроқ беришга тиришардилар. Аммо бир куни бу аламларнинг ҳиссасини чиқардим. Бирпас бўлса ҳам уларнинг олдида ўз зафаримнинг на мояшини кўрдим. Ўйқ ундан эмас, бир чеккада туриб уларнинг қандай пасткаш эканликларини томоша қилдим.

Келинг энди буларни қўйиб, асл ҳикояга ўтайлик.

Уша пайтларда мартабали кишилардан бирининг кўзи оғриб қолди. Анқаранинг турли-туман кўз докторлари қарадилар, Истамбулдан профессорлар келишди. Бу улуғ зотнинг кўзларида декомон деган кўз касаллиги пайдо бўлганилигини аниқладилар. Кўз қорачиғини ўраган сарғиш нуқтанинг бир чети ажралиб кетган эмиш. Жуда хатарли эканлигини айтиб, бу касалнинг сўнгги вақтларгача даволаш мумкин бўлмай келганлигини билдиришди. Аммо айтишларига қараганда, бундан беш-олти йил аввал жуда нозик бир операция йўли билан бу дардга даво топишга ўринганлар ва бунига муваффақ ҳам бўлганлар.

Мамлакатимизда шу кунгача қилинмаган бу нозик ва хатарли операцияни бундай улуғ зотнинг кўзида тажриба этишга докторларимиздан биронтасининг ҳам юраги дов бермасди. Шунинг учун Истамбулда турувчи бир немис-яхудий профессорининг чақирилишини муносиб кўрилди.

Профессор бундай операцияни Германияда бир неча маротаба қилганилигини айтиб, бу улуғ зотни тузатишини бўйнига олди. Бизнинг доктор ва профессорларимиз бегона профессор бу ишни ва бутун масъулиятни ўз устига олганига ишонганларидан кейин, жуда усталик билан унга қарши тарғибот қилишни унутмадилар. Қасалхона бош варчининг хонасига тўпланганларида баъзан мен ҳам ёнларида бўлар эдим. Қабул қилинган қарорнинг ўзгармаслигини аниқ билганлари учун тортинмай-нетмай сўзлашаверардилар:

— Афандим, бу нима деган гап? Мамлакатимизда бу операцияни қиласиган одам топилмайдими?..

— Нега бўлмасин, афандим? Туркияда декомон операцияси қилинмаган бўлиши мумкин! Аммо ҳамма-

миз ҳам Европада бўлган вақтларимизда бу операцияни бир неча мартаба кўрдик. Мақола ва адабиётларни ҳам бир кун канда қилмай кузатиб бордик.

— Бу мамлакат шундай паст туйғулардан қачон қутулар экан, билмайман!.. Ким бўлишидан қатъи назар кофир бўйса бўлди, дарров бошимизга тож қиласиз.

— Бу профессор яхши кўз доктори. Германияда танишган эдик, олим одам. Бироқ назарнётчи. Айниқса кўз физиологияси назариясининг мутахассиси. Аммо операция қилиши ҳақида бирон нарса айтольмайман.

— Афандим, ажнабий олимларнинг илмларини камситмоқчи эмасмиз, аммо шунинг билан бирга, уларнинг ҳаракатларига чек қўйиншимиз ва ҳар бобда билимдон эканликларини таъкидламаслигимиз керак. Масалан, фалончи (бу ерда бошқа бир немис-яҳудий профессорининг исми тилга олинди) дунёга танилган операция усталаридан. Аммо лапаратомия (яъни, қорин ёриш) операциясида бизнинг ассистентимизча ҳам муваффақият қозонолмайди.

— Ҳеч шак йўқ! Бу зот ҳар томонлама етук оператор. Бошига тушган бир фалокат бу одамии еб қўймаганда, бундан ортиқ бир операторни кўрсатиш қийин бўлар эди. Сауербурш билан бир қаторга қўйса бўладиган олим киши, Сауербуршдан ортиклиги унинг ёш эканлиги.

— Қандай фалокат экан, у?

— Билмайсизми? Бечора жаҳон урши вақтида ҳарбий врач бўлган экан. Бир куни ёнларига бир бомба тушиб, беш-олти ўртоғи билан тупроқ остида қолибди. Ўртоқларининг ҳаммаси нобуд бўлибди, ёлғиз ўзи омён қолибди. Ўшандан бери тутқаноқ тутгандай тез-тез руҳий кечинмага тушиб туради. Баъзи вақтларда операциянинг ўртасида, қайчи, пичоқ, пинцетларни касалнинг ёриб қўйилган қорни устига ташлаб, чиқиб кетади.

Бу гапни айтган «яхши ниятли» одамнинг юзиға ҳайрон бўлиб қарадим ва ўзимча: бу устод, билимдон одамнинг бундай руҳий касали борлигини билгандан кейин, унинг пичоги остида ётадиган биронта дов юрак топилармикан, деб қўйдим.

Деколмон касали билан оғриган улуғ зотнинг муҳим операциясидан бир кун аввал немис-яҳудий профессори Истамбулдан Анқарага келган эди. Пешинидан кейин Анқаранинг шкки-уч кўз доктори билан бундан

бир оз аввал Истамбулдан келган иккى профессор касалхона баш врачининг хонасида суҳбатлашардилар:

— Ўзига бино қўйган бу жанобни кўрдингизми? Эрталаб поезддан тушибди-ю, шу вақтгача келиб биз билан кўришайин, маслаҳатлашайин дезади-я!

— Улар кофир дўстим. Ҳеч замонда поезддан тушигандан кейин меҳмонхонада ҳаммомга тушиб нозик баданига дам бермай бу ерга келармиди?

— Гап бунда эмас азиҳим, бизни одам қатори кўрмаганидан.

Улар мана шундай ширин-ширин сўзлашиб ўтирад эканлар, мен бир бурчакда немис тилидаги медицина журналини варақлаб ўтирадим.

«Ҳафталик медицина газетаси» нинг бир тўпида тўрт ярим устуи келадиган бир мақола дикқатимни ўзига тортид. Бу «Декомон операциясида бир-икки янгилик» сарлавҳали мақола эди. Уни астойдил ўқий бошладим. Мақолада бир қанча техник ўзгаришлар ва операция жараённида қилиниши лозим бўлган баъзи бир янгиликлар ҳақида гапириларди. Масалан: Кўз операшиясини фалон нуқтадан эмас, пистон нуқтадан бошлаш керак, пардани тортиб турниш учун фалон номерли пинцет эмас, пистон номерли пинцет ишлатиш керак, деб ёзар эди.

Газетани қўлимга олиб, кулимсираб докторларга яқинлашдим:

— Қарангиз, бейлар, бу ерда бир мақола бор экан, балки сизларни қизиқтирас.

Уша заҳотиёқ газетани қўлимдан тортиб олишди-да, уймалашиб ўқиб, маъносини чақишга уринниши.

Уч-беш ой давом этган саёҳатлари вақтида ўрганинг немисчалари билан бу мақолани англай олмаган бўлсалар ҳам, унинг нима ҳақида ва қандай аҳамиятга эга эканини сездилар шекилли, улардан бири менга бурилиб:

— Қани бир ҳафсала қилиб, шу мақолани оқшиомгача бизга таржима қилиб бер-чи! — деди.

— Уриниб кўраман, аммо, иккى юз лирангизни оламан-да, — дедим.

Бундан ҳам қийин мақолаларни менга беш лирага таржима қилдириб юрган бир доктор ҳайрон бўлиб юзимга қаради ва жиддий тапириётганини кўриб:

— Ақлингдан озғанмисан? — деди.

— Нима десангиз ҳақингиз бор, шу кунгача аҳмоқ

бўлиб келдим. Йжозат берсангиз, шунақа икки оғиғигиз бир этикка тиқилганда аламимни олиб, қусурини чиқарайин,— дедим.

Сўнгра бозорни қизитган бўлиб, газетани қўлимга олдим-да, мақоланинг у ер-бу еридан озгини ўқиб бериб, юзаки маъносини англатдим.

— Эртага операцияда иштирок этасизлар, буларни биллиб қўйсангиз, ҳар ҳолда фойдаси тегади,— дедим.

Бу масала юзасидан мен билан ортиқча сўзлашиб ўтиришин муносиб кўрмай, яна беш-олтиласи газета устига ёнирилишди. Бир-бирларига ёрдамлашиб, бир нарса англашга уринидилар. Мен ўз кесатиқ тиржайнинг билан ҳар бир чиқарган маъноларининг янглиш ва айтилганинг тескариси эканлигини айтганимдан кейин, қайтабошдан мен билан савдолаша бошладилар. Касалхонанинг эгаси қариндошим ва бошқа таниш докторлар қўйишмагандан кейин бу мақолани юз лирага оқшомгача таржима қилиб беришга рози бўлдим. Эллик лирасини нақд олиб, юқори қаватдаги хонамга чиқиб ишга тушдим.

Ҳар кунгидек беш-олти луғат ёрдами билан медицина терминларининг аввал французчасини, кейин туркчалини ахтара-ахтара соат ўнга яқин таржимани тамомладим. Докторлар залда безин<sup>1</sup> ўйнаб ўтиришарди. Ёнларига бордим; улар мақоланинг таржимасини қизиқиб тингладилар. Баъзи бир гап ва терминларни медицина тилига мувофиқ қилиб тузатдилар. Кейин ҳаммалари бир ерга тўпланиб, музокара қилишга киришидилар.

Мақоланинг ҳақиқатан аҳамиятли эканлиги гапларидан сезилиб туради. Ҳагто улардан бири:

— «Келинглар, бу мақолани яхудий профессорига ҳам берамиз, яна эртага биронта номаъқулчилик қилиб қўймасин»,— деди.

Аммо қирра ва узун бурни лабигача чўзилиб тушган, қорачадан келган бир профессор хириллаган товуш билан:

— «Нега энди?! Наҳотки шундай катта профессор шу парсаларин билмаса!? Билиши керак. Эртага ўз ҳунарини бир кўрсатсин, қани! Биз ҳам кўрайлик»,— деди.

<sup>1</sup> Безик — карта ўйинининг бир тури. (Ред.)

Бошқалари бир-бирларига маъноли қарашиб олишиди. Тағин бир оз сўзлашганларидан кейин тарқалишиди.

Эртаси куни яна бош врачанинг хонасида йигилишиди. Бу гал яҳудий профессор ҳам улар билан бирга эди. У паст бўйли, заиф, чўчиган боқишли бир одам эди. Ҳар ҳаракатида, оғзини ҳар очишида ўз атрофидаги кишиларни хафа қилиб қўйишдан қўрқаётгани сезилиб турарди. Ассисентлар биронта бўлмагур савол берсалар, уларга кулимсираб қарап ва ёлворгансимон товуш билан қўлларини бир-бирига ишқаб, узундан-узун жавоб берарди.

Операция пешиндан кейинга белгиланган эди. Гап-декомон касалининг нозикликлари ва операциянинг қийинлиги тўғрисида бораради. Профессорнинг чала-чулпа туркча гапириши, бизнинг докторларнинг немисча ва француздани у туркчани гапиргандан ҳам расвороқ гапиришлари менинг таржимон сифатида суҳбатга аралашишга мажбур этарди.

Узун бурунли, қорачадан келган профессор энди пайти келди, леб ўйлади шекилли, бўғиқ ва қатъни бир товуш билан:

— «Профессор жаноблари, чап кўзни операция қилишин қайси жойдан бошлайсиз?»— сўради.

Бу саводдан кейин ажойиб бир музокара бошланди; бизнинг докторлар кечга ўқиб ёдлаб олган мақолаларига таяниб, кескин сўроқлар берар, яҳудий профессор бўлса, шу кунгача қўлланилиб келинган эски усулларни эслатишга уринарди. Аммо унинг гаплари докторларимизнинг немисча газетадан уқиб олган муълумотларига қарама-қарши эди.

Ким билади, у қандай даҳшатни бошидан кечиргандан кейин, уй-жойини ташлаб бу ерларга сифинди бўлиб қолган. Ҳали ҳам қалбидан қўрқув ва ҳаяжоннинг ваҳнини кўтарилимагани юзидан кўриниб турган бу бечора кичкина ва кекса одам кутилмаган чақонлик билан атрофдагиларнинг биридан иккинчисига ўғирилиб «Аммо оғринманг, қандай истасангиз шундай жавоб берайн», дегандай аянчли термуларди. Бунчалик куйишқондан ташқари назокат етарли кўринса ҳам, имкон борича табассум билан ҳам жавоб беришга уринарди. Бизнинг докторлардан бири: «Қўз пардасининг ӯ қаватини мана бундай пинцёт билан тутишнинг камчиликлари бор, фалон номерли пинцёт ишлатилса, тағин ҳам яхши-

роқ бўларди. Нима дейсиз, доктор?»— дейиши билан кекса профессор тез-тез бошини қимирлатиб: «Албатта, жуда тўғри?» деб тасдиқ этарди.

Аммо қизғин суҳбатдан шошиб қолиш ва хафа бўлиш ўрнига, профессорнинг юзини мамиун бир табасум эгаллаётганига эътибор бердим. Бизникиларнинг ўн-ён беиш соат аввал ўрганган илмий маълумотларига таяниб, бечорани ноқулай аҳволга туширишга урнишларини кўриб, хафа бўлганимдан ўзимни бир чеккага тортган эдим, яна қизиқиб ёнларига яқинлашдим. Профессор атрофдагиларнинг эътиrozларини очиқдан очиқ қувонч билан тасдиқ этар эди. Ниҳоят у, ўзинга савол бериб уни қаттиқ қийин-қистоққа олаётган сенмиз, кўк иўз, ёш бўлса ҳам соchlари тўкилиб кетган бир докторнинг елкасига қўлини қўйиб:

— Жуда яхши, деколмон операцияси тўғрисида бундай натижага келганлигинги кўриб, қанчалик севинганингизни тасаввур этолмайсиз. Кўп қийин эканлигини бир оғиздан тасдиқ этганингиз бу хатарли операцияда шу вақтгача қўлланилиб келинган усуllар, афсуски, ҳар вақт яхши натижа беравермайди, шунинг учун янги усуllар топиш керак эди. Гапларингиз жуда тўғри, жуда тўғри,— деди ва товушини бир оз пасайтириб, атрофдагиларни қайта-қайта кўздан кечириб чиқди.— Мана кўриб турибсиз, бир масаланинг устида астойдил меҳнат қилинса, жуда тўғри натижа чиқариш мумкин. Мен ҳам узоқ давом этган тажрибалардан кейин, деколмон операциясига бир қанча ўзгаришлар киритиш лозим, деган фикрга келдим. Ҳатто бугунги қилмоқчи бўлган операциямда ҳам худди шу йўлдан бормоқчи-ман.

Кўзларида зафар нурлари чақнаган бизнинг докторлар дунё кўламида шуҳрати бўлган бу олимдан устун эканликларини намойиш қилганликларини билиб, бир-бирларига маънодор ҳарашаётгандаридан, у ўша чўчиған, ҳуррак, тортинчоқ ҳолат ва янада майнироқ бир товуш билан:

— Мен буларнинг ҳаммасини «Ҳафталик медицина газетаси»да бир мақола шаклида ёзганман. Аммо ўзингиз яхши биласиз, яхудий бўлганимиз учун ўз имзомизни очиқ қўёлмаймиз,— деди.

Бу сўзни эшигтан бизнинг докторларнинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, анграйиб қолишли.

## ЖОНҚУРТОН<sup>1</sup>

Онёнинг тўлғоги тушдан кейин бошлани; у хирмонни ташлаб дарров уйинга келди. Иброҳим қош қўрайгана хирмондан қайтди. У ҳўқизларни молхонага боялаб чиқаётниб, уйи олдида тўпланиб турган бир тўда болаларни кўрди. Иброҳим молхона эшигини беркитишни ҳам унтиб, уйига югурди, лекин хотинлар уни ичкари киргизишмади. Пастак уй қишлоқ хотинлари билан лиқ тўлган эди.

— Қани, нари бор... Бу эркакларнинг иши эмас!...— бобиллаб берди Мақбула хола уни уйга яқинлаштирамай.

Иброҳим орқасини ўғириб, иккиланиб турган эди, у япа гапирди:

— Қутулиши осон бўлмайдиганга ўхшайди! Кўпри қишлоқнинг доясига хабар қилдик...

Иброҳим қайрилиб кампирнинг кўзларига тикилди: алланимани сўрамоқчи бўлгандай, индамай туриб қолди. Буни пайқамаган Мақбула хола ўзича минефлади:

— Ўн беш яшар муштумдай қизни олиб қочиб келиб уйландинг... Худонинг амири экан. Лекин ёшига етмай ҳомиладор бўлиши нимаси эди? Қани, сен энди Кўпри

<sup>1</sup> Жонқуртон — тўркча «жонни» сақлаб қолувчи» дебакдэр. (Тарж.)

қишлоққа бориб, дояни бошлаб кел... Үғлим кетди-ю, бироқ, у айтгани билан доя келмас.

Иброҳим, шундай оғир дамда Осиёга ёрдамлашиш учун ўзига иш топилганига хурсанд қишлоқдан югурганича чиқиб кетди. Қўпри қишлоқнинг хирмонларига бориб етмаган ҳам эди, узоқдан ҳасса таяниб, кўча чаңгитиб келаётган доя кампир ва бир бола кўринди. У, гуноҳкор кишидек қизариб, ерга қараганича уларни кутиб турди. Доя ҳам уни кўрган эди. У, йигирма-ўттиз қадам наридан тишсиз оғзини кўпиртириб, алланималар леб бақириб келарди. Иброҳимга яқинлашгач, ҳассаси билан унинг қорнига туртиб:

— Ҳудо хоҳласа, бирпасда қутулади... Қўлим енгиллигини ҳамма билади; онанг ҳам сени қийналиб туққан эди, аммо мана, девдек йигит бўлдинг,— деди, сўнгра ёнидаги болага:— Югар, намакоб тайёрлаб туришсин!— дея буюорди.

Иброҳим чурқ этмай кампирнинг олдига тушди. Унинг юзи лоладек қизарганди. Ҳали ўн тўққизга тўлмагани учун ҳарбий хизматга ҳам чақирилмаган. У, ҳарбий хизматни ўтаб келган ва маст бўлиб, тўполон қилиб юрадиган қишлоқ йигитларидек тажрибали эмас эди. Ҳатто ўтган йили Осиёни қандай қилиб олиб қочганини эслагудек бўлса, ўз ишига ўзи ҳайрон бўлар эди. Унга қараганда Осиёнинг ўзи кўпроқ шилқимлик қилганди, лекин у «хотин кишининг сўзига кириб, номаъкул иш қилдим» деб ўқинмаслик учун воқиани ўйламасликка тиришарди. Отаси ўлганда у ёш бола эди. Бундан бир йил бурун онаси ҳам дунёдан ўтди, шундан кейин бечора сўққа бош бўлиб қолди. Уч-беш дўним ерни бирга ишлайдиган, буғдойдан қилинган ошни бирга ейдиган ва ҳар куни эрта билан сигир соғиб қатиқ увитадиган бир киши лозим бўлиб қолди. Худди шу пайтларда қўшниси Қора Халилнинг етимчаси Осиё ўтган-кетганда унга қулиб қарайдиган бўлиб қолди. Мабодо тўй қилиб олгудай бўлса, харажат катта бўлади. «Яхшиси, олиб қочиб қўя қолай!» деб ўйлади ва шундай қилди. Бир йилдан бери турмушларининг шикоят қиласидиган жойи йўқ эди. Фақат Осиё авжи йиғим-терим пайтида туғмаса тузук бўларди.

Қўпри қишлоқлик доя уйга киргандан кейин Осиёнинг дод-войи янада кучайди. Унинг фарёдини узоқдан ҳам эшитиш мумкин эди. Эшик олдидағи тошда доянинг

йўғон ҳассаси билан ер чўқилаб ўтирган Иброҳим, Осиё ҳар бақирганда ўрнидан сапчиб турар, нима қилишини билмай қайтиб ўтирас эди. У, ердан тош олиб, атрофида ўралашиб юрган болаларга отди. «Кетинглар бу ердан, шумтакалар!» дея бақирди.

У, ҳозир соат нечалигини аниқ билмас, ҳар нечук вақт хуфтандан ўтган эди. Осиёнинг овози эшитилмай қолганига ҳам анча бўлди. Бир вақт, Кўпри қишлоқлик доя Мақбула холага суюниб уйдан чиқиб келди. Иброҳим ўрнидан ирғиб турди-да, улар томон бир қадам ташлади. Доя бу гал қўлинин унинг елкасига қўйиб:

— Кўзи ёриши қийин бўляпти, азаматим! — деди.— Ҳа, қийин бўляпти. Аравага солиб, шаҳарга олиб бор. Бошқа илож йўқ...

Иброҳим ўзига яна иш топилганидан хурсанд бўлиб, молхонадан ҳўқизларни етаклаб чиқди-да, аравага қўшди; хотинлар эса Осиёни кўрпа-тўшаги билан кўтариб чиқишиди-ю, аравага ётқизишиди.

Иброҳим ҳўқизларга «чух!» демасдан туриб, ҳар вақтдагидай қизариб-бўзариб доядан сўради:

— Нима, чақалоқ ўлдими?

— Йўғ-эй, худо сақласин. Тағин билмадим, худойи таолонинг ўзига аён. Тўлғори тўхтади, унга энди доктор ёрдам беради.

Йўлга тушишиди. Уч соатча йўл юришиди. Узоқдан шаҳар кўринганда эндингина тонг ота бошлаган эди. Осиё чурқ этмай ётар, фақат сал ичига ботган тим қора кўзлари осмондан алланарса қидираётгандек жаланглар эди.

Шаҳарнинг ўртасидан кесиб ўтган азим дарё устидағи кўприкдан ўтиб, касалхонага етиб келишганда атроф анча ёришиб қолган, лекин ҳали кўчаларда одам кўринмас эди. Иброҳим аравани бир четга чиқариб, дарвозани тақиллатишга ботинмай, очилишини кутди. Аста-секин атроф қишлоқлардан ҳам касаллар йиғилишиди. Кўчага халойиқ тўлди: бири отда, бири эшакда, бири аравада, бирининг ёнида хотини, бирининг ёнида эри, онаси ёки болалари, баъзилари инграмоқда... Улар чурқ этмай, ҳатто ўзаро гапиришмай кутиб туришиди.

Дарвоза очилиши билан ҳаммалари бараварига ёпирилишиди. Иброҳим ҳам уларга қўшилди, бир соатча врач эшигида пойлади. Навбат билан ҳеч кимнинг иши

йўқ эди. Ўн беш йилдан бери шу касалхонада бош врач бўлиб келган, ёши қирқ бешларда, афти-башараси татарга ўҳшаган бир хирург кабинетдан чиқиб, ташқарида турганларни кўздан кечирар, ёрдамига жуда ҳам мухтож одамии қидириб топгандек, бирини имлаб чақирав эди. Иброҳимга навбат келганда, ташқарида ҳеч ким қолмаган эди. Хирург чарчагансимон курсига ўтириб:

— Нима касалинг бор, ўғлим? — деб сўради.

Касалхонада ортиқча штат бўлмаганидан, барча касалликларни шу киши кўрарди. Озроқ маош эвазига вилюят врачи фақатгина ич касалликларига қаради, ҳар бий госпиталдан чақирилган иккита мутахассис бўлса, қулоқ ва кўз касалликларини кўришарди. Улар ойнинг бошидан бўлак кунларда истаганларида келишар, бош врач билан ҳол-аҳвол сўрашиб, яна кетишар эди. Оғирроқ касал келиб қолса, касалхонага ётқизиш керак бўлади, бундан ташқари ҳар куни ундан хабар олиб туришга тўғри келади деган андиша билан ҳеч касал кўришмас эди.

Ҳар куни эрта билан дарвоза олдига йигилидиган, баъзида юздан ошадиган bemorларни бош врачнинг якка ўзи қаради. Узоқ йиллар ва ноchorликдан ортдирган тажрибаларига суюниб, ҳар қайси касалга даво тошишга уринар, вақти келганда, трахомани даволашдан тортиб, доялиkkача ўзи қилар эди. Шу вақтгача бўйдоқ бўлганидан касалхонада яшар, кечалари эса палаталарни айланиб юрар, тиббий журнallар ўқир ва немис тили билан шуғулланар эди. У, атрофидағи врачларга сира ўҳшамас, китобларда ўқиган «инсонларга хизмат қилувчи» врачлардек бўлиш орзуси уни ўжар қилиб қўйган эди. Бошқа ҳамкасбларидан шу хислатлари билан ажralиб тургани учун ҳам баъзи fийбатларга сабаб бўлган эди. Ёлгиз яшаганим учун гап-сўз бўлмайин, деб касалхонага ёши элликка етмаган ходима ва ҳамшира олмасди. Келган касалнинг ҳожатини чиқармай қайтармагани учун ҳамкасблари орасида «бilmagán iшига бурнини суқиб, ўзини кўrsatadiгan», «билағон» деган ном олган эди. Касалхонанинг кичкина бир ҳужрасида ичкилик ичмай, чекмай, кам харжлик билан яшарди; аммо маошининг бир қисмини китоб билан журнallарга, бир қисмини касалхона пули билан олиб бўлмайдиган баъзи бир дориларга сарф қиларди. Шу важдан унинг хасислиги тилларга достон бўлган,

ҳатто ўғрилиқ қисса керак, деган гумон ҳам туғилған эди. Банкда саксон ёки юз минг лира пули бор, деб гап қилишарди.

Бош врач буларнинг ҳаммасини билар эди. Ҳатто ўзиға яхши муомалада бўлган ва унинг аҳволини яхши билган баъзи танишларининг ҳам уни аҳмоқ ҳисоблаб масхара қилишини яхши билар, бироқ ҳеч парво қилмай. ўжарлик билан ўз ишини давом этдираверарди. У, буларни олижаноб одам бўлганидан ёки инсонга нисбатан қалбида оташин бир муҳаббат борлигидан эмас, балки ўзидан бошқачароқ фикрда бўлган одамлардан жирканганидан қиласарди, бу одат унга бир касалликдай ёпишиб олганди. У қўлидан келган яхшиликни аямаган касалларига ҳам: «Фурсат топсангиз, сизлар ҳам бошқалардек номуссиэлик қиласиз... мен буни жуда яхши биламан, лекин сизларга ўхшамаганим учун, чана, сенга нисбатан вазифамни холисанилло бажаряпман!» деяётгандай, инсонга бўлган ишончини йўқотган одам сингари ғамғин бир қиёфада муомала қиласарди.

— Нима касалинг бор, ўғлим? — дея кўзларини ИброЖимга тикиди, врач.

— Касалим йўқ, доктор афандим... Фақат хотиним... турғолмаяпти... Сизга олиб келдим. Ташқарида, аравада... Ёрдамигизга сифиниб келдим... — деди ИброЖим.

Врач болдирига бирор темир билан ургандек сапчиб ўрнидан турди. Ваҳима билан қараб турган ИброЖим врачнинг кўсасимон юзи тутақиб, сарғайиб кетганини кўрди. ИброЖим титроқ овоз билан:

— Шундоқ, доктор афандим... Икки доя овора бўлди... Ҳам ўзимизники, ҳам Кўпри қишлоқлик доя... Болани олишолмади. Шундан кейин олдингизга олиб келдим... Қайтариб юборманг! — деди.

Врач заҳарханда қилди:

— Афуски сизни қайтариб юборман, ўғлим!

— Раҳм қилинг, доктор афандим, Осиё ташқарида, қишлоққа етмасдан аравада ўлади.

— Шундай бўлиши ҳам мумкин. Лекин сизни қабул қилмайман.

— Оёқларингизни ўпайин, доктор...

— Оёқ ўпа-ўпа, шу аҳволга тушдинглар!

Врачнинг юзидан аримаган заҳарханда ИброЖимни бутунлай эсанкиратиб қўйди.

— Энди нима қиламан, доктор афандим?

— Хотинингни олиб, Истасён қўчасидаги хусусий туғруқхонага борасан! Пулинг бўлса, бола туғилади, бўлмаса туғруқхона олдидағи ялангликда аравани тўхтатасан. Ё хотининг дод-войлаб ўша ерда туғади ё қишлоққа қайтишда аравада туғади. Мабодо туғолмаса, ўлади. Тушундингми?

Иброҳим, қишлоқда «отахон» деб ном чиқарган доктор ҳақиқатан ҳам шуми ё бошқами дегандай, ҳайрон бўлиб унга тикилди. Буни пайқаган врач:

— Нега анқайиб қолдинг? Мен сенга тўғрисини айт япман. Менга бу касалхонага хотинлар касали билан келганларни қабул қилиш ман этилган. Тушундингми? Мен фақат хирургман, қўл, оёқ кесаман. Бошқа нарса қўлимдан келмайди!

Бу гапни айтар экан унинг сарғиши юзига ҳеч ярашмаган табассум лабларини икки ёнга тортиб бораарди. У йиллар давомида юзларча аёлларнинг қорини ёриб боласини олган. Бироқ, ҳозирги пайтда касалхонада хотинлар касали бўйича врач йўқлигига қарамай, ўз касбига алоқаси бўлмаган ишларга аралашаётгани ва ҳар бир нарсага тумшуғини суқиб, аҳолининг жонига қасд қилаётгани тўғрисида одамлар ҳар хил гап тарқатишарди.

Шаҳарда янги очилган туғруқхонанинг эгаси, врач Мутана Жонқурторон одамларнинг соғлигини ҳимоя қилиш мақсадида губернаторга арз қилди. У қулоқ солмагач, Соғлиқни сақлаш министрлигига шикоятнома юборган, айни вақтда Анқарадаги амалдор қайнатасига ҳам хат ёзган эди. Қайнатаси губернаторлик пайтида ўз қўл остида соғлиқни сақлаши бўлминининг мудири бўлиб ишлаган, ҳозир эса, Совлиқни сақлаш министри бўлган таниши билан учрашган. Министр ҳам, аҳолини бундай хавфдан сақлаб қолиш мақсадида, бизнинг бош врачни огоҳлантиришни муносиб кўрган эди. Бош врач буларни эслар экан, бу огоҳлантиришга хилоф иш қилиб қўйишига сал қолганидан жаҳли чиқиб гижинди.

— Яъни, ўглим, хотинингнинг дарлига дармон бўладиган докторимиз йўқ. Шунинг учун касални олиб, туғруқхонага бор. Доктор Мутана Жонқурторонга ёлвор, эҳтимол бир оз пул олиб, касалингни кўриб қўйса,— деди.

Сўнгра ўғирлиб деразадан осмонни томоша қила бошлади. Иброҳим кетмади.

— Сен борсан-ку, доктор афандим... Менга бошқа одам керак эмас... Қурбонинг бўлай!

Ўзини зўрга босиб турган врач:

— Иложи йўқ дедим-ку, ахир, ўғлим!— деди дағаллик билан ва эшикни шартта очиб, ташқари чиқди-да, ўз бўлмасига кириб кетди.

Иброҳим ноилож коридорга чиқди. У, дардига најжот излаган одамдек ўнг-сўлга қаради. Боққа томон очилган дераза ойналарига ғинғиллаб ўзини ураётган пашшалардан бошқа биронта жонли нарса кўринмади.

\* \* \*

Врач Мутана Жонқурторон ўттиз бешларга борган, малла жингалак сочли, тилла кўзойнак таққан, кибор кўринишили, овози йўғон, лекин ёқимли киши эди. У, Осиёни кўчада, аравада ёғган жойида кўрди, сўнгра Иброҳимга қараб:

— Касал шу ерда қолсин, сен мен билан юр!— деб ичкари кириб кетди.

Стол ёнидаги креслога ястаниб ўтириб олгач, мовий кўзларини деразага тикиб, ҳисоблашга тушди, кейин:

— Тўрт юз лирага болани олиб бераман, ука! Қийиз, ҳамда масъулиятли операция қилишим керак. Буни ҳар қандаи доктор ҳам қиласвермайди. Уйлаб кўриб жавобини бер,— деди.

Иброҳим гангид қолди. Хонадан чиқа солиб, Осиёнинг ёнига югурди. Ҳўкизларга «чух!» деди. Худди шу топда Осиё яна тўлғоқ тутгани учунми ёки унинг учун қишлоққа қайтиш ўлим билан тенг эканини билиб даҳшатла тушгани учунми, ҳар нечук, яна чинқира бошлиди. Атрофга ўткинчилар тўпланди. Иброҳим аравани қайтариб, туғруқхона ёнидаги ялангликка олиб келди-да, индамай чап томондаги ҳўқизни бўйинтуруғдан чиқарди. Уни ҳайдаб бозорга олиб борди, бир юз ўттиз лирага сотиб, ҳарсиллаганича туғруқхонага қайтиб келди. У, Осиёнинг олдига ҳам бормай, тўғри врачнинг бўлмасига кирди, бор пулини столга ташлаб:

— Кел энди, сёқларингни ўпай... Осиёнинг кутишга мадори қолмади. Вақт ўтмасдан болани нима қилсанг қил!— деди.

Жонқурторон пулни битталаб санаб бўлгач, улоқтириди:

— Ёш боламисан?.. Бир юз ўттиз лирага қорин ёриб, бола олиб бўладими? Ма, бу пулнингни дояга бер!

— Доядан фойда йўқ, доктор афандим... Битта ҳўкизимни сотдим, шу пулни беришиди.

Шу чоқ очиқ дўйнадан аравада ётган Осиёнинг додлаган овози ичкари кирди. Иброҳимнинг юзида даҳшат, Жонқуртороннинг лабларида эса ғалати бир кулимсиз раш кўринди.

— Қолган ҳўқиз билан аравани ҳам сот, балки тўрт юзга етказарсан.

— Истаганингни берай, доктор. Ҳаммаси сеники бўлсин. Лекин Осиёни кўп қийнама...

— Тўхта-чи... Мабодо ҳўқизлар билан аравангнинг пули тўрт юз лирага етмаса, унда нима бўлади?.. Сен менга яна икки юз етмиш лирага тилхат ёзиб бер. Хотинингни операция қилгунимча, пулни топиб келасан. Қани, фўдайиб тураверма!

Жонқурторон дарров тилхат ёзди, Иброҳим эса бармоқ босди.

Хушидан кетган Осиёни операция хонасига кўтариб кетишаётганида, Иброҳим якка ҳўқиз қўшилган аравани ичидаги кўрпа-ёстиғи билан бозорга ҳайдади. Лекин бу сафар икковига юз эллик лирадан ортиқ беришмади. Ҳўқиз қари ва кучсиз эди. Харидорларнинг ҳўқизга қарагилари ҳам келмай, «Қари экан, юз лирага ҳам арзимайди!»— дейишарди.

Иброҳим бунга ҳам рози бўлди. У, юз эллик лирани чангллаганича туғруқхонага югурди. Ҳамшира Осиёнинг қутулгани ҳақида хушхабар берди. Врач у билан йўлакда учрашди. Иброҳим дарҳол қўлидаги пулни узатди.

— Шўндан ортиқ бўлмади, доктор афандим. Айбга қўшмал

— Бу нима деганинг? Нима, бу ер сенга худойихонами? Мана, пешона тери тўқдик. Операция бир соатга яқин давом этди, хотининг ҳам омон қолди.

— Бола-чи?

— Бола ўлик чиқди. Яна бирор соат кеч қолганда, онаси ҳам унга ҳамроҳ бўлар экан.

— Ўлик экан?!. Ўғил эканми?

— Ўғил... ҳечқиси йўқ... Кейингисининг умрини берсин... Икковингиз ҳам ёшсиз. Қани, сен бу ерда турма,

қишлоғингга бориб, қолган пулни топиб кел... Яна юз йигирма лира келтирасан!

— Қаердан топаман, доктор афандим!.. Иложи йўқ. Мутана Жонқуртороннинг йўғон ва ёқимли овози тўсатдан дағаллашди:

— Бу нимаси? Мени алдамоқчимисан? Гапни чўзма! Беш кундан кейин хотининг бу ердан кетиши керак. Юз йигирма лирани олиб келиб, хотинингни оласан. Акс ҳолда бу ерда қолган ҳар кунига яна ўн беш лирадан ҳақ оламан!

Иброҳим юз йигирма лирани олиб келолмади, Жонқурторон ҳам унга ҳогинини бермади. Бир ҳафтадан кейин туғруқхонага яна келган Иброҳимга:

— Қарзинг энди бир юз олтмиш беш лирага етди. Эртага юз саксон, индинга юз тўйсон беш лира бўлади. Пулни олиб келмагунингча, хотинингни бермайман. Қани, аравангни торт! — деб бақирди, унга яна Осиёни кўрсатмади.

Осиёнинг ўгай онаси Мақбула хола билан маслаҳатлашиб, қизини зўрлик билан касалхонадан олиб чиқмоқчи бўлди. Аммо ходималар билан бош ҳамшира икковини қувлаб чиқаришди. Зина поягача тушган Осиёни икки шапалоқ уриб жойига ётқизиши. Қейинчалик бунақа ҳодиса рўй бўрмасин, деган мақсадда унинг кийимкечакларини беркитиб қўйиши.

Иброҳим кўтарилиши кечикиб кетган хирмонни яна бириси кунга қолдириб, Жонқурторонга ёлворди:

— Доктор афандим! Барча экинимни сотиб, қишда оч қолсам ҳам эллик лира топа олмайман... Қурбонинг бўлай, Осиёни бергин, мен кетай!

— Кўп гапирма. Сиз қишлоқилар алдоқчи бўласиз... Худо бир деганларингда ҳам сенларнинг гапингга ишониб бўлмайди. Икки юз йигирма беш лира келтирмагунингча, хотинингни бермайман!

— Доктор афандим, ахир бола ҳам ўлик туғилди-ку... Тўрт юз лирани нимага оласиз!

— Қўлимда тилхатинг бор. Қейинги ётган кунларига ўн беш лирадан тўлайсан. Бу ишда муттаҳамлик кетмайди... Қани, аравангни торт!

Иброҳим яна Осиёни кўролмай қишлоққа қайтди.

Операциядан кейин орадан ўн беш кунча ўтди. Жонқурторон бирорни текинга боқадиган сахнайлардан эмасди. Иброҳимнинг пул төпиб келишидан ҳам умиди-

ни уза бошлаганди. Шундан кейин түгруқхонада ишловчи хотинлардан бирини ҳайдаб, ўрнига Осиёни ишлата бошлади. Ҳали унча согаймаган бечора қиз, бўздан тикилган ва почалари боғлаб қўйиладиган иштой билан енги калта кўйлак кийиб, эртадан кечгача ер супуар, ахлат ташир, туфдонларни тозалар эди.

Бир неча кун ўтгач, ўгай она Мақбула хола билан бирга келиб яна Осиёни олиб қочмоқчи бўлиши. Түгруқхонага келиб, гўё гапиришмоқчи бўлгандек юзларидаги рўмолни олиши. Ичларига яшириб олган шалварни Осиёга узатиши. Осиё ҳожатхонада кийиниб, бошига рўмол ташлади. Улар бирга чиқиб кетишашётганида, ходималардан бири сезиб қолиб, хулди кўча эшик олдидаги Осиёга ёпиши. Катта жанжал бўлди. Ҳар икки томон Осиёнинг қўлидан тортар, у эса, бақириб йиғлар эди. Шовқин-суронга чопиб келган ҳамшира Осиёнинг бошидаги рўмолини тортиб, очиб юборди, шундан кейин кампирлар ўз ниятларидан қайтиб, қарғай-қарғай жўнаб кетиши.

Эртасига Иброҳим саҳарлаб түгруқхонага келди. Врачнинг олдига чиқиб, шу вақтгача ўзида кўринманган бир дағаллик билан:

— Доктор афандим,— деди,— хирмоним ўлда жўлда ётибди, уйим бесаранжом. Хотинимни берасанми, бермайсанми?

Унинг авзойини кўриб, саросимага тушган, лекин сезидир маслика уринган Жонқурторон олдидаги баъзи қоғозларни титкиларкан бошини кўтармай:

— Икки юз лира келтир-да, хотинингни олиб кегавер! Ошиғи керак ҳам эмас! — деди.

— Ҳозир Осиёни берасанми, йўқми?

— Айтдим-ку, ука, пулни олмасдан туриб, бера олмайман! — деди Жонқурторон янада юмшаб.

— Ундай бўлса, сенга қола қолсин. Қишлоқда хотин қуриб кетмаган! Фойдаси сенга тега қолсин!

Иброҳим эшикни шартта очиб, ташқари чиқди. У, икки қадам нарида, деворга суюниб турган Осиёни кўрмай, зиннадан югуриб тушиб кетди.

\* \* \*

Осиё ишларини ярим кечада тугатди. У, ҳожатхона билан ошхонани тозалаб бўлиб, парла билан тўсилни,

ажратилган бурчакка кирди. Ерга солинган ўринга узала тушиб, устига чойшапсиз кир одеялни тортди. Коридорда хира ёнаётган лампа унинг хонасига ҳам нур сочмоқда эди... Қорнида ўлик боласи билан аравада келаётган пайтдагидек тим қора кўзлари шипда бирор нарса қидиргандек жавдиради.

Ирғиб ўрнидан турди. Бош томонидаги кичик деразани очиб, пастга қаради. Бир ярим одам бўйи келарди. Қўйлак-иштон устидан бирор нарса кийиш эсига ҳам келмай, яланг оёқлигича ўзини пастга, боққа ташлади... Шу он оғзидан отилиб чиқмоқчи бўлган фарёдни кафти билан зўрга тўсиб қолди. Қаттиқ бир оғриқ, қорнидан бошланиб оёқ ва елкаларигача тарқалган санчиқ кўз олдини қорайтириб юборди. Қорнини чанглалаганича кўчага чиқди, зўр-базўр қадам босиб, қишлоғи томон йўлга тушди. Шаҳардан чиққандан сўнг йўл катта дарё ёқалаб борар эди. Қорайиб кўринаётган толларни оралаб, қирғоқдаги ўтларни сийпаб, шувиллаб оқаётган сувнинг шовқини шаҳардан узоқлашган сари кучаярди. Дарёнинг бурилиш жойида бу шовқин, оломоннинг овози сингари дам юксалар, дам пасаёр эди.

У, борган сари зўрайётган оғриқни қўли билан босиб, даф қилишга уринар, аммо бу фойда бермас эди. Икки букилиб бораётган Осиё дарёнинг шовқини оҳангида: «Ҳа... қишлоқда хотин қуриб кетмаган-ку!» деб такрорларди. Қорнини чанглаб олган қўлдан ўтиб, бўз иштонини ивитаётган илиқ, қора бир намлик оёқларига сирқимоқда эди. Буни пайқаб, қадамини янада тезлатди, энгашиб югарди. У, йўлда кетаркан, дарё шовқинни босиб ўтиб, сўл томондаги тоғ қояларигача бориб етган кучли бир овоз билан: «Қишлоқда хотин қуриб кетмаган-ку!!!» дея бақиради.

Ярадан сизиб ётган қон қумга аралашиб пилч-пилч оёққа ёпишар, ерда эса қора нуқталарга ўхшаш из қоларди.

У, қишлоққа етиб келганида, икки букилиб, боши тиззаларига тегай деб қолган эди. Шунга ҳам қарамай, у ҳамон даҳшат билан: «Қишлоқда хотин қуриб кетмаган-ку!» деб бақиради. Бу товушни эшитиб одамлар югуриб чиқишиди. Үлар етиб келганда Осиё ерда типиричилаб ётарди. Даст кўтариб олиб кетишиди. Бироқ, у тонгга етмай жон берди.

## ҚАЛДИРҒОЧЛАР

Шаҳар чеккасидаги кичик дарёning қирғозида, шохлари сувга эгилган кекса бир тол бор эди.

Илк баҳорда бу толнинг шохига бир урғочи қалдирғоч келиб қўнди. Ў, дарёning бу бошидан у бошига чақмоқдек учган, оқ сийналарини сувга тегизиб, ялтироқ қанотлари билан қурт-қумурсқаларни тутаётган бошқа қалдирғочларни кузата бошлади. Бошини секин-секин тебратар, чуқур ўйга чўмгани кўриниб турарди.

Тол шохлари шитирлади, бир эркак қалдирғоч келиб рўбарўдаги шохга қўнди.

Қалдирғочлар орасида ортиқча такаллуф бўлмайди... Улар узундан-узоқ сўрашиб ўтирумай, дарровгина танишиб олишди.

Аввалига сўз сувдан, ҳаводан бошланди. (Икки киши янги танишганда сувдан, ҳаводан сўзлашиши бир одатдир). Бир оздан кейин эркак қалдирғоч шохдан шохга ўтиб, олдинроқ борди. Урғочи қалдирғоч уялиб, сал тортинган бўлди. Муҳаббат қозони қайнади...

«Бўлиши мумкин» демангиз-да, илк баҳорда, ҳамма тўрт тарафга югуриб захмат чекаётган бир пайтда икковининг тол шохидаги суҳбат қуриб ўтириши куракда турадиган ишми?

Бизнинг қалдирғочларнинг иккови ҳам антиқа эди, яъни нариги қалдирғочларга ўхшамасли. (Бошқаларга ўхшамаганларни, антиқа дейдилар.)

Бошлиб урғочи қалдирғоч қочирим қилди: «Нега сиз ишламайсиз?» Бўлак қалдирғоч бўлганда, дарров «Сиз

нега бу ерда ўтирибсиз?» деб саволга савол билан жавоб қайтарарди. Аммо бизнинг қалдирғоч оғир-оғир хўрси-ниб қўйди-ю, чурқ этмади. Урғочи қалдирғоч унинг сукут этганини тушунгандек бошини тебратди ва кўзлари-ни пастда шилдираб оқаётган сувга тикди.

Бирпас жим бўлиб қолиши.

Эркак қалдирғоч кўзларини урғочи қалдирғочга тикиб, гапира бошлади:

— Шуларга қаранг...— деб пастда бир-бировига қара-ма-қарши ўқдек учиб, бўзчининг мокисидек ўтаётган қалдирғочларни кўрсатди.— Шуларга қарант!.. Эрта-кеч демасдан, ёз-қиши демасдан ишлаганлари ишлаган. Мен булардан бир неча марта: «Нега бундай ўзингизни қий-найсизлар?»— деб сўрадим. Жавоб бермай елкаларини қисиб, мендан узоқлашдилар.

— Иккимиз бир-биримизга сен деб мурожаат қилсак қандаи бўларкин?— деди урғочи қалдирғоч.

Эркак қалдирғоч ўзининг жиддий гапларига жавоб бўлмаган бу сўзни кутмаган бўлса ҳам, бу таклифдан севинди ва яна сўзида давом этди:

— Тўғриси уялман... Ҳамма қушларни бир қатор қилиб қўйганларида бизлар биринчи бўлиб чиқмаймиз. Аммо қилигимиз, афти-башарамиз туппа-тузук. Ақлими, фаросатимиз эса, эртадан-кечгача тинмай, овози борича чувиллаган булбулникидан устун келади. Қанотимизни бир қоқсак, энг тез учадиган кантарлардан ҳам ўзиди кетамиз. Ҳолбуки, қушларнинг ичиди энг баҳтсизидай эрта-дан-кечгача ит тинади, қуш тинади — биз тинмаймиз. Мана шу аҳмоқ чумчуқ ҳам беш кунлик умрини кайф-сафо билан ўтказди-ю, биз бўлсак, ораларидан ўқ сингари учиб ўтган чиройли дараҳтларнинг қадрига етмаймиз.

Бир оз тўхтаб, урғочи қалдирғочга кўз қирини ташлади:

— Эртага, ўлганимиздан кейин бирор биздан, «Дунёга келиб нима кўрдинг?» деб сўраса, жавоб беролмай дудуқланиб қоламиз. Учишдан у ёқ-бу ёқни кўришга ҳам қўлимиз тегмайди...

Урғочи қалдирғоч кўзларини сузиб:

— Оҳ! Сен ҳам худди мен сингари ўйлабсан-а!..— деди.

— Сени бу ерда ёлғиз ўтирганингни кўргандаёқ мен ўйлаган нарсаларни ўйлаганингни англаган эдим, шун-

дай эмасми, а? Дунёни тузукроқ кўрмасанг, дунёнинг нима эканлигини яхшироқ англамасанг, нимага дунёга келдинг? Турмушнинг маънисини билмагандан кейин, нимага яшаймиз?

Ургочи қалдирғоч унинг сўзларини тасдиқ этгандай бошини қимирлатди:

— Атрофимга назар ташласам, сенга ўхшаб, тўрт томонга щошилиб учайтган қалдирғочлардан бошқа бир парсани кўрмайман. Узимча, мен ҳам шулар зотиданни дейман. Яна ўзимга ўзим, йўғ-е, мен булар зотидан бўлмасам керак, дейман. Улар ҳам мени кўпда ёқтириши майди. Нима қилайнин, шу ерда ўтириб атрофни томоша қиласман. Сиз ҳам анави, нимайди, сен ҳам келмасанг, бу ёзни якка ўзим ўтказар эдим.

Шомга қадар роса чақчақлашдилар... Сўнгра хайрлашдилар. Шундай қилиб, ҳар куни учрашадиган бўлиб қолишли.

Бир-бирларига тикилишиб сўзлашмаган гаплари қолмади, ҳар эшикка кириб чиқишиди...

Агар қалдирғочлар орасида китоб ёзиш одати бўлгандайди, буларнинг ёзган китоблари, албатта, университетларда ўқитилар эди.

Секин-секин бир-бировларига ўрганишиб қолдилар, кўпинча ургочи қалдирғоч аввалроқ келиб, кўзини сувга тикиб, эркак қалдирғочни кутиб ўтиради. Бир кун гуллардан, бир кун юлдузлардан, бир кун бошқа қалдирғочлардан сўзлашардилар. Икковининг сўзи бир-бира га мос келарди. Лекин икковининг ҳам кўнглида кун сайин, яширинча кучайиб бораётган бир қўрқув бор эди. Бу — бир куни бошларига тушадиган жудолик қўрқинчи эди.

Иккиси ҳам жудоликдан сўз очишга журъят ётмасди. Ким билади, эҳтимол мақсад янгилик англашилиб қолмасин, деб андиша қилишар. (Кўпинча кўнгил туйгулари янгилик англашилади.)

Кўнгилларида борган сари орта бораётган жудолик қўрқувини ётиги билан бир-бирларига гапириб бериш йўлини ўйлай бошладилар.

Масалан:

«Ҳеч айрилмайлик, шундай эмасми?» десалар бўларди.

Аммо бу гап кенг маъноли ва ноаниқ эди. Бу ўзи қанақа айрилмаслик?

«Бир уя! қурайлик!» десалар, бу ҳам томдан тараша тушгандай бўлар ҳамда худди бошқа қалдирғочларга ўхшаб қолгандек кўринарди.

Дунёнинг бир равотга ўхшаганлигидан, осмоннинг чексизлигидан, сувлардан ва бошқа қалдирғочларнинг турмушларидан ўзаро суҳбатлашарканлар, бир-бировларига ҳасратли термулишар ва «бир-бirimиздан қандай айриламиш?» демоқчи бўлар эдилар.

Тақдирнинг унчали шафқатли эмаслигини ва бир-бириларига жуда яқин бўлган кишиларни қайта учрат-маслигини яхши билар эдилар. Уларнинг тиллари бошқа қалдирғочлар тилига ўхшаса ҳам, бу тилда истаган сўзларини сўзлашга уялар эдилар. Бу тил уларнинг ичларидаги дардларини ифода этолмас эди.

Аста-секин кўзларини ғам босди. Дўстлик ва муҳаббатдан гап очилганда товушлари негадир титрарди, балки ӯзларига шундай туюлар.

Шундай пайтларда улардан бири қаҳқаҳлаб кулар, юраклари ўртаниб турса ҳам ҳазиллашгандай бўлиб кўринишга уринарди...

Ниҳоят иккиси ҳам ишнинг ҳадеб шундай силлиқ кетавермаслигини англашди. Очиқроқ гаплашишга аҳд қилинди.

Эрталаб бир-бирлари билан учрашганларида урғочи қалдирғоч айтмоқчи бўлган сўзларини имо-ишора билан англатмоқчи бўлди. Худди шу пайтда улар ўтирган тол шохидан сариқ бир барг чирт этиб узилди-ю, лапанглаб, эркак қалдирғоч урғочи қалдирғочга маъноли қараб турган пайтида ораларига тушиб тўсиб қўйди.

Эркак қалдирғоч бу боқишини кўролмай қолди. Икковлари ҳам фақат сариқ баргни кўрдилар.

Эркак қалдирғоч, «Сендан ҳеч айрилмайман» демоқчи бўлиб турган ҳам эди, гув этиб совуқ шамол турди... Урғочи қалдирғоч эркак қалдирғочнинг сўзларини эшига олмади. Иккаласи ҳам фақат визиллаб эсаётган соvuқ, шамолнинг товушини эшилди. Бир-бировларининг кўзларига боқиши, энди уя қуриш пайти ўтганлигини, куз келганлигини ва айрилиш вақти етганини англашди, иккаласи ҳам уҳ тортишди.

Устларидан анча қалдирғочлар учиб ўтиб, иссиқ мамлакатларга кетдилар.

Айрилдилар... Қайта бир-бирларини кўрмадилар: Аммо икковлари ҳам кичкинагина сой бўйидаги толни,

у ерда ўтган ширин кунларини, гўзал баҳор ва ёзни сира унутмадилар.

Иккаласи ҳам ёзда ўзларидек яйрамаган қалдирғочларга менсимай, хўмрайиб қарашарди... (Чунки оэчилик кўпчиликка негадир хўмрайиб қарайди.)

## СҮНГСИЗ ҲИКОЯ

Мен Кониядаги ахлат ташланадиган жарлик яқиннанда бир кекса аёлницида турардим. Менга «тўла мебелланган», деб ижарага берилган уйнинг бор-йўқ буюми биттагина қора темир каравот, эски стол ва иккита йиғма темир курсидан иборат эди. Қаттиқ совуқ тушгач, булар ёнига тунука печька ҳам қўшилар эди.

Уй эгаси паст бўйли эллик беш ёшлардаги аёл ҳамиша узун одми кўйлак кийиб юрар, эски қора шолрўмоли бўлса, елкасидан тушмасди. У жуда камгап бўлиб, доим қовоғини солиб юрар, меникига фақат ўрнимни йиққани (мен чиқиб кетганимдан кейин) ва печькага ўт ёққани (агар кечқурун ишламоқчи бўлсам) кираrdи.

У кунда лампамдаги керосиндан қўйиб олар, ертўладаги ўтинимдан ўғирлар, кечқурунлари бир соат ҳам ёқмаслигимга қарамай, бешинчи лампага икки кунда ярим литр керосин кетибди, деб мени ишонтиromoқчи бўларди. Уйимда кунига фақат бир марта печька ёқилишига қарамай, олиб қўйған ярим тонна ўтиним фақат икки ойга етар, қишининг ярмига бориб, уч баравар қимматига яна ўтин сотиб олишга мажбур бўлардим. У буни тамомила табиий бир ҳол деб биларди. Лекин мен бу ҳақда унга ҳеч нима демасдим.

Эрталаблари у ювинишимга керосиндан бўшаган бинонда сув келтириб берар, унда қил, чўп-хас сузиб юрарди. Мени шундан халос қилсангиз деб неча бор

ильтимос қилмай, барибир фойдаси бўлмади. Сабрдан бошқа иложим йўқ эди. Негалигини билмайман-у, лекин менга бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришдан ёмони йўқ. Умуман, ўзим саёҳатни яхши кўрсам ҳам кўчиб юришга ҳеч тоқатим йўқ. Уйимнинг бир бурчагида бетартиб ётган китобларни кўтариб юриш кераклигини эслаганимда, юрагим орқамга тортиб кетарди. Бундан ташқари мен нима учундир одамлардан номус қиласадим. Уй эгасига: «Сизникида тинчгина яшаб бўлмайди, мен кўчиб кетаман!» дейишга уялардим. Баъзан кечалари каравотга узала тушиб пеккадаги ўтиналарнинг чир силлаб ёнишини эшитиб, мутолаага берилардим. Энди ширин мудроқ босиб келаётганида бирдан эшик тақиллаб, хонага уй эгаси кириб келарди. У бир қўлида каттакон хокандоз, бир қўли билан ҳамиша ёшланиб турадиган кўзларини ишқар эди: «Бир оз кўмир олишга рухсат этадиларми, афандим?» деб, нима дейишимни кутмаёқ, пекканинг қопқоғини очиб, ундаги бор оловни сидириб оларди.

Инсон қанақа махлук ўзи! Бундай дамларда мен унга қараб бақиргим, тинч қўяссанми, йўқми деб юборгим келарди. Кунда кечқурун кириб келаверадиган бу аёлнинг оёғини тийиб қўйиш учун шартта ўрнимдан турсам-у, пекка ёнида ётган палёнлардан бирини ола солиб, бошига боплаб туширсам дердим. Лекин чиқиб кетаётуб: «Хайрли кеч, афандим», деганида жаҳл аралаш жилмайиб қўя қолардим.

У вақтларда ҳаётим тасаввур қилиб бўлмас даражада бўш, кўнгилсиз ва беҳуда ўтарди. Кунда эрталаб вақтли туриб ишга кетар, тушда ва кечқурун кичик бир ошхонада насияга овқатланар, бошим оғиб карта ўйинини томоша қилиб қолмасам, кечқурун барвақт қайтардим. Юрагимни могор босганди; газетага қизиқмай қўйдим, бирор билан гаплашиш ҳам малол келадиган бўлиб қолди, биронта дўстим билан пивохонада бирон стакандан вино ичиб, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтириш ҳам кўнглимни очмасди. Мен гоҳи-гоҳида кўчада учраб қоладиган чиройли хотинларга қайрилиб ҳам қарамасдим. Бундан завқлироқ, бундан маънилироқ, тўқис бошқа бир ҳаёт мавжуд деган хаёлнинг ўзи ҳам энди менинг қарахтлигимни бузолмасди. Мен ҳатто китобини фақат одат бўйича, ё ўзимдан-ўзим уялганим учунни қўлга

олардим, руҳий кечинималарга тушган вақтларимда ҳам китоб мен учун аҳамиятини йўқотмас эди. Энди китоб менин ҳаяжонга солмаслигини, ўйга чўмдирмаслигини, менин бирон бир ҳаракатга рағбатлантирмаслигини билсан ҳам, бу нарса менин ташвишлантирмасди. Фақат кўриб турган нарсалар билангина яшардим. Дунёда мен ишга қатниайдиган чаңг, лой кўчадан, фиштин деворлардан ва гаплари ўша заҳотиёқ хәёлдан кўтарилиб кетадиган бир неча хушчақчақ дўстларимдан бошқа ҳеч нарса йўқдек туюларди.

Шу вақт бир воқна, худди уйқуда ётған кишини ирғиб ўрнидан туриб кетишга мажбур қилувчи ҳайқириқдек кўзимни очди.

Ўн беш-йигирма кунида бир кекса хотин келиб, кирчиримни ювиб берарди. Лекин, у фақат ташкин кўринишдангина кексаларга ўхшар, ҳақиқатда эса ҳали ёш эди. Чамамда ёши ўттизларда эди. Лекин унинг пастаккина мункайған жуссаси, ориқ ва узун қўллари, мурданини сингари ич-ичига тушиб кетган қора кўзлари ёшини аниқлаб бўлмайдиган кампирга ўхшатиб қўйган эди. Оғзида битта ҳам тиши қолмаган. Чеҳрасини ажин босиб кетган, жигар ранг кўйлагининг этакларни остидан чиқиб турган чиллакдек оёқлари или узилган каттакон эркакча ботинкаси ичиди йўқ бўлиб кетарди. Бу кирчи ни менга уй эгаси топиб берган эди. Аёл йигирма беш курушга бир неча сидра ички кийимларимни ювиб берар эди.

Бир куни кечга яқин ишдан келсан, кирчи хотин ҳали ҳам кир юваётган экан. Ҳаво булат бўлгани учун у кирларини айвонга тортилган арқонга ёниб қўйибди. Кирлар орасида бир неча бегона чойшап билан кўйлак кўринди. «Булар кимники?» деб сўрасам, аёл менга, уй эгаси кирларингиз орасида ўзининг кирларини ҳам ювиб беришни сўради, деб жавоб берди. Мен хижолат бўлиб кетдим, нафратландим. Мен туғайли инсофисизлик қурбони бўлган бу қашшоқ аёлни уйга бошлаб киргим, унга тасалли бергим келди. Бироқ кейин ўзимга-ўзим: «Ҳар ҳолда, ўзлари келишишган бўлса керак, ахир уни бу ерга келгин деб ҳеч ким мажбур қилмаган-ку»,—дедим. Чўнгагимдан йигирма беш куруш олиб, бир оз ўйланиб тургач, яна ўи куруш қўшдим-да, унга бердим, кейин уйга кириб, эшикни беркитиб олдим.

Эртаснга уй эгасидан унинг кимлигини суринштир-

дим. Шунда ўзи уялмай-нетмай уни төг-төг кирларини бепул ювиб беришга мажбур қиласидиган бераҳм аёл:

— Бечора жуда камбағал хотин,— деб жавоб берди.

Кейин у аллақандай бир воқиани сўзлай кетди. лекин мен кирчи хотин жуда камбағал эканини, шу маҳаллаликлардан уч-тўрттасининг кирини ювиб юришини англаб ололдим, холос.

Ҳар тўрт-беш кунда йигирма-үттиз куруш топса, қандай кун кечираркин? Қариндош-уруғи бормикин? Ўзи қаерлик? Беихтиёр шунга ўхшаш анча-мунча саволлар туғилди. Бу аёлни ўйлар эканман, кишилар ҳаётига аста-секин сўниб бораётган қизиқишим қайта уйғонгандай бўлди. Унинг совуқдан кўкарған қирра бурини, эртадан-кечгача тогорага энгашавериб буқчайгап гавдасини, заиф, титроқ овозини эсладим.

Икки кундан сўнг кечқурун уйга қайтаётуб, уни эшик олдида учратдим. Кун совуқ, пальтомнинг ёқасини кўтариб олганимдан буг босиб, кўзойнагим хиралашганди. Ёнимдан калитни олаётганимдагина остоңада ўтирган аёлга кўзим тушди.

— Ким бу? Нима қилиб ўтирибсан?— деб сўрадим.

У бир неча соат югуриб, энди нафасини ростлаб ололмаётган кишидек ҳаллослаб тез жавоб берди:

— Ҳеч нима... Ҳеч нима!.. Биронта иш топармикинман деб бутун маҳаллани айланиб чиқдим!..

Аёл ҳаяжонини яширишдан ожиз эди; мана ҳозир йиглаб юборадигандай овози титрарди. У алланима демоқчи бўлиб бир неча марта оғиз жуфтлади-ю, лекин ҳеч нима демади.

— Уйинг қаерда?— деб сўрадим.

— Ҳув авави ёқда. Араб маҳалласида,— деб жавоб берди у.

— Ҳеч киминг борми?

Аёл уҳ тортди, кўзлари пирпиради.

— Бир қизчам бор...— деди ерга боқиб.— Ёстиқдан бош кўтармайди!

— Қасалми?

— Ҳа, касал... Қаттиқ касал...

Эшик олдида ҳалқоб сув юзини муз босганди, мен муз устида туардим. Оёқларим қотиб кетди. Кўчадан ифлос қор учираётган шамол юзимга келиб ураг, кўзларимни ачитарди. Совуқдан уни ортиқча сурнштириб ўтиришга ҳам иштиёқим қолмади.

— Қизингнинг ёши нечада? — деб сўраб калитни бурадим.

Эшик аста очилди. Аёл алланима деб сўрамоқчи бўлди-ю, лекин фикрндан қайтиб:

— Саккиз-тўққизларда... — деб жавоб берди.

Албатта у шундай пайтда эшик олдида мени бирор мақсад билан кутган, лекин мен совуқда ортиқ у билан гаплашиб туролмасдим. Юрагим ғаш бўлиб, таъбим хидалашди. Мен унинг ҳеч қандай яхши гап айтмаслигини, унинг сўзларидан уялниб қолишим мумкин эканини билардим. Ўзроҳатимни йўқотишдан чўчирдим. Мени худбинлик туйғуси чулғади, мен бунга қарши турмадим ҳам. Эшикни очиб, шошилиб уйга кирдим. Аёл менинг қочиб кетганимга ажабланмади ҳам, чунки у ҳамма ерда шундай муомалага дуч келарди. Лекин тўсатдан унинг қиёфасида таърифга сифмайдиган қайғу кўринди. Бутун вужудини даҳшат қоплагандай бўлди. Чорраҳадаги хира чироқ аёлнинг юзини ёритиб турар, унинг кўланкаси титраб, секин-аста кўча зулматига сингиб борарди.

Мен унинг:

— Афанди! Афанди!.. Ювдирадиган кирингиз йўқми? — деганини эшишиб қолдим.

— Йўқ, — деб жавоб бердим.

Тезроқ ётогимга чиқсан дердим. Шунинг учун аёлга ўйламай жавоб бердим. У кетмоқчи бўлиб бурилди, мен эса, кўча эшикни ёпа туриб, унга:

— Хола, индинга бир кел... Тайёрлаб қўяман, борини ювиб берасан... — деб қичқирдим.

У мен томонга бошини ҳам ўғирмай, кетаётган ерида:

— Хўп, — деб жавоб берди жонсизгина.

Мен зинапоядан югуриб чиқиб, уйимга кирдим-да, ўзимни каравотга ташлаб, қўлларим билан юзимни беркитдим. Миямга бирин-кетин ҳар хил фикрлар қуийлиб кела бошлади. Бу аёл мендан бирон нарса сўрамоқчи бўлиб келган. Эҳтимол, шундай совуқда мени бир неча соат кутгандир... Уч кун бурун ўзи ҳамма кирларимни ювиб берган бўла туриб, ювдирадиган кирингиз йўқми, деб сўради. Нимага келгани маълум. Мен аҳмоқ эса, ўзим уни шунчалик рўй-рост хайр сўрашига мажбур қила туриб, ҳеч нима англамадим. Очиги, мен ҳеч нимани англашни истамадим. Осоишталигимни йўқотишдан қўр-

қиб, лоқайдлик қобигига ўралиб олдим. Қилган ишмидан ўзим уялиб кетдим. Ётган еримдан бир неча марта иргиб турдим. Ойнага қараб, унда кўрингган башарага тупурсам дердим. Бироқ, бунга журъат этолмадим. «Кўлингдан нима келарди?— деб сўрардим ўзимдан.— Нима қила олар эдинг? Кимсан ўзинг?» Аммо бошқа бир овоз менга: «Қочмаслигиниг керак эди... Нима бўлганда ҳам галини охиригача тингласанг бўларди... Ҳатто ҳеч нимаси йўқ киши ҳам бошқаларга ёрдам қила олади, жилла курса ширин сўз билан...» дерди.

Тун бўйин шуни ўйлаб чиқдим. Мен бу аёлдан, унинг bemор гўдагидан кўра, ўз аянчли аҳволимни кўпроқ ўйлардим. Бир неча ойдан бери давом этиб келган осойишталигим лоқайдлигимдан бир зум ичидан асар ҳам қолмади. Бундан буён ўзгалар қайфуси қаршисида хотиржам қололмасдим; ўзимда меҳр-шафқат, занфлик, қўрқув ҳис эта бошладим... Совуқ уйда эрталабга қадар ечинмасдан ётдим.

Эртасига уй эгасини чақириб, меникига кирчи хотин келиши кераклигини айтдим.

— Мен келгунча кетиб қолмасин, айтиб қўйинг,— деб, эшик олдида бир озгина кир қолдиридим.

Уй эгаси:

— Ахир кечагина...— деб гап бошлаган эди, сўзини бўлдим:

— Шундай бўлсин!

Кечқурун уй эгаси мени кулиб қарши олди.

— Кирчи хотин келмади!

Эҳтимол, аёл қайси куни кел деганимни англамагандир... Эҳтимол, бошқа ерга кетгандир... «Келади!» деб гўлдиллаб қўйдим. лекин нима учундир хавотирландим. Мен уни тоқатсизлик билан кутдим. Уша куни кечқурун қуруқ жўнатганим учун унинг олдида айбимни юварман деб кутдим. Виждан азобидан халос бўлсам деб кутдим. Бироқ, кирчи аёл эртасига ҳам келмади. Мен уни излаб топишга қарор қилдим. Уй эгаси унинг қаерда туришини билмас экан.

— Биз керосин оладиган дўкондаги бола қўшниси бўлади,— деди у.— Даркор бўлса, ўшандан сўранг.

Уша болани топиб, кирчи хотин турадиган уйни сўрадим. Кейин бозордаги қаҳвахонага кириб, бир ошнамдан икки лира қарз олдим-да, араб маҳалласига йўл олдим.

Шаҳар чеккасига чиққунча икки томони балацд левор билан тӯсиляган, тупроги ўйнаб ётган тор кўчадан анчагина йўл боғдим. Араб квартали одам бўйидан ошар-ошмас пастак уйлардан бошланарди. Бу — мисрлик Иброҳим пошонинг<sup>1</sup> Конияда туриб қолган сипоҳлари асос солған бир қишлоқ бўлиб, эндиликда шаҳарга қўшилиб кетган эди. Бу ерда фақат камбағаллар яшарди. Маҳалланинг кўчалари чўлдан эсадиган шамолга очиқ бўлганидан майда қор зарралари чангтўзонга қоришиб, осмони-фалакка кўтарилиб ётарди. Эгнимга нахталик ва пальто кийганинг қарамай, соvuқдан титрардим. Фира-шира қоронғилик тушди, кўчада зоғ учмайди. Аҳён-аҳёnda биронта оч ит шамолдан пана жой излаб, кўчани кесиб ўтади.

Боққоллик дўйонидаги бола, кирчи аёл турадиган маҳалланинг боққолига учранг, деган эди.

Сал нарироқдаги муюшда қия очиқ дарчадан хира шуъла тушиб турарди. Яқинроқ борган эдим, витринада турган бир неча қази, икки бўлак совун ва ширалик солинган банкага кўзим тушди. Ичкари кирдим. Манқалдаги бир неча чўғни пуфлаётган яккам-дуккам соқолли киши мени кўриб ҳайрон бўлди. Дўконда витринада кўрганларимдаш бошқа ҳеч нима йўқ ҳисоби. Бир бурчакда керосин бочкаси турибди, ёнида эса бир нечта чанг босиб кетган ўлчов идиши ётиби.

— Хўш, нима керак эди? — деб тўнғиллади яккам-дуккам соқолли киши.

Мен кирчи хотин қаерда туришини сўрадим. У ўтирган ерида икки оғиз гап билан кирчи хотиннинг ўйини айтиб берди, сўнгра яна тўнғиллаб:

— Кирингни ювиб, бирор нарсаигни ўғирлаб кетдими? — деб сўради.

— Йўқ, бориб киримни ювиб бермоқчи эди, бормади. Шунга хавотир олиб келдим!

Боққол ишонмагандай елкасини қисди.

Дўкондан чиқдим, рўпарадаги уй олдига бориб, эшигини тақиллатдим. Атрофга зимзиё қоронғилик чўқди, уфқда эса ўроқ ой кўринди. Дераза олдига келиб ичкарига қарадим. Ҳеч нарсани кўриб бўлмасди. Ойнаси-

<sup>1</sup> Иброҳим пошо — Миср қўшиининг қўмондони, 1831—1833 йылларда Турк сultonни билан уруш олиб боргани. Миср ҳокими Маҳмуд Алининг ўғли.

ни чертдим. Ичкарида шарпа сезилди. Яна эшик олдига қайтиб, кута бошладим. Бир оздан сүнг тош устида яланг оёқ шипиллаб юрган овоз эшитилди, эшик секин очилди.

Ойнинг кучсиз шуъласида эшик олдида турган аёлнинг юзини кўрдим. У титрарди. Беҳарақат қотган чехраси мурданинг совуқ башарасини эслатарди. Кўзларни яна ҳам ич-ичига тушиб кетган, тиwsиз оғзини ёпиб турган лаблари янада юпқа тортиб кетган. Унинг қўлига икки лирани тутқазиб, урра қочгим келди, ҳеч нимани эшитмайин ҳам, кўрмайин ҳам, унинг дард-аламларига шерик ҳам бўлмайин, тезроқ қочайин дердим.

Бироқ, кўнглимда бунга қарши алланима туфён қилиди ва мен аёлдан:

— Нега келмадинг? Хавотир олдим. Боланг қалай?— деб сўрадим.

Аёл совуқдан ва ҳаяжондан қалтиради. Совуқ тошда турганимдан оёқларим қотиб кетди, у бўлса ана шу тошлар устида яланг оёқ туради.

— Совқотиб кетдинг,— дедим мен.— Уйга кирайлик.

Биз тош ётқизилган йўлка орқали кинчкагина боғчадан ўтиб, уйга кирдик. Ўртадаги дарчадан тўрт бурчак хира ёруғ тушиб туради. Аёл мен ичкари киргач, эшикни ёпди.

Бир оз вақт иккимиз ҳам жим турдик. Кўзларим қоронғига кўнниккач, девор тагида каравотга ўхшаган бир нима турганини кўрдим. Унда бир ўюм увада тўпланиб ётарди. Тикилиброқ қарасам жулдур кўрпа экан. Касал болани уйғотиб қўймай деб чўчиб, шивирлаб сўрадим:

— Қизинг тузукми?

Қаршимда турган аёл ёлворган товуш билан секин жавоб берди:

— Аччингиз чиқмасин, боролмадим... Қизим қаттиқ ётиб қолди. Мана бир нечча ой бўлиб қолди, йиғлагани-йиғлаган, шу кунларда йиғиси бадтар ошли. Илгаригидай очликдан эмас, совуқдан нолийди.. «Ойижон, совқотиб кетяпман!»— деб чинқиради. Ақлдан озаёздим. Бир окка<sup>1</sup> ўтии фалон пул, шунча пулни қаердан олай? Ҳафтада бир марта биронтасинникида кир ювсам, уйини супуриб-сицирсам, қўлимга йигирма беш ку-

<sup>1</sup> Окка — Оғирлик ўлчови, 1.25 килограммга тўғри келади.

руши беради. Йигирма беш курушга нима келарди? Ег, гуруч олиб, қизимга шўрва қилиб бераман. Ичига иссиқ кириб, енгил тортармикин дейман. Ўтинга пул қаёқ да дейсиз?

Аёл ияги титраб, бошқа бирон сўз айттолмади.

Қоронғида яхши кўрмасам ҳам назаримда унинг кўзларидан ёш қуюлаётган эди.

— Мана, бир ҳафтадан ошибдик, шўрва ҳам ичолмай қолди,— деб давом этди аёл.— Нуқул: «Ойижон, совқотиб кетяпман», деб йиғлайди, нима қиласаримни ҳам билмай қолдим. Қуруқ шоҳ-шабба йигиб келиб, печкага ўт қаладим. Гур этиб ёнди-ю, ўчди-қолди. Қизим бечора ўтни кўрмади ҳам. Ўтинга пул топарман деб қаерларга бормадим. Худойимнинг бизга раҳми келмади. Ўйга қайтдим, қизим бўлса: «Ойи, қаерда эдингиз! Шундай совқотиб кетдимки!» дейди. Кейин у тилдан қолди, мушук боладай пишиллайди, холос. Ёнига ётдим. Ҳеч кимим йўқ, бирон кишига ишонолмайман. Қизимни қулоқладим, болагинам худди муз дейсиз. Уни кўксимга босганим сари: «Ойижон, қаттиқроқ қулоқланг!» деб инграйди. Нимасини ҳам иситардим, қуруқ суяги қолган. Кейин инграмай ҳам қўйди. Ухлаб қолди деб ўйладим. Яна бир неча марта уйғониб: «Иситиб қўйинг, ойи!» деди. Кейин яна ухлаб қолди. На овқат, на сув сўради; ухлаб-ухлаб уйғонади-да, яна: «Иситиб қўйинг!» дейди. Ўзим ҳам қуруқ суяқ бўлиб қолганман. Қандай иситардим уни? Ҳарқалай, охири тинчид қолди. Билмадим неча кун ўтди — уч кунми, тўрт кунми — биз қулоқлашганча ётавердик. Қўзини очади, мен унинг бошини кўксимга қаттиқроқ босаман, кейин яна ухлаб кетади. Бугун тушда кўзини очди, менга аллақандай ғалати қилиб қарди-да, қайтиб юммади.

Аёл уй ўртасига чўкка тушиб йиғлай бошлади.

— Худонинг ўзи уни азоб-уқубатдан қутқарди...— деди у,— лекин мени нимага бундай азоблайди?.. Энди мен нима қиласман?.. Қимга бориб йиғлайман? Қим менга бир маслаҳат беради... Оҳ, қизим, қизгинам!..

Бошим оғриқдан ёрилиб кетай дерди. Болани қўлимга олиб ўпгим келди. Уй ўртасида чўкка тушиб турган аёлни қулоқлашга, у билан бирга йиғлашга тайёр эдим.

— Шошма,— дедим бўғиқ товуш билан эс-ҳушимни йигиб олишга ҳаракат қилиб,— мен ҳозир келаман.

Мен кўчаларда қучим борича югуриб борардим. Ой анча кўтарилиб қолган. Шамол юзимга тўзон келтириб уради. Қум-тупроқ кўз ёшим билан қўшилиб, лойга айланади. Ёноқларимда музлаб қолади. Мен уйқуга кира бошлаган шаҳар марказига югуриб борар, қалбим чидаб бўлмас оғриқдан зирқиради. Дуч келган кишини ёқасидан тутиб, ўша ёқса, қашшоқ кирчи аёлнинг уйига судраб борсам дердим.

## ХАҚИМИЗНИ ЕДИРМАЙМИЗ!

Бу дунёда инсофли одам қолмабди, биродар. Биз уни мүмин мусулмон, намозни канда қилмайди, рўза тутади, бирорни алдамайди деб. қанча ҳурмат қилсак, у шунча бошимизга чиқиб оляпти. Ёўрлик пайтимиз ўтиб кетган, бундай найранглар бизга кетмайди энди, шундай эмасми, ахир?

Мана, мен воқиани бошидан гапириб берай, сен қулоқ сол.

Мактабни тугата олмадик. Отамиз қанча ҳаракат қилмасинлар натижа чиқмади. Ўзлари майор эдилар. Офицер бўлишларига қарамай доим сердаромад жой қидириб юрадилар. Анатолияни бошдан-оёқ кезиб чиқдик, қаерга бормайлик пошо болалариdek яшадик. Қаерда ўқимайнин, падар имтиҳон олдидан ўқитувчилар билан гаплашиб, ишни тўғрилаб қўярдилар. Ҳарбий хизматдан холи бўлган ўқитувчи бор дейсизми?.. Шундай қилиб, афандим, Истамбулга кўчиб келдик. Бу ерга чақириб гўё падарга илтифот қилишган эмиш. Икки ўртада ўқишдан қолдик. Падарнинг ўқитувчиларга гаплари ўтмай қолди. Истамбулда майор нима деган нарса ўзи? Бу ерда ҳатто пошоларни ҳам назар-писанд қилишмайди. Ҳа, қўшиқда айтганларидек: «Ким иззат қиласди, Ялова қаймақомини!» шундай эмасми-а?.. Шу ерда икки йил яшадик. Битта-яримта танийдиган бўлиб қолди. Хусусий лицейда ўқимоқчи бўлиб турган эдим, иттифоқо падар пенсияга чиқиб қолдилар. Орадан бир йил ўтди-ю, падар дунёдан ўтдилар. Улардан Ускудорда, Гўptoшига яқин жойда бир ҳовли мерос қолди. Кейин сингилча ҳам бир олифта билан топишиб, уйдан кетиб

қолди. Кампир иккенинг қолдик... Рўзгор, кийим-кечак. Қаҳвахонага чиқиб улфатлар билан музика эшниши, чўмилишга бориш учун пул топпш керак бўлиб қолди. Отта тириклигида покер<sup>1</sup> ўйнадик, ундан ҳам воз кечдиқ. Қаҳвахонада ҳаттоки бир стакан чойдан ҳам шашқол ўйнамай қўйдим. Отамиз Малатияда ҳарбий бошлиқ бўлиб турғанларида кампирга олиб бергани билагузуклари, сирг палослари, аванс гиламлари бирин-кетин бозорга чиқарилди. «Ўғлим, бирор иш топмасанг, бу аҳволда қандай яшаймиз эиди», деб минифилларди кампир. Суяничиғинг бўлмаса, қаердан иш топасан?! Ҳаммоллик ёки қора иш қилмайман-ку, ахир... Бели бақувват ўртоқларим савдо идораларига, миллий хавфсизлик органларига кириб олиб, бир кунда юз эзлик лирадан ўмарашяпти. Бизда ҳам иззат-нафс деган нарса бор. Оиласиз шаънига тўғри келадиган жой топсан, кириб ишламасмидим? Одам деган нима учун дунёда яшайди. Шаън деб яшайдими ёки... Буни кампирга уқдириб бўлармиди? У мендан иш чиқмаслигини кўргач, қўни-қўшиниларга, отамизнинг эски қадрдонларига ёлвориб юрди. Бир куни уйга курсанд қайтди.

— Қани, жон болам, энди юзимни қора қилма,— деди кампир.— Отанг Сариқамишда эканлигида унинг батальонида бир лейтенант доктор ишлаб юрарди, буни қараки, ўша тирмизак бола ўйимизнинг орқасидаги касалхонага рентгенчи бўлиб келибди. Бош врач билан алоқаси яхши экан, сенга касалхонадан иш топиб бермоқчи. Эртага чиқиб кўргин-чи.

Аввалига кампирнинг гапига қулоқ солмай, у кишининг олдига чиқмадим. Аммо кампир бўш келмади. Қаҳвахонада ўртоқларимга айтган эдим, улар ҳам койиб беришди:

— Ия, эсингни едингми? Буни касалхона дейдилар-а! Сердаромад жой. Қозон қайнамайди деб қўрқма, беш жонни боқиш мумкин. Ўзининг дорихонаси, дорилари бор. Докторларча бўлмаса ҳам, бейлардай яшайсан!

Гапнинг қисқаси, шу касалхонага омбор котиби бўлиб ишга кирдим. Ойлик етмиш лира... ёзда ҳам, қишида ҳам етади... Аммо бу ерда ҳеч ишлагим келмайди. Бунинг устига касалхонанинг хўжалик мудири нақ тулкидан ҳам ўтар экан... Касалхонанинг бош врачи ҳам, од-

<sup>1</sup> Покер — картада қимор ўйнишнинг бир тури. (Тарж.)

дий врачи ҳам, ҳисобчи-ю омборчиси ҳам ўзи. Бўйи юз эллик сантиметр, олтмишларга борган, мошгурунч. соқолли бу кишининг оти Ҳожи Лутфибек бўлиб, роса тўрт марта ҳажга борган экан. Танимаган одами йўқ: министрлар, депутатлар — бари унинг дўсти. Уйи Оқсаройда бўлиб, трамвай ва кемага тушар, кейин йигирма минутча пиёда юриб, эрталаб соат етти яримга касалхонага етиб келарди. Бомдот намозига тургач, қайтиб ётмай йўлга чиқар экан. Мабодо тўқиздан беш минут ўтганда келсанг, миянгни қоқиб қўлинингга беради. Бир озгина пахтани спиртга ботириб олади-да, қаравотларнинг бурчак-бурчакларини артиб кўради... Борди-ю, пахтага гард юққудек бўлса, коридорда ҳамширларга, ходималарга шундай ваъз ўқишга тушадики, азбаройи худо, жон талвасасида ётган беморлар ҳам ўрнидан туриб кетишади. «Бунинг дастидан бу ерда пул ишлаб бўлмайди. Ойнига етмиш лира олиб эртадан-кечгача дафтар титкилаб ўтириш менинг ишим эмас», дедим ўзимга-ўзим. Баҳона топиб бу ердан жўнаб қолмоқчи бўлдим-у, кампир вайсаб беради деб ботинмадим. Эҳ, дўстим, сенга айтсам, бир чакаги очилдими, дам олмай, олти соат жаврайди... Йигирма кунча ишладим. Мен пайт пойлаб юрар эдим. Ҳожи оғанинг бир ўғли колледжа, иккинчиси медицина факультетида ўқир экан. Унинг маоши ҳам кўп эмас... Бадавлат одамга ҳам ўхшамайди. Бу ерда бирор сир бўлса керак, лекин қанақа сир экан? Шу жумбоқ менга тинчлик бермай қўйди. У ўғрилик қиласи, бироқ бизга исини чиқармайди. Омборга мен жавобгарман, ҳисоб-китоб менинг қўлимда... Озиқ-овқат тортаётганда бир граммини ҳам уриб қолмайди. Хуллас унинг сирини тополмадим.

Ниҳоят бир куни унинг ўзи сирни очиб берди. Ҳали-ҳали эсимда, жойнамозни ёйиб намоз ўқиётган эди. Мен қоғоз ёзиш билан овора эдим.

Жойнамоз устида тиз чўкиб ўтирган Ҳожи Лутфибек ўнг-сўлига салом бериб, менга қаради:

— Болам, ҳозир омборда ортиқча икки бочка пишломиз бор-а, шундайми? — деб сўради.

— Ҳа, афандим.

— Расо икки бочками?

— Сал камроқ, афандим!

— Зарари йўқ... Ҳозир мен сенга йигирма бочка пишлоқ топшириш учун қоғоз ёзиб бераман, сен Қорақошга

мендан салом айт. ўн саккиз бочкасини топширасан. Қолган иккى бочкасини эртага ўзим элтиб бераман. Албатта, бунда сенинг ҳам улушинг бор.

Шундан кейин у яна памозин давом этдириди. «Вой намозингдан ўргилай ҳожи-еї! Менга яхши айтиб қолдиг... Энди бундап кейини ҳақимни талаб қиласман», деб қўйдим ичимда.

Ҳожи менига бир марта сирини айтиб қўйгандап кейин омбор ишларини бирғалашиб қиласиган бўлдик. Лекин биродар, сен унинг қандай тулки экавлигини тасаввур ҳам қилолмайсан. Дунёдағи энг яхши тағиғчилар келса ҳам унинг ҳийласини топишолмайди. Ҳисоб-китоб, тош-тарози — ҳаммаси жойида. У, тафтичилик Гамбург усулини билишмайди деб, ҳисоб-китобини гамбургчасига олиб боради. Унинг ҳийласига ҳеч кимниг тиши ўтмайди. Мен ҳам ойига бир неча юз лирадан топадиган бўлиб қолдим. Уники-ку беҳисоб... Минг лирадан ҳам кўпроқ бўлса керак. Чунки у фақат омбордан эмас, балки ҳамма жойдан ҳам пул топишни билади. Йўқ нарсадан уй қуриб ташлайди. Министрликатаги ошна-оганийларига ҳат ёзди, чизади, хуллас эплайди, пул топади. Кейин докториниг олдига боради. «Буни қаранг, афандим, шу хонага битта катта шкаф зарур экан-да... Манави бурчак бўш ётибди. Дарров боллаймиз... Мен бир илож қилиб пул топиб бераман!» Пуа топиб, ишини дарров битириб беради: ўзи ҳам унчамунча «ишлаб» олади. Узинг ўйлаб кўр, касалхонанинг машинасини икки йилда тўрт марта бўятдин-я. Ўйлар ҳар уч ойда бир мартадан оқлаимаса бўлмайди... Каравотларни ремонт қилиш... кўрпа-тўшакларни саватиш... Буларинг турган-битгани пул-да, биродар! Азбароини хуло, оламда у дўндиримайдиган иш йўқ. Икки ўйликни битта кафанга тиқиб, иккинчи кафанинг уйига жўнатади. Кафанилик ҳам ажойиб итальян батистидан, урушдан олдин олинган экан... Эҳ-е, япа қанча нарсалар бор. Бир куни у кўрпа-тўшак қавитиш ва касалларга пижама тикириш учун касалхонага бурни тиртиқ бир хотини бошлаб келди. У билан номига пул тўғрисида галиашган бўлиб, алоҳида хона ажратиб беришди, унга тикиув машинаси ҳам бериб қўйнишди. Хотин тўрт ой ишлаб, жами икки минг етти юз лира пул олди. Бизнинг ҳожимиз бу бурни тиртиқ хотининг пулини бир кун ҳам кечкирмас, тилхатларни ўзи тўғрилар, хуллас унга ҳар

томонлама қулайлик түғдириб берарди. Охири у ишни тутагиб кетди. Орадан бир қанча ой ўтди. Бир куни бир иш билан Ҳожининг ўйига бориб қолган эдим, эшикни ўша бурни тириқ хотин очса бўладими! Үнинг хотини экан. У Ҳожига унашилгандан кейин анжир дараҳтидан йиқилиб, бурнини шох йиртиб юборган экан. Хотининг Даганжида иккита уйи бўлиб, Ҳожи шуни мўлжаллаб унга ўйланган экан.

Мен бу ҳақда гапирмоқчи эмасман... Хумпар иложини топса ҳар нарсадан уриб қоловеради. Боплайди ҳам. Бу дунё манфаат дунёси. Ўз манфаатини кўзламайдиган одам борми? Иложи бўлса, ўғрилиқ қилмайдиган одам топиб бер-чи! А? Ҳа, шундай одам топиб бер-чи! Бoshimni гаровга қўяман, бунақа одам топилмайди. Аммо бизнинг ҳожимиз йўлини билади. Устаси бўлгандан кейин қотиради ҳам... Лекин мени алдагани яхши эмас. Омбор учун жавобгар менман... Ҳамтовоқлари билан келишиб, пулни чўнтақка уриб ётибди... Улушимни беришга келганда, она сутимни оғзимга келтиради. Бироннинг олдида гапириб бўлмаса. Агар хонада бирор ўтирганида қулоғига шивирлаб беш лира сўраб қолсанг, итдай талаб, қувлаб чиқаради... Ахир бирга ишлаймиз, уни лақиллатиб нима қиласман, демайди ҳам. Одамни жуда хор қилиб юборади. Таҳорат ушатгани ташқари чиқиб қолса, орқасидан югуриб бориб зўрға тўрт-беш лира ундириб қоламан. Ишга ёлланган Қорақошдан уч юз лира униши керакмиди? Шунинг ярми менга тегишин керак... Ҳиссамни қачон сўрамайин «ҳали олганим йўқ... у хумпар бизни лақиллатиб юрибди» деб қўлимига беш-ён лира тутқазарди... Мен ундан олган пулимни дафтарга ёзиб қўярдим. Ҳисоб-китобни кейин қиласардик. Барibir ўшанда ҳам мени туширади. Ишхонада бу тўғрида ҳеч гаплашмасдик. Биз икки-уч ҳафталада бир марта кечга яқин ишдан чиқиб кичикроқ майхонага борарадик. Бу сафар ҳам шундай қилдик. У ҳам дафтарини олди, мен ҳам. Дафтарларимизни солиштириб чиқдик.

«— Менда қанча пулинг қопти, чироғим? — деди у. — Икки юз лирами? Ҳа, тўғри. Хумпар тўрт юз лира беряши керак эди, Лекин у ноинсофлик қилиб, кам берди! Буларда виждан деган нарса йўқ ўзи! Агар ёлғон гапирайтган бўлсам, бола-чақамнинг роҳатини кўрмай, мана

Шу нон урсин — ундан аранг уч юз йигирма лира ундириб олдим. Бермаса нима ҳам қиласан?! У билан муштлашиб ўтирмайман-у, ахир. Биз ҳам унинг олдида ожизмиз. Уч юз йигирма лира.. Ярми қанча бўлади? Юз олтмиш лирами? Шу вақтгача мендан қанча олибсан? Бир оз ўн беш лира-а... Хўп, энди нима дейсан? Қирқ беш лира ҳақиниг қолибдими? Ўзинг ўйлаб кўр чирогим, сен уйланимагансан... биттагина онанг бор, ўйжойларинг ўзларингники. Мен бўлсам ижара ҳақи тўлайман, бунинг устига икки ўғлим ўқийди... Коллежга йилига икки минг лира тўлаш керак. Мақсадимиз ватанга муносиб ўғил тарбиялаб бериш... Қани, шу йигирма беш лирани ҳам ола қол. ҳисоб-китобни тамом қилийлик... Ол энди, чўэниб ўтирма... Сен мард, яхши боласан... Қани, ола қол. Менга рухсат... Бугун шанба, уйда бола-чақа кутиб ўтиради... Оқсаройга боришим керак-а!»

Ўрнидан турди-ю, ғойиб бўлди. Менга бермоқчи бўлган йигирма беш лира ҳам ёнида кетди... У ҳам майлику-я, лекин «Овқат-повқат учун ўзинг тўлаб юбора қол, ёнимда майда йўқ экан!» деб чиқиб ќетганига нима дейсан? Азбарои худо тепа сочим тикка бўлиб кетди. Номус кучлилик қилмаганида, орқасидан югуриб чиққан бўлар эдим. У ҳожи, бизнинг устозимиз, уни ҳурмат қилини билга ҳам фарз, ҳам қарз. Аммо бақрайтиб туриб ҳақимизни едирмаймиз, нима дедингиз?

## «МАСЛАКДОШ»

Кел, шу ерда қиттак «дори» қилиб олайлик. Жоним афандим, ярим соат кеч қолсанг, уйдан сени ҳайдаб юборишмайди. Үзимиз уйланмаган бўлсак ҳам, бундай нарсалардан хабаримиз бор. Бу ерда жонинг ҳузур қиласидиган газак бўлади, ўзи ҳам жуда арzon. Озиб-ёзиб учрашиб қолибмиз, лоақал ароғимизни татиб кўр...

— Жигарим... Ҳў. гарсон!.. Қапи, бирор нарса олиб кел-чи!.. Үтир, дўстим. Сен билан биз унча эски таниш бўлмасак ҳам, негадир менга ёқиб қолдинг. Мен улфат қулиман. Айниқса, маслакдош улфат деган жойда жонимни ҳам аямайман. Бу мамлакатда сен билан бизга ўхшаган беш-ўнта зиёли бор холос, шуларки бир-бирига қовушмаса, ҳолимиз нима кечади? Ё гапим нотўғрими, дўстим? «Хозир дунё манфаат дунёси, одамнинг шахсий дўсти бўлмаслиги керак!» дейишади, лекин мен бунга қаршиман. Авом ҳалқ нима деса, шундай экан-да, деб кетаверсак яхшими? Бу билимимизга ҳам, хислатимизга ҳам, эътиқод-фирвларимизга ҳам мутлақо тўғри келмайди. Сени билмайман-у, лекин мен моддадан юқори бўлган аллақандай маънавий боғлаб турувчи ипга, кишиларни ўзаро яқин қиласидиган аллақандай ҳиссиётга ишонаман. Үзинг ўйлаб кўр, дунёда ўзаро мұҳаббат, ўзаро яқинлик ҳис-туйгулари бўлмаса, киши дунёда яшаб нима қиласиди? Ана шу ҳис-туйгуларимизгина бизни авомлардан ажратиб туради-да! Лекин биз зиёлларни ҳам ўзаро бир-бирига боғлайдиган ягона фикр иплари йўқ.

Ҳар ким ўзича ўйлади, ўз манфаатини кўзлайди... Шунинг учун яқин улфат топиб қолсан, хурсандликдан теримга сиёмай кетаман. Ҳар ким ўзича қўйнб-пишади, зиёлиларнинг ҳар қайси ҳаёт ҳақида, одамлар ҳақида жуда кўп фикрларга, айниқса, ўз фалсафасига эга. Ҳаммамиз ҳам буни тушунадиган, қарама-қарши фикрларни изоҳлаб берадиган дўстга муҳтојмиз. Йўқ, йўқ, топиб бўлмайди дедим-ку!.. Идорада ўн бешга яқин киши ишлаймиз... Ҳаммаси ҳам ўқимишли, таҳсил кўрган, билимдон, зийрак одамлар. Лекин биттаси ҳам дидимга тўғри келмайди. Қани энди жондан азиз, яқин улфатинг бўлса-ю, борингни фидо қиласанг... Идорамизда бир йигит бор эди. Бошига кулфат тушди, балки, эшитгандирсан... Қисқаси у... эҳтимол ўзинг унга адвокат бўлгандирсан... Тўгрисини айтсанам, ундаи одам топилмайди, қалби гавҳар, ўзи ҳам ажойиб эди-да! Мен фақат ўшанигина яқин дўстим деб билардим. Қўлингдан нима ҳам келарди? Одамлар шунаقا ўзи... Туҳматга қолди... Қамаб қўйдилар... Бунга ўзи ҳам айбор, чунки тиљини тиймасди, орқа-ўнгига қарамай гапнраверарди. «Ўғлим, ҳозир сен айтган замон эмас, дунёни қайтадан қуриш қўлингдан келарми?» деб ўзига неча марталаб айтдим. Уч-тўрт курушни чўнтағингга солиб, бир чекада тинчгина ётавермайсанми... Шундай эмасми, жоним афандим? Бизнинг ҳам ўзимизча шахсий фикримиз бор... Фикр бобида ундан кўра ўзимни пешқадамроқ ҳисоблайман... Бу дучё шундайлигича қолиб кетмаслиги керак, бу тўғри гап, лекин, ҳамма нарса ҳам ўз навбати билан бўлади-да!. Ахир мен гап сотиб юрганим йўқ-ку? Одам деган қорда ҳам из қолдирмай юриши керак... Лекин ўжар бола бучга қулоқ солармиди... У ҳамиша тўппа-тўғри кетаверарди. Гўё ёлғиз ўзи дунёни остин-устун қилиб юборишга қодирдек.

— Ўғлим гарсон!.. Бизга яна биттадан ароқ келтир!: У, ўқиани-ўқиган, китобларда ёзилган нарсаларнинг ҳаммасини чин деб ҳисоблаб, миясига жойлаштириб олгани эди. Турмушга разм солиш керак, турмушга, китобларда ҳеч нарса йўқ... Эҳтимол биз ҳам уйимизда китоб ўқиб туармиз... Лекин турмуш бутунлай бошқа нарса... Одам деган орқа-олдига ва замонга қараб юриши керак... Пайти келгандаги мени ундан ҳам кўпроқ жонбозлик кўрсатарман... Бошимдаги фикрни амалга ошириш учун сўнгги томчи қоним қолгунча курашмасам номардман.

Лекин ҳали айтганимдек, ҳамма нарсанинг ҳам вақт соати бор-да.

Эҳ, аттаңг... Ўзига-ўзи қилди, бола бечора... Бу ер, кичкина ер... Гап-сўз дарров ҳамма ёққа тарқаб кетади... Ганини кўпайтирмай тинчгина бир чеккада яшаган маъқул. У бўлса, дуч келганга ёниши, мамлакат утуғларининг ҳаммасини ғазаблантириди. Пиравордидা ўша машъум одамлар билан жанжаллашди. Ўшандада мен уни чақириб олиб, «Дўстим, буларнинг на имони, на дини бор. Одамга энг кейин зарур бўлгап нарсани улар биринчи навбатда эп кўришади» дедим. Бироқ унга ганимий уқдира олмадим. Ўша одамлар иккита ёлғончини гувоҳ қилиб, унга туҳмат қилишди... Бола бечора қамалиб қолди...

— Ишонмаслигинг ҳам мумкин, ўша куни кечгача жинни бўлиб қолаёздим. Уни ўйлаган сари кўзимга ёпи келади. Ҳа, йиғладим! Ишонгиг келмаса ишонма, биродар, мен улфат қулимсан, азиз дўстим учун жонимни ҳам аямайман, деб айтдим-ку ҳали. Ҳақ гапни айтяпман, ҳаётимда юрагим уришдан тўхтаб қолди. Бечоранинг на пузи бор, на бирор кимсаси... Опаси, ука-сингиллари ўнга қарам эди. Бошига кулфат тушди, яна қандай кулфат-а... Берай десам, ўзимда ҳам пўл йўқ... Бор бўлгандада жонимни ҳам аямасдим... Лекин ўзингга маълум, ойликка қарам одамлармиз... Бунинг устига бировга бориб, унинг тўғрисида бир нарса гапириб бўлмайди ҳам... Жиноят ёмон нарса. Кинин дарров қоралаб қўядилар, оқини ҳам қора қилиб кўрсатадилар... Қамоққа бориб уни кўролмадим. Биласанми, шу лаънати жойнинг яқинига йўллагим ҳам келмайди... Лекин қўлимдан келган яхшиликийни бу боладан аягим йўқ... Дўст учун жонимни ҳам аямайман дедим-ку...

Сени адвокат тикка танланганинг эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Иши гоят нозик-да!.. Бу нарса ҳамма адвокатнинг ҳам қўлидан келавермайди... Бунинг учун ёши, юрагида ўти бор, даъвонинг руҳини сезадиган киши бўлиши керак. Чиндан ҳам янгилишмаган эканман. Суднинг дастлабки мажлисида уни ёқлаб сўзлаган нутқингни менга гапириб беришди (ҳа, ўша куни бир оз тобим қочиб, суд мажлисига боројмадим, воқнани оғайнилардан эшитдим), қизғни нутқ сўзлабсан. Нима бўлса ҳам биринки мажлисдан сўнг болани қутқазиб қоларсан дейман..

Гарсон... Кел жигарим, столни йигиштириб ол!..

— Ич, биродар, ич! Худо ҳақи, шуни, аламимдан ичнаман. Ичим ёниб кетяни, ёниб!.. Үни йил қидирсам ҳам, бундай маслакдош улфатни тона олмасдим! Үни ҳам тақдир менга кўн кўрди. Эсимга тушса дардим янгиланади. Ахир, биз бу срда ўтирибмиз, у бўлса тош тўшалган хоналарда нима қиласётганикин?.. Эҳ, бевафо дуне!..

Лекин биласанми нима? Бу воқна унинг учун сабоқ бўлиши ҳам мумкин. Бир оз ётиб чиқса, ҳеч нарса бўлмайди... Ўзи шуига ўхшаган нарсага муҳтож эди, шундай эмасми? Тўгрими?! А, нима дейсан? Ҳаддидан ошиб кетаётган эди-да. Тутган йўли дорга олиб бориши ҳам мумкин эди. Тағинам омади келиб қолди.. Кўпи билан бир-икки йил ётиб чиқади, сабоқ бўлади, сабоқ! Бу нарса унинг истиқболи, ҳаёти, тинч умри учун керак... Мафкурамиз учун лозим. Жигарпорам, агар сен ҳам уни ҳурмат қиласанг, уни ёқлама!.. Унга яхшилик қилимоқчи бўйсанг, қўя бер, ишинг бўлмасин! Бир оз тавбасига таяниб чиқсин...

Мусолини нима деган эди? Одам бўлиш учун бир неча йил қамоқда ётиш қерак деганмиди? Шу Мусолини ажойиб одам-да!.. Жамиятиниг ана шу фожиали даврида зиёли қамоқда ётиб чиқиши керак... Онгни ўстириш, ҳаётни тушуниш учун бундан бошқа илож йўқ. Бизниг ўғлон ҳам шу тариқа китобдан бош кўтариб, атрофига назар ташласа, кўр-кўронга кирган йўлидан қайтиб қолар.

Ҳа, уни севсанг ҳимоя қилишга унча уринма. Ҳар нарсага ҳам унчалик киришиб кетаверма... Судда жуда яхши оташин шутқ сўзлаганингни эшитиб ҳам хурсанд бўлдим, ҳам ўғлонни ўйлаб хафа бўлдим. Сени бу ерга чақиришдан мақсад ҳам шу эди. Зотан ўзи ҳам асабий бола, пасти-баланд ган қилиб, судъяларниг ҳам жаҳлини чиқариб юборади, ишни расвони жаҳон қилиб, бир-икки йилга кесилиб кетади... Ҳа-ҳа-ҳа... э... Бор-йўғи бир икки йил ётиб чиқади... Нега бошинигни чайқайсан? Адвокатлигим учун нул оламан, бу вижданни эмас, дейсанми? Бу унга иисбатан ёмонлик эмас, турган-битган яхшилик-кў!.. Истасанг, одамгарчиллик қили-да, пулинни олмай қўя қол... Қанча лира берини керак? Йигирма беш лирами? Мен ўттиз лира берай, сен уни кестирив юбор! Кўряпсанми, ишқилиб унга фойда бўлсин деб, фақат пу-

лимни эмас, жонимни ҳам аямаяпман? Шундай яхши дўстимдан, шундай маслакдош улфатимдан жудо бўлишга ҳам розиман...

— Нима? Ўттиз лирани қаердан оласиз дёмоқчимисан? Ҳа, у қамалгандан кейин жойи бўшаб қолган эди... Ўрнига мени олишди. Шу ойдан бошлаб маошимга яна қирқ лира қўшиб берадиган бўлишди...

Гарсон... Яна битта ароқ келтир!..

## ДУШМАН

Тун, ёмғир шивалаб турибди,

Пальтосининг кенг ёқасини кўтариб, қалин қўлжоп кийган қўлларини орқасига қилиб олган бир йигит боради. Хўл асфальт кўчада унинг янги локланган ботинкаси ярақлар, йўл-йўл қора шими қоматига жуда ёнишиб тушган эди.

У нам асфальт юзидан тик юқори кўтарилиб, яна пастга тушаётган ботинкасига маъносиц тикилганича чуқур ўйга толиб боради. «Тўғрисини айтганда, кишининг ҳаёти ҳам мана шу локланган ботинкага жуда ўхшайди,— деб ўйлади.— Биз ҳам судрала-судрала эскиб, тўзиймиз, путурдан кетамиз; бориб-бориб ахийри ҳеч нарсага яроқсиз бўлиб қоламиз...»

Мулоҳазалари ўзига у қадар нозик ва чуқур маъноли кўринмади шекилли, лабини тишлаб қўйди. Кечқурун бир ошнасинникида, покер ўйнаб ўттиз лира ютиб олганилиги эсига тушиб қолди.

«Агар ёнимда ўша хотин ўтирганда, яна анча ютган бўлардим,— деб ўйларди.— Аввало у эрининг пулига ишониб, дангал ўйнади, ундан кейин ора-сира энгашиб, карталаримни ҳам кўриб олди».

Яна упа-элик, атир ва аёл киши сочининг хушбўй ҳиди димогига ургандай бўлди, ютиниб қўйди.

Гарчи зерикарли бўлса ҳам ҳаёт қандай яхши!.. Кундузи идора хизмати... енгил иш... катта даромад...

Хизматдан сўнг тўйиб ейиладиган яхши овқат. Овқатдан сўнг чой... баъзан кино ёки покер ўйини. Сўнг уйқу...

Буларниң ҳаммаси яхши, аммо, кун бўйи давом этадиган ёқимсиз ишдан зерикеб, ўз ҳаётининг пуч, бемаъни эканини сезар ва бу кайфиятдан ҳеч қутулмасди. Унга нимадир етишмаётгандай бўларди.

Ҳозир уйга қайтар экан, у ҳаётининг шучлигини яна бир қайта ҳис этди. У кунини яхши ўтказди, ҳатто ўттиз лира ҳам ютди, бироқ ҳамон порози, кўнгил қаноатланмаган.

«Балки бу ҳаёт, қониб ухламаслик асабларни бузгандир», деб ўйлади.

У уйига яқинлашди, ярим очиқ турган боғча эшигини тениб очди-да, шағал тўкилиб икки тарафига гул ўтқазилган йўлкадан осмонга қараганча кета бошлади. Кечаси доим уйига орқа эшикдан киради. Хизматкор дарвозага яқин ерда ётса ҳам; уйғотгиси келмас, бунинг устига, орқа эшик ётоқхонасига яқин әди. Хуллас, шу ёқдан киришга одатланниб қолган әди.

Эшикка яқинлашгач, чўнтағидан калитни олди-ю, эшикка қараганича қотиб қолди. Қандайдир бир қора нарса эшикниң кесакисига суюнганча қимирламай турарди.

Йигит қўлинин чўнтағига суқди. Аксига олиб тўппончинини ҳам олмаган экан. Қора нарса бирдан қимирлади.

Йигит додлашга, қочиб кетишга шайланган эдиямки, қорайиб кўринган киши бармогини лабларига босиб: «Жам!» деб пичирлади.

Нотаниш киши томонидан бу сўз шундай табиий ва буйруқ тарзида айтилган әдики, йигит беихтиёр тўхтаб, унга қизиқиб қаради.

Нотаниш киши яқинроқ келди-да:

— Шу ерда бир оз мизғиб олдим. Ёмон ниyatда келган деб ўйламанг. Ётадиган жойим бўлмаганидан келдим.— деди.

Йигит уни диққат билан кўздан кечирди, унинг на гадой, на саёқ кишига ўхламаслигини кўриб ажабланди. У тупна-тузук кийнинган, ҳатто галстуғи ҳам бежиримгина. Қисқаси, бу одам ташки қиёфасидан мартабали кишилардан фарқ қилмас әди.

Йигит ўзини хотиржам тутишга тиришиб, нотаниш

киши олдидаң ўтди-да, эшик қулғига қалып төзди. Бироқ, түсатдаң япа ваҳм босди. «Нета бу оламиш сўзига лаққа тушиб, ишона қолдим, тайин сездиришай орқамдан келиб, бирор нарса билан бошимга тушириб қолмасайди».

Нотаниш киши оёқларини судраб босиб, бир неча қадам узоқлашгач, орқасига ўгирилиб:

— Бу кеча боғингицининг бир бурчагида тунашга ижозат берасизми? — деди-да, сиренъ туни томон бир қадам юрди.

Йигит қайрилиб бегона кишига қаради. Шохларининг соясинда нотаниш кишининг юзи унча яхши кўринмасди. Бироқ, унинг овози йигитда шундай ишонч тудирдиди, бир зумда қўрқув ва иккиланишни бутуслай унуди.

Кўйқисдан хаёлидан бир нарса лип этиб ўтгандаи бўлди. Унда ишонч ҳосил бўлганилигига сабаб бу овозининг таниш эканлигига эмасмикни? Бу овоз унга қадар-дон дўстининг овозини эслатди.

Йигит унга томон юрди.

Емғир тиниб, кўкда булатлар бир-бирини қувалашиб бораради. Вақт ярим кечадан оққанда чиққан ярим ойнинг дарахт шохлари орасидан тушиб турган ола-чалпак шури нотаниш кишининг юзини сал ёритарди.

— Ижозат бермасангиз, кетайин,— деди у атрофга аланглаб.

Лекин йигит унинг сўзларини яхши англолмади.

Шохлар орасидан тушаётган ой нури нотаниш кишининг оғзи ва иягини ёритди. Бу тишлар ва гапиргандада бир томонга бурилиб кетаётган бу лаблар йигитга таниш кўринди. У яқин бориб, нотаниш кишининг башарасига разм солмоқчи бўлувди, нотаниш киши ўзини орқага тортиди.

— Сиз ҳалиги... эмасмисиз?... — сўради йигит.

Лекин нотаниш киши қўли билан оғзини тўсиб:

— Овозингни чиқарма!.. Мен сени бир кўришдаёқ танидим, аммо мени эслай оларсан деб хаёлимга ҳам келтирмаган эдим,— деб шивирлади...

Йигит унинг қўлидан ушлаб ўзи томонга, ёргулликка тортиди.

— Жуда оз ўзгарибсан... Юз-кўзларнинг унча ўзгармабди: оғзинг, бурнинг аввалгича, айниқса оғзинг. Бироқ нима деса бўлади... ҳалиги... бир оз қаригандай-

сан... Йўғ-эй, қариган ҳам эмассан, мендан ёшроқ кўринасан.... Хулласи, бошқачароқ бўлиб қолибсан. Афт-башаанг эмас, унинг ичи ўзгарганга ўхшайди... Азизим, кечирасан, лекин мен буни сўз билан ифода этолмайман:

У киши бир оз кулимсираб:

— Сен ҳам бир оз ўзгарибсан,— деб қўйди.

Улар эшик олдинга келиши.

— Ташқари совуқ, шундай эмасми?— деди йигит у кишига савол назарни билан қараб.— Уйга кирайлик-а?

Нотаниш киши кулиб:

— Мени уйга киргизиш хавфли,— деди пичирлаб.

Йигит тўхтади. Уни яна аввалгидаи қўрқув босди. Буни пайқаган меҳмон тинчтишга ошиқиб:

— Йўқ, азизим, мени ўғрилик-босқинчилик билан шуғулланмайман, лекин полиция ахтариб юрибди.— деди.

Йигит меҳмонга дикқат билан тикилди-да, кейин кулиб деди:

— Ким билади нима ишлар қилиб юрибсан! Кел, бир оз суҳбатлашайлик!

Улар қоронги коридордан ўтгандан кейин, зинадан юқорига чиқиб меҳмонхонага киришди.

Мезбон электрни ёқди.

Меҳмон ҳамон енгилгина кулимсираганча, уйнинг у ёқ-бу ёғини кўздан кечира бошлади.

Хона тартибли ясатилган бўлса ҳам, бир оз бесаранжом эди. Полга гилам тўшалган, пастак столчаларга папирос тўла қутичалар териб қўйилган. Бу жиҳозларлан бўлак яна иккита юмшоқ кресло ва бурчакда бир диван бор эди. Деразаларга сарғиш тўр пардалар тутилган. Ёзув столи устида қогозларнинг сочилиб ётишидан хўжайининг бўйдоқ экани ва хизматкорга бу уйни йигиштириш тақиқлаб қўйилгани кўринниб турарди.

— Кўришмаганимизга ҳам ўн икки йилча бўлгандир-а?— деб сўради мезбон.

— Ҳа, ўқув юртими гамомлаганимиздан бери кўришганимиз йўқ.

— Нега сени полиция ахтаради? Хавфли фикрларда бўялаганилигинг учун ишдан бўшатиб юборишганимиш, деган гаплар эшигандим.

— Буларни фаҳмлаш қийин эмас.

— Чиндан ҳам дунёни ўзгарта оламан деб ўйлайсанми?

— Лекин сизлар дунёни ўзгартириб бўлмайди, деб ишонишга мажбурсиз!

Орага жимлик чўқди. Икковлари ҳам креслога ўтиришди. Мезбон радиони буради. Бир оздан сўнг худди олисдан келаётгандай майни музика эшитила бошлади. Иккаласи ҳам ўйга толганча музика тингладилар. Қандайдир бир операнинг охири эшитирилаётган эди. Ҳартал гумбурлаган овозлар тингандада най овозини эслатувчи майнин куй аниқроқ эшитиларди. Иккаласининг ҳам юзларида илиқ ва юмшоқ бир табассум ўйнагандай бўлди.

Меҳмон ерга ёзилган гиламга узоқ тикилиб қолди. Унинг чеҳрасида яна табассум пайдо бўлди. Лекин бу табассум унинг қўйнига қўл солиб, сирнга ошина бўлмоқчи бўлган кимсани қаршиловчи аввалги оддий табассум эмасди. Йўқ, бу табассум самимий, беғараз, гўдак табассумидай соф эди.

У бошини кўтарди.

— Қандай ажойиб-а? Шундай эмасми?— деди у ўртогига қараб.— Музикани эшиитмаганимга тўрт йил бўлди.

— Нега?

— Имконият бўлмади-да.

Томошибинлар ижрочиларни узоқ қарсак билан олқишлидилар. Кейин немис тилида айтилган сўзлар эшитила бошлади. Мезбон радиони ўчирди. Хона жимжигт бўлиб қолди.

Мезбон билан меҳмон бир-бирларига қараб кулиб юборишиди. Улар бир-бирларига шу қадар дўстона назар ташладиларки, гўё бир лаҳза тасаввурларида орадан ўтгани ўн икки йилни бирга ўтказгандай бўлдилар. Боқишиларни самимий эди.

Мезбон ўрнидан туриб, меҳмон ёнига келди-да, унинг елкасига қўлинни ташлаб:

— Қани, гапириб бер,— деб таклиф қилди.

— Йўқ, аввал сен ўзинг гапир.

— Кўриб турибсан-ку: мен одатдаги нормал йўлдан бориб, мана шу даражага эришдим.

— Нормал йўлдан тўғри юриб бораётганингга ўзинг ишонасанми?

— Нега ишонмай? Ишладим, фойда келтирдим, ниҳоят, кўтарилидим.

— Мен сенинг қайси йўлдан бораётганингни бил-

маймац. Эҳтимол одатдаги йўлдир. Бироқ, шу йўл тўғри йўл эканлигига сенинг ишончининг комилми? Ҳаммадан муҳими, сен чиндан ҳам фойда келтирдингми? Нима демокчи бўлаётганимни тушуняпсанми?— такрор сўради меҳмон, ўз ганига жавоб ололмагач.

— Ҳа, қисман тушуняпман.

— Нима ишлар қилганинг, қандай ишини фойдали леб аташинг ҳақида ўйлаб кўрдингми ҳеч? Ҳозирги мансабга эришиш учун ўзиниг босиб ўтган ва ортингдан бошқалар келаётган ана шу йўлга сира қайрилиб қарадингми? Кимга ва қай даража фойда етказганингни ўйлаб кўрдингми?

Мезбоннинг юзида зерикиш аломати кўриниди. У меҳмоннинг гапига қўй силтаб, зўрма-зўраки кулимсирашкан:

— Дўстим, қўй шу мужмал мулоҳазаларингни!— деди.

Меҳмон креслодан сапчиб турди.

— Йўқ, бу мужмал мулоҳазалар эмас!..— қизишиб гапира кетди у. — Бу мулоҳазаларнинг маъносига тушуниб етсанг, улар сенга умрбод беш қўлингдай равшани бўлиб қолади. Бироқ, буларни бир чеккага қўя турамиз. Аммо шунга ишонаманки, бу масала устида бош қотириб кўрган киши ҳеч қачон юмшоқ креслода хотиржам ўтиромайди.

— Балки ўзингнинг мана шундай юмшоқ креслоларинг бўлмаганидан бундай мулоҳазалар йўлига киргандирсан?

Бу сўзлардан меҳмоннинг ранги ўзгариб кетди. Лабарининг чеккасидаги майин табассум ўрнини нафрат тўла ачниқ истеҳзо эгаллади:

— Агар миямни ўйлашдан, кўзимни кўришдан маҳрум эта олсам, мен ҳам сен эришдим деган мартабага эриша олишим унча қийин эмаслигини ўзинг ҳам яхши биласан!..

— Билмадим... Ўқишида илгорлардан эдинг.

— Ҳозир-чи?

— Ҳозир сен биздан бутунлай узоқдасан.

Мезбон бу сўзларни ўйламай-нетмай айтиб юборди.

Фақат айтиб бўлгандан кейингина бу гапнинг чиндан ҳам ҳақиқат эканини англади. Қаршисида турган бу киши билан эски ўртоғи ўртасида ҳеч қандай ўхаш-

лик қолмаган эди. Бу — бир оз ортиқча сўз айтиб қўйишдан чўчиб турадиган юраксиз, ҳатто келишиша олмайдиган кишисининг сўзларини ҳам ҳеч қандай эътирозсиз, дикқат билан тингловчи, меҳнатсевар, соддадил бола эмас, балки, бир сўзли, мустаҳкам иродали, ёнишганини узиб оладиган бир одам эди. Илгарилари қуюқ киприклар остидан атрофдагиларга ёқимли ва мулоийим боқадиган тим қора чақнаган кўзлар ҳозир сухбатдошининг елкасидан босиб, эзастгандай эда. Бу қарашга бардош беролмаган мезбон бошини гескарн ўғирди. Кейин ўзини ўнглаб олиб, яна меҳмонининг юзига қарашга уринди.

— Сен чарчагансан,— деди у ўртоғнининг кўзларига тик қарашга ҳаракат қилиб.— Юр, сенга жой кўрсатай.

— Демак, уйингда ётиб қолишимдан қўрқмайсан?

— Мени ҳақорат қилмоқчимисан?

Меҳмон жавоб бермай, креслодан оҳиста турди.

Улар меҳмонхонадан жимгина чиқишида, зиннадан тушишди. Мезбон ётоқхона эшигини очди.

— Бу, менинг ётоқхонам,— деб тушунтирди у.— Сен шу ерда ётасан. Мен юқорида катда ёки диванда ёта қоламан.

Меҳмон дўстига хайрли кеч тилаб хошага кирди, бироқ, бирдан орқасига қайтди.

— Кел, сени бир марта қучоқлай. Эҳтимол яна қайтиб кўролмасман...

— Нега? Эртага кўришмаймизми?

— Мен барвақт туриб, секин чиқиб кетаман. Сеннида тунаганимни ҳеч ким билмаслиги керак... Кел сени қучоқлаб ўпайни. Биласанми, мен сени ёшликда жуда яхши кўрардим...

«Ҳозир-чи?» деб сўрашга мезбон журъат этмади.

Улар қучоқлашиб ўпнинди. Ҳар иккисининг кўзидиа ёш кўринди.

— Хайрли кеч! — деди меҳмон.

— Хайрли кеч!

Эшик секин ёпилди.

Мезбон зиннадан секин-секин кўтариilar экан, ўзида бир ўзгариш сезди. Кўксини бир нарса эзиб тургандай эди.

«Унинг гапларида ҳақиқат борми? — деб ўйлади, у.— Йўқ, асло! Йўқ. Ҳамма одамларнинг аҳмоқ бўй

лиши мүмкин эмас!.. Ынсон галати маҳлуқ. Ҳар қандай ақлли одам ҳам миясига биронта бемаъин фикр ўрнашиб қолса, мана ўшунақа савдоини бўлиб қолади!..»

У меҳмонхонага кириб, радиони қўйди. Англия станциялари бир неча йиллардан берин эшиттирилавериб сийқаланиб кетган рақс куйини берарди. У радионинг қулоғини ўнгга, чапга бураб кўрди, бироқ, Ленинграддан инглиз тилида берилаётган эшиттиришдан бўлак ҳеч нарса топа олмай, стол ёнига ўтирди.

Ҳа деганда уйқуси келавермади. Ташқаридан одеял олиб кириб, диванинг устига ташлади. Худди узоқ давом этган, толиқтирадиган суҳбатдан сўнг бўладиган дай мияси чарчаган, фикрлари чалкашиб кетмоқда эди. Ҳақиқатда эса, унча кўп гаплашганлари йўқ.

Меҳмоннинг масхараомуз кулимсираб турниш, хатти-ҳаракатлари, «нечук мени беш бармоқдай аниқ кўринниб турган ҳақиқатни айтишга мажбур этяпсан?» деяётгандай жиддий қиёфаси кўз олдиндан пари кетмас эди.

Унинг бу қилиғи мезбоннинг жаҳлини чиқарди. Турниш сувга отилган тош каби тўлқинлатиб унинг руҳини тинчлигини бузган, яхши машина сингари печа йиллардан бери бузилмай, қулай формуулалар билан ишлаб келаётган ҳаётини бузишга эски ўртоғининг қандай ҳақи бор?!

«Бориб уйғотаман, баҳслашамиз!» деди.

Пастга тушиб қараса, меҳмон ухлаб қолибди. Ҳатто электрни ёқса ҳам уйғонмади. Унинг юзига боқиб, ҳайрон бўлиб қолди: бу чеҳрада на кескин заҳарханди бор эди, на юқорида ўтиришгандаги каби совуқ ва тик қарашлар. Лабларида гўдаклар табассуми ўйнаётган бир киши донг қотиб ухлаб ётарди. Эҳтимол ҳозир у тушида севимли ёрини кўраётгандир. Наҳотки мана шу одам чиндан ҳам полициядан яшириниб юрса, жамиятнинг энг ёвуз душмани бўлса?

Уни уйғотишга мезбоғнинг кўзи қиймади. У ўз хонасига қайтиб келди-да, ўйга толди: ораларида бир-икки оғиз тушунарсиз ва кескин гаплар бўлиб ўтди, холос. У хаёлида суҳбатни давом эттириб кўрди-ю, аммо, боши берк кўчага кириб қолди. Буни сезиб бутун вужудини титроқ босди. Фикр юритди дегунча ороми бузиларди: «Ахир, қайта-қайта ўйлаш, меҳмоннинг ҳақлигини тасдиқлаш-ку!» деди.

Стол устида турган газетани кўзлай кешираб экай, учинчи саҳифадаги бир хабарга кўзи тушди. Хабарда меҳмоннинг иоми ёзилган бўлиб, полиция уни зўр бериб қилираётгани, эндиликла унинг изи топилганилиги ва яқинда қўлга тушажаги ҳақида айтилганди. Сўнгра унинг шу вақтгача қилиган «жиноятлари» санаб ўтилганди; шунингдек унинг яхин маълумот олганлиги, ҳатто бир вақтлар, жамият учун фойдали одам бўлиб етишади, деган умидлар ҳам бўлганлиги, бироқ, кейинчалик у нижтимоний тузум учун хавфли киши бўлиб чиқиб, мавжуд тузумнинг очиқ душманига айлангани кўрсатиб ўтилган эди.

Йигит бу сатрларни узоқ вақт синчиклаб ўқиди. Сўнгра: «Душман...» дей ўйчан шивирлади. Энди меҳмоннинг чиндан ҳам унга душман кўзи билан қараётгани ашиқ кўриди.

Бегоналашиб қолгани юзидаи зоҳир бўлиб турган бу кишининг ўтмишини эслагандагина мезбоннинг кўнгли бир оз юмшагандай-бўлар, ҳозирги кунни ўйлаганда эса, дарвозалари берк қалъалай кўриниган бу одам, факат ҳужумгагина тайёр турган душман эди, холос.

«Бир кунмас, бир кун шунга ўхшаганилар ҳокимият тепасига чиқиб олсалар-чи?..» деган ўйдан этлари жирилашиб кетди. Ўша вақтла у билан юзма-юз келиш ҳақида ўйлашининг ўзиёқ уни даҳшатга солди. Кейин эс-ҳушини йиғиб олиб, ўзини-ўзи койиди: полициядан яшириниб юрган ва олдинга сигиниб келган бир баҳти қора кишининг нимасидан қўрқади.

«Телба-да! — деб кўйди у.— Куч бизнинг тарафда эканлигини тушунмайди».

Ҳақиқатан ҳам куч унинг тарафида эди: уни давлат фақат полиция, жандарм ва судлари билангиша эмас, ҳатто банк, мактаб ва газеталари билан ҳам ҳимоя қиларди. Бу идоралар билан алоқасининг яхшилигини ўйлагани сари, ўртоғининг қиёфаси тезлик билан кўз ўнгдан узоқлашиб, тумантар ичида, зулмат ичида ғойиб бўлгандай бўлди.

Ўзига далда бериш учун дераза ёнига бориб, кўчага қаради. Чорраҳада бир полиция у ёқдан бу ёққа юриб турарди. Йигит ойнани очиб, уни чақиргиси келди: ахир begona киши пастда ётибди-ю, тинч ухлай оладими? «Кичқирсан, уйгониб кетиш мумкин», деб деразадан

узоқлашди. Газетадаги хабарни қайта ўқиб чиқиб, ўзича:

«Демак, полиция унинг изига тушган... Борди-ю, уни менинг уйимдан топишса-чи?..» леди хавотирланиб.

Кучайиб бораётган ҳаяжон ичидан кўз олдидан қоровул, турма, суд манзаралари саф тортиб ўтди... У ўз хонасанни кўздан кечириб чиқди. Мана, шу шинам хонадан, севимли буюмларидан, ёшлинидан бери ошина бўлган мухитдан ажралишга мажбур бўлишини ўйлар экан, оёқ-кўли бўшашиб кетди. Бир қўли билан телефон трубкасини олди, иккиси чиқиши билан абонент дафтарчани очди-да, керакли номерни тониб, телефон қилди.

Навбатчи полиция назоратчисига ҳамма гапни айтиб бўлиб, трубкани қўйгач, босиниқираб ўйгониб кетгандай бўлди. Бошини кўллари орасига олиб, хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

Миясими турли-туман фикрлар чулгаб олганди. У ўз-ўзига дерди: «Мен ҳаддаи ташқари пастлик қилдим — бошпана сўраб-кеаган кишини тутиб бердим». Аммо шу вақт миясига бошқа фикр келди: «Душманини яширини мени ҳимоя қилаётган қувватларга хониник қилиш бўлади-ку!»

Вақт ўтган сари у бадтарроқ саросимага тушарди. Мехмоннинг чин қалбдан, самимий, қадрдонларча ўнганини эслади, юзининг олов бўлиб ёнаётганини ҳис этди. Ниҳоят сабри чидамай, пастга югуриб тушиб, меҳмонни ўйғотишга ва унга «Қоч! Улар бу ерга келишяпти», дейишга қарор қилди. Зиннадан югуриб тушиб, ўртоғи ухлаб ётган хонанинг эшигини очди-да: «Тур!» леб қичқирмоқчи бўлди, бироқ, сўзлари бўғзида қолди... Гўдак сингари ширин уйқуда ётган бу киши шу заҳотиён ҳамма гапни англайди. Унинг юрагини парча-парча қилиб ташловчи истеҳзо билан кулади, чақиаб турувчи кўзлари унга тикилади, шатижада ўзи нокулай аҳволга тушиб қолади. Ана шу манзарани тасаввур этар экан, сесканиб кетди. Назаридан меҳмон ишонч тўла, истеҳзсли назар билан унга тик қараб тургандай эти жимирлашиб, ерга сингиб кетгундай бўлди. Меҳмон олдида мана шундай аячли ҳолда туриш, унинг сўзларини тўла тасдиқлашиб бўларди. Минут-сониялар бир-бирини қуввиб ўтмоқда эди.

Қарама-қарши фикрлардан қаттиқ азобланадётган мезбон ечинмасдан, хотиржам ухлаётган меҳмонни ку-

затганича туриб қолди. У туриб-туриб олға бир қадам ташлаб қўяр, бироқ, меҳмон уйганиб қолса шундай оғир аҳволда ҳам ўзишинг устуцлигини кўрсатниши аинқлигини, бу эса, қудратли хонийлари бўлишинга қарамай, аяичли аҳволга туниб қолишини ўйлаб терлаб кетди.

Шу пайт настда оёқ товуши эшитилиб қолди. Шунда у қатъий қарорга келди, бир неча қадам юриб борди-ла, ухлаб ётгани мөхмомининг елкасига қўлини ташлади.

Худди шу вақт кўча эшини сеқининг тақиллади. У ўша заҳотиёқ югуриб бориб, эшикни очди. Улар тўрт кини эди: иккитаси оддий кийимда, иккитаси полиция формасида. Полициячилар товуш чиқармай, ичкарига киришиди. Мезбон уларга хонанинг ярим очик турган эшигини кўрсатди ва шовқин чиқармай зинадан илдам кўтарила бошлади.

## БҮРИ БИЛАН ҚҰЗИЧОҚ

Рифат полиция бўлимидан чиқиб, тўхтаб қолди. Қирқ-эллик одим наридаги кенг кўчадан ўтиб турган автомобилларнинг чироқлари майдада ёмғир томчиларини қамраб олиб, шалаббо кўчани бир зум ёритарди-да, яна фойиб бўларди. Бетўхтов ўтаётган трамвайларнинг жиринглаган овози ёпилаётган дўконларнинг тарақатуруғига қўшилиб кетарди. Рифат, йигирма кун ичидаги унугаёзган бу шовқин-сурондан эсанкирагандек, турган ерида турниб қолди. Шу аҳволда у яна анча туриб қолиши ҳам мумкин эди-ю, тўсатдан қулоқни кар қилгудек тариллаган овоздан сесканиб тушди: полиция-чилардан бири шу ерда турган мотоцикллардан бирини юргизаётган эди. Рифат ҳали ҳам шу ерда, полиция автомобиллари билан мотоцикллари ўртасида турганини кўриб, даҳшатга тушди, гўё уни яна юқоридаги оппоқ деворли, фанер шипли тор каталакка тиқиб Қўйишадигандек туюлди. Тез-тез юриб катта кўчага чиқиб олди. У гўё юришни ҳам унугиб қўйгандек эди. Ёқаси кўтариғлиқ пальтонинг этаги юришга халақит берар, оёқлари эса ўз-ўзидан қалтиради. Муюлишга келиб трамвай кутди. Ҳозир у бир нарсани — уйга тезроқ етиб олиб, сув ичишни, уч ҳафтадан бўён алмаштирилмаганиги учун ҳиди кўчада ҳам димоққа уриб, турган киним-бошларини янгилашни, соч-соқолини олдириб кўчаларни кезишни, оёқларида мадор қолмагунча тентирашни истар эди.

Шу пайт икки вагонли трамвай келиб тұхтади. Бұтрамвай уннинг уйи томон бормайды. У ёмғыр томчиларидан сал хирада шаштан трамвай ойнасқанда ичкарида үтирган одамларга тикилди. Лекин у ҳеч нарсаны — трамвайнинг юриб көтганини ҳам, кетма-кет үтгап трамвай ойналадынни ҳам сезмади.

Шу пайт аллаким унга қараб турғанлыгини күрларга хос сезги билан ҳис этиб, чүчиб бир қадам орқага ташланды. Ҳайратдан күзлары катта очпиди:

— Ие? Сизни ҳам қўйиб юборишдими?

— Хал — деди, эгнига қора пальто кийған, бошига оқ жун рўмол ташлаб олган бир қиз. Жавоб берар экан, кўзларига ёш олди, бошини қўйи солди.

Рифат жилмайишга уринди:

— Қанчалик ҳаяжонда эканлигигизни тушунаман, лекин, ҳозир йиғлаш эмас, кулиш керак... Сизга ҳам ёмон муносабатда бўлишдими? Қайси томонга борасиз?

— Оқсаройга?..

— Мен ҳам ўша томонга бораман. Ҳоҳласангиз пиёда гаплашиб кетамиз. Қизиқ, орқамизга одам қўйишганмикан? Қўйишига қўяверишисин... Энди бундан қўрқмаса ҳам бўлади, бизни бир-биримиз билан уларнинг ўзлари таништирганилар.

У жойидап қўзғалмоқчи бўлған эди, қизнинг қимир этмаганини, қуян солинган боши эса қаттиқ силкинаётганини қўриб, довдираб, қолди.

— Сизга нима бўлди, азизим? Шу икки-уч кунлик ҳангама сизни шунчалик қийнаб қўйдими?

Қиз уннинг товушида ўнга нисбатан сполик, ҳатто-ки улуғлик пайқади, бошини тик кўтарған эди, рўмоли елкасига тушди.

— Ҳечқиси йўқ! — деди у қуруққина. — Менга нисбатан нима қўллашган бўлса, бу нарса менинг учун эмас, улар учун ҳақоратдир... Мен бошқа нарсадан хижолатдаман... Ўша ерда сизга нисбатан ёмён иш қилганимдан кейин... кўчага чиқишим билан сизга тўқнаш келганлигимдан шошиб қолдим... Эҳтимол, атайлаб шундай қилишгандир... Бир-бири билан учрашсин, деган мақсадда бизни олдинма-кейин қўйиб юборишгандир. Шу топда бизни кузатиб турган бўлишлари ҳам мумкин.

— Қани юринг, таъқиб бўлса пайқармиз... Қўрқадиган жойимиз борми? Бизни қамоқда юзма-юз учраштирган ҳам, бир-биримиз билан таништирган ҳам уларнинг

ўзи. Иккевимизни ҳам бир вақтда қўйиб юборниди. Бир жойда яшашимизни ҳам яхши билинади... Демак, бирга кетсан, ажаблашимаса ҳам бўлади. Борди-ю бунинг сабабини билмоқчи бўлишса, яна чақиртириб уч-тўрт кунга қамаб қўйишаверсни... Қани, кетдик.

Қиз унинг пинжига кириб, қўлтиғидан олди:

— Қани, кетдик.

— Ўша туни ҳечам унутмайман,— деди қиз бир оз юришгач.— Қандай қилиб шу қадар ожизлик кўрсатганимга ўзим ҳайронман...

Рифат дарров жиддий тус олди:

— Баъзида шундай бўлади... Одамишнинг ичидагималар борлигини қаёқдан билди бўлади дейсан? Баъзида шундай ҳам бўладики, сиз сира ҳам ишонмаган одам мутлақо кутилмаган шиларни қилишга қодир чиқиб қолади. Ҳозир пушаймон бўлаётганингизниг ўзи яхши нарса. Сиз ўша ожизликни оқлаётганингиз йўқ, аксенича, бунинг учун хижолат чекянесиз. Зотан, айбингиз уйчалик катта ҳам эмас. Аслида, мени танимасангиз ҳам, сизни танийман дейишга мажбур қўлиниди... Оқибатда нима бўлди? Иккиси томондан бирни бардош берса, натижага у қадар қўрқинчли бўлмаслиги мумкин. Менга ҳам сизни куч билан танитдиromoқчи бўлишиди. Тўрт кун овора бўлишиди... Мен бунга чидадим, сиз эса бардош беролмадингиз. Ҳали гапирганимдек, бизда ўзимиз билмаган кўни нарсалар бор... Шундай пайтларда улар лоп этиб кўрина қолади-ю, бизга маълум бўлади. Шундай нарсаларниг мавжудлиги айб эмас, аммо шуларининг мавжуд эканлигини била туриб, уларга қарши курашмаслик янглиш, ҳатто қўрқинчли хатодир.

У ганини бўлиб, ёнидаги қизга кўз қирини ташлади. Бошига рўмол ёпишини унугтган мalla раиг қўнишр сочлари ёмғир томчилари остида товланашарди.

Рифатининг гаплари бир-бирига қовушмас, ўзи эса қаерга кетаётганини билмасди. У ҳар хил бўлмагур хаёлларга боравергач, ганини бошқа ёққа бурди. Баязитга, деразасидан хира нур тушиб турган бир майхона олдига келинганди, у қизниг қўлидан тутди:

— Қорингиз очмадими, хоним?

— Очга бўлса керак... Уч кундан буён ичимга ҳеч нарса киргани йўқ.

— Мен ҳам шундай... Шу ерга кириб, битталини шўрва ичиб чиқайлик.

У бир қўли билан эшикни оча туриб, иккинчесини чўнгатига тиқди: ёнидаги беш-юн лирани қамашдан олдин олиб қўйишиган эди, ҳайтовур қайтиб жойига қўйинибди. Налар бориб столга ўтиришиди. Бир косадан шўрва ичинингач, бошқа овқат кетмаслигини сезниди. Йигит чўнгатигидан бир қутича сигарет чиқарниб, қизга тутди, у эса боши билан «йўқ» деган ишора қилиб, ўриндан турмоқчи бўлди. Шу пайт Рифат куренни орқага суриб қизга қаради, бошқа нарсалар тўгрисенда ўйлаётгандек хаёлчанилик билан унга тикиди:

— Шошиманг... менинг ҳам сизга айтадиган гапим бор.

Майхонада улардан бўлак ҳеч ким қолмаган эди. Шўрва тўла қозон тенасида иягини тираб ўтирган майхоначи ҳам шўрвадан бошқа ҳеч нарса харид қилмай, ган сотиб ўтирган бу хўрандаларни гўё унугандек эди. Ташқарипда эсаётган шамол ёмғир томчиларини ўйноқлатиб ойнага келтириб уради. Рифат шивирлаб ганирди:

— Мени полиция бўлимни маҳкамасида тўрт кун қийнашгач, ўша куни кечқурун сиз билан юзлаштиришга олиб кетишаётганиларида ҳамма нарсага тушунгани эдим. Сизнинг қаршилигингиз бартараф этилганинга амин бўлишимаганиларида бизларни юзлаштириб ўтиришимасди. Сизга кўзим тушди-ю, бунга кўпроқ шондим. Сиз узун етсл атрофидаги курсилардан биринда қалтираб ўтирган эдигиз. Сиз атрофинингиздаги ҳориган, лекин, шафқатсан, юзидан заҳар томиб турган одамлардан қўрқаётган эдигиз. Мени хонага олиб кирнинганида сиз орқангизни ўгириб ўтирган эдигиз. Бошлаб киргани полицияни билан сиз ўтиргац жойга яқинлашган эдим, шу ердагилардан бири:

— «Орқага қаранг! Шу кишини танийсизми?» — деб сиздан сўради.

Қайрилиб менга қараган пайтдаги ҳолатингизни асло унугмайман.

Бундан бир неча йил муқаддам мен ҳаётимда биринчи ва энг охирги марта улфатларим билан қуш овига чиққан эдим. Узим на каклик, на қўён, умуман ов қилишини билмасдим. Кечга яқин қайтиб келаётганимизда йўлда ётган харсанг тош устига қўиган бир гала чумчукка кўзим тушди. Кун бўйи фойдаси тегмаган қўшотарни олиб уларга ўқ ўздим. Қувлар пириллаб учиб

кетди. Биттааси қанотидан ўқ еган экан, сакраб-сакраб қочмоқчи бўлди. Югуриб бориб ушлаб олдим. Мен бир қушининг қалби қапчалик кучли патиллашини ўшандада сездим. Ўша бир парча гўшт гўё қўлимни узиб юборгудек эди. Унинг кўзларида ожизлик кўрписа ҳам, даҳшат тўла эди, мен уни шу заҳотиёқ қўйиб юбордим... Ўша оқшом сизни кўрдим-у, эсимдан чиқаёзган ўша қушининг кўзларини эсладим. Қалбинигуз ҳам ўша чумчукини сингари патиллаётгандек тулоади.

Тўсатдан кулиб юборгим келди. Ҳа, ўша ерда, уйқусизлик ва очлик ичида ўтган тўрт кечадан кейин гоят қўрқинчли бўлиб туолган ўша хонада, ўша тунда, ўша душманларим қаршиисда сизнинг даҳшатдан жавдираған кўзларингиз, аллақандай ҳолатингиз назаримда кулгили бўлиб кўринди. Сиз менинг кўзларимга тик боқиб, «Ҳа, танийман!» деб ёлғои гапирднингиз. Ўшанда сиз атрофдагилардан кўра мендан қўрқаётгандек эдингиз. Бу нарса менда сизга нисбатан шафқат эмас, иафрят уйғотди. Эҳтимол ёдингизда бўлса керак, мен ўшанда ўша ерда ўтирганларга қараб кулимсирадим ва «Бундай хоним билан таниш бўлишини ўзим учун катта шараф деб биламан. Лекин афсус, бу хоними ҳеч таниёлмаяпман!»— дедим.

Мени яна юқорига олиб чиқишди, аммо, энди мен ўзимни ғолиб ҳис этардим. Бошқа одам ожизлик кўрсатган жойда букилмаганингни кўриб фахрланасан киши... Ҳозир ўша воқналарни эсласам, сиздан эмас ўзимдан куягим келади.

Қиз ҳайратланиб Рифатга тикилди. Бир нима демоқчи бўлган эди, Рифат қўли билан «жим» дегандек қилиб давом этди:

— Вужудимда қандай куч пайдо бўяганинги айтмайсизми? Маҳкамада тўрт кун азоб чекдим, кундуз кунлари қимир этмай курсида ўтиришга, кечалари тақир тахта устида мижжа қоқмай ўтириб чиқишга мажбур бўлдим. Асабларим ҳам бўяганича бўлган эди. Иштаҳа йўқолган, кўзимга уйқу келмасди. Миямни чулғаб олган хаёлларни, оқибатни, ташқаридаги турмушимни эслатадиган хотира ва одамларни ўйламасликка, мантиқ ва иродага бўйсунишга ҳаракат қиласадим. Кундузи маҳкамага келадиган полициячиларининг ўзаро гапларини эшигтан сари ўзимга бўлган ишончим тобора ортиб борарди. Эркимга, ҳатто ҳаётимга ҳам завол бўлиши

мумкин бўлган бу одамлар нақалар ожиз эдилар! Уша кунлари буларга эндигина янги уст-бош беришган эди, улар фақатгина шу ҳақда гапиришарди. Биринёк кийими ҳар хил эканлнгидан шикоят қиласа, иккинчиси шинель тиккан устани сўкар, учинчиси эса тезнагини сошиб дуруетрогини олмоқчи эканлиги ҳақида гапираварди. Ўларнинг ҳаммаси ҳам маҳкамадан, давлатдан, мамлакатдаги аҳволдан порози эди. Истаган касаба қаҳвахонасида, шаҳардан четдаги трамвайларда, ширакайфлар гурунгига эшитиш мумкин бўлган тақид ва оҳу-зорлар, бундай қараганди аҳамиятсиз, ҳаттоқи, ноўрни бўлиб туюладиган, аслида эса жиддий арзи-ҳолларга сабабчи бўладиган порози кайфиятлар шуларнинг орасида кўчиб юради. Бунинг устига улар ана шу арзи-ҳоллардан қутулиш учун курашаётган одамларни йўқ қилиш бобида ўзлари қарши чиқаётган тузум қўлида бир қўғирчоқ эканликларини мутлақо пайқамасдилар.

Баъзида полиция бошлигининг буйруги билан иш вақти икки соат кеч тугаб ёки отпускага чиққиб кетаётганилардан бирига тўсатдан муҳим топшириқ берилиб қолинган пайтларда тутақиб кетишарди: «Афандим, сиз булар тўғрисида ганинам кам ёзасиз! Булар қориндан бошқа нарсани мутлақо ўйлашмайди... Буларнинг кирдикорларини яхши биламиз-ку, кунимиз шу ерда ўтаётганини учун гапириб бера олмаймиз-да». Лекин бир оздан кейин бирор нарса ёзиб қўяй, деган мақсадда стол устида ётган қоғозга қўл узатгудай бўлсан, «ёзни-чиниш сизга ман этилган!» деб тортиб олишарди.

Мен бу бечораларнинг гапини эшифтаним, аҳволиша разм согланим сари, ўзим курашаётган иш ҳақ эканлигига, жаҳолат, мутаассиблик ва виждонсизлик оқибатда маглуб бўлишинга янада ишончим ортарди. Ожизлик кўрсатиб курашдан қайтмасам бас!

Ўзимни ушлаб туриш учун бутун иродамни сафарбар қиайдим, бардош беришга тиришдим. Ўзингиз билсангиз керак, бундай жойларда кутишдан, ҳар бир дақиқада бирор нарса юз берини мумкинлигини била туриб, соатлаб, кунлаб кутишдан кўра оғирроқ жазо йўқ. Каталакка қамалиб, сабабини билолмай, не-не хайллар ичиде лукиллаб ураётган юракка кулоқ солиб кутиш-а... Ўзими шунга ҳам кўнкитирдим. Мен мутлақо ўйламасликка, ҳис-түйғуни бутунлай йўқотиб, вақтга ҳам беларво бў-

лишга ўргандим. Бирор ҳисснётга берилшиб кетмай деб, қамоққа тушган кундан бери, ҳатто ўғанининг дафтарча ичидаги суратини бирор марта олиб ҳам кўрмадим. Шунинг учун сизнинг ўша куни кечқурунги ҳолатинигиз мен-да чуқур нафрат ўйготгани эди...

Шошманг,\* хафа бўлмай тўриниг... Агар ўшандан ке-йни юз берган баъзи нарсалар мени нафрат қилишга мажбур этмаганида эди, сизга буни гапириб бермаган бў-лардим... Биз, айтилиши мўмкин бўлмагани ёлан туфай-ли қанча-қанча азоб-уқубатларга бардош беришимизни билмаймиз, зотан, вужудимиз қирқ даража исенққа қани-чалик чидаш бериши бизга номаълум. Бирор умранинг охирига қадар қаршилик кўрсатади, бошқа бирор эса пўписадан даҳшата тушиб, жаллодлар кўлида мумдек эрийди... Аммо бу жаллодлар бизнинг душманимиз экан-лигини яхши биламиз. Буларни ҳаммаси чиркин, виж-донисиз одамлар демоқчиман. Ким билади, эҳтимол, улар-нинг орасида ҳам мушфиқ ота, содик дўст, ҳассос қалб ҳалари ҳам бордир. Лекин улар амалга минишлари би-ланоқ, иродасиз қўғирчоқ бўлиб қолишинди. Жамиятда тутган мавқе ва мансаблари уларнинг табиий ҳис-туй-ғуларини босиб туради, ишлар давомида парчалайди, охири бутунлай-йўқотиб юборади: борди-ю уларнинг ўзи ўша табиий хислатларини кейинчалик қидириб қолиша, унинг ўринда зулмат бўшлигинингина топишади, холос. Менга азоб беришаётгани кезларида ҳам уларда бирор инсоний ҳис-туйғу топмоқчи бўлдим. Ҳа, улар ёмон одам әмаслигимни била туриб, менинг ёмон томонларимни, ўзларига ёмон бўлиб кўринган томонларимни қидириб топишга уринаётгани бир пайтда уларнинг инсонинидан олис, ваҳший ҳайвонинидан ҳам бешафқат ишларида, башараларида, гап-сўзларида ҳар бир нарсага софлик ва гўзаллик бағишлайдиган инсоний хислатларини ак-сини, кўлақасини излаб тоимоқчи бўлдим. Мен уларга мутлақо ғазаб қилимадим, ҳайратланмадим; уларнинг аҳмоқлигига, шуичалик насткашлагига ачинидим холос. Шунинг учун қийноқтарини ҳам, азоб-уқубатларини ҳам ўзим учун ҳақорат деб билмадим. Ахир қийноқ нима деган нарса? Ақол ва иродамиз бизни ҳақорат қи-ладиган бир иш қилимаган экан, қийноқ фақатгина физиологик нарса бўлиб қолаверади-да. Жисем, асаб чидай-веради. Кейин бўлганича бўлади. Аммо, руҳга азоб бер-маслик ўзимизга боғлиқ. Менинг руҳим бир тарсаки эди,

бунга ўзим айборман. Ганириб бермасам бўлмайди, шунинг учун сизни ушлаб қолдим. Хотиним билан ўслим қамоқдан чиққанимдан бехабар, уйда кутиб ўтиришгандир... Лекин олдин сизга дардими очишм керак. Бўлмаса мен на уларнинг, на бошқа одамларнинг бетига қарай оламан. Сиз заифлик кўрсаттанилигинизни эслатмаганингизда буни ҳеч кимга айтмаган, эҳтимол, умримниг охиригача ўзимдан ўзим хижолат чекиб юрган бўлардим. Сирасини айтсан, сиздек бир жиноят қилган ҳамроҳимни кўриб хурсанд бўлдим. Ҳа, калтак унчалик мұҳим парса эмас деётган эдим-а. Зотани, киши одатда ўттиз-қирқ даррадан кейин ўзини билмай қолади. Ўлим хавфи, чапқоқлик ва уйқусизлик — ҳаммаси унутилади. Булар қанчалик қўрқинчли бўлмасин, ўзимга болғиқ парса эмаслигини биламан. Қўтимдан нима келади? Еловорайми? Асло йўқ! Бефойда ҳам. Дилемиз бошқа, дунёқарашибиз бошқа. Акс ҳолда бу иш қўзиочоқиниг бўрига ялинигани бўлади. Чунки бир нечта руҳий касалликка учраган девона кишиларни ҳисобга олмасак, менга азоб берувчилар, азобланишимдан завқ олиш учун қилмайдилар... Балки, бурчимиз деб қиладилар. Улар руҳини цулаға сотиб юборган одамлардай бунга кўниги қолишган, механизмга айланнишган. Бизни газабга соладиган парса ҳам уларнинг ана шу механизмга айлантилигидир. Ҳа, мен қандай бўлсан шундайлигимча, улар ҳам шундайлигича қолаверар экан, қийноқ ва дарралар унчалик қўрқинчли бўлмай қолади. Аммо мен ўртадаги ана шу тафовутни унубиб, қотилинг тузогига илиниб қолдим... Йигирма кунлик дўзах азобидан кейин ҳам бу хатоим мени азобламоқда... Нима бўлди ўзи? Қандай қилиб бунга йўл қўйдим? Буни сизга тушунтириб бера оламани, йўқми билмайман. Бу — ўлимга маҳкум этилган одамнинг жазлод олдида, қўнинг эса қассоб олдида шафқат сўраб жилмайниши дегани гап эди...

Воқна бундай бўлди: Сиз билан юзлантирилганимга ўн кун бўлиб қолган эди. Бир ҳафтадан бўён тор қафасда тиқизиб ётардим, ора-сира терговга чақириб туришарди. Аммо менинчалик қаттиқ азоблашмас, дарра билан оз-моз «сийлаб» туришарди. Кунига бир, пари борса, икки марта беш-ён дарра уриб, минг шамли чироғи миянинг қатиини чиқариб юборгудек камерага тиқишарди. Коридорда, ойнаси синган, деразадан қор уриб турган тақир куреида икки ҳафтадан бери шумшайиб

ўтирган олтмиш яшар киши менга қараганда кўпроқ қийналаётганига амин эдим...

Ҳа, ўша ерда ўтирган эдим. Бу ерга кирғанимга чамаси бир ҳафта ёки ундан кўпроқ бўлган эди, майфуршга ўхшаган башанг кийинган, паст бўйли айғоқчи камерага кириб келди. Менга у бир сантиметрча бўлиб қолган соқолимни олишни, усти-бошимни тартибга келтиришин буюорди. Коридорда қўёш нуридан кўзим қамашиди. Эшигига чарм қопланган хона олдида тўхтадик. У шу ерда турган полициячининг қулоғига алланима деб шивирлаб, мени унга топширди-да, ўзи ичкарига кириб кетди. Бирпасдан кейин ташқари чиқиб, менга «Киринг!» деди.

Дурустгина жиҳозланган хонага кирдим. Энли, нақшдор стол ёнида сарғини мугуз кўзойинак таққан лўппи юзли, дўрдоқ лаблари пастга сенлиб тушган кимса ўтиради. Мени кўриб, у ўрнидан турди, мен томон юриб қўлинни чўзди:

— «Хуш кўрдик, афандим!»

Ёқимтойлик билан жилмайиб турган бу киши мени тергов қилганиларга сира ўхшамасди. Мени бу ерга олиб келиб эшик олдида нойлаб турган полициячиларнинг хатти-ҳаракатидан бу киши шахсан менинг ишим юзасидан Анқарадан келган амалдор, катта бошлиқ эканлиги кўришиб турарди. Унинг мени томон узатилган йўғон бармоқли оппоқ қўлинига бир зум ҳайронлик билан тикилдим, сўнгра мен ҳам қўлимни чўзиб, бир бурда шиллиқ этни қисган бўлдим.

«— Қани, марҳамат, бу ёққа ўтиринг!»— деди у стол олдида турган чарм курсига ишора қилиб. У қайтиб жойинга ўтирамай, қаршимдаги курсига чўкди:

— «Сизнинг бу ерда анча азоб чекканлигинингизни эшишиб, ғоят хафа бўлдим,— деб гап бошлади у.— Сиз маърифатли, ўқиган, одобли кишисиз. Ҳали сиз юртга кўп иш қилиб беришингиз керак. Бошингизга тушган бу мушкулот арзимаган нарса, сиз билан бизнинг хоҳишимиз билан бартараф бўлиб кетади».

Мен нима дейишни, ўзимни қандай тутишни билмай қолган эдим. Бу самимий муносабатга, бу беқиёс илтифотга олдингидек совуқ муомала ва сиподик билан жавоб берайми ёки мен ҳам хуш муомала бўлайми? Ажабо, бу назокатнинг сабаби самимиликни ёки усталик

билин қўйилган тузоқми? Бу ҳақда узоқ фикр юритгани қўймади.

— «Сиз бизнинг кишиларимиз ҳақида ёмои фикрда эканлигингизни биламан, бунга ҳақингиз ҳам бор. Лекин бундай олиб қараганда, уларда ҳам айб йўқ; улар ўқимаган, тарбия кўрмаган одамлар. Ҳозирча, давлатнинг шу маошига улардан яхшислини топиб бўлмайди. Каминангиз полиция ишини Венада ўрганган. У ердаги полициячилар орасида лицейни битирмаган кишини топиб бўлмайди. Бизнинг ҳам шундай ниятимиз бор, лекин буни амалга оширгунча, орадан кўп йиллар ўтади. Иншаолло, ўшанда бизда ҳам одамига қараб муомала қиласидиган полициячилар етишиб чиқса».

Унинг оғзи гап билан овора, кўзойнак остидан кулими сираётгандек бўлиб кўришган кўзлари эса юзимга, тизза устидаги қўлларимга синчиклаб тикиларди. Тўсатдан ўрнидан турди.

«— Уларга сизни гадойваччалар билан, муттаҳам ишчилар билан тенглаштирмасликни айтиб қўйдим. Мен бу ерда сиз билан маҳбус сифатида эмас, балки ёрдамга муҳтоҷ дўст сифатида гаплашмоқчиман. Айрим масалаларда бизга ёрдамингиз керак бўлиб қолди, шунинг учун сизни бу ерга чақиртириб, бир неча кун ушлаб қолдик. Сиз қандайдир қизиқиш билан ватан хониларининг сафига кириб қолган бўлсангиз керак. Бизга айрим, керакли маълумотлар беришга рози бўларсиз, деб ишонамиз...»

Шундан кейин ў менга қамалган кунимдан бери эшитавериб жонимга тегиб кетган саволларни бера бошлиди. Полициячиларнинг орзу-хаёли бўлган бу саволларнинг бирортасига ҳам жавоб беришдан ожиз эдим.

Мен суҳбатдошимнинг назокатига жавобан юмшоқлик билан гапиришга ҳаракат қилдим:

«— Афандим,— дедим,— қўл остингиздагиларнинг беодоб муомалалари ҳеч қандай натижка бермаганидек, сизнинг ғоят одобли терговингиз ҳам фойдасиз бўлади. Чунки сиз сўраган нарсаларга илгари айтганимдан кўпроқ жавоб бера олмайман. Махфий ишларга мутлақо алоқам йўқ, сиз айтган одамларни кундуз куни кўрсам ҳам тапимайман».

Шундан кейин полициячилар би'лан менинг ўртамда ўн беш кундан бери давом этаётган кураш ўзгача тус

олди. У уетма-уэт берилетгап саволлар билди мени чаңгитинга, жавобларимда зиддиятлар тошиб, эсанкиратишига, хуллас бাযзын йарсаларга иқрор қилишга, бирталай кишилар ҳақида уларни айблайдиган гаплар айттиришига үриниди. Мен чиндан ҳам ҳеч нарсадан хабарим йўқлиги ва бирор нараса айтиб бера отмаслигим учун унга қисқа-қисқа жавоблар бердим. У юзидан аримаган ўша табассум билди яқин келар, тенамда эгилиб, мени қўйилмоқчиғ бўлар, бу ҳам фойла бермагач, мендан хафа бўлган кишилек жойнига бориб ўтирад, қўзини юмиб бир оз ўйлаб олагач, яна ўша бефойда ўйинни бошларди.

Бу савол-жавоб менинг юрагимни сиқиб юборганингидан дарра ва сўқинилар билди бўладиган терговни қўмсаётгандек эдим. Лекин айни бир вақтда мени бу хушфөъл одамининг жаҳлини чиқариш бефойда, яхши муомала қиласам, уни ҳақ эканлигимга чиндан ҳам ишонтира оламан, агар қўполланик қиласам, иш начава бўлади, деган хаёлда товушимга самимият беришга, саволларига жавоб бера олмаётганингидан ўзим ҳам хафа эканлигимни кўреатинига ҳарақат қилдим. Мен орамизда пайдо бўлган самимиятни йўқотмаслик мақсадидан унинг ҳарақатларини хайриҳоҳлик билди кузатар, савол-жавобга тегишли бўлмаган гапларига бошимни ирғаб қўяр эдим. Лекин бирорта саволига ҳам қўнгилдагидек жавоб ололмади.

Ниҳоят, у чарчаб курсига ўтирди. Биринчи марта ўлароқ у табассумсиз, жиддин ва синичклаб мени бошдан-оёқ қараб чиқди. Кейин чўнтағидан бир қути сигарет олиб, менинг тутди:

— «Марҳамат қилинг!»

Кашнанда бўлмаганлигим учун иккilandим. Илгари онда-сонда сигарет чекиб қўярдим, шу тонда эса, очлик ва тергоҳ азобидан сигаретни кўриб кўнглім айниди. «Йўқ» демоқчи бўлдим-у, лекин унинг менинг тикилиб турганинг кўриб, кўл чўздим. «Сизга ҳурмат юзасидан» демоқчи бўлгандек битта сигарет олиб, лабларим орасига илдим. Узоқ давом этган бу суҳбат давомида мен биринчи марта кулмоқчи бўлдим. У дарҳол ўринидан турди, нимчасининг чўнтағидан гугурт олиб ёқди. Мен кулиб туриб, унинг юзига қарадим.

Рифат ҳаяжонда эди. Титраган қўлини стол устидаги стаканга узатиб ичидаги сувни сипқарди. Аъзойи бада-

иниң қоллаб олған ҳаяжои бадтар күчтейиб бораётганды.  
Гини сезиб, саңчиб ўриндаи турди. Қизининг тикилган  
күзларидан яширинимоқ учун ўзиниң қоронигига тортмоқчи  
эди.

— Қани, юринг, йўл-йўлакай ганириб бераман! — де-  
ди Рифат стол устига пул ташлар экан.

Улар бирпас жим юришди. Қейин Рифат қизининг  
кўлтиғидан слив, тез-тез ганира кетди:

— Ҳа, миннатдорчиллик тўла табассум билан унинг  
кўзларига тикилдим. Ўша сигарет ва гугурт учун мин-  
натдор бўлиб, пасткашлик қилиб жилтмайганимни ҳеч  
қачон упутмайман. Ҳеч қандай дарра, ҳеч қандай қий-  
ноқ азоби мени ўша тубан жилманишдан. ҳозир ҳам  
кўз олдимда турган ўша ишшайишдан кўпроқ газабга  
солмаган эди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, кишининг ўз жал-  
лодига қараб жилмайнишдан, ундан шафқат тилаб жил-  
майнишдан кўра олчоқроқ, тубанроқ нарса борми?!

Унинг кўзларида мамнуният ўти чақиади. Мен бу  
маннуниятнинг ич-ичида заҳарханда кулгини ҳам кўргандек  
бўлдим, ўзимни ўйқота ёздим. Ўзимни тутиб  
олиш ўрнига, ўшанда туфласа арзийдиган юзимни уза-  
тилган гугуртга яқинлаштирудим.

Мен нима воқиа бўлганини билмай қолдим: у гугурт-  
ни ерга иргитди, шарақ этиб тарсаки туниди. Сигарет  
ерга тушди, бурним қонаб кетди. У шу вақтгача яши-  
риб ўтирган ғазаб ва аламига чидаётмай, устма-уст  
юзимга, қорнимга тепди, хириллаб бақирди:

— «Ҳайвои... Менинг олдимда сигарет чекаман деб  
ўйладингми? Сен итваччалар одамгарчилликка арзийсан-  
ларми? Сенга ўхшаган итга мен гугурт ёқиб берайми?..  
Ватан, миллат хонии!.. Сенларни бит-ўлдиргандай ўлди-  
риб ташлаш керак... Эшшак сени... Куренда ялпайиб  
ўтирас эмин-да, мен унга гугурт ёқиб берармишман...  
Ахлоқсиз... Йўқол кўзимдан!» — Эшикка қараб қичқир-  
ди: — «Бу ёққа келинглар!»

Хонага кирган иккита полициячига мениң қўрсатди:

— «Олиб кетинглар бу ифлосни, ҳамма нарсага иқ-  
рор бўлмагунча дам берманглар!»

Ҳақиқатан ҳам шундан кейин менга икки кун дам бе-  
ришмади. Қейин меъдаларига текканимдаими ёки ҳеч  
нарса билмаслигимга ишонганилариданми ҳар ҳояда мен-  
га қизиқмай қўйишиди... Таамдаги қийноқ излари йўқол-  
гандан кейин қўйиб юборишиди...

Қиз тұсатдан тұхтади.

— Мен уйымга етдім, сизниң нарироқда бўлса көрек.— деди у олд томонга ишора қилиб.

Рифат олдидағы эшикни кўрсатди:

— Шуми?

— Йўқ, шу кўчанинг ичида. Аммо сиз овора бўлманг,— қиз қўлини узатар экан, қўшиб қўйди.— Хайр, шу топда иккаламизнинг ҳам ўз ўйларимиз билан қолганимиз яхши.

## БАХТИЕР ЛАЙЧА

Нега мен доим фақат қайгули воқиалар ҳақида ёзаман? Ўртоқларим, ҳассос, нозик табиат ўртоқларим бундан норозилар. «Наҳотки қайгу ва ёмонликдан бошқа нарсани кўрмасанг?»— деб сўрашади улар мендан.— «Наҳотки доим оч-ялангочлар, гадо ва жафо-кашлар ҳақида ёzsанг? Наҳотки кечки газета сотувчи, кўчаларда папирос қолдиқларини териб юрувчи саргардон болалар, бир қарич ер ёки бир қултум сув учун бир-бирларини ўлдиришга тайёр қашшоқ деҳқонлар; қамоқхоналарда аста-секин ўлаётган тутқинлар; ҳеч қандай медицина ёрдамисиз бевақт жон берәётган беморлар ҳамда поҳақлик ваadolatсизликдан бошқани кўрмасапг? Наҳотки бошқа ёзадиган нарсанг бўлмаса? Наҳотки дунёда биронта ҳам гўзал ва ёқимли нарса қолмаган бўлса? Нега ҳамма қаҳрамонларингнинг ранглари сомон, қалблари қайғудан пора-пора? Наҳотки мамлакатимизда биронта ҳам қувноқ ва бахтиёр инсон топилмаса?»

Нега топилмас экан! Яхшилаб қидирилса топилади. Бунинг учун шаҳар чеккаларига бориб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Ҳамма нарса кўз ўнгимизда, ҳаммаси очиқ-ойдин кўринниб турибди...

Албатта бор, бизда фақат қувноқ ва бахтили кишиларгина эмас, ҳатто бахтили итлар ҳам бор. Шунинг учун мен бу гал очлик, азоб-уқубат ва нафрат тўғрисида эмас, роҳат турмуш, тўқлик ва муҳаббат ҳақида ёзишга қарор қилдим.

Шаҳарининг мен яшайдиган қисмидаги кўчалар кенг ва асфальтланган; йўлшининг икки четидаги ёш қаралайлар камсоя бўлса ҳам кўчаларни безаб туради. Бундай қарағайнинг ҳар тупини ўстириш бир камбагал боласини мактабда ўқитиб чиқаришдан ҳам қимматга тушади.

Ҳар куни эрталаб тротуарларда нағис кийимлар кийган ёш оналар қип-қизил юзларида мампунлик акс этган семиз болаларни безатилган аравачаларга солиб сайд қилиб юрадилар. Аравачалардаги ипак кўрпачалар устида ранг-баранг ўйинчиқлар ётади. Улар шунчалик кўпки, болалари қайси бирини олиб ўйнашин ҳам билишмайди: тоҳ шақилдоқни олиб силкитишади, тоҳ карнайчани оғизларига тиқишиади. Аравачалар ёнида каттароқ болалар боришиади. Улар жингалак соchlарни силкиб, оналарнига нималарнидир ҳикоя қилишиади. Ёш оналар бир-бирлари билан ҳузур қилиб гаплашиб қолишса, болаларга озода кийинган әнагалар қараб туришиади.

Кичкинагина боғчадаги қум устида пақирча ва курракчалар кўтарган семиз-семиз болалар ивирсиб юришиади: улар ариқ қазишиади, уйлар қуришиади, сўнг митти муштлари билан уриб, бузиб ташлашиади. Нарироқда чет тилда ёзилган китоб ушлаган оқ панамали мураббия ўтиради. Рўмол ўраб олган кекса бир хоним йиғлаётган набирасини овутади. Яна бир скамейкада уч-тўртта чиройликкина хотинлар нимадир тўқиб, таниш-билишларининг ғийбатини қилиб ўтишиади. Ҳамма ёқда шур, ҳамма ёқда роҳату фароғат.

Аммо ҳаммасининг юзида қандайдир қаттиқ зерикиш аломатлари акс этади. Бу кишиларнинг вужудини қамраб олган зерикиш шундай нозикки, уни бир қарашда кўз илғамайди. Аммо астойдил тикилиб қарасангиз, бу зерикишни уларниң бепарво, совуқнина боқишлиридан, қуруқ, ясама кулгиларидан уқиб оласиз. Кўринишдан улар бир-бирларининг сўзларини ҳатто ўзлари гапираётган сўзларини ҳам эшитмаётганга ўхшайдилар: фикрлари қаерлардадир кезади. Тўғрироғи фикр деган нарсанинг ўзи уларга ёт, лекин улар бунинг учун ғам емайдилар. Ҳурсанд бўлмасалар ҳам кулаверадилар, ҳаётдан мамнун бўлмаган пайтларида ҳам унинг ўзгаришини заррача истамайдилар.

Ҳар куни эрталаб бир ёш йигит, жигар ранг мовутдан

қилингани курткасининг барча тұгмаларини қадаб юришнің ақындарында бирон бой хонадоғоннинг малайи ёки шівеңдері, ғурур билан кеккайиб, кичкина бир лайчани сайр қылдырып юради. Сахтиёндан ўрилган бүйінбог тақилған, тизимчага боғланған, шалпанғ қулоқлари ерга тегай деб турған бўйи бир қарич, дум-думалоқ лайча майда қадам ташлаб тез-тез юриб боради. Малай қадамини лайчанинг қадамига мослаб босади. Агар ит тўхтаб қолса, у ҳам тўхтайди, илгари юрса, у ҳам юради.

Совуқ кунларда, намгарчиликларда лайчага тўқ ҳаво ранг уқали оч жигар ранг мовут нимча кийгизиб қўйишади. Тўртта оёғини чиқазиб, қорнидан тұгмачалаб қўйилади. Нимчанинг ёпишиб туриши чевар машиначи тикканидан далолат беради. Лайчанинг юнглари ҳам яхшилаб тозаланған, ялтираб туради.

Лайча ёзилиш учун дарахтнинг тагига борар экан, тоғни толқон қилгудай бақувват малай кетидан бориб, бекасининг эркаси ишини битказгунча уни ҳурмат билан кутиб туради. Сўнг улар яна гердайиб, аста-секин олға кетишади.

Нимчали лайча бошқа итларнинг вовиллашига жавоб қайтармайди. Ҳатто эгаси ешиб юборған бирон баҳайбат ит бурда-бурда қилиб ташламоқчи бўлиб, даҳшат билан унга қараб юргурған вақтда ҳам бепарво кета беради: чунки уни малай қўриқлади. Бақириб-чақириб, депсиниб бегона итни ҳайдайди. Агар бир нечта бегона ит бирданига ташланиб қолса, малай хўжасининг эркасини қўлига кўтариб олиб, чанг бўлгани юнгларини авайлаб артади. Шундай пайтларда қарасанинг кўзларидан: «Лайчага ҳеч нарса қилмаганмикин?» деб ҳаяжонланаётганини кўрасиз. Малай унинг ҳамма ёғини сийпалаб кўрар экан, ҳеч қандай ҳавфхатар йўқлигига ишонған лайча думини ликиллатиб, яланиб, пастга қараб туради.

Бир куни мен бу малайни гўшт дўконида учратиб қолдим. Ў осиб қўйилған қўй нимталарига узоқ тикилиб турди-да, охири қўзичноқнинг жигарини тортиб беришни сўради.

— Ҳеч тушунолмайман,— деди малай қайтарилған пулни санаркан,— нега қўйининг жигарини алоҳида согмайсизлар? Ахир итимиз бунинг на ўпкасанни, на юрагини ейди. Жигарни ҳам доим қайнатиб берамиз.

Агар жигарга озгина ўпка қўшсанг борми, оғзига ҳам олмайди, ўлгудай ёмон кўради. Қорнига ёқмайди, дейиншади. Яқинда мол доктори келиб, шундай деб кетди. Уни қаранг, қизиқ, ҳайвои бўлса ҳам бало-я! Овқатига озгина гўшт қўшилса ҳам дарров сезади-я! Оллоҳнинг ишига бандасининг ақли етмайди! Ҳай, сенга нима бўлди, эшитяпсанми?— деди малай ичак-човоқларни қоғозга ўрай деб турган болага қараб.— Жигарини ўрасанг бас, қолганини ташлаб юбор!

Кейин малай харид қилган нарсасини олиб чиқиб кетди.

Иккинчи марта мен уни хушбўй гуллар чамандай очилиб ётган катта боғнинг дарвозаси олдида кўрдим. У тивит одеял кўтарганча ҳашаматли лимузинга чиқаётганди. Одеял ичина нимадир ғивирлаётганини ва аллақандай ғалати овоэни эшитиб, сабрим чидамай сўрадим:

— Нима бу? Лайчага бирон нарса бўлдими?

— Йўқ,— деди малай менга бошдан-оёқ разм соларкан гердайиб.— Алҳамдуилло, ҳеч нарса бўлгани йўқ. У бугун уч-тўрт марта йўталди. Доим баҳорда ўзи шунаقا йўталади, лекин хопим афандим хавотир оляптилар. Докторга кўрсатиб келайчи.

У итни бирон ерга уриб олмай, деб эҳтиётлик билан машинага ўтирди. Машина жойидан қўзғалди..

Яқинда мен малайни боқقا кириб кетаётган жойида учратдим! У тумшуқлари узунчоқ, ўsicк оқ юнгли кучукни етаклаб борарди. Унинг ёнида худди ўшанақа жигар ранг мовут куртқа кийган яна бир малай ҳам бор эди.

— Нима бўлди?— деб сўрадим мен қизиқиб.— лайчани айрибош қилдингизми?

Бир неча кун илгари итнинг соғлигини сўраганим эсида бўлмаса керак, менга нафрат билан бошдан-оёқ разм солиб чиқди-ю, лекин гапимга жавоб берди:

— Йўқ-э! Лайчамиз боғда ётиби. Эшитмаяпсанми, будкадан товуши келяпти-ку?

Бека уйидан бир оз нарида катталиги боғбоннинг уйинек келадиган шинамгина, баргикарам будка турарди. Ундан вақти-вақти билан итнинг вовиллаётгани эштиларди.

— Бу қанақаси бўлди?— дедим мен ажабланиб.— Ахир лайчаларингиз сира вовилламасди-ку?

— Эҳ... кўнгли урғочи тусаб қолибди! Хоним афандим мол докторига машина гириллатганлари гириллатган. Итниң дарди бўлса, бадтар ошяпти... Унга муносибини топиш ҳам осон бўлмади. Хоним афандим, «паст зотли итга қўштирмайман, ярамас бўлиб қолади», дедилар. Буни топгунча кирмаган эшигим ҳам, жонимда жон ҳам қолмади.— деб узунчоқ тумшук, ўсиқ оқ юнгли итни яқинроқ тортди.— Мана қара, хўп муносибини тондим-да! Туриши ҳам виқорли. Ҳўжайним мана бу ўртоғимнинг ҳўжайини билан гаплашиб, шу итни муносиб кўрдилар. Бир кун мен итимизни уларникига олиб бораман, бир кун улар итни бизникига олиб келишади.

У темир панжара эшикни тирсаги билан итариб очиб, нозли келиндай хиромон қадам ташлаётган ўсиқ оқ юнгли итни ичкарига олиб кириб кетди...

Оҳ, мен ҳамма жонив, ларни ҳам яхши кўраман. Бутун маҳлукотларнинг тинч ва баҳтли ҳаёт кечиришини истайман. Шунинг учун бирорта баҳтиёр лайчани кўриб қолгудай бўлсам ҳам қувончим ичимга сифмай кетади. Ахир мен нуқул қайғули нарсалар ҳақида ёзиш учун туғилган эмасман-ку! Қалбим ёқимли, қувноқ ва хушчақчақ нарсалар ҳақида ёзиш иштиёқи билан жўш уради. Агар жумла жаҳон ана шу баҳтиёр лайча кечираётган ҳаётнинг ўндан бирига эга бўлганда эди; битта ҳам қайғули ҳикоя ёзмас әдим!

## ДЕВЛАРНИҢ ҰЛИМИ

Жуда қадим замонларда, тахминан бундан юз миллионларча йил мұқаддам — биз яшаётгап олам, олимларнинг таърифи билан айтганда, иккиламчи даврни бошидан кечирайётган бир вақтда — ер юзида бир тұда бағайбат ва құрқинчли девлар яшар экан. Ҳозир биз билгап ҳайвонларнинг күпчилиги ўша заңонда ҳали дүнёга келмаган экан. Ер юзида фақатгина балиқлар, бирталай құшлар, сут әмизувчи майда ҳайвонлар ва қурбақалар, шуннаның, ҳалиги девлар яшај экан. Девларнинг ўзи ҳам бир-бирига сира ўхшамас экан. Бирининг бўйи ўн газ бўлса, иккинчисиники йигирма беш газча келар экан. Бирининг териси қалин хол-хол ва тикаңдек, боши уйдек, ҳар битта тиши ва бўйни одамнинг тақасидек бўлса, иккинчисининг тўрт-беш газ келадиган бўйнига митти калла ўрнатилган бўлар экан. Лекин ҳаммасининг ҳам думи узун, панжалари чангальсизмон бўлар экан. Судралувчи ҳайвонлар тоифасидан бўлганлиги учун қони иссиқ бўлмаган бу девлар қоронғи ўрмонлар орасидаги кўлмак ва ботқоқликларда яшаб, ўт, гўшт ва бошқа нарсалар билан тирикчилик қилишар экан. Улар дангаса бўлгани учун овқат қидиришга эриниб, ўрмонда, сув ёқасида ёки кўлмак бўйларида ўлиб ётган ҳайвон мурдаларини еб, кун ўтказишар экан. Девлар ўша замонда дараҳт тепасида яшовчи сут әмизувчи ҳайвонларни әмоқчи бўлишса, орқа оёқларида тик туриб, бўйинларини чўзишаркан, холос. Бундай бемашаққат ва

роҳатда яшашларининг сабаби давюрак ёки донишмайд бўлғанликларидан эмас, балки бўйлари баланд бўлғанилиги учун ҳар нарсага қодир эканлар. Девлар бирор жойда пайдо бўлиб қолса, жамини ҳайвонлар кўё очиб юмгунича ғойиб бўлиб қолар, балиқлар сув тубига, қушилар ети қават осмонга, қолган жониворлар эса, дарахт кавакларига ва инларига тум-тарақай бўлишар экан. Коинот гўё бу ташиб, аммо золим, тентак, лекин зўравон, қўрқоқ, бироқ очофат девлардан қутулишга ожиздек экан. Сув ҳам, ер ҳам шуларнинг қўлида экан. Келгусида ўзининг заковати ва билими билан бутуни коинотга ҳукмрон бўладиган инсон ўша вақтларда ҳали дарахтда яшаб, ерга қўрқа-писа тушар. фақат сут эмиб кун кечирап экан. На рақиб, на жанг кўрмай бу коинотга ҳоким бўлиб олган, гавдасини зўрға кўтариб юрадиган, баъзида мурда талашиб қолиб, ўзаро бўғишидиган, йигирма тоинага яқин вужуди учун озиқ топишдан бўлак дарди бўлмаган девлар ҳозирни ҳам, келажакни ҳам, мутлақо ўйлашмас экан. Хаёлларида гўё коинот уларга егулик озиқ, осойишта ҳаёт кечириш учун яратиб қўйилгандек экан.

Бироқ, дунёда ҳеч нарса (у қанчалик узоқ умр кўрмасин) абадий эмас. Миллионлаб йиллар давомида ер шарига ҳукмрон бўлиб келган бу девларнинг ҳам куни яқинлашиб қолибди. Маълум сабабларга кўра табиат билан ҳаёт ўзгара бошлабди. Бу нарса тўсатдан юз бермабди. Қурғоқчилик деган нарса—инсон ҳисобига етолмайдиган жуда кўп йиллар давомида —гоҳ сезиларли, гоҳ сезилмасдан аста-секии таъсир қилиб, девлар учун роҳатижон макон бўлган ботқоқлик ва қўлмакларни қуритибди. Ўрмондаги қалин япроқли дарахтлар ҳам сийраклашиб қолибди. Янги шаронтга мослашиши лозим эканлигини анлаган ва яратилиши шунга имкон берадиган ҳайвонлар такомиллашиб, янги шакл олаётган бир пайтда, девлар сернам жойларни тополмай, биринкетин қирилибди. Улар бир қултум сув излаб қақраган чўлу биёбонларда югуриб-елишибди. Дуч келган ҳайвонларни ўлдириб, уларнинг иссиқ қонини симиришибди, кейинчалик ўзаро қирғин қилиб, шерикларининг рангсиз, совуқ ва қуюқ қонини ичишибди. Улар кучсиз бўлиб қолганларини, илгариги ҳукмронликлари қулаб, умрлари тугаб бораётганини тушунгач, бадтарроқ қутура бошлабдилар. Ана шундан кейин улар ўз авлодла-

рини, бола чақаларини сийига тушишибди. Балчиги чиқиб, сасиб кетган кўлмаклар ёқасида содир бўлган қиренштар шатижасида юзлаб девлар ҳалок бўлибди.

Ҳаёт ўса ўзидаи бераверибди. Ном-нишони аллақачон ишқ бўлиб кетган девлар бир пайтлари ҳукм сургани жойдарда ингидаи-ялги жониворлар пайдо бўлибди. Ҳашма майда сут эмумвчи маҳлуқлар такомиллашибди, уларнинг вуқудидаги ушоққина, юмиюқ нарса — миядео агаған оиниқ модданинг қудрати тобора орта борибди. Ценга шиебатан чумоли бўлиб кўрингани бу жониворлар ўзининг ишжалси ёки тишлари туфайли эмас, балки, миясен туфайли дунёга ҳоким бўлибди. У ўша замонларда гира-шира тасаввурга эга бўлгани ва орадан ўтган давр ичида ҳамма жониворлариниг насллари ўнминг мартараб ўзгариб кетган бўлса ҳам, аллақандай йўллар билан бизгача етиб келган девларни ҳам юзага чиқарибди. У излаб топиш, идрок қилиш мақсадида қандадан-қаинча жойларни кавлабди, шунда уларнинг қандайдир сабаб билан қириб битмаган қолдиқларини топиб олибди. Онгода уларнинг шаклларини жонлантирибди. Уларга турли номлар берибди. У топилган суюкларни ўйинчоқ сингари бир жойга тўплаб томоша қилибди.

Шундай қилиб, қадим замонларда қудрати чексиз, авлод-аждоди билан қирилиб кетиши гумон бўлган бу девлардан нишона сифатида эндиликда ботқоқликларда уларнинг суюклари, музейларда скелетлари, эртакларда эса ҳайбатли, лекин беозор номларигина қолибди.

Чунки ҳаётнинг тўхтамас оқими шуни талаб қиласди.

## ҚҰЙЛАР ҲАҚИДА ЭРТАК

Қадим замонларда жуда кенг ва бепоён бир ўрмоннинг ёқасидаги күм-күк майсазорда қўйлар яшар экан. Бир чўпон билан бир гала ит бу қўйларни қўриқлар экан. Қўйлар майсазордаги барра ўт ва гиёҳларни маза қилиб ер, ёзда жазирама иссиқдан серяпроқ дарахтлар соясига, қишида эса, аччиқ изғириндан катта моғорага қочиб, жон сақлар эканлар.

Бироқ, улар турмушларидан хурсанд әмас, чўпондан норози эканлар. Соқол-мўйловига оқ оралаб қолган бу одам тепаликка чиқиб олиб, эртадан-кечгача пишиjlаб ухлар экан. Уйғониб қолгудек бўлса, бирнас най чалган бўларкан-да, итларига бақира-бақира яна ўйқуга кетар экан. У совлиқларни соғиб, сутини тўйгунча ичар, ортиб қолганини бошқа одамларга сотар экан. Кўнгли тусаган пайтда бирор қўзиини бўғизлаб кабоб қилар ёки қишига қовурма ҳозирлар экан. У икки-уч ҳафтада бир келиб турадиган жаллобга қўй-қўзишларнинг бўрдоқисини танлаб сотар экан-да, жаллоб йўлга тушди дегунча яна ухлашга тушар экан. Жаллоб олиб кетган шериклари қассобнинг қўлига тушишини билган қўйлар бу қонхўрни кўрганда дағ-дағ титраб, бир-бирига суйканар, аммо, унга қаршилик кўрсатишни ўйлаб ҳам кўришмас экан. Нима ҳам қилишсин? Дунё шундай яратилган экан-да!

Бироқ қўйларнинг орасида бу ишга бир оз ақл юриладиган, бугун бўлмаса эртага пишок остида ётиш ваҳ-

ми билан яшагандан кўра, ишни бирйўла ҳал қилмоқчи бўлганлар найдо бўлибди. Бундайлар сони кундан-кунга кўпая борибди. Қунлардан бир кун суру ўтлаб юрган экан, жони ҳалқумига келган бир қўчқор орадаи отилиб чиқиб, чўпонга шох ташлабди. Чўпон итлари билан унниғ орқасидан қувибди-да тутиб олиб, дарахтга боғлаб ташлабди. Кейин бу осий жонивории жаллубга бериб юборибди. Лекин қўйлар бундан чўчишмабди. «Барнибир қассобнинг қўлига тушганимиздан кейин, бугун ўлдик нимаю, эртага ўлдик нима!» деган фикрда чўпонга шох урувчи қўчқорлар сони кўпайгандан-кўпайибди.

Сиз қўйларни қўрқоқ деб ўйламанг. Уларнинг орасида ҳам не-не қўчқорлар, не-не ҷазаматлар бор. Ахир дунё яратилгандан бери қўйлар чўпонлар билан итларга топшириб қўйилмаганлар-ку! Қадим вақтларда улар ҳам қассоб ва жаллоб нималигини, итлар нималигини билишмаган. Ўзлари овқат топиб еган, ўзлари душманга қақшатғич зарба бериб, уларни ўзлари қувлаганлар.

Бироқ, уларнинг ёғлиқ-гўشتига кўз тиккан, сутидан ёғ билан пишлоқ олиб, терисидан пўстин ва этик киядиган одамлар, «чўпон бўлмаса, бўри ва қузғуларга ем бўласиз, очликдан ҳаром ўласиз», деб уларни ишонтиришган. Ана шундай қилиб, замонлар ўтиши билан қўйлар қудратли шохларига ишонмайдиган, ўз кучларини камситадиган бўлиб қолишибди. Улар, «чўпонлар бизни хурмат юзасидан йиртқич ҳайвонлардан сақлашади, қучоқ-қучоқ ўт-личан беришади», деб ўйлар, чўпонлар, бу ишни уларнинг лаззатли гўшти учун қилаётганликларини билмас эдилар.

Кунлар ўтиб, ювош қўйларнинг эс-хушлари жойига кела бошлабди. Чўпонлар эса, кундан-кунга дангаса бўлиб кетишавериди. Бу чўпон жудаям беғам экан. У жонининг ҳузурини кўзлаб, йиртқич ҳайвонлар подага ҳужум қилса, сўйилини кўтариб, итлар билан уларни қувмас экан. Қари чўпонлардай, бир неча қўй-қўзи учун роҳатини бузгиси келмас экан.

Нима бўлибди-ю, кунлардан биринда қўшни ўрмонда яшайдиган йиртқич ҳайвонлар ўртасида қирғин бошланниб кетибди. Ўша йили қаттиқ совуқ бўлганлиги учун бўрилар билан айиқлар оч қолишган экан. Уларнинг увиллаб-чийиллашини эшитган қўйлар билан чўпон қўрқувдан дир-дир титрашибди.

Ўрмондаги қирғинда яраланган, очликдан мадори кетгап бирталай қылтириқ бўрилар бошпана излаб юриб, тўсатдан поданинг устидан чиқиб қолибди. Улар даҳшатдан ваҳимага тушган қўйларни кўриб, «бизларга мана шуниси тузук» дэя олдинга отилишибди. Оғиз йириб, тиш ғижирлатиб келаётган бўриларни кўрган қўйлар ўзларини ҳимоя қилишга чоғланишибди. Қўйлар бўлмаса очимиздан ўламиз, деб итлар ҳам гайратга киришибди. Уларнинг ҳаммаси бир бўлиб, мажолсиз бўриларга ҳужум қилишибди. Қўчқорлар бошларини эгиб, қудратли шоҳларини ўқталиб йиртқиҷларга ташланишибди, итлар вовиллаб шовқин-сурон кўтаришибди. Очлик енгиг қўйган бўрилар орқа-ўнгига қарамай ўрмонга ура қочибди, қолганлари бўлса, қўчқорлар қўлида жон берибди.

Бу сирада чўпон писиб ётган жойидан чиқибди-да, яна қўлига таёқ олиб, суруни ҳайдамоқчи бўлган экан, қўйларнинг кўз олдига қассоб билан жаллоб келибди. Итлар ҳам чўпоннинг калтагидан қутулиш, қўйлар билан якка ўзлари қолиш учун фурсатин қулай билишибди. Уларнинг ҳаммаси биргалашиб чўпонга ҳужум қилишибди. Қўрқоқ чўпон зўрға қочиб қутулиб, кўздан гойиб бўлибди.

Бу жант ҳаммасидан кўп итларга қўл келибди. Улар майсазор устидаги ўлган бўриларни ҳам, улар билан олишиб ҳалок бўлган қўйларни ҳам еб тамомлашибди. Лаззатли таомдан маза қилган итлар думларини ликиллатиб, қип-қизил тилларини осилтириб юришибди. «Мана, биз сизларни бўрилардан ҳам, чўпондан—ҳам қутқариб қолдик!»— деб қўйларга мақтанишибди. Улар борган сари кеккаверишибди, илгари чўпондан қўрқиб думини қисиб юрган бу итлар, энди ўз овозларига ўзлари маҳлиё бўла бошлашибди. Улар: «қўйларга кучкуват берган, бўриларни қўрқитиб қочирган овоз, мана шу овоздир!»— деб янада баландроқ вовиллашга тушишибди. Бунинг устига уларда аслзодалик ҳисси пайдо бўлибди. Улар майиб йиртқиҷларни қувлаганиларини бир неча марта эслаб, ўзларини оддий итлардан юқори қўйнишибди. «Ит нима деган нарса? Биз бўрилар авлодидан бўлсан керак?» дэя ўзларича кеккайиб юришибди.

Ана шу афсона секин-аста мняларини чулғаб олибди, улар ўзларини қўйлардан юқори қўя бошлашибди.

Бир марта қўй ўштини татиб кўрган итлар қўзиларни пана жойларда бўғизлаша, подадан ажралиб қолган катта-катта қўйларга ҳам ҳужум қила бошлишибди. «Авлод-аждоди ўрмонга ҳоким бўлган биздек довюракларга қўрқоқ қўйларни етаклаб юриш нима деган нарса?» деб таъна қилишибди. Яна ёввойи ўрмонларга қайтиб, ҳоким бўлишни орзу қилиб қолишибди. Улар ўзларини қанчалик юқори кўтаришса, назарларида қўйлар шунчалик майда бўлиб кўринишибди. «Қўйлар гўштини еб, сутини ичишдан бошқа ҳеч нарсага арзимайдиган маҳлуқ. Биз вовиллаб далда бериб турмаганимизда, шөхни ишга солиш бу лапашангларни хаёлига ҳам келмасди. Бўри биродарларимиз, ҳатто ўша таги паст шоқоллар ҳам катта ўрмонда маза қилиб юришин-да, бизларнинг бу ерда лақма қўйлардек индамай юришнимиз жуда уят», дейишадиган бўлишибди.

Итлардан қутулиш, чўпондан қутулагандай осон эмас экан. Буларнинг ҳам сони кўп, ҳам тишлари ўткир экан. Бунинг устига икки ўртада жанжал чиққудек бўлса, итлар бундан фойдаланиб беш-олти қўйни нобуд қилишлари мумкин экан. Шунинг учун қўйлар ваҳима ичидагима бўлишини кутиб юришибди, итларни ҳам чўпондек ҳайдаб юборишга юраклари бетламабди. Ниҳоят, итлар ўзларнинг ҳам, қўйларнинг ҳам бошига етишибди. Бир куни улар сабр-тоқатларини йўқотиб, ўрмонни эгаллашга қарор қилишибди. Бу ишга ёлғиз ўзлари қодир эмасликларини билиб, қўйларни ҳам судрашибди. «Сизлар шохларингиз билан бизга йўл очиб берасиз. Олдингииздан чиққанини сузиб ташлайверасиз, биз си ларни қўриқлаб вовиллаб борамиз, ганимларни тирақайлатамиз!» дейишебди итлар. Бу иш яхшиликка олиб бормаслигини билиб, итларга ҳамроҳ бўлишни хоҳламаган қўйларни улар: «Олчақ, қўрқоқ, паст, хоин! Сен томирида соф бўри қони жўш уриб турган итлар билан бирга яшашга лойиқ эмассан!» деб ғажиб ташлашибди.

Бироқ, ўрмон ёқасидаги чакалакка ҳам етмасларидан, бир гала бўри, айик, барс, қоплон ва шоқоллар ўрмондан чиқиб улар устига таишланибди. Тинимсиз акиллаётган итларнинг овози дарахтлар учига егмасданоқ бўғилибди, қўйларнинг иссиқ қони ерда ётган қуруқ барглар орасига сингиб кетибди.


Бетоблиги ёки қарилигидан бу юрилига чиқмай қолган тўрт-бешта қўй билан бир гала қўзинчоқлар майса-

зор чеккасидаги мөгорага яшириниб, бир-бирининг пинжига суқулишибди, ўрмон томондан келаётгап аччиқ фарёдлар, юракни эзувчи маърашлар ва фойдасиз во-виллашларни эшитиб, қўрқувдан дир-дир титрашибди. Ўрмонни забт этишга отланган итлар ва бу юришга зўрлик билан олиб кетилган қўйларнинг бошларига ишмалар тушганини англашиб, бир-бириларига қараб қўйиншибди. Ораларидаги икки кекса қучқор оғир-оғир қадам ташлаб мөгора оғзи томон юришибди, қолган қўйлардан кўз-қулоқ бўлиб туриш учун забт сафаридан қолган икки ярадор итга яқинлашибди, бундан қўрқиб хурий бошлаган итларни ҳали ўз кучини йўқотмаган шохларига илиб жарликка улоқтиришибди. Сўнгра улар қўзиларга қараб шундай дейишибди.

— Бу дунёда чўпонсиз ҳам, итсиэ ҳам яшаш мумкин экан. Лекин бу ҳақиқатни англамоқ учун ҳар гал бунчалик кўп қурбон бераверсак, ҳадемай наслимиздан асар қолмайди. Энди сизлар кўзларингни очинглар, бундан кейин яна итлар қайтиб келса, «бўрилар авлодиданмиз» дейдиган мақтанчоқ итлар қайтиб келса, сурунинг қурбон бўлишни кугиб ўтирмай, уларни тезроқ даф қилишга ҳаракат қилинглар!

## МУНДАРИЖА

Сабоҳиддин Али ва унинг ижоди. <i>Е. И. Маштакова</i>	3
Тегирмон. <i>Миад Ҳакимов</i> таржимаси . . . . .	16
Ўрмон фожиаси. <i>Воҳид Абдуллаев</i> таржимаси . . . . .	28
Ариқ. <i>Расул Раҳмонов</i> таржимаси . . . . .	34
Айрон. <i>Расул Раҳмонов</i> таржимаси . . . . .	39
Даромадли уй. <i>Расул Раҳмонов</i> таржимаси . . . . .	47
Арава. <i>Миад Ҳакимов</i> таржимаси . . . . .	52
Метрика. <i>Миад Ҳакимов</i> таржимаси . . . . .	57
Икки хотин. <i>Баҳром Иброҳим</i> таржимаси . . . . .	61
Фозлар. <i>Расул Раҳмонов</i> таржимаси . . . . .	69
Қочоқ. <i>Миад Ҳакимов</i> таржимаси . . . . .	74
Усмон қотил. <i>Миад Ҳакимов</i> таржимаси . . . . .	78
Жандарм Бакир. <i>Баҳром Иброҳим</i> таржимаси . . . . .	86
Ит. <i>Воҳид Абдуллаев</i> таржимаси . . . . .	92
Лекция. А. Бўрибоев таржимаси . . . . .	101
Асфальт йўл. <i>Расул Раҳмонов</i> таржимаси . . . . .	105
Апельсин. <i>Миад Ҳакимов</i> таржимаси . . . . .	114
Денгизчи ҳақида ҳикоя. <i>Воҳид Абдуллаев</i> таржимаси . . . . .	126
Чилли. <i>Миад Ҳакимов</i> таржимаси . . . . .	132
Буйрак. <i>Миад Ҳакимов</i> таржимаси . . . . .	140
Хинни. <i>Миад Ҳакимов</i> таржимаси . . . . .	159
Деколмон. <i>Баҳром Иброҳим</i> таржимаси . . . . .	169
Жонқурторон. <i>Миад Ҳакимов</i> таржимаси . . . . .	176
Қалдиргочлар. <i>Баҳром Иброҳим</i> таржимаси . . . . .	187
Сўнгиз ҳикоя. <i>Раҳматулла Обидхўёжаев</i> таржимаси . . . . .	192
Ҳақимизни едирамаймиз! <i>Миад Ҳакимов</i> таржимаси . . . . .	202
Маслакдош. <i>Миад Ҳакимов</i> таржимаси . . . . .	208
Душман. <i>Воҳид Абдуллаев</i> таржимаси . . . . .	213
Бўри билан қўзичоқ. <i>Миад Ҳакимов</i> таржимаси . . . . .	224
Бахтиёр лайча. <i>Расул Раҳмонов</i> таржимаси . . . . .	237
Девларнинг ўзими. <i>Миад Ҳакимов</i> таржимаси . . . . .	242
Қўйлар ҳақида эртак. <i>Миад Ҳакимов</i> таржимаси . . . . .	245



*На узбекском языке*

**САБАХИДДИН АЛИ**

**РАССКАЗЫ**

*Гослитиздат УзССР — 1959 — Ташкент*

Редактор — *Т. Ибрахимов*

Рассом — *С. Мальт* ва *Р. Ведикан*

Рассом-редактор — *Г. Бедарев*

Техредактор — *Т. Скиба*

Корректор — *И. Кобилов*

\* \* \*

Босмахонага берилди 4 VI 1959 й. Боснишга  
руҳсат этилди 3/VIII-1959 й. Формати 84×108<sup>1/2</sup> й.  
босма л. 16, шартли босма л. 25,24 Нашр л.  
13,65. Индеис и;з. Тиражи 15000. УзССР  
Давлат базиний олабиёғ мавшириётни Тошкент,  
Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 163—57.

Облполиграфиздатниш  
Чкалов номли босмахонаси  
Самарқанд. Заказ № 3103  
Бахоси 8 с. 30 т.